Ў 37(077)
П-29

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

П, Т

# ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ:
## Замонавий илмий-назарий асоси

CDHSSPE

Тошкент – 2008

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

# ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ:
**Замонавий илмий-назарий асоси**

**I Қисм**

Тошкент – 2008

Муаллифлар: п.ф.д. Тожиев М.(I, II, IV, VI, VII боблар),
п.ф.д., проф.Толипов Ў.Қ. (I, П, Ш, V боблар),
п.ф.д., проф. Сейтхалилов Э.А. (I, II боблар).
ф.ф.д., проф. Зиёмухаммадов Б. (I, И, III боблар).

**Такр^зчилар:** Юзликаев Ф.Р., п. ф. д., профессор.
Азизхўжаева Н.Н., п.ф.д., профессор
Жўраев Р.Ҳ., п.ф.д, профессор.
Мавляиов А., ф-м.ф.н., доцент

74.26
П29

Педагогик технология / ЎзР олий ва ўрта махсус таълим
ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини
маркази. -Тошкент: "Ishonch M.S." -2008.

**Қ.1:** Педагогик технология: Замонавий илмий-назарий асоси / Тожие
Толипов У.Қ., Сейтхалилов Э.А., Зиёмухаммадов Б. -186 б.

**ББК7**

Мазкур услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълиУ ривожлантириш маркази Илмий Кенгашининг 2008 йил "24" октябр^ "12"-сонли Қарори билан нашрга тавсия килинган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Вазирлик тизимида 2007 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар дастурлари" доирасиЯ ОТ-Ф8-208 - "Таълим муассасалари ўкув-тарбия жараёнига замонГ педагогик технологиялар ва илгор тажрибаларни жорий этишнинг ил» назарий асослари" мавзусидаги фундаментал лойиҳа асосида тайёрланган.

# Сўз боши

Ушбу услубий қўлланмада таълим тизимини ривожлантириш, педагогик ехнология тараққиёти ва истиқболлари, педагогик технологиянинг моҳияти, Ишнг шаклланиши хамда тараккиёт босқичлари, афзалликлари, таълим фсараёнини ривожлантиришдаги муҳим ўрни ва роли, педагогик •ехнологиянинг назарий гоялари, мажму ёндашув тамойиллари, таълим караёнининг лойиҳалаш, таълимда инновацион технологиялар ва педагогик |ехнологияларни баҳолаш методлари ёритилган.

Мазкур услубий қўлланма узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида Штолият кўрсатаётган ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар қамда касбий таълим "ўналишларидаги таҳсил олувчилар учун зарур манба сифатида мўлжалланган у\либ, педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этиш масалаларига !ағишланган методик ишланмалар, шунга оид бошка адабиётларни я рати ш ва юйиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда таълим жараёнига тадбик этиш бўйича [слубий ёрдам бўлади.

Ушбу услубий қўлланмани яратилишида ўзларининг қимматли фикр-вазирлвулоҳазалари билан амалий ёрдам кўрсатган мутахассисларга муаллифлар ривожлантифрухи ўз миннатдорчилигини билдиради.

## Мундарижа


J

**Кириш** ... 6 **1**

**I боб. Педагогик технология тараққиёти ва истикболлари** ... 8 1

1.1. Жамият тараққиёти ва эркин фикрловчи шахе ... 8 [1]

1.2. Педагогик фаолиятни технологиялаштириш - ижтимоий зарурият ... 9

1.3. "Таълим технологияси" назариясининг шаклланиш босқичлари ва таълим тизимига педагогик технологияни самарали жорий этиш йўлидаги муаммолар ... 11

1.4. Педагогик технология тушунчаси, унинг моҳияти ва педагогик технология назариясининг назарий асослари ... 15

1.5. Педагогик технологиянинг назарий гоялари

1.6. Педагогик техлологиянинг мақсад ва тамойиллари ... *Зщ*

1.7. **Таълим** жараёнига мажмули **ёндашув** тамойилари, турлари ва ишлаб чиқиш босқичлари ... 35

**П боб. Таълимни педагогик технология асосида ташкил қилиш** ... 43

2.1. Таълимни ташкил этишга нисбатан инновацион ёндашувлар мазмуни ... 43

2.2. Таълим жараёни мажму сифатида ... 45

2.3. Педагогик технологиялар татбиғи..^ ... 55

2.4. Педагогик технологияни қўллашнинг метод ва воситалари ... 59

2.5. Ўқитиш технологияси -таълим самарадорлигини ошириш омили ... 65

**III боб. Педагогик жараённи лойиҳалаш** ... 77

3.1. Педагогик жараённи лойиҳалашнинг моҳияти ... 77

3.2. Таълим жараёнини лойиҳалаш тамойиллари ... 82

3.3. Таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари ... 86

3.4. Таълим жараёнини лойиҳалаш стратегияси ... 89

**IV боб. Таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар** ... ^

4.1. Интерфаол методлар ва уларнинг тавсифи ... 95

4.2. «Фикрий ҳужум» («Мозговая атака») методи ... 96

4.3. «Ялпи фикрий хужум» методи ... 97

4.4. «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методи ... 97

4.5. «6х6х6» методи ... 98

4.6. «Ақлий хужум» методи ... 99

4.7. «Кластер» методи ... 100

4.8. «Карорлар шажараси» («Қарорлар кдбул килиш технологияси») методи ... 101

4.9. «Тажриба воситасида ўқитиш цикли» (Д.Колб гояси) ... 102

4.10. «Қора кути» методи ... 102

4.11. «Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси,...) ортиқча» методи ... 103

4.12. «3/3» («4/4», «5/5», ...) методи ... 103

4.13. «Расмларни тўғри жойлаштир» методи ... 103

4.14. «Кизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш» методи ... 104

4.15. **«Видеотопишмоқ»** методи ... 105

4.16. «Юмалоқланган қор ўйини» методи ... Ю5

4.17. «Заковатли зукко» методи ... 106

3.18. «Қарамақарши муносабат» методи ... J07





4.19. «Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим» методи ... 107

4.20. «Вен диаграммаси» стратегияси (методи) ... 108

4.21. «Зиг-заг» стратегияси (методи) ... 109

4.22. «Инсерт» стратегияси ... 109

4.23. Ролли ҳамда ишбоп ўиинлар ... 110

4.24. «Мактаб ўртокдик суди» ... 111

4.25. «Адолат ўлкасига саёҳат» ... 112

4.26. Билағонлар кўчаси ... 112

4.27. Конституция кўчаси ... 112

4.28. Изқуварлар кўчаси ... 113

4.29. Жумбоқ кўчаси ... 113

4.30. Тафаккур кўчаси ... 114

4.31. Маҳорат кўчаси ... 114

4.32. «Заковатли зукко» методи ... 114

4.33. Таълимнинг ноанаъвий методлари ... 115

**V боб. Таълимда ўқитувчи ва таҳсил олувчи фаолияти** ... 120

5.1. Педагогик технология доирасида ўқитувчи ва тахсил олувчининг ўрни ... 120

5.2. Ўқитувчи ва талаба муносабатларининг мезони ... 121

5.3. Билимларни кўникма ва малакаларга айланиш технологияси ... 127

5.4. Олий таълимда тест-рейтинг тизими: узвийлик, имконият ва технологиялар ... 133

**VI боб. Педагогикадаги инновациялар** ... 140

6.1. Педагогикада инновацион жараёнлар ... 140

6.2. Таълимда инновацион технологиялар ... 149

6.3. Таълимни бошқаришда ахборот технологиялари ... 152

**УП боб. Замонавий педагогик технологияларда бахолаш усуллари** ... **154**

7.1. Педагогик технологияларда педагогик квалиметрия методлари ... 164

7.2. Квалиметрик методлар билан ҳакикий билимлар микдорини аниқлаш методлари ... 172

7.3. Педагогик технологияларнинг самарадорлик мезонлари ... 176

**Фойдаланилган адабиётлар** ... 181

**Шартли белгилар** ... 184

**Таклиф ва тавсиялар** ... 185

# КИРИШ

*"Ҳар қандай миллатнинг равнаци, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавцеи ва шухрати бевосита ўз фарзандларининг ацлий ва жисмоний етуклигига боглицдир"*

***Испом Каримов***

Таълим - инсон фаолиятида мухим бир тармоққа айланмокда. Шунинг учун таълим тизимида педагогик фаолият билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарур. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу вазифаларни илмий-техника жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ таълимнинг янги назариясини яратиш, яъни педагогика ^анини жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва амалий кўрсаткичларини ривожлантириш натижасида амалга ошириш мумкин.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар таёрлаш миллий дастури"да кўзда тутилган асосий вазифалардан бири юқори малакали, рақобатбардош, жаҳон андозаларига мое келадиган педагог мутахассислар тайёрлашдан иборат. Миллий дастурнинг тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда кадрлар тайерлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш босқичининг тўртинчи йилида мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиши негизида бир қатор ижобий ишлар амалга оширила бошланди. Барча таълим муассасаларининг моддий техника базаси юксалмокда, замонавий ўкув лаборатория жихозлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди, фаолият олиб бораётган илмий-педагогик кадрлар салоҳияти ортди ва таълим тизимига замонавий педагогик технологияларнинг замонавий шакллари тадбиқ этила бошланди.

XX аср охири ва XXI аср бошланишида содир бўлган илмий - техника революцияя туфайли ахборотлар ҳажмининг кескин ортиб бораётганлиги таълим тизимига билим олишнинг самарали усулларини жорий этишни талаб этмоқда. Бундай усуллар фаол мустақил билим олишга асосланган бўлиши, билим олишни осонлаштиришга, таҳсил олувчилар вақтини тежашга қаратилган бўлиши лозим. Тайёр билимларни эгаллашга мўлжалланган, асосан ўқитувчининг фаол меҳнатига асоеланган анъанавий таълим энди ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Ҳозирги кунда таълим жараёнида зарур билимларни таҳсил олувчиларнинг ўзлари қидириб топиши, мустақил ўрганиши ва хулоса чиқаришига имкон берадиган замонавий педагогик технологияларга эътибор тобора кучайиб бормоқда.

ЬСадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўкув тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билаи таъминлаш унинг учинчи босқичида бажариладиган жидций вазифалардан бири сифатида белгиланди». Ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни илмий асосда киёсий тахдил килиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Узбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш бугунги куниng асосий вазифасига айланди. Республикамизнинг педагогика сохасида фаолият юритаётган олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг



ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни татбиқ этиш йўлида самарали ишларни амалга оширмокда.

Узбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Вазирлик тизимида 2007-2011 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар дастурлари" доирасидаги ОТ-Ф8-208 — "Таълим муассасалари ўкув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий этишнинг илмий-назарий асослари" мавзусидаги фундаментал лойиҳа асосида тайёрланган "ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ: Замонавий илмий-назарий асоси" услубий қўллама шу мақсада хизмат килишга йўналтирилган.

Таълим жараёнларини замонавийлаштириш жаҳон талабларига мое таҳсил олувчиларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва таълим олувчини ўз ортларидан эргаштира олиш учун бугунги устозга қандай тартибда ёрдам бериш мумкин? Улар учун муносиб илмий, услубий ва маънавий мухит яратилишининг йўллари қай тарзда белгиланади? Фақат малака ошириш тизими ёрдамида муайян муаммоларни ечиш мумкинми? Ўқитувчи, таҳсил олувчига ижодкорлик муҳитини яратиш орқали ўз устида мустакил ишлай олиши, изланиши, мавжуд муаммолларни еча олишини кандай ташкиллаштирса бўлади? каби долзарб саволлар ўз ечимини кутмокда.

Педагогик технология (ПТ) баркамол инсонни шакллантиришни кафолатловчи жараённи ташкил қилишнинг илмий-услубий асоси бўлиб хизмат қилади. Шу нуктаи назардан педагогик технология таҳсил олувчини мустакил мутолаа қилиш, билим олиш, эркин фикрлай олишга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир. *i/*

Таълим тизимидаги педагогик технологиялар замонавий таълим жараёнига янгича ёндашув, анъанавий ўкитиш тизимидан анча фарқ қилади. Таълимнинг эски тизимида билимни илм оркали эмас, балки ўша билим ўкувчи томонидан ёдланишга, эсда саклашга, хотира кучига таянилар эди. Янги технологик ёндашувда эса ўкувчи пассив тингловчи эмас, балки билимни илм оркали олишнинг фаол иштирокчисига айланиши назарда тутилган ва бундай таълим жараёнининг технологияси олдиндан лойиҳалаштирилганлигига боғлиқ.

"Педагогик технология" атамаси Узбекистан таълим тизимига яқинда кириб келганлиги боис унинг умум эътироф этилган таърифи хозирча қабул қилингани йўқ, десак муболаға бўлмайди. Буни биз педагогик технология билан бевосита шуғулланаётган таниқли ўзбек олимларинииг берган таърифларидан кўриш мумкин.

Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаёттан ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ва педагоглар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланмокда. Республикамизнинг шу соҳада қалам тебратаётган олим ва зиёлийлари миллий педагогик технологияларнинг илмий назарий асосларини, таълим жараёнини лойиҳалаш методологиясини ва ўкитиш технологиялари тизимини яратишга интилмокдалар. Муаллифлар ҳамкорлигида яратилган ушбу услубий кўлланма шу ҳаракатнинг бир мевасидир.

Ушбу услубий қўлланма юқорида кайд этилган вазифаларнинг ижобий ечимини қисман бўлсада топишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

# I БОБ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТАРАҚҚИЕТИ В А ИСТИКБОЛЛАРИ

## 1.1. Жамият тараққиёти ва эркин фикрловчн шахе

Мамлакатнинг жахон ҳамжамиятида эгаллаган ўрни унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади.

Бугунги кунда инсон ва жамият эҳтиёжларини қондиришни тобора такомиллашиб бораётган технологияларсиз тасаввур килиб бўлмайди. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибаси мисолида кўришимиз мумкин.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг хорижий мамлакатлар хамкорлигида замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик ишлаб чиқариш ':орхоналари бунёд этилиб, уларни кадрлар билан таъминлаш ишлари мумкин кадар ҳал қилинмокда. Шундай бўлсада мамлакатимизда етук мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга кучайиб бормокдаки, бу муаммони ижобий ҳал қилмасдан туриб, мамлакат иктисодиётини юксалтириб бўлмайди. Республикамизда баркамол шахе ва етук мутахассисларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Узбекистан Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг бош мақсади комил инсон ва етук малакали мутахассис етиштириш, шу асосида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлишдан иборатдир. Кадрлар тайёрлаш жараёнининг таркибий қисмлари шахе, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро бирлик, хамкорлик ва алоқа мазкур жараён муваффақиятини таъминлайди. Таълим миллий моделининг асосий таркибий қисми "шахс" биринчи ўринда туради, яъни бутун таълим тизими, жумладан ўқитиш шахсга йўналтирилган бўлиши керак.

Шахсга янгича қараш куйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида шахс объект эмас, субъект ҳисобланилади;
- ҳар бир таҳсил олувчи қобилият эгаси, кўпчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланилади;
- этник кадриятлар ( сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларда демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таҳсил олувчи ва таълим берувчи ҳукукларини тенглаштириш;
- хатога йўл қўйиш хукуқи;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- таҳсил олувчи ва таълим берувчи муносабати зайли: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликца бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Янги муносабатларнинг асосий мазмуни, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермайдиган педагогикадан воз кечишдир.

Педагогик технология шундай билимлар соҳасики, унинг воситасида таълим соҳасида туб бурилишни амалга ошириш мумкин.

Маълумотлилик асосини ташкил этувчи бош ғоя табиат ва жамият алоқадорлигини англаб етиш, авторитар ва сохта тафаккур юритиш усулидан



воз кечиш, сабр-бардош, қаноат, ўзгалар фикрини ҳурматлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш каби сифатларни шакллантиришдан иборатдир. Ушбу масаланинг ечими қайсидир даражада таълимни технологиялаштириш билан ҳам богликдир.

Таълим-тарбия мазмунига ўтмиш аждодларимиз ўгитлари, халқимиз миллий қадриятларини сингдирмасдан, замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ қилмасдан туриб бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан боғлиқ ўқув-тарбия жараёни эркин, айни чогда масъулиятли шахени шакллантиришга йўналтирилди. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон, жамиятимизда ўз қобилиятини ишга солиши, кўпқиррали маънавий ва моддий эхтиёжини қондира олиши мумкинлигини ва шу билан бирга жамият олдида тўла маънода жавобгарлиги, конунга риоя қилиши, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга эришиш учун ҳисса кўшиш зарурлигини тушунади.

Шахс таълим жараёнининг объекта эмас балки, энди унинг субъектига, асосий харакатлантирувчи кучига айланди. Укитувчи, таълим муассасасининг зўравонлиги эмас, "педагогик хамкорликни" таъминлайди. "Таҳсил олувчини ҳаётга тайёрлаш" тамойили "Таҳсил олувчи таълимнинг барча босқичида тўлақонли, фаол ҳаёт билан яшайди" тамойили билан алмашади, таълим жараёнидаги барча қатнашувчиларнинг вазифаси таҳсил олувчилар фаолиятини самарали, ижодий бўлишини таъминлашдан иборат бўлади. Бу шахснинг ижтимоий фаол ва мослашувчан бўлишини, унинг ижодий имконияти, қобилиятини ижтимоий жараёнга таъсир кўрсатишини таъминлайди.

Шунинг учун замонавий педагогик технологиялардан таълим жараёни, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари асосида амалга оширилиши лозим.

## *1.2.* Педагогик фаолиятни технологиялаштириш ~ ижтимоий зарурият

XX аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) хамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эқтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг янгиланиб хамда ортиб бориши ўз навбатида уларнинг қиска муддатида ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва унинг такомиллашиб бориши киска вакт оралигида, кам жисмоний куч сарфлаган ҳолда юксак сифатли махсулот ишлаб чикариш, хом-ашёни кайта ишлаш соҳалари (қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар)да маҳсулот ишлаб чикариш жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндошув анъанаси юзага келди.

Технологик ёндошув ишлаб чикариш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат килади. Муайян махсулотни ишлаб чикариш максадида хом-ашёни танлаш (дастлабки босқич)дан махсулотни истеъмолчига етказиб

беришгача бўлган (сўнги боскич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндашув муайян соҳаларда ислоҳатларни ташкил этиш, уларнинг мувафакиятини таъминлаш, эришилган ютуқларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технологияларнинг татбиқ этилиши бир қатор шартлар асосида кечади, хусусан, илм-фан ҳамда техниканинг сўнги ютуқларга таяниш, йирик молиявий маблағлар ва юксак даражадаги касбий маҳоратга эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги бу борадаги ютуқларни кафолатлайди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида илғор технологияларни қўллаш шартларидан бипи - малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришга эришиш эканлигидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради. Жамият ижтимоий хаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш аҳолининг маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмокда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавкулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмокда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормокда. Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар окими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмокда. Ахборотларни тезкор суръатда кабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда таҳсил олувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими Олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбик этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Педагогик технология АҚШ ва Европа мамлакатларида «таълим технологияси» сифатида эътироф этилган назария бўлиб, унинг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахе ижтимоийлашувини таъминлаш ва бу борада муайян муваффақиятга эришиш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондиришга уриниш натижасида вужудга келган. Ушбу ғоя XX асрнинг 30-йилларида таълим жараёнига «педагогик техника» («таълим техникаси») тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланган. Бу сохадаги мавжуд адабиётларда «таълим техникаси» тушунчаси ўқув машғулотларини аник ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул, воситалар йиғиндиси дея талкин этилади. Таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллар сифатида ўқув жараёнига ўқув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан унумли фойдаланиш йўлларининг ишлаб чиқилиши, материал мазмунини кўрсатмали қуроллар воситасида талабаларга етказиб бериш кабилар кайд этилади.



XX асрнинг 50-йилларида аудиовизуал воситаларнинг яратилиши ҳамда улар хизматидан фойдаланиш «таълим технологияси»нинг йўналишини белгилаб берувчи омилдир дея бахоланди. Ушбу боскичда асосий эътибор техник воситалардан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилиши, уларнинг имкониятларини кенгайтириш, ахборот сигимини ва уларни узатишни такомиллаштириш ва индивидуал таълимни йўлга қўйиш каби масалаларнинг ижобий ҳал этилишига қаратилди.

Утган асрнинг 60-йилларида таълим фаолиятини аввалдан пухта ишлаб чиқилган дастур ғояларига мувофиқ ташкил этиш ташаббуси кўтарилди. Дастурлаштирилган таълим ўкувчи ёки талабаларга муайян билимларни кисмларга бўлиб такдим этилиши асосида таълим жараёнини ташкил этишни назарда тутади. Дастурлаштирилган таълим мазмунида унинг мақсадлари, баҳолаш мезонлари таълим жараёни моҳиятининг аниқ тавсифини кўрсатувчи кўрсатгичлар эканлигига алоҳида ўрин ажратилади.

## 13. "Таълим технологияси" назариясининг шаклланиш босқичлари ва таълим тизимига педагогик технологияни самарали жорий этиш йулидаги муаммолар

Таълим сохасида фаолият юритаётган илгор олим ва амалиётчилар илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини татбиқ этиш йўлида самарали ишларни амалга оширмокда. Пекин, бу йўналишда амалга ошириладиган ишлар кўлами кенглиги кўзга ташланмокди. Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбик қилиш ва таълим жараёнини технологиялаштириш назариясининг шаклланиши узоқ, муддатли вақт оралигида кечди. Қатор мамлакатларда таълим технологияси ва унинг муаммоларини тадқик этишга алоҳида эътибор каратилди. Таълим технологияси муаммоларини тадкик этувчи ташкилотлар тузилди, махсус журналлар нашр этилди.

Куйида номлари келтирилган ташкилот ҳамда илмий журналлар фаолиятининг асосий мазмуни таълим технологияси муаммолари бўйича олиб борилаётган илмий тадкикотлар мазмуни ва натижаларини умумлаштириб, тахлил этиб бориш, шунингдек, ушбу тадқиқотлар натижаларининг тахлили асосида муайян тавсияларни ишлаб чиқиш, энг самарали тадқиқотларни оммалаштиришдан иборатдир. Таълим технологиясининг мохияти, унинг ютуқлари билан таълим сохаси ходимларини хабардор этиб бориш, уларнинг бу борадаги малакаларини оширишга йуналтирилган фаолиятни ташкил этиш Хам таълим технологияси муаммоларини таткик этувчи ташкилотлар зиммасидадир.

**"Таълим технологияси" назариясининг шаклланиш босқичлари**

| Т/р | Босқичлар | Йиллар | Таълим технологияси - ТТ |
|---|---|---|---|
| | Iбосқич | XX асрнинг 30-йиллари | ТТ=ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси (педагогик техника - Птех.). |
| | П босқич | XX асрнинг 50-йиллари | ТТ=Птех.4таълим жараёнида техник воситалар (ТВ)ни қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, таҳсил олувчи фаолиятини индивидуаллаштириш. |
| | III босқич | XX асрнинг 60-йиллари | ТТ=Птех.+ТВ+дастурий таълими (ДТ). Дастурий таълим - таълим мақсадлари-нинг аникданиши, таълим жараёнини умумий лойиҳалаш, таҳсил олувчилар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштирилиши эхтимолини олдиндан ташхислаш, таълим жараёнининг самарадорлигини аникдаш, таълим мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаолият натижаларини тахлил этиш. |
| **ТТ=Птех.+ТВ+ДТ** | | | |

**Таълим технологияси муаммоларини тадкикэтувчи ташкилотлар хамда илмий журналлар**

| Т/р | Мамла-катлар | Ташкилот номи | Ташкил топтан йил | Журнал номи | Нани)этил-ганиили |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | АҚШ | Таълим Коммуни-кацияси Ассоциа-цияси | 1971 | Таълим технологаяси" "Educatiohal Technology" | 1961 |
| 2 | Англия | Педагогик таълим Миллий Кенгаши | 1967 | 'Таълим технологияси ва дастурли таълим" | 1964 |
| | | | | 'Таълим технологияси" | 1970 |
| 3 | Япония | 4 шмда илмий жа-миятлар фаолият олиб бормода | 1965-70 | 'Таълим технологияси" | 1%5 |
| | | | | 'Таълим технологияси сохасидаги тадколшэ" | 1965 |
| 4 | Италия | | | 'Таълим технологияси" | 1971 |

Мустақиллик шароитида Узбекистан Республикаси таълим муассасалари фаолияти жараёнига янги педагогик технологияларни олиб киришга каратилган ҳаракат бир қатор етакчи ташкилотлар томонидан олиб борилмокда. Хусусан, AXELS, UREX, ЛСА ҳамда KOLCA каби ташкилотлар томонидан олиб борилган фаолият ўзининг самарадорлиги билан алоҳида аҳамият касб этмокда.



Сўнгги беш йиллар давомида юкорида номлари келтирилган ташкилотларнинг кўмаги ва рағбати асосида Республиканинг бир катор етакчи олий таълим муассасалари қошида инновацион (педагогик технология) марказлар(и) ташкил этилди. Мазкур марказлар томонидан ташкил этилган илмий семинар, қисқа ва узок, муддатли курсларда олий таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумий ўрта мактабларнинг педагогик ходимлари иштирок этиб, педагогик технология ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш борасидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлдилар. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университета қошидаги марказ ва УзПФИТИда бу борада бир катор ижобий ишлар амалга оширилмокда.

Пекин, таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш бўйича илмий асосланган андоза ва кўрсатмалар етарли эмас. Хусусан: аксарият манбаларда педагогик технология моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи, фақат унинг назарий асосларинигина очиб берилишига ҳаракат қилинган; ўрганилган аксарият манбаларда «педагогик технология»нинг таърифи хам ёритиб берилган бўлса-да, бу сохада хануз ягона бир таъриф яратилган эмас; мавжуд адабиётларнинг деярли барчасида асосий урғу таълим технологиялари, уларнинг моҳияти ва афзалликлари каби масалаларнинг тадқиқига бағишланган бўлиб, у ҳам бўлса тизимли асосида қилинмаган ҳамда тарбия технологиялари ва уларнинг моҳиятини очиб бериш борасида муайян ютуқларга эришилмаган; амалга оширилган тадкикотларда узлуксиз таълим тизимининг маълум боскчида таълим- муассасалари ўқув фаолиятини технологиялаштириш муаммолари етарли даражада тадкиқ этилмаган.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, айни вактда узлуксиз таълим тизимининг муайян босқичида таълим муассасалари, шу жумладан, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш муаммоси долзарб педагогик муаммо сифатида тадкиқ этишга мухтождир.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар таълими тизими амалиётида замонавий педагогик технологиялардан табора кенгрок, фойдаланилмокда. Узбекистон Республикасида хам бу борада бир катор самарали ишлар олиб борилмокда. Бирок, шуни хам қайд этиш керакки, замонавий педагогик технологияларни таълим муассасалари ўкув жараёнига татбик этилишини кенг тус олдирилиши лозим. Айни вақтда бу соҳада муайян муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида куйидаги муаммолар мавжуд эканлигини аниқлашга муваффақ бўлинди:

1. Замонавий педагогик технологиялар, шунингдек, таълим технологияси назариясининг мохияти, унинг назарий ва амалий асослари борасида маълумотлар беришга хизмат қилувчи манбалар, махсус адабиётлар ва методик ишланмалар ҳамда ПТларни таълим жараёнига татбик қилиш бўйича андозаларнинг етарли эмаслиги.

2. Узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, ОТМлар педагогларининг таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбик этиш борасида етарли тажрибасига эга эмасликлари.

3. Узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, ОТМларда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш учун моддий-техник база билан етарли даражада таъминлаш муаммосини ижобий хал қилинмаганлиги.

4. Оммавий ахборот воситаларининг хизмати орқали замонавий педагогик технология назариясининг моҳияти хамда педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш борасида кўлга киритилаётган ютуклар, янги тажрибалар ҳақида маълумот берувчи таҳлилий чиқишларнинг уюштирилишига етарли даражада эътибор каратилмаганлиги.

6. Таълим соҳасида фаолият юритувчи халқаро донор ташкилотларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда замонавий педагогик технология назарияси ва унинг илмий-амалий асосларини тарғиб этишга йуналтирилган кенг кўламли ҳаракатни ташкил этилмаганлиги.

7. Узлуксиз таълим тизимининг хар бир босқичига педагогик технологияларни татбик этишнинг назарий ва амалий асосларини очиб беришга қаратилган илмий тадқиқот ишларининг сует олиб борилаётганлиги, махсус тавсияномаларнинг камлиги.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг ижобий ечимга эга бўлишини таъминлаш узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, ОТМлар таълими жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш муваффақиятини кафолатлайди.

Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбик қилиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақоза қилади:

- педагогик технологияларни жорий этиш ва уларни қўллаш бўиича халқаро тажрибаларни алмашиш тизимини такомиллаштириш;
- таълим жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш бўйича махсус қўлланма ва андозаларни етарли даражада яратиш, мустақил ишларни баҳолашда педагогик технологияларни алохида баҳолашнинг усуллари ишлаб чиқиш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига юқори даражада татбиқ қилишга асос бўладиган техник воситалар, аудитория жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таълим муассасаларин таъминлаш, слайд-презентацияларини ўтказиш мумкин бўлган каттарок (50-60 нафар талабага мўлжалланган) хоналарни мультимедиа мажмуалари билан жиҳозлаш,
- янгидан-янги вазиятли муаммоларни талабаларга тавсия этиш ва уларни хал қилишнинг кулай усулларини ўйлаб топиш, тарқатма материалларни янги маълумотлар асосида тўлдириб ва янгилаб бориш, лаборатория дарсларида ахборот технологияларини қўллаш бўйича дастурлар тузиш ва уларни талабалар томонидан фойдаланилишига эришиш;
- зарур ўкув-услубий мажмуаларни тайёрлаш учун кафедраларни етарли оргтехникалар билан таъминлаш ва профессор-ўқитувчиларни компьютер саводхонлиги хамда алоҳида замонавий педагогик технологиялар бўйича малака ошириш ёки қайта тайёрлашни янада такомиллаштириш.
- таълим технологияси ғояларининг таълим жараёнига тўла-қонли татбик этилиши учун минтақавий ички имкониятларни пухта ўрганиш;
- хусусий фанларнинг ўқитилиши жараёнига илғор технологияларни жорий этиш чораларини белгилаш, зарур шарт-шароитларни яратиш;



- барча турдаги таълим муассасаларининг педагог ходимларини кайта тайёрлаш, уларнинг таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш малакаларини ошириш;
- назариянинг ягона номи билан номланишига эришиш (педагоглар ўртасида муайян тушунмовчиликлар пайдо бўлмокда);
- таълим субъектларининг техникавий саводхонлигига эришиш;
- тезкор ахборот хизматини йўлга қўйиш;
- педагогик жараённинг демократлашув ва инсонпарварлашувига эришиш;
- таҳсил олувчининг индивидуаллашувига алоҳида аҳамият бериш;
- тадкикотлар натижаларини тахлил этиш, умумлаштирш, тавсияларни ишлаб чикувчи Марказни ташкил этиш.

Мазкур муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнларида муайян самарадорликка эришиш билан бир каторда баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга имкон беради.

### 1.4. Педагогик технология тушунчаси, унинг мохияти ва педагогик технология назариясининг назарий асослари

Айни вақтда таълим - инсон фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмокда. Илмий-техник жараён ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда таълим назариясини кайта яратиш, яъни фаннинг жамият ишлаб чиқариш кучига айланишини таъминлаш, амалий кўрсаткичларни ривожлантириш орқали таълим самарадорлигига эришиш мумкин.

Узбекистан Республикасида таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар ўзида таълим тизимини тубдан ўзгартириш, унинг мазмунига миллий руҳ сингдириш, самарали анъанавий услубларни саклаб қолган холда илгор услубларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш каби масалаларни акс эттиради. Бу йўналиш ҳам кўлам, ҳам мазмун жиҳатидан кенгайиб, у таълим жараёнида ўқитишнинг техник воситаларини қўллаш, таълимни ва ўкув жараёнини мақсадга мувофик ташкил этиш асосида мазкур жараённи индивидуаллаштиришни назарда тутади.

Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллаш бўйича Республикамизнинг кўзга кўринган олимлари томонидан ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни **илмий асосда** қиёсий таҳлил **қилиб,** халқимизнинг **миллий** педагогика анъаналаридан хамда таълим сохасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг **миллий педагогик технологиясини яратишга** ҳаракат килинмокда ва бу соҳада кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Бу соҳада ижобий ишлар амалга оширилди дейсак хато килмаган бўламиз, таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларимизнинг бугунги кундаги асосий вазифаси бу технологияни яхшилаб ўрганиб, ўзининг кундалик педагогик амалиётида қўллашдир.

Педагогик технология деганда нимани тушунамиз?

**"Технология"** тушунчаси юнонча "Технос" (techne) ва "логос" (Logos) еўзларидан ташкил топган бўлиб, "Хунар фани"ни ўрганиш деган маънони англатади. Бу тушунча техник тараққиёт мазмунини ифодалашга хизмат килувчи тушунча сифатида илк марта 1872 йилда қўлланилган. «Технология»

тушунчаси бугунги кунда мазмун ва моҳиятига кўра куйидаги ҳолатлариИ ифодалаш мақсадида қўлланилмоқда: Щ

Технология - санъат, маҳорат, кўникма, методлар йиғиндиси, муайяИ ҳолатни ўзгартиришга хизмат қилувчи жараён; инсон фаолияти ва тафаккуЯ билан боглиқ бўлган маданий тушунча; техник жихатдан аҳамиятли сифат щШ қобилиятнинг интеллектуал қайта ишланиши; қандайдир жараённи амалгЯ ошириш методлари ҳақидаги билимлар йиғиндиси; амалиётга жорий қилинипИ талаб этилаётган маълум бир педагогик тизим лойихаси. Щ

«Замонавий технологик жараён» деганда зарур восита ва шароитлардав фойдаланилган ҳолда маълум операцияларни муайян кетма-кетликдИ бажаришга йўналтирилган фаолият тушунилади. Аникрок қилиб айтганд^ мехнат куролларҷ ва предметлари воситасида босқичма-босқич таъсир этиш орқали тайёр маҳсулот яратишга йўналтирилган фаолият тушунилади.

Ана шу таърифни тадкиқот мавзусига кўчирадиган бўлсак, **педагогик технология - ўқитувчи(педагог)нинг таълим-тарбия воситалари ёрдамида таксил олувчиларга муайян шароитларда тизимли таъсир кўрсатиши ва бу фаолият махсули сифатида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ходисадир,** деган ғоя ифода **этилади.** Юкорида келтирилгаи таърифдан кўриниб **турибдики,** педагогик технология тушунчасини изоҳлашда технология жараёни асос килиб олинди. Аслини олганда, педагогик адабиётларда бу тушунчага **кўпла£** таърифлар берилган. Шунингдек, педагогик адабиётларда "технология[1] атамасининг хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин; чунончи, "ўқитип технологияси", "таълимли технология", "маълумот технологияси", "ўқитии жараёни технологияси" ва ҳоказо. «Ўкитиш технологияси» педагоги! технологияга якин тушунча бўлса-да, айнан ўхшаш маънони англатмайди чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ **ўку|** материалининг ўзлаштириш йўлини муайян технология ёрдамида **амалга** оширилишини ифода этади. Шу жиҳатга кўра у кўпроқ хусусий методикам яқин каторда туради.

«Педагогик технология» тушунчаси эса маълумот технологиясиния жорий этиш тактикасини ифодалайди ва "ўқитувчи - педагогик жараён - таҳси! олувчи" функционал тизим қонуниятларига тегишли билимлар асосий курилади.

Ҳозирги кунда педагогларнинг аксарияти методика фанини кўп ҳолларД! технологиядан ажарата олмаяптилар. Шу боис, ушбу ёндошувга аникли) киритиш талаб этилади. **Методика** ўқув жараёнини ташкил этиш ва **ўтказип** бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат бўлса, педагогик технологи) ўкитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижаШ кафолатловчи тадбирлар мажмуаси, йиғиндиси ҳисобланади.

Узок йиллар давомида педагогик технология олимлар орасида ўку[1] жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш сифатида кара' келинди. 70-йилларга келиб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг мохият янгича талкин этила бошланди. Юқорида қайд этилганидек, педагоги технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланй келинаётган бўлсада, айнан "педагогик технология" тушунчасига нисбата турлича ёндашувлар мавжуд.

Охирги йилларда Россия билан Ўзбекистонда ҳам педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар килинди. Педагогик технологиянинг ҳудудга мое вариантини яратишга кўл урган Мустақил давлатлар хамдўстлиги (МДҲ)нинг пешкадам педагог олимларига тасаннолар айтиш билан биргаликда, улар йўл кўяётган баъзи камчиликларни айтиб ўтиш лозим. Чунки бу камчиликлар педагогик технологиянинг мазмун ва моҳиятини тўғри тушунишга ҳалақит бермокда. Бунинг учун МДҲ да шу йўналишда фаолият кўрсатаётган педагог олимларнинг "педагогик технология" тушунчасига берган таърифларини хамда улар педагогик технология асосида тузиб чиққан даре лойиҳаларини таҳлил қилиб чиққилиши куйидаги ҳолатни кўрсатди.

Педагогик технологияни ўкув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДҲга кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар каторида хар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим акдемик В.П. Беспальконинг фикрича, "ПТ - бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўкувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир"[13].

Россия олимларидан В.М.Монахов: "ПТ - аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир", - деган қискача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади.

"ПТ - ўкув жараёнини технологиялаштириб, унинг кайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод килади"[36], - дейди.

М.В.Кларин фикрича, "ПТ - ўкув жараёнига технологик ёндашган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўкув жараёнини лойихалашдир".

И.Л.Ларнернинг фикрига кўра, "ПТ - ўқувчилар харакатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли, англаб олинадиган ва аниқланадиган мақсадни ифодалайди". Шунга ўхшаган бошқа таърифлар ҳам кўп.

Нурали Сайдаҳмедов ва Абдураҳмон Очиловларнинг фикрича, "ПТ - бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш(тарбия) воситалари ёрдамида ўкувчи(талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир"[52]. Б.Л.Фарберман педагогик технологияга куйидагича таъриф беради: "ПТ - таълим жараёнига янгича ендашув бўлиб, педагогикада ижтимоий-мухандислик онг ифодасидир. **У** педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойихасинн тузиб чиқиш билан боглик педагогик тадбирдир".

УТолиповнинг фикрича, Педагогик технология - вакт таксимотига мувофик доступпяциб. илмий жихатдан асосланган хамда кутилган натижага эришишни таъмннповчи педагогик жараённинг барча боскич ва кисмларишшг вазифалари аник **белги** .^нгантизим Г571.

Узбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ^юмонидан

шакллантирилган "Ўкитиш методлари ва педагогик технологияларни такомиллаштириш" ижодий гурухнинг таърифи бўйича, **Педагогик технология** - ***таълим олувчи шахега йўналтирилган. демократии хамда такпорланувчан укщ натижаларини кафолатлайдиган таълим жараёнини пойихапаш. амалга ошириш ва баколашнинг тизимий методидир".***

Бу таърифларни **узок** хориждаги берилган таърифлар билан **солиштириб** кўриш учун япон педагог олими Т.Сакамото берган таърифни келтирамиз: **"ПТ, - дейди Т.**Сакамото, - **бу мажмули фикр торитиш усулини педагогикага еингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуга келтиришдир".**

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, **"ПТ - бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойихалашда ва амалда қўллашда мажмули ёндошув усулидан фойдаланишдир".**

Келтирилган таърифларни илмий-фалсафий нуқтаи назардан тахлил киладиган бўлса, узок, хорижда берилган таърифлар билан МДҲ мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бири-бирига яқин келса-да, фарқи ҳам анчалиги кўрлади. Жумладан, Сакамото ва ЮНЕСКО таърифларида мажму ёндашув тамойилига алоҳида урғу берилган. МДҲ олимларининг ПТга берган таърифларида мажму ёндашув эсланмайди, ўкув жараёнининг лойиҳасини тузишганда эса, мажму ёндашув тамойилининг қонун ва қоидаларига сира ҳам амал қилишмагани кўринади.

Бу тушунча орқали ПТнинг бошка ҳамма хусусиятларини, яъни максадга йўналтирилганлигини, бир неча ўзаро узвий боглиқ бўлган қисмлардан ташкил! топганлиги ва бошқаларни англаб олса бўлади. Чунки бу хусусиятларнинг[1] ҳаммаси, мажмулар назариясига биноан, мажму деб ном олган нарса ***в£*** ҳодисаларнинг ажралмас сифатларидир. ;

Педагогик технологиянинг асосий **тушунчаси, сўзсиз,** ўкув жараёнига мажму сифатида ёндошишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи **барч»** нарса ва ҳодисалар ўзаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутунликни, яъни мажмуни ташкил қилади. Педагогик жараён мажмуининг муайян бир ***вак?*** мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши педагогик технология дейилади.

**Педагогик технологиянинг анъанавий услуб(методика)лардан асосий фарки,** унинг тўла-тўкис мажмулар назарияси қонуниятларидан келиб; чиққанлигидадир.

**Педагогик технологиянинг аввалги услублардан афзаллиги,** у **таълт*** жараёнини бир бутунликда кўриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, **били»*** бериш усуллари ва воситалари ҳамда таълим олувчи ва таълим берувчиларни мажмуга келтириб, таълим натижаларини **аввалдан** белгилаб, **таъли»»** жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш каби қисмларини ўзаро узвий боғлай мажмуга келтириб туриб, жараён лойихасини тузишидадир. |

**Унинг анъанавий усуллардан кейинги фарқи,** у талабаларнинг ўзларигв берилган билимни ёдлаб айтиб беришига эмас, балки таълим-тарбйИ жараёнининг якунида конкрет бир ҳаракатларни бажаришгв



йўналтирилганлигидадир.

**Педагогик технологиянинг бошка таълим услубларидан навбатдаги фарки,** унинг ёрдамида ўкув жараёни ташкил этилганда, даре натижаси билим берувчининг педагогик махоратига боғлиқ эмаслигидадир.

Илмий асосланиб, яхши лойиҳалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам аъло бўлмаса-да, яхши дарс ўтади. Чунки педагогик технологияни педагогик олим, тажрибали методист ёки илғор тажрибали ва маҳоратли педагоглар тузади, шу боис уларнинг педагогик маҳорати педагогик жараён лойиҳасида ўз ифодасини топган бўлади.

Педагогик технологиянинг юкорида қайд этилган хусусиятларидан ва мажмулар назариясининг қонуниятларидан келиб чикиб, **Педагогик технология - бу жамият эхтиёжидан келиб чикувчи киши ижтимоий сифатларини самарали шакллаитирадиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўкув жараёнини мажму сифатида кўриб, уни ташкил килувчи кисмлари бўлган ўқитувчининг ўкитиш воситалари ёрдамида** ўкувчиларга **маълум бир кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини бахолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир[2б].**

Бизнинг фикримизча, **Педагогик технология - бу муайян лойиха асосида ташкил этиладиган, аниқ максадга йўналтирилган ўкув жараёнини мажму сифатида караб, ушбу максаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндошадиган таълимий тадбирдир.**

Педагогик технология тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ўрганилаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, педагогик технологияни педагогик амалиётга жорий этишга бўлган уринишларнинг маълум натижасини ифодалайди.

«Педагогик технология»нинг таълимдаги амалийлик жиҳати ва ташкилий-услубий имкониятлардан фойдаланишга йўналтирилганлиги, унинг аник воситалар ёрдамида хаётга татбиқ этилиши жаҳон педагогларининг унга бўлган эътиборини кучайтирмокда. Технологик йўналишга нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Баъзи педагоглар «педагогик технология» тушунчаси мазмунида таълимни дифференциаллаш воситасини кўраётган бўлсалар, бошқалар ундаги кам мехнат сарфлаб юқори натижаларга эришиш имкониятлари ҳамда барча таълим олувчиларни олдиндан белгиланган билим, кўникма ва малакалар даражасига етказиш мумкинлиги билан кизиқмокдалар. Айрим педагоглар таълимни «технология»лаштириш ёрдамида оммавий таълим амалиётида туб бурилиш ясалишига умид боғламокдалар.

Таълимни «технологик» йўналишда қуришнинг умумий мезони унинг аник ва батафеил белгиланган максадга йўналтирилганлигидадир. Бу ҳолатда хусусий мақсадларни амалга ошириш учун алоҳида қонуният, жараён, кетма-кетлик ва уларга мое амаллар мажмуининг мавжуд бўлиши асос сифатида олинади.

Педагогик технология доирасида таълимнинг ташкшший-услубий жихати прагматик-воситали равишда илгари қўйилган таълим максадларига турли Услубий мажмуалар ёрдамида эришиш йўли сифатида каралади. Агар технологик тизимларда асосий эътибор масала ва назорат схемаларини куришга

қаратилган бўлса, услублар мажмуасини танлаш аксарият эмпирик асосда амалга оширилади.

Ўқув жараёнининг хар бир қисми унинг лойиҳаланишига технологик жиҳатдан ёндошилганда қуйидаги етакчи босқичларга эга бўлади:

- таълим боскичининг умумий максадини белгилаб олиш;
- умумий мақсадга эришишдан уни ихтисослаштиришга ўтиш;
- таҳсил олувчиларнинг билим даражасини ташҳис килиш:

Босқичлар кетма-кетлигининг тавсифи ўқитувчи харакатларининг даврий такрорланиш кетма-кетлиги. У мое равишда бир неча марта такрорланиб, мақсад ва аник назорат усуллари орқали таълим жараёнини ниҳоясига етказади.

Технологик ёндошиш хусусиятини ташкил этувчиларга режалаштирилган стандарт натижяг-аригa эришиш имконини берувчи даврий кетма-кетлик педагогик технологиянинг назарий асосларини намойиш қилиш имконини беради.

Таълимнинг тўлалигича стандартлаштиришга йўналтирилганлиги технологик ёндошишга хос бўлиб, у дидактикада таълимнинг асосий жихатларидан бири деб қаралувчи ва кейинги йилларда умумжаҳон педагогикасининг тадкикот объектига айланган ўқитувчи ва таҳсил олувчи муносабатларини ифодалайди.

Бундай ёндошувда таълим самарадорлиги муаммосининг таълим жараёни таҳлили унинг мазмунидан ташқарида яъни таълим мазмуни тахсил олувчига турли элементларни узатувчи воситалар оркали ҳал этилади. Педагогикада илгари суриладиган яхлит умумпедагогик тамойил нуқтаи назаридан таълим натижаси репродуктив равишда ўзлаштириладиган билим, биргаликдаги тадкиқотчилик фаолияти тажрибаси ва ҳиссий тарбияни такозо этади.

Таълим максадини баҳолаш мезонлари таълим шароитларини такрорий ҳосил қилиш қобилиятидан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнининг тарбиявий жиҳатларини технологик таҳлил этиш имконини беради. Бунда педагогик технология таълим ва тарбия ўртасидаги фаркни қискартиради. Педагогик технология таълим максадларини аниклаштириш, қисмлаштириш, таълим натижаларини стандартлаштириш, таълим жараёнида самарали тескари алокани йўлга қўйиш, автомат лаштириш каби таълимнинг мухим муаммоларини хал килиш имконини беради. Ушбу муаммоларни ижобий хал этишда «педагогик технология»нинг таълим тизимларини ташкил этиш (автоматлашган ва автоматлашмаган)даги тажрибасини хисобга олиш ва танкидий таҳлил килиш мақсадга мувофикдир.

Педагогик технологиянинг ривожланиш истикболлари унинг назарий асосларини танкидий тахдил килиш, таълимга редукцион ёндошишдан воз кечиш асосида белгиланади. Бир вақтнинг ўзида педагогик технологиянинг назарий асосларини ўзгартириш билан биргаликда унинг «муаммо майдони»ни ҳам ўзгартириш талаб этилади.

Таълим жараёнининг «технологию) курилиши катор муаммоларни келтириб чиқаради. Улар сирасига биринчи навбатда, дидактик максадлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларни мувофиқ равишда таркиб топтириш, мое равишда таълим жараёнини лойиҳалаш, унинг жараёнлари ва мазмун жиҳатлари мувофикдигини таъминлаш, тахеил олувчилар томонидан ижтимоий



тажрибанинг тўлаконли ўзлаштирилиши, барча таълим олувчилар савиясини тенглаштириш ва ошириш кабиларни киритиш мумкин.

Бизга яхши маълумки, хар бир назария ўзининг методологик асосларига эга бўлади. Педагогик технология назариясининг илк гоялари илгари сурилган даврлардаёк мазкур назариянинг асослари хам яратила бошланган. Таълим технологияси назариясининг умумий асосларини унинг максади, мазмуни, вазифалари, тамойиллари, объектив (ташки) хамда субъектив (ички) омиллари, объекти, асосий тушунчалари, мезонлари ва бошкалар ташкил этади.

Педагогик технология назариясининг умумий асослари моҳияти хусусида сўз юритиш учун "педагогик технология" тушунчасининг туб маъносини англаш талаб этилади (қаралсин: юқорида).

Алохида қайд этиб ўтиш жоизки, айни вақтда педагогик технология тушунчасини мантиқий-ғоявий жихатдан изоҳлаш борасида ягона фикр мавжуд эмас.

Сўнгги ўн йил давомида нуткимизда "педагогик технология", "замонавий педагогик технология", "таълим технологияси" "ўқитиш технологияси" каби тушунчалар кенг қўлланмокда. Аксарият педагоглар "таълим технологияси" ҳамда "педагогик технология" тушунчалари мазмунан бир маънони англатишини таъкидламокдалар. Бизнинг назаримизда бундай ёндашув у кадар тўғри эмас хамда бу борада ягона тўхтамга келиш муҳимдир.

Таълим жараёнини технологиялаштириш ғояси Ғарбий Европа ҳамда АҚШда яратилган эди. Бизга маълумки, Еарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда "Педагогика" фани мавжуд эмас, шу боис "педагогик фаолият", "педагогик тизим", шунингдек, уларга боғлиқ равишда юзага келувчи "педагогик технология" тушунчаси хам истеъмолда йўқ.

Номлари кайд этилган мамлакатларда шахсга илмий билимларни бериш жараёни "таълим жараёни" сифатида номланади, шахсга билимлар бериш, унинг маълумотини ошириш, таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи фанлар мажмуи "Методика" деб юритилади. Методика фанларини ўқитишда асосий эътибор таълим сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини таъминлашга каратилади,

Узбекистан Республикаси (шу жумладан, МДҲ мамлакатлари) таълим тизими амалиётида ўкитилиб келинаётган "Педагогика" фанининг предмети шахени шакллантириш, унинг камолотини таъминлашга йўналтирилган таълимий хамда тарбиявий фаолиятни ташкил этиш жараёнининг мазмунидан иборатдир. Яъни, шахенинг етук камолоти икки муҳим фаолият - таълимий ва тарбиявий фаолият жараёнининг самараси натижаси сифатида намоён бўлади.

Айни ўринда "таълим технологияси" хамда "методика" тушунчаларининг тавсифи, ўзига хос жихатларини ёритиш мақсадга мувофикдир.

Бизга яхши маълумки, метод ўкитувчи ва тахеил олувчиларнинг ҳамкорлигида ташкил этилаётган таълим жараёнида қўйилган мақсадга эришиш усули саналади.

Ривожлапган мамлакатлар таълим тизимида шахс ижтимоийлашувини таъминловчи етакчи омил сифатида таълим жараёни эътироф этилса, биз шахенинг шаклланишида таълим хамда тарбия жараёни бирдек ахамиятга эга эканлигига ургу берамиз. Аксарият холларда эса тарбия жараёни бу борада

устувор бўлиши лозим, чунки ўзида ахлокий хислатларни намоён эта олган шахсгина ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида улар мазмунининг ижобий хусусият касб этишини таъминлайди, ахлокли инсонгина таълим (билим)ни қадрлай олади, зеро, ахлокнинг асосий категорияларидан бири ҳам билимлилик саналади, деган ғояни илгари сурамиз, Шундай экан, бу ўринда "педагогик технология" тушунчасининг қўлланилиши, шунингдек, асосий эътиборни фақат таълим жараёнини самарали ташкил этишгагина каратмай, балки ҳам таълим, ҳам тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга бирдек қаратиш лозимдир.

"Таълим технологияси" тушунчаси "таълим методикаси" тушунчасига нисбатан кенгдир.

**Таълим Meiwa** — ўкув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йуналтирилган ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўкитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини тавсифлайди.

**Таълим технологияси** - таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойихалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, боскичма-боскич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йулида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошкаришни ифодалайди.

Ўқитувчини самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасидан фаркли ўларок, таълим технологияси таҳсил олувчилар фаолиятига нисбатан йуналтирилган бўлиб, у тахсил олувчиларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўкув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат килади.

**<u>Педагогик технологиянинг марказий муаммоси - тахсил олувчи шахсини ривожлантириш оркали таълим максадига эришишни таъминлащдан иборат.</u>**

**Педагогик технологиянинг таркибий элементлари:** таълим жараённинг умумий лойихаси; таълимни ташкил этишга бўлган ижтимоий эхтиёж; таълим мақсади; таълим мазмуни, шакл, метод, усул ва техникаси; таҳсил олувчи фаолияти; ўқитувчи фаолияти.

Юкоридаги фикрларга мувофик таълим технологиясининг таркибий тузилмаси тасвирда 1-шаклда кўрсатилги каби намоён бўлади (1-шакл).

Бизга яхши маълумки, тарбия жараёни узок, муддатли, мураккаб, узлуксиз бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга эга. Гарчи замонавий таълим технологияси таҳсил олувчининг таълим жараёнидаги етакчилик ролини ёкдаётган бўлса-да, тарбия жараёнида тарбияланувчи асосий мавқеини эгаллай олмайди. Чунки унда характер, дунёқараш етарлича шаклланмаган бўлиб, у бу борада тарбиячининг ёрдамига эхтиёж сезади. Шу боис тарбия технологияси ҳам мантиқий, ҳам таркибий жиҳатдан таълим технологиясидан фарқ қилади (2-шакл).






1-шакл. Таълим технологиясининг таркибий тузилмаси




2-шакл. Тарбия технологиясининг таркибий тузилмаси



Педагогик технологиянинг асосий максади комил шахсни шакллантириш учун пойдевор бўлган педагогик жараённи такомиллаштириш, инсонпарварлаштириш, таҳсил олувчининг мустакиллигини таъминлаш, ўкитиш жараёнида техник воситалар имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишдан иборат.

Педагогик технологияни кўллаш жараёнида куйидаги **вазифалар** хал этилади:

-таълим (тарбия) жараёнининг умумий, яхлит лойихасини ишлаб чикиш;

- таълим (тарбия) жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ максад ва вазифаларни белгилаш;

- таълим (тарбия) жараёни моҳиятини башоратлаш (тахмин қилиш) ва унинг мазмунини ишлаб чиқиш;

- таълим (тарбия) жараёни самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали, мақбул шакл, метод, усул ҳамда техник воситаларни танлаш;

~ таълим жараёида тахеил олувчининг эркин, мустақил фаолият кўсатиши учун муайян шарт-шароитларни яратиш, уларда маълум кўникма хамда малакаларнинг шаклланиши учун вакг ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташхислаш;

- таҳсил олувчилар фаолиятини йўналтириш, назорат килиш хамда баҳолашни ташкил этиш;

- ишлаб чикилган педагогик технология лойихасини жамоада синаш. мақсаднинг натижаланганлик даражасини тахлил этиш.

Мазкур вазифаларнинг ижобий хал этилиши куйидаги **шартларга амал килинишига боғлик**

1. Мавжуд шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиш.

2. Таҳсил олувчи (тарбияланувчи)ларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахеий хусусиятларини хисобга олиш.

3. Таълим (тарбия) жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш.

4. Таҳсил олувчи (тарбияланувчи)лар фаолиятини объектив назорат килиш ва бахоланг

5. Хусусий фанларни ўкитиш жараёнида имкон кадар, албатта, самарали равишда техник воситалар имкониятидан кенг фойдаланиш.

Педагогик технологиянинг назарий асослари умум-педагогик, хусусий-методик хамда локал (модул) билимларга асосланади. Шу боис педагогик ходимлар, шунингдек, бўлғуси ўқитувчилар ўз фаолиятларида педагогик технологиядан фойдаланишни ўз олдиларига максад килиб қўйган бўлсалар, юқорида кайд этилган билимларни пухта ўзлаштира олишларй лозим. Зеро, педагогик технология пухта ўзлаштирилган педагогик билимларга таянилган ҳолда ташкил этиладиган юксак самарадор педагогик фаолият жараёнидир.

### 1.5. Педагогик технологиянинг назарий гоилари

Таълимнинг глобаллашуви шароитида таълим сохаси билан жамиятнинг ривожланиб бораётган ижтимоий эхтиёжлари ўртасида номутаносибликнинг юзага келганлиги кузатилмокда. Таълим тизими олдига баркамол шахсни шакллантириш, таълим соҳаси билан меҳнат бозори ўртасидаги номутаносибликни кисқартириш хамда ахборот технологияларидан

фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби янги, долзарб вазифалар қўйилмоқда. Мазкур вазифалар педагогик технология назариясини яратиш ва таълим жараёнини пухта лойиҳалашга эришиш заруриятидан келиб чиқади. Қайд этилганидек, педагогик технологиянинг назарий асосларини ишлаб чикиш долзарб вазифа саналиб таълим технологияларини яратиш муаммолари бўйича олиб бориладиган умумий ва амалий тадқиқотларга кенг йўл берган ҳолда ушбу назария моҳиятини тўлақонли акс эттирувчи терминологияни шакллантиришни тақозо этади. Бугунги кунда назарий ва амалий жиҳатидан пухта асосланган умумий ишланмаларнинг мавжуд бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, умумий назарий базага эга бўлмасдан туриб, айрим муаммоларни хал этиш мумкин эмас.

Педагогик технология назарияси ва уни таълим жараёнида қўллаш муаммоларига багишланган замонавий тадкикотлар мазкур назариянинг таълим ривожини таъминлашдаги аҳамиятини чукур англаб етиш, унинг имкониятларини аникдаш ва кенг кўламли ахборот майдонини эгаллашга ёрдам беради.

Педагогик технология назариясини шакллантириш ва ундан фойдаланиш механизмини билиш таълим жараёнини ривожлантириш ва бошқаришнинг энг самарали шакл ва методларини аникдаш имконини берадики, бунинг нафакат назарий, балки амалий аҳамияти хам беқиёсдир.

Техно-педагогик мазмунда эълон қилинаётган илмий ишлар сонининг тоборо ортиб бораётганга қарамай, мавжуд муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Педагогик технологиянинг назарий-методологик асосларини яратиш, унга илмий фан мақомини бериш заруриятини асослаш борасида билдирилган таклифга ҳануз тавсия ёки истак шаклида каралмокда.

Таълим назарияси ва амалиётда педагогик технологияларни тадқиқ этиш иши фанлараро (педагогика, психология, методология, педагогик методология, фалсафа, социология ва бошқа фанлар) алоқадорлик ва боғлиқлик асосида ёндашувни талаб этади. Кўрсатиб ўтилган фан йўналишларининг ҳар бирида таълим технологияларининг маълум назарий жиҳатлари ва технологияни таълим жараёнига татбиқ этишда алоҳида ўрин тутувчи кулай шарт-шароитлари бир кадар тўлиқ таҳлил қилинган.

Педагогик технологияларнинг моҳияти, уларни таълим жараёнида кўллаш механизмини таълим фалсафаси ва социололгияси контекстидан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмас. Зеро, мазкур фанлар таълимининг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, шунингдек, ижтимоий вазифаларини ҳар томонлама таҳлил этади, таълим методологияси муаммоларининг чегарасини кўрсатиб беради.

Таълим сохаси асосида инсон ҳамда унинг фаолияти турган мустақил ижтимоий институтдир. Шу бойис умумий методологиянинг барча элементлари техникашунослик методологиясининг тизимли, фаолиятли ва мажмуавий ёндашуви ҳамда хусусиятлари, яъни, умумий методологиянинг элементларига таянмоғи лозим. Шу билан бирга педагогик технология педагогик жараёнининг амал қилиш шаклларидан бири сифатида намоён бўлади. Бинобарин, педагогик технология муаммоларини тадкиқ қилишнинг методологик плани педагогик назарияси методологияси билан тўлдирилиши керак. Техно-педагогик феномен (ходиса)ни тадкиқ этиш методологиясини ишлаб чиқиш илгари сурилган илмий тадкиқот муаммосини хал этиш доирасида ғоятда долзарб вазифа хисобланади.



Педагогик технология назариясига оид муаммоли вазиятни таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, муаммоли вазият қисқа тавсия оркали ифода этилади. Ушбу ҳолат тадқиқот этилаётган муаммонинг хусусиятларини аниқлаш ва кенгайтирилган хамда мантикан бир-бирига зид келмайдиган предметли блокни шакллантиришга асосли ўтиш имконини беради.

Педагогик технологиянинг методологик асослари умумий методологиянинг асосий тамойиллари тизимида янги ҳодиса сифатида уни диалектик мантик ва билиш назариясининг категория ва тамойиллари тизимидаги эвристик имкониятлар даражасига олиб чиқади. Тамойиллар тизими назарий методологик базис сифатида намоён бўлиб, мазкур базис асосида педагогик технологиянинг концептуал моделини куриш имкониятлари аникланади.

Таълим мажмуининг концептуал тахлили куйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

ҳар қандай технология негизида мехнат фаолияти кўринишидаги ўзаро жамоавий таъсир этади. Технология мехнат жараёнинг ўзига сингдирилади. Технологиянинг амалга оширилиш шаклидан қатъий назар, асосий мақсад умумий жараён операцияларининг тавсифи, предмети, воситалари ва якуний натижа билан белгиланади. Бинобарин, педагогик технологиянинг педагогик жараёнини амалга ошириш шакли сифатидаги моҳияти педагогик фаолият соҳасида намоён бўлади;

инсоннинг онги жамоавий ўзаро таъсир инъикосининг идеал шакли ҳамда диалектик карама-қаршилигини ифода этиб, ўзгартирилган мехнат сифатида намоён бўлади. Шунга кўра онгни кайта шакллантириш қонуниятларини ижтимоий технологиядан, ушбу конуниятларни жорий этишнинг асосий шаклларини педагогик технологияга асосланган педагогик амалиётдан изланиш тақоза этилади;

педагогик технология ижтимоий технологиядан ажралиб чиқиб, ўз тараққиётида шартли жамоавий репетициявий (машкдантирувчи) рефлекс боскичини босиб ўтган ҳолда, асосий технологик ўзаро таъсирларни мақсадга мувофиқ тарзда такрорловчи ҳаракат ва операциялар тизимига ажратади. Бундан кузатилган мақсад ижтимоий онгни мустаҳкамлаш ва тўпланган тажрибани янги авлодларга етказишдан иборат бўлиб, унинг предмети эса идеаллаштирилган тавсифга эга;

педагогик технология моҳиятининг умумий жиҳатлари, шакл ва мазмуни, карама-каршиликлар тизими, миқдорий ва сифат ўзгаришлари диалектикаси, курилиши, амал килиш ва ривожланишнинг умумий конун ва қонуниятлари технологиянинг умумфалсафий концепцияси доирасида мувофаққиятли равишда кўриб чиқилиши мумкин. Унинг ҳаракат мантиқи моддий ишлаб чиқариш сохасидаги юқорида кўриб чиқилган конунлар (объектив технология), унинг диалектик қарама-қарши жиҳати бўлган - маънавий ишлаб чикариш, шунингдек, таълим сохаси қонуниятларини кўчириш жараёнини акс эттиришдан иборат;

педагогик технология назарий негизга эга, зеро, асл технология ўзининг

мустаҳкам илмий-назарий пойдеворига асосланади. Педагогик технология назариясининг мазмуни ва таркибий тузилмасини шакллантириш жараёни ҳар қандай фаннинг шаклланишида муҳим ўрин тутувчи асосий қонуниятларга бўйсунади. Ижтимоий ишлаб чикариш соҳаси ривожланган сайин эътибор умум-назарий элементларнинг синтез этилишига қаратилади;

педагогик технология назариясининг яратилиш ва ривожланиш мантиқи асосий босқичларида умумий технологик назариянинг шаклланишини акс эттирувчи ҳолат сифатида намоён бўлади. Мазкур ҳолат асоси фикрлаш жараёнинг энг муҳим шакли сифатида хулоса чиқариш имконини берувчи дедуктив ёндашув ҳисобланади;

педагогик технология назариясининг яратилиши учун "ғишт қўйишнинг" асосий даври педагогик жараёнда технологик жиҳатнинг моҳиятини очишга ёрдам берувчм, ўзига хос тушунча ва категориялар тизимини акс эттирувчи технологик ўзгариш, технологик восита ҳамда техно-педагогик ўзаро таъсир билан боғлиқдир.

Юқорида баён этилган хулосалардан педагогик технологияни ривожлантиришнинг бошланғич шарт-шароитлари (техно-педагогик феноменни ривожлантиришнинг зарурий шарт-шароитлари ва пойдевори бўлган дастлабки элементлар ёки бошланғич шакллари), педагогик технология назариясини тараққий эттиришнинг асосий босқичлари ва асосий анъаналарини хусусий-илмий жиҳатдан аниқлашга йўналтирилган педагогик технология генезияси хам тасдиқлайди. Моддий ишлаб чиқариш технологиясини қарор топтириш ва ривожлантириш жараёнидаги асосий босқичларни аниқлаш, шунингдек, педагогик технология назариясининг келиб чиқишини асослаш мақсадида педагог, психолог, файласуф, иқтисодчи ҳам методолог олимлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ўтказилган тахлил натижалари куйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

— одамнинг табиатига кўрсатувчи таъсири жамоавий, максадга мувофиқ ва технологик ўзаро таъсир сифтида майдонга чикади. Ушбу ҳолат технологик восита тузилмасидаги сабабий боғланишларни умумий жараёнда мазкур восита бажарадиган технологик вазифа асосида тушунтирилади. Мавжуд детерминация (сабабий богланишларни аниклаш) технологик воситанинг технологик харакатнинг мустасносиз барча боскичларида ривожланишини таъминловчи объектив қонун сифатида намоён эттиради;

— хар кандай мехнат ўзаро узвий богланган элементлар: физиологик, ишлаб чикдриш ва мохиятан технологик саналувчи элементлар мажмуасини ифода этади Моддий ишлаб чикариш технологиясида бу элементлар мануфактур ишлаб чиқариш жараёнига қадар алоҳида мустақил қисмларга бўлиб чикади. Бу ерд* ҳунармандчилик фаолияти техникавий базаси, алоҳида олинган ишчининг хунармандчилик санъати эса ишлаб чиқаришнинг технологик асоси саналади, Шу боис бундай ишлаб чиқаришнинг кейинги тараққиётида табиий **Bi** ижтимоий тўсиқлар билан чегараланади;

-моддий ишлаб чикариш жараёнида мехнатнинг технологик элемеятитЯ ажратиш мануфактура ривожланиши нихрясига етган боскичда амалга оширилаД ва ишлаб чикариш жараёнининг айрим элементар операциялари якунига етг* намоён бўлади. Алохида ишчи томонидан эпчиллик, иктисод килиш ва ичЮ



ишонч асосида муайян микдордаги маҳсулотни иш вақти бирлигида тайёрлаш технологик инкилобни таъминлаш учун объектив замин яратадиган технологик қонун бўлиб қолади;

- техник инкилоб мохияти технологик вазифанинг инсон зиммасидан сокит этилиб, техник восита зиммасига утиши билан асосланади. Ишлаб чикаришнинг барча жараёнларини йўлга қўйиш ҳамда инсоннинг ушбу жараёнидаги бевосита иштироки учун сарфланадиган вақт ўртасидаги фарқ ўтиш даврининг ўлчови, кўрсатгичи хисобланади. Айни пайтда технологик харакатини ташкил этиш бўйича хунармандчилик санъати ўз ўрнини фанга бўшатиб беради. Қайд этилган ўтиш даври техникавий жараённинг бош йўли сифатида майдонга чиқадиган ва хусусий техник-технологик феноменларнинг ички қонуниятларда ўз аксига эга бўлган технологик восита зиммасига инсон томонидан бажарилаётган технологик вазифанинг топширилиш крнун билан боғлиқдир;

- моддий ишлаб чиқариш технологияси педагогик технологиянинг пай до бўлиши ва ривожланишининг бошланғич шарт-шароитлари сифатида намоён бўлади. Тарихий куртак сифатида у биоижтимоий технология тарзида намоён бўлади. Педагогик технология онтологик, ижтимоий-иктисодий, шунингдек, яратиш, амалга ошириш ва ривожлантиришга асосланувчи илмий-назарий конунлар, ижтимоий қонун ва мустакил равишда мавжуд бўлиш шарт-шароитлари сифатида акс этади.

Технологик ўзаро таъсир, таълимнинг технологик воситалари ва улар ёрдамида ташкил этилувчи педагогик жараённинг бевоситалик даражаси (технологиялаштириш) борасидаги тасаввур асосида киска онтологик-социологик таҳлил ўтказилди.

Таҳяил жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ишлаб чикаришнинг юқори технологик, илмий ва динамик жараёнининг ривожланишидаги объектив анъаналар педагогик жараённи бир гуруҳ ўқитувчиларнинг педагогик махоратига асосланган таълим технологиясидан кўп сонли педагогларнинг касб махорати ва фаолиятининг мазмунига асосланган таълим технологиясига ўтказиш заруриятини кун тартибига қўймокда.

Ушбу педагогик жараёнида акцент (ургу)нинг мураккаб кооперация Даражасидаги ҳиссий билишдан мантиқий билишга томон силжиши, субъект-объект муносабатларидан субъект-субъект муносабатларига ўтиш ва педагогик жараёнда таълимнинг хилма-хил техника воситаларини кенг қўллашга эришиш билан богликдир.

Педагогик технология назариясининг мазмуни ва таркибий тузилмаси (тузилиши) кўриб чиқилаётган муаммолар мажмуида марказий ўринни эгаллайди. Педагогик технологиянинг куйидаги мухим белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- предметлилик (педагогик технология назариясига оид барча атама, тушунча, категория ва таъкидлар бир предметли ёки муайян соҳага тааллукди бўлиши керак);

- бир-бирига мослик ёки тўликлик (педагогик технология назариясининг тили, унинг асосий тушунчалари, категориялари, тамойиллари, моделлари ва Ҳоказолар);

- аникдик (объект маъносини икки аспектда: эмперик ва семантик

жиҳатдан очиб беради);

- текширувчанлик (назариянинг реал объектга мослик даражасини) текширади);

**- хаққонийлик** (педагогик технология назариясининг асосий таъкидлари ишончли бўлиши зарур);

**-тизимлилик** (техно-педагогик қонунларни табақалаштирувчи ва мувофиклаштирувчи алоқалари ёрдамида ягона тизимга бирлаштириш).

Юкррида кайд этилган жиҳатларга таянган ҳолда педагогик технология назарияси моҳиятини очиб бериш мумкин. Дастлаб "назария" тушунчасининг маъносини англаб олиш мухим.

Манбаларда бу тушунча куйидагича шарҳланади: "Назария (грекча theoreo сўзидан олинган бўлиб, theoria - қараб чиқаман, тадқиқ этаман) кенг маънода - **маълум ходиегнинг мохидтини ёрвтиш ва тушунтиришга йуналтирилган карашлар, тасаввурлар, гоялар мажмуи; нисбатан гор ва махсус маънода эса — кайд зтилаётган назария объекти булган Фаолият конуниятлари ва мавжуд алокаларя тўгрисидаги тўлаконли тасаввурни бера олувчи илмий билимларнинг энг юкори, энгтаракқий этган ташкилдий шакли".**

Ушбу таърифга асосланиб, педагогик технология назарияси моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи қуйидаги вариант таклиф этилади: **педагогик технология назарияси - педагогик фаолият конуниятлари ва мавжуд алокаларини тасвирлар хамда изохлар воситасида илмий, асосли баён этувчи техно-педагогик билимларнинг тизимли шаклидир.**

Педагогик технология моҳиятини англаб олиш унинг таркибий тузилмаси, вазифаси, назарий тузилмаларини кўриб чиқиш ҳамда бир гуруҳ таянч тушунча ва категорияларининг мазмунини тушунишга имкон беради.

Педагогик технология назариясининг таркибий тузилмасида қуйидаги элементлар ажратиб кўрсатилади ва тахлил этилади:

**Педагогик технология назариясининг таркибий элементлари:** муайян техно-педагогик мазмундаги эмперик қонунларни ёритувчи бошланғич эмперик асос; мухим объектлар моҳиятини тасвирлар ва шарҳлар ёрдамида ёритиб берувчи тушунчаларнинг мантиқий тил асоси; ўзаро боғлиқ оддий, бироқ муҳим объектлар (назарий асосланмалар) тизимини ёритувчи концептуал асос; конунлар йиғиндиси ва улар асосида юзага келадиган оқибат моҳиятини ифодаловчи таъкидлардан иборат назарий асос.

Таркибий тузилма таҳлили педагогик технология функциясига аниқлик киритиш ва унинг концептуал моделини куришга оид ёндашув вариантини асослаш имконини берди. Концептуал ва мантикий тил асоси, шунингдек, илмий техно-педагогик билимларнинг асосий салмоғини ишлаб чиқишда дедуктив ёндашув ва педагогик технология назариясининг концептуал асосига аниқлик киритиш учун эса индуктив ёндашувдан фойдаланилади.

Назариянинг концептуал асосини ишлаб чикишга алоҳида эътибор берилди. Ушбу асос педагогик технология матрицаси деб аталади.

**Педагогик технология матрицаси (техно-педагогик матрица) -** ***мшимая даражада зарур белгжар (назарий асослар)га таянувчи, сифатт педагоги* ошначогиялармоделидир***

Педагогик технология матрицаси негизи қуйидаги элементлардан ташкил





топади:

- илмий асосланган элементар техно-педагогик ўзаро таъсир;
- таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари;
- предметнинг техно-педагогик характ босқичлари ва уларнинг узгарищларини (кайта курилишини) ифодаловчи техно-педагогик ўзаро таъсир;

техно-педагогик ўзгаришлар (қайта қуришлар)ни ёритувчи предмет технология - педагогик восита табиатини ифодаловчи элементлар;

- педагогик технология назариясининг концептуал асосини ифода этадиган элементар техно-педагогик ўзаро таъсир;
- табиий, ижтимоий, техникавий омиллар.

Демак, педагогик технология назарияси дедуктив-хулосавий тавсияга эга ва унинг мохиятини ишонарли, аник ифода этувчи илмий назария сифатида намоён бўлади.

**Таълим жараёнига технологик ёндашув мазмуни.** Узбекистон Республикасида таълим соҳасида ўтказилаётган тубислоҳотларнинг мазмуни бугунги кунда таълим жараёнини лойихалашга янгича ёндашув билан бойиб бормокда.

Таълимга технологик ёндашув таълим жараёнини аниқ воситалар ёрдамида самарали бошқариш ва қўйилган ўкув мақсадларига муваффақиятли эришиш натижаларини кафолатлайди.

Таълим технологиялари педагогик фаолиятнинг маълум соҳасини қамраб олади. Фаолият соҳаси, бир томондан, танланган технологияга мувофиқ унинг асосини ташкил этувчи қаторлар тизимини хосил килса, иккинчи томондан, фаолиятнинг таркибий кисми сифатида юзага чиқади.

Технологик ёндашув турли соҳаларни концептуал ва лойиҳали ўзлаштириш, таълимий, педагогик, ижтимоий фаолият қирраларни очишда янги имкониятларни яратади. Жумладан:

натижаларни юқори аниқликда қайд этиш ва педагогик жараённи самарали бошқариш;

мавжуд амалий тажрибани илмий асосда таҳлил этиш ва қўллаш;

таълимий ва ижтимоий-тарбиявий муаммоларни яхлит хал этиш;

шахе ривожланиши учун кулай шароитни таъминлаш;

инсониятга ноқулай ҳолатларнинг таъсирини камайтириш;

ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш;

кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофик самарадор янги технологияларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий-педагогик муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Г.К.Селевконинг фикрича, педагогик фаолиятни қамраб олиш сохасига мувофиқ **педагогик технология куйидаги тўрт гурухга ажратилади** (вертикал структура): таълим жараёнида таълимий-ижтимоий сиёсатни амалга ошириш Даражасини ифодалайди; мамлакат, минтака, ўкув муассасаларига хос яхлит таълим жараёнини қамраб олади (мае: ривожлантирувчи таълим технологияси, минтақавий таълим сифатини бошкариш технологияси, махсус таълим муассасаларида ташкил этилувчи тарбиявий ишлар технологияси).

Модулли - тармоқли технология; ўкув жараёнининг алоҳида қисм (модуд)лари, хусусий, тармоқли, дидактик, методик ёки тарбиявий вазифаларни Ҳал этувчи фаолиятни ифодалайди (мае: субъект ва объектнинг алоҳида

фаолият турлари, маълум мавзуни ўрганиш, даре, билимларни ўзлаштириш, материалларни такрорлаш, тахеил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш технологиялари).

### 1.6. Педагогик технологиянинг максад ва тамойиллари

Педагогик технологиянинг асосий максади куйидагилардан иборат;

- ўқув жараёнини фаоллаштириш;

- таҳсил олувчилар томонидан ўқув материалини ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш ва таҳсил олувчиларни мустакил фикрлашга хамда ўз фикрини баён этишга ўргатиш.

Маълумки хар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи янги тамойилларга асосланган бўлиб, таҳсил олувчи шахеини шакллантиришга йўналтирилмоғи керак. Илгор педагогик технология марказида таълим жараёнининг рахбари хамда шу жараённинг субъекти-ю объекта бўлган ўқитувчи ва таҳсил олувчи туради.

Шундай экан, бу икки шахенинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши лозим. Бунинг учун таълим жараёни, ўқитувчи, таълим тарбия - жараёни олдига кўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамдг йўллари тахеил олувчини акдий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш таҳсил олувчи шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотп киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияд! ижодий, ишчанлик муҳитини вужудга келтириш, таҳсил олувчи фаолиятиш аник ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

Педагогик технология умумий дидактик тамойилларга эга бўлиши билав бирга, куйидаги айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эгадир:

Бир **бутунлик, яхлитлик тамойили.** Ушбу тамойил икки жиҳатни ўзида акс эттиради:

- таълим, тарбия хамда шахс камолоти (тараққиёти) бирлиги;

педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги, «тизимлилик» тушунчаси бу ўринда хам маълум ўкув фанини ўкитиа жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хосликни англатади.

**Асослилик (фундаментлик) тамойили.** Мазкур тамойил фанларнинг ўрганиш объекта, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (блок)ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Укув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштарилган. Ҳар бир ўкув фани унинг учун «ядро», «ўзак» саналувчи маълумот (ахборот)ларга эга бўлиб, ушбу маълумот (ахборот)лар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, ўзлаштирилган билимларня кенгайтириб бориш йўлида таянч тушунчалар бўлиб хизмат килади.

Бундай моҳиятли ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларм тайёрлаш жараёнида фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдалания имконини хам беради. Укув фанларининг муайян йўналишлар тарзд бириктирилиши шахс хотирасига нисбатан зўриқишни камайтирад» шунингдек, фикрлаш кувватини оширади, тафаккурнинг юзага келший





таъминлайди.

XX асрнинг 80-йилларида таълим жараёнини ташкил этиш таҳсил олувчиларга мавжуд фанлар соҳалари бўйича оз-оздан маълумот (билим) беришдан иборат деб талқин этилган бўлса, 90-йилларда ушбу жараённинг ташкил этилиши ўзлаштирилган билимлар негизида муайян, аник фан бўйича янги маълумот (билим)ларга эга бўлиш учун кулай шароитни яратиш жараёни сифатида эътироф этилди.

Моҳиятли ёндашув асослантиришнинг мухим омили **саналади.** У, шунингдек, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларни умумлаштириш тарзидаги синергетикёндашувни ҳам кўзда тутади.

**Маданиятни англаш (маданий хаётнинг ривожланишига мувофиклик) тамойили.** Мазкур тамойил олмон педагоги А.Дистервег томонидан XIX аерда истеъмолга киритилган бўлиб, бугунги кунга кадар хам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маданиятни англаш тамойили таҳсил олувчиларга ижтимоий жамиятнинг маданий тараққиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутади. Ўтган аерда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омил сифатида педагогнинг билим даражаси ва маҳорати эътироф этилган бўлса, бугунги кунда ўқитувчининг билими, салоҳияти ҳамда маҳоратининг юқори даражада бўлиши билангина муваффақиятларни қўлга киритиб бўлмаслиги барчата аён. Мазкур ўринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, компьютер, мультимедиа воситалари, шунингдек, **жамиятнинг ижтимоий ва** иктисодий тараккиётининг эътиборга олиниши мухим аҳамият касб этади. Эндиликда биз мутахассисларни **«соха (ёки йўналиш)ларнинг ўзига хос жихатлари, бу борадаги назарий ва амалий билимларни чукур билишлари, муайян фаолиятларни бажара олишлари, белгиланган муддатда аник вазифаларни хал этишга улгуришлари хамда маълум ютукларга эриша олишлари» гояси** етакчи ўрин тутувчи бозор муносабатлари шароитига тайёрлай олишимиз лозим.

**Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлапггириш тамойили.** Тилга олинган хар икки тушунча хам луғавий жиҳатдан (юнонча humanus - инсонийлик, humanitas -инсоният), бир **ўзакка эга бўлса-да,** уларнинг **ҳар** бири ўзига хос маъноларни ифодалайди. **Инсонпарварлаштириш** таълим муассасаларида ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, психология, филология ва бошқалар)нинг киритилишини, **инсонийлаштириш** тушунчаси эса шахс **ва** унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Бошкача айтганда, **инсонпарварлаштириш** - бу инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг кадр-киммати, шаъни, ор-номуси, **Ҳукуқ** ва бурчларини хурматлашга асосланувчи фаолиятни ташкил этиш жараёни бўлса, **инсонийлаштириш** «барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараккиёти) учун» деган гоя асосида ташкил этилувчи фаолият жараёни саналади.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда хар бир ўкитувчи ушбу тамойилга Катъий амал килиши лозим **ёки ўз** мутахассислигига оид **муаммоларни** ҳал этишда унинг жамият манфаатлари билан уйғун бўлишига эътибор бериши мақсадга мувофикдир. Эндиликда педагог таҳсил олувчилар фаолиятини авторитар (якка ҳокимлик) тарзида бошкармай, балки таълимий хамкорлик

ғояларига содиклик асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошқач8| айтсак, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишинй таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснин шаклланишига олиб келади.

Ўқитиб тадқиқ этиш, тадкик этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойк| куйидаги икки жиҳатни ёритишга хизмат қилади:

***1) таышм муассасаларитшг ҳар бир ўқитувчш1 ўз фани соҳасига пvxхрik олувчилсрни жапб қилган ҳопда тадқиқотларни олиб борнит лозим;***

***2) ущтувчи таълим технологиясини ишлаб чшрди, уни амаяиётда синаб кррадй кузатади ва тузаташлар киритади, яьни, у таълим жараёнини тадщщ этади.***

Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга **бўлиб,** ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришга ва таҳси] олувчиларни б^лажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун **зами|** яратади.

Таълимнинг узлуксизлиги тамойили. Мазкур тамойил таҳсил олувчиларний касбий сифатларга эга бўлишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётий фаолия^ давомида такомиллашиб боришини назарда тутади. Шахсга унинг **бутун** умрЙ учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуЯ билимлар хар беш-ўн йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Дем мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни **ташки!** этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан таҳа олувчиларнинг мустакил билим олишлари учун шарт-шароитлар ярат**^Ц** беришни ифодалайди.

Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидакпр боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси куйида! икки хил маънода изоҳланади:

а) таҳсил олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар;

б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёни| кўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар.

Билимлар фаолият юритиш жараёнидагина мустаҳкамланади, шу **сабаб|** тахсил олувчиларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иқтидор тарбиялаш лозим. Амалиётдаги татбиқига эга бўлмаган билимлар тез ораj унутилиб юборилади.

Замонавийлик тамойили-таълим амалиётига илмий асосланган ва тажриЯ синовда текширилган дидактикага оид янгиликлар, тартиб қоидаларни жоре этади. Тахсил олувчи эгаллаган билимини мантиқий тушуниб амалда **қўллаиДЯ**

Даврга мое ҳолда **ўқув** дастурлар модернизация қилинади ва жараёнининг оптимал варианта танланади.

Ўкув жараёнининг ўкитувчи ва тахсил олувчи томонидан кам сарфланиб, юкори максадга эришадиган оптимал вариантини яратади.

Илмийлик тамойили - таълим-тарбия жараёнида самарали восита, метод хамда дидактик материаллардан фойдаланишнинг ташкилий **масалаЛ^Ц** янги ечимларини қўллашни тақазо этади.

Тахсил олувчи ва ўқитувчининг дастурли фаолиятни ташкил этиш жараёнининг боришини таҳмин этиш тамойили.

Ўкитувчи тахсил олувчини мустакил ишлашга ўргатади, ундан му



харакатларни амалга оширишини ва кўллашини талаб килади.

Таълимни фаоллаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалари, шунингдек, фойдаланиш самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш тамойили. Мазкур тамойил педагогик жараённинг жадаллаштирилишини таъминлайди.

Ўкув жараён учун зарур бўлган моддий-техник базани яратиш тамойили. Ушбу тамойил ўзида етарли даражадаги моддий-техник базани яратиш имкониятини излаш жараёнини ёритиш учун хизмат килади.

Укув-тарбия жараёни натижаларини холисона бахолаш тамойили - Ушбу тамойил тест усули ва рейтинг тизими асосида таҳсил олувчи билим ва кўникмалари даражасини аниклаш, ўзлаштириш жараёнини назорат килиш, шунингдек, баҳолашни автоматлаштириш каби фаолият мазмунини ифодалашга хизмат қилади.

Таълим-тарбия мазмунининг жамнят эхтиёжларига мое келишл тамойили мазкур тамойил жамият эҳтиёжларини маълум даражада таълим-тарбия асосида ҳал этилишини-ифодалайди.

Ушбу тамойилларга амал қилиш таҳсил олувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги самарали фаолиятига замин яратади ҳамда кўзланган максадга эришишини тезлаштиради.

Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари, яъни, дастлабки коидалари ана шулардан иборат. Уларга амал қилган ҳолда педагогик фаолиятни ташкил этиш ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошиб бориши, таҳсил олувчиларнинг ақлий ва ахлоқий сифатларни эгаллашлари, шунингдек, уларда шахсий тажрибаларнинг хосил бўлишига замин яратади.

Натижада куйидаги ҳолатларнинг юзага келишита шароит яратилади:

- таҳсил олувчининг талаби, мойиллиги, хохиш-истаги унинг имкониятлари даражасида кондирилади;
- тахсил олувчининг ўқув меҳнатига нисбатан масъулияти ва жавобгарлиги ошади, ижтимоий бурчни англаш таъминланади;

таҳсил олувчиларда билимларни мустакил эгаллаш малакалари шаклланади;

таҳсил олувчиларда ҳаёт давомида ўз билимини бойитиб бориш мумкинлигига ишонч юзага келади;

- таҳсил олувчиларда эркин фикр юритиш малакаси шаклланади;
- шахенинг жамиятда ўз ўрнини тезроқ топиши учун шароит яратилади.

### 1.7. Таълим жараёнига мажмули ёндашув тамойилари, турлари ва ишлаб чикиш боскичлари

ва ^аълимни «технологию) йўналишда қуришнинг умумий мезони унинг аник пухта ўйланган мақсадга йўналтирилганлигидадир. Мазкур холатда асосий Умий) хамда жузъий максадларни амалга ошириш учун муайян қонуният, раен, тизим ва унга мое амаллар мажмуи мавжуд бўлиши такозо этилади. им Дагогик технологиянинг воситавий йўналтирилганлиги унинг кенг а ониятлаРини очиб беради. Бу ўринда таълимнинг ташкилий жихатлари, лдан, гуёки ташкаридан белгиланган максадларга эришиш усули сифатида ЗДи. Мое равишда амалга оширилиши талаб этиладиган жараёнлар

моҳиятини таҳлил этиш, уларни саралаш ўқув фаолияти мазмунини **ҳисоб1** олмаган ҳолда йўлга қўйилади.

Таълимни «технологик» йўналишда куришнинг умумий мезон қуйидагича;

1. Расмий-тасвирий - мақсадлар тавсифи, мазмун, метод ва воситала| фаолият алгоритми, кутилган натижага эришишда қўлланадиган моделларн ифодалайди.

2. Илмий - объект ва субъект фаолиятини амалга ошириш, унинг мақсадг мувофиқлиги, режалаштирилганлиги, ташкил этилиши, мақсадни амалг ошириш ва натижаларни таҳлил этиш жараёнини ифодалайди.

3. Жараёнли-фаолиятли — маълум муаммони хал этиш йўллари илми жиҳатдан асосланган, амалиётга татбик этиш чоралари белгиланган бўлиш зарур.

«Педагогик технология» доирасида аникданиб олинувчи мақсадларши эмпирик таҳлилигина берилади. Таълим мақсадлари борасида олиб борилга таҳлил эмпирик тавсифда «технологик» ишланмаларнинг дидактик жиҳатда тўлақонлиги бўлмаслигини кўрсатади. Умумий дидактик мақсадларнш «техник» дедукцияси «педагогик технология»нинг дидактик имкониятларии кўрсатувчи мухим жихат хисобланади.

Таълим мақсадларининг таҳлилий баёнидан ташқари муайян ўкув жараён учун таълим услубларини танлашнинг муҳим шарти сифатида таҳа олувчиларнинг билим даражаларини олдиндан ташхислаш, уларнинг кўники ва малакаларини мавжуд меъёрий талаблар билан таққослаш эътироф этилада

Таълим жараёнининг бориши тахеил олувчиларнинг белгиланган макс! йўлида харакат килишларини узлуксиз назорат қилишни кўзда тутади. Мазк) жараён технологик таълим тизимининг юқори даражали имкониятларини оч! беради.

Педагогик технология таълим мақсадига ташкилий-услубий воситага ёрдамида эришиш мумкинлигини ифодалайди. Агар технологик тизимлар; асосий эътибор билимларни узатиш ва таҳсил олувчилар томонид! ўзлаштирилган билимлар даражасини аниклаш мақсадида назоратни йўл қўйиш борасидаги ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлс услублар мажмуасини танлаш асосан эмпирик асосда амалга оширилади.

Технологик ёндашувнинг яна бир хусусияти бўлган даврий кетма-кетл! педагогик технологиянинг назарий асосларини ёритишга хизмат қилади **J** режалаштирилган стандарт натижаларга эришиш имконини беради.

Таълимнинг тўлалигича **стандартлапггиришга йўпалтирилгаплш** **технологик ёндашувга хос булиб,** у дидактикада таълимнинг асося жихатларидан бири сифатида эътироф этилувчи ва кейинги йилларда **бут)** жаҳон педагогикасининг **тадкикрт объекгига** айланган ўқитувчи ҳамда таҳс! олувчи ўртасида юзага келувчи муносабатлар мазмунини ифодалайди.

Таълим жараёнини лойиҳалашга технологик ёндашув қуйидаги acocJ босқичлардан иборат бўлади:

**Асосий боскичлар:** l-босқич - таълим жараёнининг умумий, асосі максадини белгилаб олиш. 2-боскич — таълим жараёнини реал муай босқичларга бўлиш, хар бир босқич учун хусусий мақсадларни белгила) асосий мақсадни амалга ошириш йўлида жузъий мақсадларни ҳам ҳал этиб бориш. 3 - боскич таҳсил олувчиларнинг билим даражасини олдиндан ташхис килиш.



Боскичлар кетма-кетлигининг моҳияти ўқитувчи ҳаракатларининг даврий, такрорланувчанлигини ифодалайди. Боскичларнинг бир-бирига мувофик равишда кетма-кет келиши ўқитувчи ҳаракатининг муайян максад, аник назорат усуллари ҳамда таълим шакли асосида бир неча маротаба такрорланиб бориши ҳисобига нихоясига етказилишини англатади.

Бундай ёндашув таълим самарадорлигига эришиш, таълим жараёнининг мазмунини, тахеил олувчига илмий билимларни турли воситалар ёрдамида етказиб беришни назарда тутади. Умумпедагогик тамойил нуқтаи назаридан таълим натижаси самарали равишда ўзлаштириладиган билим, ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг биргаликдаги тадқиқотчилик фаолияти, бу борада орттирилган тажриба ҳамда таҳсил олувчиларда ахлоқий-ҳиссий сифатларнинг шаклланганлиги билан белгиланади.

Таълим мақсадлари, бахолаш мезонлари ҳамда таълимий шароитларни такрорий хоеил килиш асосида тарбиявий фаолият жараёнига ҳам педагогик технологияларни самарали татбик этиш мумкин. Шу тарзда педагогик технологиянинг асл моҳияти намоён бўлади, шунингдек, ўқув ва тарбиявий фаолият ўртасидаги тафовут бархам топади. Таълим технологияси таълим мақсадларини аниқлаштириш, яхлит жараённи қисмларга ажратиш, таълим натижаларини стандартлаштириш, таълим жараёнидаги самарали тескари алоқа, автоматлаштириш имкониятларини такомиллаштириш каби мухим таълимий муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини беради. Мазкур муаммоларни ҳал этишда мавжуд педагогик (автоматлашган ва автоматлашмаган) тажрибани инобатга олиш, унга нисбатан танкидий муносабатда бўлиш мақсадга мувофикдир.

Педагогик технологиянинг ривожланиш истиқболлари унинг назарий асосларини танкидий равишда таҳлил қилиш, таълим жараёнига нисбатан самарали ёндашувнинг қарор топиши ҳисобига таъминланади. Яъни, маълум вақт оралигида педагогик технологиянинг назарий асосларини ўзгартириш билан бирга унинг «муаммо майдони»ни хам ўзгартириш мумкин бўлади.

Таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш бир қатор Дидактик вазифаларни ижобий ҳал этишни тақозо қилади. Чунончи, дидактик мақсадлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга мувофик равишда таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалашда яхлит жараён хамда унинг босқичлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, таҳсил олувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг тўлақонли ўзлаштирилиши, барча тахеил олувчилар билим, кўникма ва малакалари даражаларининг тенглашувига эришиш ва ҳоказолар.

Маълумки, хар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи тамойилларга асосланган бўлиб, тахеил олувчи шахеини тарбиялашга иуналтирилмоги лозим, Педагогик технология назариясининг марказида таълим жараёнининг рахбари, айни вактда, ушбу жараённинг хам субъекти, ҳам объекте бўлган ўқитувчи ва таҳсил олувчилар турадилар. Шундай экан, ушбу субъектлар ўртасидаги ўзаро хамкорлик, ўзаро мулоқот, уларнинг

бир-бирларига нисбатан кўрсатадитан акс таъсирлари энг замонавий талабларп жавоб бера олиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи, энг аввало, таълим-тарбш жараёнини ташкил этишга нисбатан қўйилувчи талаблар, таълимни ташки! этиш ва бошқариш тамойиллари, йўллари, тахсил олувчини аклий ва жисмонот жиҳатдан ривожлантиришга хизмат килувчи усуллар, у билан ҳамкорлш қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, тахсил олувчи шахси фаолиятин* тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, педагогик фаолиятни ташкил этиш жараёнида юзага келувчи муаммо ва келишмовчиликларш биргаликда бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитини ҳосш қилиш, таҳсил олувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолашга имкон **берувч1** методлар билан куролланган бўлиши лозим.

Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳиятиш билиш мазкур жараён борасида аниқ тасаввурга эга бўлишимизга **нмкоı** яратади. Шу боис биз қуйида педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ***т*** уларнинг моҳияти хусусида сўз юритмокчимиз.

У ёки бу таълим технологиясининг танланиши режалаштирилган дарсд қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигиг боғликцир. Юқорида қайд қилинганидек, таълим технологияси доирасида янп ўқув материалини ўзлаштиришнинг куйидаги даражалари мавжуд:

Таълим технологияси доирасида янги ўқув материалини ўзлаштирш даражалари: ***бошлангш, алгоритмик, эвристик, ижодий.***

Бошланғич ва алгоритмик характердаги даражалар самарали билим в кўникмаларни аникдаш учун мезон вазифасини ўтайди. Ўзлаштиришнинг ушб даражаларини аниқлашга ёрдам берувчи технологик жараённи ижроч технология деб аташ мумкин. Ўкув материалини эсда сақлаб қолиш ҳамд кўникмаларни ҳосил қилишга йуналтирилган фаолият даражаси таҳси олувчиларнинг маҳсулдор ва натижавий фаолиятларини уйғунлаштиришн талаб килади. Мазкур холат ўкув фаолиятини ташкил этишга муаммол ривожлантирувчи технологиянинг татбик этилиши билан амалга ошади. Ушб технология асосида таълим жараёнини ташкил этиш тахсил олувчиларни ўку материалини рефератлаштириш, уларнинг машғулотларда ўз маърузалар билан катнашиш, мунозара ҳамда ишчанлик ўйинларида фаол иштирок этипк ўргатиши лозим.

Ўкув фаолияти изланувчан, эвристик характер касб этганда, юкор даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим, вазиятларн таҳлил килувчи топшириқлар, мустақил ишлар, муаммоли характердаг* топшириқлар, ишчан ўйинлар каби шакллардан фойдаланиш зарур.

Ўзлаштиришнинг мазкур даражасини ифода этувчи технологик жараё **эвристик технология** деб аталади.

Таълим жараёнининг дидактик моҳияти куйидаги педагоги технологияларни ажратишга имкон беради.

Педагогик технология турлари: фаолият кўрсатишга асосланган педагоги технология; муайян ўқув-тарбия мақсадларини бажаришга сабаб былувч омилларни яратишга асосланган педагогик технология (келгуси ўКЗ* омилларини яратиш технологияси); бошқаришга асосланган педагоги технология '



Таълим-тарбия жараёни бутун машгулот давомида тахсил олувчи фаоллиги ва кизикувчанлигини мунтазам равишда уйғотиб бориш мақсадини кўзда тутади. Ўкув омилларини яратишга асосланган педагогик технология тахсил олувчиларни тезкорлик билан ўқув ёки ўкув ишлаб чиқариш фаолиятига жалб килиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижа кўзланмаган топшириқлар машгулотнинг самарасиз якунланишига олиб келади.

Бундай ҳолатлар кўп холларда ўқитувчининг таҳсил олувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига олиб келади. Бу ҳол таҳсил олувчининг ортиқча ҳиссиётларга берилиши, ўкув фаолиятига ундовчи рағбатнинг пасайиши, ўқишдан безиши ҳамда ўқув предмети ва ўқитувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчи ва тахсил олувчи орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, нохуш ҳиссиётларни бартараф этишга йўналтирилиши лозим.

Ўкитувчи билан таҳсил олувчи орасидаги муносабат эришилган ютуқлардан завкланиш, ўқув фаолиятига нисбатан чанқокдик билан интилиш ҳамда биргаликдаги ижодий мулокотга чорлаши керак. Бу эса педагогик таъсирини ташкил этиш учун зарур бўлган ўзаро алоқа воситаси, «кўприк»ни вужудга келтиради. Таълим жараёнида таҳсил олувчи шахсига нисбатан хурматсизлик билан ёндашилганда кўзда тутилган талабчанликка, айникса, онгли интизомни ўрнатишга эришиш мумкин эмас.

Бошка бир томондан олиб Караганда, педагогик муносабатнинг таркибий қисми бўлган мулокот (коммуникатив фаолият)ни куйидаги шаклларда уюштириш мумкин.

Мулокот шакллари: педагогик жараённи андозалаш; ўкувчилар гурухи билан мулоқотга киришиш; ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулокот жараёнини бошқаришни ташкил этиш; фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келувчи мулоқот тизимининг андозасини яратиш; бевосита мулокот (коммуникатив ҳамкорлик)ни ташкил этиш.

Таълим-тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва таҳсил олувчи орасидаги ўзаро муносабат ва мулокотнинг бир неча турлари (стиллари) мавжуд бўлиб, улар куйидагилардир:

1. Суст-ижобий - ўқитувчиларнинг умумий хиссий-ижобий ҳолатдаги вазиятларда тахсил олувчилар жамоаси билан ижобий, аммо фаол бўлмаган муносабатни ташкил этишлари билан тавсифланади.

2. Баркарор-ижобий - ўқитувчининг таҳсил олувчиларга нисбатан баркарор-ижобий муносабати, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, кийинчиликларни енгишга ёрдам бериш, улар билан вазмин ва тенг оҳангда мулоқотда бўлиш билан тавсифланади.

3. Беқарор - бекарор хусусиятга эга муносабат ўкитувчиларнинг умумий Ҳиссий-ижобий ҳолатдаги вазиятларда тахсил олувчилар жамоасига нисбатан беқарор муносабатда бўлишлари билан тавсифланади.

Укув омилларини яратишга асосланган педагогик технология Укитувчиларнинг таҳсил олувчиларга мулокот асосида таъсир этиш йўлларини Ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган метод ёки мулоқот таъсирлари Қуиидагилардан иборат: ишонтириш, исботли натижаларга асосланиш,

бевосита ҳамда билвосита таъсир, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсн методлари.

Педагогик технологияни ўкув жараёнига фаол татбиқ этиш ҳисобш таълим жараёнининг рагбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумки] Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашн кийинлаштиради, бу айникса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлад Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда таҳск олувчиларнинг бевосита фаолият кўреатишлари талаб этилади. Бу муаммонш ечими бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланиши била боғлиқдир.

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўник» ва малакалар, ташкил этилаётган дарслар шакли ва қўлланилаётган методл! ҳамда методик усулларнинг хусусиятига боглиқ. Масалан, таҳсил олувчилар) ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўкув материалларига танқидий ёндаши кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил эти билан бир қаторда уларни ривожлантириш учун дарснинг анъанавий шаклла| (уйгунлаштирилган дарслар) билан биргаликда конференция дарси, ишч ўйин дарслари, интеграллаштирилган (икки компонентли) дарслард! фойдаланиш лозим.

Мазкур вазиятда таълим методлари таълим мақсади билан мутаноа (адекват) бўлиши керак. Чунончи, билимларни турли вазиятларда қўллаш йўналтирилган топшириқлар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундов топшириқларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар **тузи** уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш бошқалар.

Етарли даражадаги рағбат (мотивация) хамда тахеил олувчил фаолиятини **ташкил этиш** билан **хам кўзланган** натижаларга **эрии«** кафолатланмайди. Таълим-тарбия жараёнининг дидактик нуктаи назард такомиллашуви факатгина, ушбу жараённи ташкил этиш ва бошкар» йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади. Педагогик технология бошкариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради:

- фаолиятни бошкариш;

-тахеил олувчилар жамоасини бошкариш.

Муайян педагогик технологияни танлаш ўзгарувчан даре ҳолатин* ўзгаришига имкон беради хамда фаолият максадига қараб амалга ошририлау Шунингдек, вариантли тарзда даре холатини ўзгартириш чораларини кўриш тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнини **бошқариЯ** қўйилаётган талаб, шунингдек, ўзлаштириш, мулокот килиш, **фаол1** кўрсатиш босқичларининг хусусияти билан боғлиқдир.

**Педагогик тизим тушунчаси.** В.П.Беспалько таърифига кўра, педагог тизим деганда, маълум сифатларга эга бўлган шахсни шакллантирия нисбатан аниқ максадди, ташкиллаштирилган, педагогик таъсир кўрсатиш **уч** талаб этиладиган, бир-бири билан ўзаро боғланган услуб, восита ва жараён) мажмуаси тушунилади. Демак, жамиятнинг устувор қадриятлари п» шаклланишидаги талабларни ва максадни белгилаб беради, бундан **ке)** чиққан ҳолда педагогик тизим хам ўзгариб боради[ 18].





Ҳар кандай педагогик тизим инвариант элементларининг куйидаги ўзаро боғланган мажмуаси кўринишида ифодаланади: 1-таълим олувчи; 2-таълим мақсади; 3-таълим мазмуни; 4-таълим жараёни; 5-таълим берувчи; 6-таълимнинг ташкилий шакллари.

Берилган сифатларга эга шахсни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённи ифодаловчи таълим ва таълим берувчи ўртасидаги барча алокалар юқорида келтирилган тузилма доирасида амалга оширилади. Таълим-тарбия жараёнининг барча даврлардаги тараққиёт омиллари педагогик тизим элементларининг хусусиятлари, уларнинг ўзаро боглиқлиги ва тузилмаси ўзгаришида ўз аксини топади. Шуниси мухимки, Педагогик тизим тузилмасида хар кандай илмий назариянинг икки асословчи тушунчаси: вазифа ва амалга оширилиш технологияси яккол кўзга ташланади. Дидактик вазифа тузилмасида инсоннинг ҳар кандай фаолиятда бўлганидек эришилиш шартлари хамда холати тўғрисидаги ахборот билан шартланувчи максад акс эттирилган. Дидактик мақсад шахенинг маълум сифатларини шакллантириш, шарт-шароитлар - таълим олувчининг дастлабки ҳолатдаги шахс сифатлари, ахборот эса-ўкув предмета мазмуни билан белгиланади.

Ҳар қандай дидактик вазифа мое равишдаги таълим технологияси ёрдамида ҳал этилади, унинг бир бутунлиги эса учта (ташкилий шакл, дидактик жараён ҳамда ўқитувчи малакасининг ўзаро боғланган) ишланмаси асосида таъминланади.

Педагогик тадкикот ва ишланмалар, демакки, умумий олинган педагогик технологиянинг асл мазмуни куйидаги ҳолатларда ифодаланади:

Биринчидан, педагоглар педагогик технология воситасида амалий таълим жараёнидаги хаёлий ғояларни минимум даражага келтириш ва уни олдиндан лойиҳалаш ҳамда кейинчалик уларни ўкув машгулотларига татбик этишга харакат килмокда. Бунга юқорида кайд этилган «дидактик вазифа» хамда «таълим технологияси» тушунчаларини тўғри татбиқ килиш орқали эришиш мумкин.

Иккинчидан, фойдаланиб келинган - даре учун бажариладиган, ўкитишга мулжалланган алоҳида ишланмалардан фаркли равишда педагогик технология таҳсил олувчининг билиш фаолияти тузилмаси ва мазмунини белгиловчи ўкув-тарбия жараёнининг лойихасини таклиф килмокда. Машгулотлар учун алохида ишлаб чиқилган услубий тавсияларни ҳар қандай ўкитувчи аниқ амалга ошира олмаслиги маълум бўлса, дастурлаштирилган таълимни амалга ошириш тажрибаси шуни кўрсатмокдаки, билиш фаолиятини олдиндан лойиҳалаш амалда хар қандай ўзлаштириш даражасига эга таълим олувчининг "Уваффаקиятли фаолиятини таъминлайди. Замонавий шароитларда, педагогик жараёнларни компьютерлаштириш - таълим жараёнини педагогик лойиҳалаш, Уии самарали амалга оширишнинг ягона йўналиши хисобланади.

Учинчидан, педагогик технологиянинг аҳамиятли жиҳати-мақсадни блгилаш жараёнидир. Анъанавий педагогикада назариётчи ва амалиётчи чедагогларни мақсадни белгилаш муаммоси ўйлантирмайди, бунда максад сари !?"Хум йўлдан борилиб, унга эришиш қандайдир истиқбол сифатида лгиланади. Педагогик технологияда эса у марказий муаммо сифатида каралиб икки йўналишда ҳал этилади.

Таълим олувчи томонидан фанни ўзлаштиришда ташхисли мақсадни белгилаш ҳамда ўзлаштириш даражасини ҳаққоний назорат қилиш мақсадга мувофикдир.

Тўртинчидан, педагогик технология маълум педагогик тизим лойиҳаси. Уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг мухим мезони - умумтаълим-тарбия жараёнлари тузилмасининг мазмун жиҳатидан бир бутун эканлиги тўғрисидаги тушунчани шакллантиришдир. Бир бутунлилик мезони бўлажак илғор педагогик тизимни лойиҳалашда педагогик тизим барча элементларининг горизантал равишда бир ўкув даври-чорак, семестр ёки ўкув йили мобайнида; вертикал равишда - бутун таълим даври мобайнидаги ўзаро уйғун таъсирланувини ифодалайди. Бунда педагогик тизимнинг битта элементига унинг қолган элементларини мослаштирмасдан туриб ўзгартиришга йўл қўйиб бўлмайди. Таълим мақсадларини ўзлаштирган ҳолда унинг мазмунини ўзгартиришни ёки таълим жараёнини, унинг мазмуни ўзгартирилмай қолдирилган ҳолатлар юқоридаги фикримизни исботлайди. Бундай шаклдаги педагогик технологияларнинг ҳаётий эмаслигини ўкув режалари ҳамда дастурларини бир неча бор қайта тузишда олинган натижалар тасдикдаб турибди. Педагогик тизимни бир бутун ҳолатда лойиҳалаш ўкув юртлари учук таълим олувчиларни тарбиялашнинг маълум хусусиятларини кафолатловч* нисбатан турғун услубий хужжатга эга бўлиш имконини беради.



# ПБОБ. ТАЪЛИМНИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

## 2.1. Таълимни ташкил этишга нисбатан инновацион ёндашувлар мазмуни

Замонавий таълимнинг энг муҳим элементлари кадимдан шаклланиб келган. Таълим максади, мазмуни, шакл, услуб ва воситалари таълим жараёнлари мазмунини тахлил қилиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар бўлиб ҳисобланади. Айнан шу категориялар маълум предмет, мутахассислик ёки ихтисослик бўйича ўкув-тарбиявий жараённи ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади. Қайд этилган педагогик категорияларни мақсадга мувофик равишда йуналтирилган педагогик фаолиятнинг қонуният ва мезонларини тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради.

Узок йиллар мобайнида кайд этилган педагогик категориялар жамият ижтимоий талаби даражасидаги максадларни рўёбга чиқариш учун етарли бўлиб келган. Муайян даврларда бир гуруҳ педагоглар томонидан барча даврларда амалга оширилган педагог фаолиятининг даражаси қоникарсиз дея баҳолаганлар. Улар, хусусан, педагогик тушунчаларга берилган таъриф ва тавсифларнинг ноаникдиги, таълим жараёнларини тавсифловчи баъзи категорияларнинг етишмаслиги, таълим максади, мазмуни, шакли, услуби ва ўкитиш воситалари ўртасида ўзаро узвийликнинг мавжуд эмаслиги каби холатларни доимий равишда танқид қилиб келганлар. Улар томонидан «методика» тушунчаси юқори даражадаги субъективликка эга эканлиги таъкидланади. Ҳакиқатда эса таълим натижалари тахсил олувчининг педагогик жараёнларидан муваффақиятли «ўтганлиги» билан белгиланади.

Педагогик жараённинг мохияти - ўкитувчи хамда таҳсил олувчининг биргаликдаги фаолияти мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог таҳсил олувчига юзага келган кийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг асосий мохияти педагогик жараённинг тавсифи, унинг маълум максадга йўналтирилганлиги, шунингдек, шахсни шакллантириш ва тарбиялаш борасида ҳал этиладиган вазифалар билан ифодалайди. Педагог ахборотларни эълон қилиш, кўрсатиш, эслатиш, тушунча ёки маслаҳат бериш, йўналтириш, Ҳаққонийлаштириш, кенгашиш, бартараф этиш, ҳамдардлик қилиш, илҳомлантириш, қизиқиш ва хурматни изхор қилиш, талабчанликни Кўллаб-қувватлаш каби кўринишларда ёрдам беради.

**Замонавий ўқитиш технологиялари** - мажмуавий интеграл (бутун, узвий боғлиқ) тизим бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар таҳсил олувчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштириш, Уларда муайян маънавий-ахлокий сифатларни тарбиялашга йуналтирилган педагогик фаолият элементларининг маълум тартибга солинган тўплами сифатида акс этади.

Бу

Ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши (кимга ва нима учун?), мазмунни танлаш ва ишлаб чиқиш (нима?), таълим жараёнларини ташкил Қилиш (кандай?), таълим метод ва воситаларйнинг белгиланиши (нималар

ёрдамида?), шунингдек, ўқитувчилар малака даражаси (ким?), эришилгш натижаларни баҳолаш методи (қандай йўл билан?) инобатга олиниши лози^ Келтирилган мезонларнинг мажмуавий тарзда қўлланилиши ўқув жараёнинин моҳияти ва технологиясини белгилаб беради. ]

Таълим технологиясини лойиҳалаш жараёнида педагогик **вазифанин)** қўйилиши **ва** уни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши зарур.

Уқитиш технологиясини лойихалаш:

- педагогик вазифанинг қўйилиши; i
- дидактик жараённи ишлаб чиқиш.

Педагогик вазифани белгилашда куйидагиларни инобатга олиш **максадг** мувофикдир:

- таълим максадларини таҳлил этиш асосида укув предмети мазмуни! аникдаш; <
- ўқув предмети ахборот тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни ўқ элементлари тизими кўринишида ифодалаш; •
- таҳсил олувчиларнинг ўқув элементларини ўзлаштириш даражаларин аввалдан белгилаш;
- таҳсил олувчиларнинг дастлабки **билим** даражасини аникдаш (I кўрсаткич ўкув предметининг мазмуни асосланадиган ўқув материали* ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади); \
- моддий база хамда таълимнинг ташкилий шаклларига қўйиладиг! чегараларни белгилаш. (

Педагогик вазифаларнинг ҳал этилишини таъминловчи ўқити технологиясини лойиҳалашга қаратилган ўқитувчи фаолиятининг **мазму!** метод, шакл ва воситалар асосида шакллантирилади. '

Педагог фаолияти мазмунини белгиловчи асосий омиллар: **I**

- бошкариш тури; |
- ахборот алмашиш жараёнининг тури;
- ахборотни узатиш воситаларининг типлари ва билиш фаолияти! бошқариш. •

Укитиш жараёнига фаолият нуктаи назаридан ёндашиш концепцияей асосланиб, уни ташкил этиш куйидаги мантиқий кетма-кетлигини асослаш **мумкй** дастлаб ўкув материали мазмунининг тавсифи, **уни** ўрганишдан кўзланган **макс** (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартла тахдил этилади. Сўнгра, ўқитипшинг **мое** равишдаги методлари хамда **тахс** олувчиларнинг билиш фаолиятини бошкариш тизими ишлаб чиқилади. Шу **асоС** ўкитиш воситаларининг рўйхати тузилади. Ушбу **усул** билан хосил килинган **мет** ва таълим воситаларининг яхлит тизими ташкилий шакллар бил уйгунлаштирилади, яъни, муайян технология ишлаб чиқилади. '

Умумлашган педагогик технологиялар маълум психо-педагогик асослари курилган «синтетик назария» сифатида каралади. '

Татбиқий педагогик технологиялар олдиндан режалаштирилган **натижЗ** эришишга йўналтирилган касбий тайёргарлик жараёнини лойихала муаммосини методик жиҳатдан ҳал этишга йўналтирилади.

Бугунги кунда педагогик технологиялар татбикий асосини **шахв** фаолиятли ёндашув, танкидий-ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал этиш, к а я | кабул қилиш ва жамоада хамкорликни карор топтиришга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи юзага келмокда. Айни вақтда таълим муассасалари амалиётида куйидаги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилмокда:

| Педагогик технология турн | Максадн | Мохияти | Механизми |
|---|---|---|---|
| **Муаммоли ўкигаш** | **Таҳсил олувчиларнинг билиш фаоллига хамда ижодий М)'стакиллигани ошириш** | **Тахеил олувчиларга уларда билимларни ўзлаштириш бора-сидаги фаолликни юзага келширишга хизмат килувчи масалаларни максадга мувофик, кетма-*ег бериб бориш** | **Тадкикртчилик методлари, билиш фаолиягига йўналгарил-ган масалаларни ечиш** |
| **Мужассам лашгирилган таълим** | **Шахенинг хис килиш хусусиятларига максимал даражада ящппашгирад аіі таълим жараёни тузилмасини яраташ** | **Машгулотпарни блокларга бирикшриш хисобига фанларни чукур ўзлаштиришга э р ш и и** | **Тахеил олувчилар иш крбилията динамикасини хдеобга олувчи таълим методлар!]** |
| **Модул таълими** | **Таълим мазмунини шахенинг индивидуал эхтиёжлари ва унинг базавий тайергарлиги даражасида мувофиқлаш тириш** | **Тахеил олувчиларнинг индивидуал ўкув дасгури асосида мустакил ишлашлари** | **Муаммоли ёндашувни амалга оширишиии индивидуал мароми** |
| **Ривожланш рувчи таълим** | **Шахс ва унинг қобилиятларини ривожлангариш** | **Укув жараёнини шахенинг ички имконияг-лари ва уларни руебгачикаришга йўналтириш** | **Тахеил олувчилар фаолиятини турли сохаларга йўналтириш** |
| **Дифферен циаллашган таълим** | **Таҳсил олувчиларнинг лаёкати, кизикиш ва кобилиитларини аниқдаш учун купай шароитларни яратиш** | **Турли узлашшриш даражалари буйича мажбурий меъёр (сгандарт)дан кам бўлмаган хажмдаги дастур материалини ўзлаштариш** | **Индивидуал таълим методлари** |
| **Фаолўкитиш (мажмуавий** | **Тахеил олувчилар фаоллигини юзага келтириш** | **Бўлажак касбий фаолиятнинг предметли ва ижтимоий мазмуншш моделлаштириш** | **Фаолўқшиш методлари** |
| **ЎЙИЦ чтавдлопилари** | **Билим, кўникма ва малакаларни узлаштиришнинг шахеий фаолият тавсифида булишини таьминлаш** | **Ўкув ахборотларини кайта ишлаш ва ўзлашгиришга йўналтирилган мустакил билиш фаолияти** | **Тахеил олувчиларни ижодий фашнятта жалб зтишнинг ўйин методлари** |

педагогик технологияси ўзида методлар тизими, таълим методик усуллари, **Мақсад,** воситалари, ўқитувчи ва тахеил олувчиларнинг биргаликда фаолият курсатиш имкониятлари хамда якуний натижаларга эришиш борасидаги мажмуани мужассамлаштиради.

### *22.* Таълим жараёни мажму сифатида

Таълим жараёни таълим технологиясининг асосини, ядросини ташкил ^ади хамда таълим мақсади, таълим мазмуни, таҳсил олувчи, таълим шакли, ^Ме^тод, воситалари ва таълим берувчи каби элементлардан иборат тизим

сифатида намоён бўлади. Таркибий элементлар ўзаро бирлик ва алокадорликд! таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишга хизмат қилади

Таълим жараёни бир нечта шартларга мувофиқ ташкил этилади. Ула^ куйидагилардир:

1) таълим олиш, муайян назарий хамда амалий билимларни ўзлаштиришг^ бўлган ижтимоий (ёки шахсий) эҳтиёжларнинг юзага келиши (ТЭ);

2) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштириш нисбатан рағбатнинг уйғониши (ТР);

3) тахсил олувчининг ўқув-билиш фаолияти мазмуни (ТОФ)ни белгилаш;

4) тахсил олувчининг ўкув-билиш фаолиятини бошқариш (ТОФБ)ни йўл қўйиш омилларининг мавжудлиги:

Асосий шартлар:

- таълим олишга бўлган эҳтиёж (ижтимоий ёки шахсий ТЭ);
- таълим олишга бўлтан рағбат (мотив) (ТР);
- таҳсил олувчи фаолиятининг мазмунини белгилаш (УФ);
- таҳсил олувчи фаолиятини бошқариш (УФБ);
- таълим жараёни.

Таълим технологиясининг функционал тузилмаси бевосита таълим жараёниншЯ мохиятини тўлақонли ёритишга хизмат килади. Яъни, ушбу тузилма ўзида таълии жараёнининг умумий кўриниши (ташкилий шакли ва ички мохияти), образини и ф о ^ этади. Таълим технологиясининг функционал тузилмасини тасвир орқали куйидаги^ акс эттиришга ҳаракат қилинди (3-шакл).






Бозор муносабатларига асосланган ижтимоий ривожланиш конуниятларидан бири-ижтимоий рақобатнинг пайдо бўлишидир. Ижтимоий ракобат мавжуд бўлган шароитда мўътадил фаолият юритиш, рақобатга нисбатан ишчанлик иммунитетини ҳосил қилиш манфаатлар тўқнашувида «омон» қолиш, юқори мавкега эга бўлиш учун имконият яратади. Шу боис фукароларда таълим олиш, назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашув ҳисси карор топмади.

Бу эса уларда таълим олишга бўлган рагбатни хосил килмайди. Эндиликда таълим олиш, муайян касб-хунар ёки мутахассислик маълумотларини эгаллаш, бу борада маълум кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳаётий эхтиёжга айланмокда. Таълим олишга бўлган рагбат ва унинг мазмуни таълим жараёнининг муваффақиятининг гарови, кафолати бўла олади.

Таълим олишга бўлган рагбат тахсил олувчи ҳамда ўқитувчи иштирокидаги ўқув-билиш фаолияти асосининг шаклланишида хам мухим аҳамият касб этади. Якин ўтмишда таҳсил олувчининг таълим жараёнидаги иштироки назарий билимларни кабул қилиб олувчи ва ўзлаштирилган назарий билимлар, амалий кўникмаларни намойиш этувчи субъект сифатидаги роли билан кифояланган бўлса, таълим технологияси талабларига кўра тахсил олувчи таълим жараёнининг етакчи субъекта, асосий ижрочиси сифатида кўринади. Эндиликда тахсил олувчи ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборот (билим)ларни кабул қилмайди. Балки таълим берувчининг йўлланмаси, кўрсатмасига мувофик тавсия этилган ўкув манбалари билан мустакил равишда танишиш орқали назарий билимларни ўзлаштиради, ўқитувчининг назорати остида амалий кўникма ва малакаларни хосил килади. Тахсил олувчи мустакил фаолият юритиш, назарий билимларни ўзлаштириш асосида ўзида фикрни илгари суриш, далиллар келтириш, ўз фикрини ҳимоя килиш лаёқатини тарбиялай олиши, ўз-ўзини танкид қилиш, ўз-ўзини баҳолаш сифатларини карор топтира олиши талаб этилади. Давр талаби таҳсил олувчини таълим жараёнининг сует тингловчиеи бўлишдан фаол иштирокчисига айлантиришни тақозо этмокда.

Таълим олувчининг таълим жараёнидаги етакчилик роли куйидаги педагогик вазифаларни хал этиш имконини беради:

- таҳсил олувчида билимларни ўзлаштиришга бўлган ички эхтиёж (рағбат)ни карор топтириш;
- билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашувни хосил қилиш;
- уларда мустақил фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш;
- уларнинг фаоллигини таъминлаш;
-таҳсил олувчиларда мустақил фикр юритиш, назарий ва амалий билимлар моҳиятини таҳлил этиш, улар борасида хулосалар чикариш, умумлаштириш Ҳамда уларни ўз амалий фаолиятига татбиқ этиш кўникмаларини юзага келтириш ва такомиллаштириш;
- Уз-ўзини назорат қилиш, баҳолаш сифатларини шакллантириш.

Таҳсил олувчининг фаолият мазмуни тўлақонли ёритилишида таълим ᵚакли, метод ва воситаларининг аҳамияти катта. Зеро, улар таҳсил олувчининг имкониятларини юзага чиқариш, билим, кўникма ва малакаларни аслидек, *УД даражасида ёритиб бериш учун кулай шарт-шароит яратиб беради. Уз

навбатида таҳсил олувчиларнинг ёш, психологик, физиологик хусусиятлар! билим даражаси, дунёқарашининг кўлами ҳамда уларнинг фаоллиги самаращ илғор, ноанъанавий таълим шакл, метод ва воситаларини танлаш, уларда^ мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун туртки бўлади.

Таълим жараёнининг максади ДТС, ўкув режаси дастури, шунингде^ дарслик, қўлланмаларда белгилаб берилган муайян мавзу хамда фан (ёи курс)нинг ўзига хос жихатлари, мавжуд педагогик шарт-шароитлар, тахс» олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, уларнинг хаётий эхтиёжи қизиқишлари, таълим берувчининг билим ва малака даражаси, дунёқарапя^ ижодкорлиги, вазиятни баҳолай ҳамда унга мувофиқ тезкор харакат қила *от* лаёқати ва ҳоказо омилларни инобатга олиш асосида белгиланади.

Ўқув жараёнининг максади ташхисли равишда аниқ ва равыи белгиланмоги лозим. Таълим мақсадининг бундай белгиланиши маълум амал килинган вактда дидактик жараённи ташкил қилиш ва амалга оширши даражаси юзасидан хулоса чиқариш имкониятини яратади.

Мақсаднинг ташхисли белгиланиши куйидаги холатлар била тавсифланади:

- шахсда шакллантирилган маънавий-ахлоқий сифатлар хамда аклШ салоҳият шу даражада аниқ ва равшан тавсифланадики, натижада уларв шахснинг хар қандай исталган, мазкур вазиятгача бўлган вакт оралигищ шакллантирилган сифатларидан осонлик билан фарқлаш мумкин бўлади;
- шахснинг ташхисланган маънавий-ахлоқий ҳамда ақлий сифатларию шаклланганлик даражасини хаққоний назорат килишга йуналтирилган ащ усул мавжуд бўлади;
- шахснинг ташхисланган сифатларини аникдаш юзасидан олиб борилг^ назорат натижалари асосида унинг самарадорлигини аникдаш мумкин бўлади)
- ўлчов мезонлари асосида муайян билим, кўникма ва малакаларни^ сифатини баҳолаш кўрсаткичлари мавжуд бўлади.

Таълим жараёнининг мақсади ижтимоий буюртма мазмуни ҳамда тахс^ олувчи шахси моделларининг ўзаро мувофиқлиги асосида кечади.

Боскичли даражада таълим мақсадини шакллантириш долзарб даражадаЯ максад муайян таълимий тайёргарлик босқичлари бўйича таксимлаб чикилад| Таълим тизимининг яхлит холда касбга йўналтирилганлиги сабабли тахс олувчи шахсининг модели унинг объекте бўлиб қолади. Таълим жараён* шахснинг ёш кўрсаткичлари табиий унинг шаклланиш босқичларига равишда асосий мақсаддан келиб чиқиб даражаланади.

Тезкор даража таълим мақсадини шакллантириш мазмуни, таъл» жараёнини ташкил этувчи алоҳида фанларни ўрганишдан иборатдир.

Таълим жараёнининг мазмуни таълимнинг умумий мақсадини ама*Я ошириш, хусусий мақсадларга босқичма-босқич эришиш имкониятини яратаяи

Таълим мазмуни таълимий-меъёрий хужжатлар талаблари, ўкув манбалчИ (ДТС ўқув режаси, дастур, дарслик ва қўлланмалар)нинг мазмуни, ула^Щ илгари сурилган гоялар асосида ишлаб чиқилади.

Таълим жараёнининг мазмуни шахсга таълим бериш, уни тарбиялагпз ривожлантириш каби вазифаларнинг ижобий хал этилишини таъминла хизмат килади.



Таълимнинг шакл, метод ва воситалари таълим жараёнининг мазмуни асосида белгиланади.

Таълим муассасалари олдида турган вазифаларни ҳал этиш машгулот (таълим жараёни) мазмуни, таълим шакли, методлари ҳамда воситаларининг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Таълим шакли, методлари ва воситалари тахсил олувчиларни маънавий-ахлокий жиҳатдан тарбиялаш, уларда чукур билим ва дунёкарашни ҳосил қилишга хизмат килади.

Таълим шакли ўкитувчи ва тахсил олувчининг белгиланган тартибда, муайян максадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятларининг ташки ифодасидир.

Қадим замонларданоқ жамиятнинг етук кишилари ўқитиш ишини ташкил Килишнинг ижтимоий тараққиёт эхтиёжларига жавоб берадиган шаклларини топишга уринганлар. Ҳозирги вактда Республика таълим муассасаларида ўқитишнинг куйидаги шаклларидан фойдаланилмокда.

**Таълимни ташкил этиш шакллари:**

гТаълимнинг анъанавий шакллари (синф-дарс тизими) — янги билим-ларни баён қилиш дарси; ўтилган материалларни мустахкамлаш дарси; билим, кўникма ва малакаларни текшириш дарси; кириш дарслари ва такрорий умумлашма дарслар; аралаш даре.

2. Якка тартибдаги таълим - репититорлик таълими.

3. Таълимнинг ноанъанавий шакллари - маъруза; семинар; лаборатория машгулотлари; экскурсия; бахс-мунозара; давра столи; викторина; матбуот конференцияси; мўъжизалар майдони ва бошкалар.

Анънавий таълим ўзида XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида яшаб ижод этган буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) томонидан асосланган синф-дарс тизими мохиятини акс эттиради. Мазкур тизимнинг мохияти куйидагилардан иборат:

а) таҳсил олувчилар ёши ва тайёргарлик даражаларига кўра синфлар тарзида гуруҳланадилар ва умумий ишни бажарадилар;

б) ўкув предметининг мазмуни бир катор бўлим ва мавзуларга, бўлим ва мавзулар эса бир қатор баравар ва изчил жойлаштирилган кисмларга ажратилиб, улар бирин-кетин маълум жадвал бўйича келадилар (дарслар).

Синф ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган муайян таҳсил олувчилар Офухини;

Даре эса бевосита ўкитувчининг рахбарлиги ҳамда назорати остида муайян ахеил олувчилар гурухи билан олиб бориладиган таълим жараёнини англатувчи тушунчалардир.

Дарс-ўкув ишларининг асосий ташкилий шакли ҳисобланади. Синф-дарс тизими куйидаги мазмунга эгадир:

1- Ҳар қайси синф ёши ва билим даражасига кўра бир хил бўлган таҳсил лувчиларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Даре жараёни асосан 45 дакиқа (ёки бир академик 80 дакиқа) давом этиб, Катьий жадвал асосида олиб борилади.

3. Даре ўкитувчи ва тахсил олувчиларнинг фаолият бирлигига асосланган Улиб, бевосита ўкитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳли ва якка тартибда олиб ⁰ᵒРИлади.

4. Даре машғулоти ўтилаётган ва ўзлаштирилаётган материални мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида олиб борилади ҳамда умум: таълим тизимининг бир кисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга хизмат килади.

Бугунги кунда дареларни ташкил этишга нисбатан куйидаги дидак талаблар қўйилмокда:

1. Дарснинг макеади ва вазифаларининг аниклиги ҳамда педагог жиҳатдан тўғрилиги.

2. Дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанл вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги.

3. Ўкитишнинг яхлит даре ва унинг маълум кием лари, вазифалари ҳам мазмунига мувофиқ келадиган, таҳсил олувчиларнинг билиш фаолликлари« мустакил фаолиятларини таъминлашга хизмат килувчи макбул методлари танлаш.

4. Машгулотларнинг турли шакллари: жамоа, гурухли ва якка тартибд шаклларини макбул равишда кўшиб олиб бориш.

5. Ўкитувчининг раҳбарлик роли билан таҳсил олувчилар фаол бил фаолиятини бирга олиб бориш.

6. Дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик хусусиятга эга бўлии эришиш.

7. Таҳсил олувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини иноба олиш.

8. Дарсда таҳсил олувчиларни ўкитиш ва тарбиялаш учун ку* шарт-шароит яратиш.

9. Дареларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш.

10. Дарсда таҳсил олувчи эркинлигини таъминлашга эришиш.

Бугунги кунда таълимни ташкил этиш тизимида якка тартибда та олиш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормокда. Якка тартибдаги таълим олувчининг кизикиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра муайян фан, предмет юзаси чукур билим олиш; маълум фан ёки предмет бўйича юзага ке ўзлаштирмовчилик ҳолатини бартараф этиш, шунингдек, узоқ вакт согли сақлаш муассасаларида даволапган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўл таҳсил олувчиларнинг ўкув дастури талабларини бажаришларига кўмаклап мақсадида ташкил этилади. Якка тартибда таълим олишнинг ао кўринишларидан бири сифатида репититорлик таълими кенг оммала бормокда.

Айни вактда ОТМ фаолиятида ўкитишнинг ноанъанавий шаклларий асосийси сифатида маърузадан кенг фойдаланилмокда.

Маъруза таҳсил олувчиларга назарий билимларни вербал (оғзаки) бериш шаклларидан бири бўлиб, маъруза дареларини ташкил этиш мураккаб ва кўп меҳнат талаб килади.

Маъруза дарси тажрибали, юксак даражадаги педагогик махоратга ўқитувчилар томонидан ташкил этилади. Маърузада факат фан, укув пред| асослари борасида маълумотлар бериб қолмасдан, балки тахеил олувчил ижтимоий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаб бориш талаб этилади. Ма жараёнида асосий эътибор тахеил олувчиларнинг мустакил ф^



қобилиятини ривожлантириш, билим ва фаолият малакасини оширишга қаратилади.

ОТМ амалиётида маърузанинг куйидаги турларидан кенг фойдаланилмокда:

- оммавий маъруза;
- маъруза-сухбат;
- маъруза-мунозара.

Маърузалар ёзма тайёрланади. Шу боис маърузачи ўқитувчида маъруза мавзуси юзасидан режа ва конспект бўлиши лозим.

ОТМларида маъруза 80 дақикалик дареддан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир даре давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, тахеил олувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати такдим этилади.

Семинар ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг фаол хамкорлиги асосида иштирокида ташкил этилувчи таълим шаклларидан бири бўлиб, уни ташкил этишдан кўзланган мақсад таҳсил олувчиларнинг мустакил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзасидан кенг ва чукур маълумот бера оладиган манбалар устида ишлай олишлари хамда шу асосда келажак фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга килишдан иборатдир.

Семинар машгулоти тахеил олувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш хамда уни синф тахеил олувчилари билан муҳокама килиш йўли билан олиб борилади.

Семинарларга 2-3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Таҳсил олувчилар адабиётларни ўрганадилар, материал йигадилар, турли кузатишлар утказадилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинар машгулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. У тахеил олувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлар юзасидан ташкил этилган мухокамани якунлайди. Зарур кўшимча мулоҳазаларни билдиради, материални муайян тизимга солади. Маъруза қилган, муҳокамада қатнашган таҳсил олувчилар фаолиятини бахолаб боради.

Семинар машгулоти таҳсил олувчилар эътиборини дарега жалб этиш, Уларнинг қизикишини орттириш, уларни мустакил ишлашга, фикрлашга Р тиш, дарсни фаоллаштириш ҳамда тахеил олувчилар aқлий о илиятларини ўстиришда муҳим ўрин тутади.

Қитишнинг ноанъанавий шакллари доирасида амалий машғулотлар ^Ҳидаўрин тутади.

тажп^адИЙ-МаШҒуЛ0ТЛар махсУс жиҳозланган хона ёки алохида ажратилган Ўзла а Маидонида ташкил этилиб, тахеил олувчиларда улар томонидан **Малак**ТИРШ1ГаН иазаРий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва арини ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шаклидир.

Ундаи таълим машгулотлари куйидаги икки йўналишда ташкил этилади.

лмалий машгулот турлари:

-амалий тажриба (лаборатория) машгулотлари;

- тарихий-географик объектлар, музейларга уюштириладиган экскурси| лар.

Амалий-тажриба машғулотлари асосан ОТМ устахонаси, махе] жихозланган хоналар ва ўқув тажриба ер майдонида олиб борилади. (

Ноапънавий даре шаклларидан бири экскурсия ҳисобланади.

Экскурсия бевосита кузатиш асосида муайян жараён, воқеа-ходиса ё] фаолият мазмунини ёритувчи билимларнинг пухта ўзлаштирилишш таъминловчи таълим шаклидир.

Экскурсиялар синф-дарс тизими, шунингдек, амалий машгулотлар тубдан фарқ килади. Ушбу фарқ куйидагилардан иборатдир:

- ўқитувчи ўтказиладиган барча экскурсияларга раҳбарлик килса хам, экскурсия объектларининг барча деталларини яхши билмаслиги мумкй бундай ҳолларда махсус тайёргарликка эга экскурсовод олиб боради;

- экскурсия муддати турлича бўлиб, доимий ўқув жадвали талаблари бўйсуниш шарт ҳисобланмайди;

- ўқитувчи ёки экскурсоводнинг раҳбарлик усули ва таҳсил олувчиларн фаолияти турлича бўлиши мумкин. j

Экскурсия давомида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрилади. Шу ***бй*** таҳсил олувчилардан интизомга катъий риоя қилиш талаб этила! Ўқитувчилар объектни кузатиш жараёнида вақти-вакти билан саволл берадилар, зарур маълумотларни ёзиб борадилар. Экскурсия якунида ўқиту^ бугунги кузатганларини аввал ўзлаштирилган материалларга боғлаб сух! ўтказади. Шунингдек, экскурсия материаллари асосида баён ёки иншо ёздир! максадга мувофикдир.

Таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида ташкил этиладиг. бахс-мунозара, давра столи, матбуот конференцияси муайян предметни муҳим мавзулари юзасидан ташкил этилиб, тахсил олувчиларда мустак фикрлаш, ўз фикрини илгари суриш, уни асослаш ҳамда ҳимоя кил! қобилиятини шакллантириш учун хизмат қилади. Бу каби дареларнинг ташк этилишида мақсаднинг аниқлиги, шунингдек, ўқитувчиларнинг фаол иштиро мухим аҳамиятга эга.

Викторина ва мўъжизалар майдони шаклида ўтказилаётган дари беллашув хусусиятига эга бўлиб, таҳсил олувчиларни фаолликка ундайди.

Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, баД; кўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғликдир.

Таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий ўрин эгаллай^

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эри усуллари ҳамда ўқув материалини назарий ва амалий жихатдан йўналаштир! йўлларини англатади.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўкитувчи ва таҳсил олуВ| фаолиятининг кандай бўлиши, ўкитиш жараёнини қандай ташкил этиш ва о< бориш кераклигини хамда шу жараёнда таҳсил олувчилар кан! иш-ҳаракатларни бажаришлари кераклигини белгилаб беради. %

Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг хар ***Щ*** ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга кирувчи алоҳида методларга булинМ Ўкув-билиш фаолиятининг ташкил этилиши, ўқув ахборотларининг узатилИЧ



Кабул килиниши, англаб олиниши, ёдда сақланиши, ўзлаштирижан билимларнинг амалиётда қўлланилишини таъминлаш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилишига кўра таълим методларини куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- вербал (ўқув ахборотларини сўз оркали узатиш ва эшитиш оркали қабул килиш методлари ёки оғзаки методлар - ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар);

- ўқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали методлар - тасвирий, намойиш килиш ва бошқалар);

- ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар - машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошкалар).

Оғзаки баён қилиш методи мактаб таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, мазкур методга барча ўкув предметлари бўйича барча синфларда мурожаат қилиш мумкин.

Ушбу метод баён қилинаётган маълумотларнинг тўғридан-тўғри ўқитувчининг жонли нутки оркали идрок қилиниши билан тавсияланади ва ана шу хусусиятига кўра таълимнинг бошқа методларидан фарқ килади ҳамда 5 турда қўлланилади.

Оғзаки баён килиш методининг турлари:

а) ҳикоя қилиш;

б) ўкув материалини тушунтириш;

в) маъруза;

г) суҳбат;

д) дарслик ва китоблар билан ишлаш.

Хикоя килиш ўқитувчи томонидан янги ўтилаёттан мавзуга оид далил, Ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки кисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қиска ва изчил баён килишдир.

Ҳикоя килиш ижтимоий-гуманитар предметларни ўкитишда кенг Кўлланилади.

Ҳикоя қилиш давомида таҳсил олувчилар пассив тингловчи бўлиб Колмасликлари, аксинча, уларнинг фаолликларини ошириш, диккатларини мавзуга жалб этиш, ходиса ва воқеалар хусусида фикр юритишларини таъминлаш максадида саволлар бериб бориш, кўргазмали қуроллардан фоидаланишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Маъруза - бир соатлик машгулот давомида ўрганилаётган мавзунинг Ҳақиқий моҳиятини очиб бериш, унда илгари сурилган гоялар асосида илмий Улосалар чиқариш ва уларни умумлаштириш асосида билимларни муайян чзчилликда баён этишдир.

Маъруза жараёнида мавзу сидиргасига баён қилинса хам, ўқув материалини оғзаки баён килиш методининг бошқа турлари, хусусан, хикоя лиш ва тушунтиришлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Маърузани ташкил этиш шартлари

материал таълим тизими олдида турган умумий вазифаларни амалга иришга хизмат килиши зарур;

~ маъруза жараёнида таҳсил олувчиларни мавзуга оид фан янгиликлари, Щфиётлар билан таништириб бориш;

- материалнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри белгилаш, тарбиявий таъс воеиталарини аниклаш;

- баён қилишда ўқитувчи нутки ягона билим манбаи саналади, шу боис равон, тушунарли, ифодавий бўлиши лозим;

- ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган таърифларни ёзиб боришл керак.

Маъруза жараёнида таҳсил олувчи учун нотаниш бўлган сўз ва иборала изоҳ бериб бориш, қоида ва қонунларнинг таърифи содда, ихчам ва тушуна' тарзда ифодаланишига эътибор бериш лозим.

Ўқув материалини тушунтириш ўрганилаётган ҳодиса, қонун, қоида ҳаракатнинг моҳиятини очиб беришга каратилади.

Ўқитувчи муайян бир предметнинг у ёки бу мавзусига оид қонун, қоид( қанчалик асосли эканлигини далиллар, мисоллар келтириш йўли би исботлаб беради.

Суҳбат методи аксарият ҳолатларда савол-жавоб методи деб юритилади. Чунки, ушбу метод асосида таълим жараёнини ташкил этиш асо савол-жавоб тарзида олиб борилади. Сухбат методи тахеил олувчиларда муай фаолликни юзага келтиради, шунингдек, берилган саволга жавоб топ жараёнида таҳсил олувчи фикр юритади, шахеий фикрларини баён этади,[л] далиллашга уринади. Бу эса уларда фикрлаш кўникмалари такомиллаштиради.

Таълим жараёнида ўрганилаётхан мавзу юзасидан кириш, асосий якунловчи суҳбатлар ҳам қўлланилади. Тахеил олувчилар томонидан я мавзунинг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниклаш максадида хам сух ташкил этилади.

Дарслик ёки манба (китоб) билан ишлаш - материални огзаки баён қи методининг асосий тури бўлиб, ОТМ амалиётида муҳим ўрин тутади.

Ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараён саналади. таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинаётган билим ахборотларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок килиш фаолия ривожлантиришни назарда тутади. Таълим жараёнида ушбу мето фойдаланиш тахеил олувчиларда кичик тадкиқотларни олиб бор кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Дарслик ва китоб билан ишлаш икки йўналишда олиб борилади .

Дарслик ва манба (китоб)билан ишлаш методининг йўналишлари:

- дарe жараёнида дарслик ва ўқув адабиётлари (манбалар) билан ишлаш;

- дарe мавзусига боғлиқ ҳолда ҳамда синфдан ташкари шароитла дарслик ва ўқув адабиётлари билан мустакил ишлаш.

ОТМларининг тахеил олувчиларини дарслик ва бошка укув материалл билан бирга хилма-хил кўшимча адабиёт, илмий ва илмий-оммабоп мақол" шунингдек, газета-журнал материалларидан фойдаланишга ўргатиб бор лозим.

Таълимда кўрсатмалилик методининг куйидаги турлар фойдаланилади.

Кўрсатмалилик методининг турлари - тасвирлаш; намойиш экскурсия.



Намойиш этиш хамда экскурсия тахсил олувчиларнинг ўкув материалларини аниқ образлар воситасида бевосита идрок килишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Намойиш этиш методи ўқитувчи томонидан баён килинаётган илмий-назарий билимларнинг таҳсил олувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун уларнинг сезги органлари - эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алохида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар килишга имкон беради.

Намойиш этиш методи мавзунинг хусусиятига кўра куйидаги икки кўринишда қўлланилади.

Намойиш этиш методининг асосий кўринишлари:

- дарe ёки машгулотларнинг асосий қисмида ўрганилаётган мавзу мазмунини турли воситалар ёрдамида очиб бериш (намойиш килиш);

- бошқа мустақил таълим методлари билан олиб борилаётган дарсда намойиш этиладиган материаллардан фойдаланиш.

Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат килади.

Восита - муайян ўқитиш методи ёки усуллардан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўкув материалидир.

Таълим воситалари асбоб-ускуналар, лаборатория жихозлари, ахборот ва техник воситалар (курилмалар), кўрсатмали қуроллар, рамзий белгилар, дарслик, ўкув қўлланмалари, радио, телевидение ва компьютер ва хоказолардан иборат.

Таълим жараёнида ўқитиш воситаларидан фойдаланиш - дарe жараёнида табиий ёки тасвирий кўргазмали материаллар (предмет, схема, диаграмма, сурат ва бошқалар; лаборатория ёки намойиш этишга асосланувчи машгулотлар жараёнида қўлланиладиган асбоб-ускуналар, ўкув куроллари, микроскоп ва бошқа аппаратлар, шунингдек, мавзуга оид далиллар (цитата, таъриф, қоида, формула ва бошқалар)нинг қўлланилишини англатади.

## 2.3. Педагогик технологиялар татбиги

Маълумки, ҳар кандай технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланади ва таълим олувчи шахеини тарбиялаш, унда мехнат ва муайян йўналишларда касбий кўникмаларни ҳосил Қилишга йўналтирилади. Таълим жараёнининг фаол субъектлари ўкитувчи ва ^сил олувчилар бўлиб, уларнинг хамкорликдаги фаолиятлари муайян мавзу [101] Фанлар асослари) бўйича кам куч ва вакт сарфланган ҳолда назарий ва амалий билимларни чукур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моВДятини тавсифлайди.

Уқитувчининг фаол, самарали фаолият кўрсатишига йўналтирилган таълим т раени"нинг методик ишланмасидан фаркли равишда, таълимнинг педагогик "ологияси таълим олувчиларга қаратилади, шунингдек, уларнинг шахеий ва тувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган холда ўкув риалини ўзлаштиришга шароит яратади. Педагогик технологиянинг чи муаммоси тахеил олувчи шахеини ривожлантириш оркали таълим садига эришишни таъминлашдан иборатдир.

Педагогик технология турини танлаш дарс ва машғулотда каи даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни назарда тутилгани боғлиқдир.

Таълим-тарбия жараёни бутун машгулот давомида таҳсил олувчиларн фаоллиги ва қизикувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб бор мақсадини кўзда тутади, ўқув омилларини яратишга асосланган педаго^ технология тахсил олувчиларни ўқув ёки ўқув ишлаб чиқариш фаолия тезкор жалб қилиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли дараж тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижани кўзланмаган топшири машғулотнинг самарасиз якунланишига олиб келади.

Бундай ҳолатлар аксарият вазиятларда ўқитувчининг таҳсил олувч нисбатан салбий муносабатда бўлишига шароит яратади. Натижада таҳ" олувчи ортиқча ҳиссиётларга берилади, уни билим олишга ундовчи рағ пасаяди, ўқишдан «кўнгли совийди» ҳамда ўқув предмети ва ўқитувч нисбатан салбий муносабатда бўла бошлайди. Ўқитувчи ва таҳсил олув орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этил", нохуш ҳиссиётларни бартараф этишга йўналтирилиши лозим. Ўқитувчи би тахсил олувчи орасидаги муносабат эришилган ютуқлардан завқланиш, ў фаолиятига масъулиятли ёндашиш хамда ўзаро ҳамкорликда ижо фаолиятни йўлга қўйишга ундаши керак. Бу эса педагогик таъсирни таш этиш учун зарур бўлган ўзаро алоқа воситаси, «кўприк»ни вужудга келтира

Педагогик муносабатнинг таркибий қисми бўлган мулокот (коммуника фаолият) жараёни куйидаги босқичларда йўлга қўйилади:

- педагогик жараённи андозалаштириш;
- тахсил олувчилар гуруҳи билан мулоқотга киришиш;
- бевосита мулоқот (коммуникатив ҳамкорлик)ни ташкил этиш;
- ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқот жараёнини бошқариш;
- педагогик жараёнда мулокот тизимига муайян ўзгартиришларни кир асосида кайта андозалаштириш.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик техноло ўқитувчининг таҳсил олувчилар билан мулоқоти асосида таъсир этишни ҳам ичига олади. Кенг тарқалган мулоқот ёки таъсир методлари куйидагилар. иборат:

- ишонтириш;
- исботли натижаларга асосланиш;
- бевосита хамда билвосита таъсир;
- ўз-ўзини тарбиялаш;
- ўзаро таъсир методлари.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш ҳисс таълим жараёни рагбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълу" тайёр ҳолда олинган билимларни амалиётда кўллаш қийин. Бу, айниқса, та фанлар бўйича топширикдарни бажаришда намоён бўлади. Шунинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда тахсил олувчиларнинг бево фаолият кўрсатишлари ҳамда ўқитувчи томонидан бошқарувга асосла" педагогик технологияни қўллаш талаб этилади.

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўн" ва малакалар, ташкил этилаётган дарсларнинг шакли, қўлланилаётган методлар ва методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, таҳсил олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш хамда махсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда анъанавий дарс шакллари билан бирга конференция дарси, ишчанлик ўйинлари, интеграл (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари таълим максади (билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган топшириклар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи топширикларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, киёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар) билан мутаносиб бўлиши керак.

Етарли даражадаги рағбат ва таҳсил олувчилар фаолиятини самарали ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришилмайди. Педагогик жараённинг самараси бу жараённи ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади.

Педагогик технологияни бошқариш ўзида куйидаги икки йўналишни мужассамлаштиради:

1) фаолиятни бошқариш;
2) таҳсил олувчилар жамоасини бошқариш.

Муайян педагогик технологияни танлаш дарс ҳолатини ўзгартиришнинг вариантли чораларини кўришни тақозо килади.

Юқорида таъкидланганидек, педагогик технология шахсни ривожлантиришга имкон беради.

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи тамойиллари:

- инкорпорация (тизимли фаолият кўрсатиш) - турли фанларга оид билимларни умумлаштириш;
- мосланувчанлик - таълим шакли, методи ва усулларининг турли таълим муассасаларида қўлланувчанлиги;
- уйгунлик - муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакл, методи ва усуллари билан уйғунлиги;
- яратувчанлик — турли таълим муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари;
- табиийликка асосланиш - генетик ва ижтимоий жиҳатларга мувофиқ таҳсил олувчиларнинг ўзига хос, шахсий хусусиятларини хисобга олиш.

Маълумки, таълим-тарбия жараёни ўзида учта ўзаро алоқадор учлик - таълим, тарбия ва шахс ривожланишини акс эттиради. Мазкур учликни таълим *араёнига баробар татбиқ қилиш модул технологияларини қўллашни осонлаштиради.

Модул технологияларининг афзалликларидан бири таълим мазмунини тартибгасолишдир.

Ушбу технология моҳиятига кўра мавжуд ахборотларнинг тахсил чилар фаолиятини Давлат таълим стандартлари доирасида етарли даражада Ффақиятли амалга ошириш имконини берадиганлари танлаб олинади.

«одул технологиясининг моҳияти таълим жараёнини модуллар (ўқув мети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян

босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланг қисмларга ажратиш) асосида лойиҳалаштиришдан иборатдир. Сўнг ажратилган ҳар бир модул бўйича шу модулнинг ўзигагина тааллукли бўлг фаолият мазмуни ва таъсири доираси белгиланади. Модул технология мақсадини рўёбга чиқариш учун модул босқичма-босқич амалга оширилад Ушбу жараёнда содир этилаётган ҳар бир ҳаракат (қўйилаётган кадам) ўқ элемента сифатида қаралади.

Ўқув элементи ўз ичига куйидагиларни қамраб олади:

- фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлик бўлган назарч ва амалий ахборотлар,
- таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи материаллар хақида маълумотлар,
- мақсадлар идентафикацияси (таълим олувчиларни ҳаракатлантарув" мақсадлар),
- ўкув материаллари, ;
- ўкув шароитини назорат килиш инструментлари (таҳсил олувчиларни кўзланган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт-шароитл! тестлар, мақсад эталони ва бошқалар).

Таълим технологияси жараёнининг умумий максади куйидаги даражалар ойдинлашади:

1. Таълим муассасасининг мақсади хамда ўкитувчи ва унинг метод фаолияти идентификацияси.
2. Ўқув предмети (бўлим)нинг максади, ўқитувчи ва унинг метол фаолияти идентификацияси.
3. Модул (укув элементи) максади ва ўкитувчининг таҳсил олувчш билан ҳамкорликдаги фаолияти модули, унинг ташхис килинадиган охи{ натижалари.

Режалаштиришнинг анъанавий методларидан таълим технологиясига ўп кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади. Жумладан, мето| мажмуалар яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкил жиҳатдан таъминлаш назарда тутилади. Модул технологиясини ишлаб чий тартиби куйидаги кетма-кетликдан иборат босқичларни ўз ичига олади.

Модул технологиясининг асосий тамойиллари: аналитик; концепту мақсадли; мазмунли; жараёнли,

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг аналитик босқич! Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва кадр) тайёрлашнинг Миллий модели, ўкув предметлари бўйича яратилган Да» таълим стандартлари, уларда илгари сурилган гоялар асосида чиқариладя хулосалар, ёш авлодни баркамол шахс этиб шакллантиришга йўналтиршя таълим мазмуни ҳамда маълум машгулотнинг умумий, аниқ мақсадига эриш1 учун таълимнинг ташкилий шаклини танлаш мақсадга мувофикдир. "<

Педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишнинг концептуал-педапМ босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларида наза| тутилган асосий гоялар, умумий хулосалар ҳисобга олинади. Модуля! таркибий тузилиши умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-хунар колли бакалавриат, магистратура, умуман социумнинг таркиби сифа*



ифодаланади. Бу, айниқса, боскичли таълим тизимининг алоҳида элементлари учун характерлидир.

Педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишнинг мақсадли босқичида таълим муассасаси (умумий ўрта таълим муассасаси, академик лицей, касб-хунар коллежи, институт ёки университет)нинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади, таълим сохалари ва шу блокдаги алоҳида олинган ўқув предмети таркибидаги аник бир блокнинг ифодаланиши ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни амалда қўллашнинг мазмунли боскичида таълим сохалари, муайян блок тизимидаги ўқув предметлари мазмунини танлаш тамойиллари, алохида элементлар, яъни, аник ўкув идентификацияси ўкув предметлари моҳиятини ёритувчи йирик мавзуларда акс этиши керак.

Педагогик технологияни амалда қўллашнинг жараёнли босқичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, таҳсил олувчилар томонидан ўкув фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган таълим тури, таълим методлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва таҳсил олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг демократик тамойил, самарали усул, ташкилий шакл ва таълим воситаларининг танланишига алохида ургу берилади.

Фаолият нуктаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, ўкитиш жараёнини ташкил этишнинг куйидаги мантикий кетма-кетлигини асослаш мумкин: дастлаб ўкув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра, таълимнинг самарали методлари хамда таҳсил олувчилар билиш фаолиятини бошқариш тизими ишлаб чикилади, таълим воситаларининг рўйхати тузилади. Ҳосил килинган метод ва таълим воситаларининг яхлит тизими ташкилий шакллар билан уйгунлаштирилади, яъни, муайян технология ишлаб чикилади.

Умумлашган педагогик технологиялар маълум психо-педагогик асосларда курилган «синтетик назария» сифатида каралади. Амалий педагогик технологиялар олдиндан режалаштириган натижага эришиш мақсадида тайёргарлик жараёнини лойиҳалаш муаммосини методик жихатдан ҳал этишга йўналтирилади.

Шундай қилиб, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнининг педагогик технологияси ўзида таълим максади, мазмуни, шакл, методлар ва воситалар тизими, ўкитувчи ва тахеил олувчиларнинг биргаликда фаолият курсатиш имкониятлари хамда якуний натижага эришишни таъминловчи мажмуани мужассамлаштиради [49].

## 2.4. Педагогик технологияни қўллаш метод ва воситалари

Педагогик технологияни амалга оширишда таълим мазмунига таянган Ҳолда маълум метод ва воситалар кўлланилади.

Педагогик технология методларининг қўлланилиши куйидаги омиллар:

"~ Ўкитишнинг фаол методлари;

~ педагогик техника ва педагогик ишлаб чикариш асослари;

-таълим жараёнини индивидуаллаштириш;

- илгор педагогик тизимларни лойихалаш;

- таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш; модулли таъл технологиялари;

- педагогикада инновацион жараёнлар;

- педагогик мехнатни ташкил этишнинг илмий асослари;

- педагогик тест ва стандартлар;

- тахсил олувчилар ва ўқув муассасалари рейтинги (шунингдек, ў режалари ва дастурлари);

- ишбилармонлик ўйинлари;

- ўйин техникаси ва маданияти услубларига боғлиқ.

Уларнинг ўзига хос белгилари куйидагилардир:

мақсад, ўқув жараёни субъектининг ўкув материалини ўзлаштир усуллари ва шакллари.

Таълимнчнг фаол методларига хос илк белгилар XFV-XVI асрларда нам бўлган. Буюк гуманистлар - Ф.Рабле, М.Мантень, Ф.Беконлар билимла тайёр холда узатилган маълумотлар асосида эмас, балки амалий тажр мунозара орқали мустақил ўзлаштиришни тавсия этганлар.

Кейинчалик таълим методлари Я.А.Коменский, И.Г.Песталo Ф.А.Дистервег, Дж.Дьюи, К.Д.Ушинский, П.Ф.Каеровлар томони ривожлантирилган. Улар дидактикада илғор, яъни, билимларни муста равишда ўзлаштириш гоясини илмий жиҳатдан асослаганлар.

П.П.Блонский, С.Т.Шацкий, П.М.Керженцев, А.К.Га М.М.Рубинштейн ва бошқалар эса таълимнинг сует методларини инкор таълим жараёнида фаол методлар кабиларни қўллашга даъват этишган.

Буларга тадкиқотчилик, амалий, лаборатория, эвристик хамда манть методлар.

Таълим жараёнида фаол методларни қўллаш ғояси XIV аерда ил асосланган бўлсада, у 1950 йиллардагина тушунчасининг қўлланилиши би ўзининг амалий ифодасига эга бўлди. Яъни, «узлуксиз таълим».

Бугунги кунда инновациялардан муаммоли ва ахборотли маъруза, ви ўқитиш (икки нафар турли фан ўқитувчилари муайян кетма-кетликда бир м бўйича дарсларни ташкил этадилар) хамда матбуот конференциялар" фойдаланиш тажрибаси асосида иш кўрилмокда.

Фаол таълим методларининг тадқиқотчилари (И.Д.Зверев, М.И.Махму Ю.К.Бабанский) таълим методларини куйидаги уч гурухга ажратадилар:

- таълим методларининг гурухлари:
- оғзаки методлар;
- кўргазмали методлар;
- амалий методлар.

Таълим методлари услублардан таркиб топади. Айни вактда педагоги" куйидаги фаол методлар қўлланилмокда:

1. Микротаълим (ўкув материали бўлимларининг кичик қисмла; маълум кетма-кетликда ишлаб чиқаришга татбиқ этиш). Мазкур та тарафдорлари кўп қирралиликни дарс кириш қисмининг муҳим элем сифатида тавсия этадилар,

2. Таълимнинг модул технологияси (баённинг дидактик бирлиги ва ' Дидактик бирликка кўшиш, кўпайтириш, конспектлаштириш, сана ва сўзл



эсда сакдаб крлиш услублари, тест ўтказиш, оптималлаштириш ва бошкалар киради.

3. Мавзулар мазмунига мувофиқ билимларни мажмуалаш (биринчи дарс - ахборотли, иккинчи дарс - муаммоли, учинчи дарс - амалий, тўртинчи дарс - мустахкамлаш, тест ўтказиш тарзида).

4. Илғор воситалар ёрдамида ўқув матнларини қисмларга бўлиб (муайян кетма-кетликда, узлуксиз) ўрганиш.

5. Ишбилармонлик ўйинлари (масалан, «Лабиринт», «Муаммолар майдони» ва бошқалар)ни қўллаш.

6. Муаммоли таълим методлари (ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар ҳажмини аниқлаш — муаммолар таҳлили - фанлараро алоқаларни ўрганиш - муаммоларни мустакил ҳал этишга тайёрлаш).

7. Мавжуд муаммоларни ҳал этувчи вазиятли тахлил («вазият-тасвир», «вазият-баҳо», «вазият-муаммо», «вазият-машк»).

8. Педагогик тренинг (тез ўкиш ва ёзиш машқи, фикрлаш техникаси, графология, мимика, таклид ва пантомимика услубларини эгаллаш).

9. Таҳсил олувчилар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш.

10. Педагогик квалиметрия (таҳсил олувчини ЭҲМ воситасида тестдан ўтказиш).

11. Дастурли таълим.

12. Ўқув предметлари бўйича яратилган аудиовизуал курс дастурлари асосидаги таълим.

13. Педагог фаолиятини илмий асосда ташкил этиш.

Педагогик технологиялар таълим воситаларини бир вақтнинг ўзида бир неча йўцалишларда қўллаш имконини беради. Айни вактда «Аппарат-матнлар» тизими (видеокитоблар, ўқув дисклари, мусиқали альбомлар ва бошқалар)дан оммавий равишда фойдаланилмокда.

Таълим лойиҳаларини яратиш педагог-технолог ва методистларнинг касбий махоратларини оширишга ёрдам беради.

«Буюртма - восита услуб - ёндашув таълим тури» тизими кинопроектор, ўкув магнитофони, радио ва телевидение, лингофон хонаси, автоматлаштирилган таълим тизимлари, мультимедиа ва гиперматнли таълим турларининг интеллектуал тизими ёрдамида ўзлаштирилади.

Янги таълим турларининг шаклланиш сабаблари ҳамда илғор ўкув [в°]ситаларининг самарадорлигини ўрганиш улар ўртасида ўзаро бирлик мавжуддигини кўрсатди. Бу бирлик моҳияти нуқтаи назаридан куйидаги [Ме]*анизмга асосланади:

~ янги таълим турлари ва илғор ўқув воситалари ўртасидаги ўзаро бирлик [Ме]ханизми;

~ ижтимоий заруриятнинг юзага келиши;

~ таълим тизимига жамият томонидан ижтимоий буюртманинг берилиши;

~ илғор ўқув воситаларининг яратилиши;

~ илғор ўқув воситаларини қўллаш технология (усул)ларининг "сосланищи;

~ таълим тамойиллари (янги дидактик қоидалар) тизимининг яратилиши.

Унгги йилларда амалиётда К.Керр томонидан тавсия этилган куйидаги

фаол таълим методлари самарали қўлланилмокда:

- «Мен сингари ишла!» номли харакат методикаси;
- тингла-такрорла-рақсга туш» номли фаол харакат методикаси;
- «Саводли ўқи» (қўлёзмаларни ўкиш ва ёзиш) тренинги;
- «Матн мазмунини тушуниш учун ҳарфларни ёзишни ўрга (нашриётчилар сингари);
- «Дастур туз ва дастурларни ўкишни ўрган» (дастур тузувчилар каби);

«Интернетдан фойдаланишни ўрган» (микро ЭХМлард фойдаланувчилар).

Демак, педагогик технологиялар таълим воситаларининг янги авлоди турлари сифатида намоён бўлади.

Таълимнинг янги воситалари куйидагилардан иборат:

- тасвирий ўкув матни;
- ахборот ташувчилар (қоғоз, слайд, диск аппарата);
- таълимни амалга ошириш воситалари (проектор, магнито компьютер, нусха кўчириш аппарати ва бошқалар).

Таълим муассасаларининг ижтимоий-иқтисодий ресурслари бир-бир фарқ килади. Шу боис барча таълим муассасаларида ўкув жараёнига ил педагогик технологияларни татбиқ этишга бир вактда эришиш мумкин эмас. йўлда ижобий натижаларни қўлга киритиш куйидаги шароитлар" мавжудлигини такозо этади:

- ишга яроқли воситалар ва нотўлиқ аппарат кисмларини таъмирлаш;
- янги таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва турли фан йўналишл" бўйича яратилган ўкув матнларини таржима қилиш кобилиятига эга бў маҳоратли педагог-технологларни тайёрлаш;
- таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш жараёнида педагог, дуч келаётган кийинчиликлар, шунингдек, «фаолиятсиз фикрл сабабларини ўрганиш ва бартараф этишга эришиш.

К.Р.Брансон (АҚШнинг Флорида университетидаги Педагогик техноло маркази директори) педагогик технология назарияси шаклланишининг тари асосини шундай белгилайди: ибтидоий жамоа тузумининг илк даврлар билимларни етказиб беришда огзаки усуллар кенг қўлланилган. Бу куйидаги тўрт элементни ўзида мужассамлаштирган:

Билим - тажриба - ўқитувчи - тахсил олувчи.

Ушбу парадигма таълимнинг индивидуаллаштирилган шакли номланади.

Таълимни жуфтли ёки гуруҳли шаклларда ташкил этиш ғояси эса XII а" илгари сурилган бўлиб, XX асрнинг охирида ушбу ғоя негизида куйидаги:

Билим - тажриба - тахсил олувчи модели шаклланди.

Бу модел мохиятини ёритувчи парадигма гуруҳли деб номланиб, у т олувчиларнинг ўкув фаолияти доирасида ўз-ўзини англаш, вақтнинг сама ўтишига эришиш, қайта алоқа сифати ва сонини орттириш, диД* материаллар сифатини яхшилаш, ўз-ўзини бошкариш тизимини кенгайти^ ривожланган таълим тизимини жорий этиш, янги курсларни лойиҳалаш, ***У*** режаси мазмунини такомиллаштириш, таълим субъектларининг имкониятларини орттириш, шунингдек, улар фаолиятини бахолашда



воситалардан фойдаланишга хизмат қилади.

Замонавий педагогик технологияга асосланган янги парадигманинг моҳияти интерфаол таълимни кенг кўламда ва мавжуд имкониятлар асосида йулга кўйишдан иборат. Унга кўра, хар бир таълим олувчи ўкув ахборотларини уч манба:

ўқитувчи ёрдамида,

маълумотлар базаси (муайян фан бўйича ёки ўкув доирасида) ёрдамида;

тахсил олувчилар гурухи (улар билан ўзаро фаолиятни ташкил этиш) ёрдамида эгаллайди.

Педагогик технология моделида куйидаги парадигма акс этади:

1) муаммони қўйиш;
2) кузатиш ва тажриба асосида далиллар тўплаш;
3) далилларни шархдаш ва илмий фаразларни илгари суриш;
4) тестлар ёрдамида, назарий ғояларни амалиётга татбиқ этиш йўли билан илмий фаразларнинг хаққонийлигини текшириш;
5) хулоса ва тавсиялар тайёрлаш.

Роберт Томаснинг фикрича (АКШ, Калифорния университети), педагогик технология элементлари орасидаги муносабат уни кўллаш сбхасига оид моделда ифодаланиши мумкин.

Педагогик технология мазмунида:

бошкарув вазифаси (менежмент);

жорий этиш (ривожланиш);

таълим воситаларини ишлаб чиқариш вазифалари акс этади.

Олиб борилган кузатиш ва тадкикотлар натижасида шаҳар мактабларида Қишлоқ мактабларига нисбатан замонавий технологияларни қўллаш даражаси анча юқори эканлигига гувоҳ бўлинди.

Педагогик технология педагогик жараённи ташкил этишда яхлит таълим еки маълум таълим доирасида билимларни пухта лойиҳалашга шароит яратади.

М.Эраут (M.Eraut - Оксфорд, 1985 йил) томонидан яратилган ўнта томдан иборат «Халқаро педагогик энциклопедия»да куйидаги замонавий педагогик технология концепция (парадигма)ларининг мажмуи такдим этилади:

Педагогик технология концепцияларининг амалий аҳамияти

| | **Узлаптгириб олиш ва мослашиш** | **Таълимни ривожлашириш учун** |
|---|---|---|
| **Тавщфпаш ва амалиётда** жорий ЭТИШ | **Таълим учун ахамиятсиз мухандислик курилишларида кулпаш (аудиовизуап таълим)** | **Замонавий педагогик техника ва педагогик ама-лиет (укитувчи педагог -технолог сифатида)** |
| **Исшкбол амалиёгши авдшданкўра&1лиш** | **Юкори замонавий аппаратларни кенг қўл-лаш, техника ва модел-ларни ташкил эшш (педагогик келажак)** | **Тадкикрт ва ривожланишда йирик инвестиция напскаларига эришиш (технологик тадкикрт ва амалий фан)** |

ақдим этилган концептуал педагогик технология (парадигма) аудиовизуал таРғибнинг янги моделлари (ДастУРли> мультимедиал ва б.ш.)ни қўллашни этади. Тизимли ёндашув доирасида Р.Хайник куйидаги иккита *Радигмани такдим этади:

аРаён"Па,>аДИГМа ~~ Режалаштириш хақида карор қабул килиш; режалаштириш ' аудитория (синф)ларда режани амалга ошириш; аудиовизуал воситалар;

**2-парадигма** - режалаштириш ҳақида қарор қабул килиш; режалаштир жараёни; таълимий технология; режани синфда амалга ошириш.

Педагогик технология типологияси:

Таълимнинг очик, масофали, глобал, ҳамкорлик, сиртки, шаклли шаклсиз, форматив ва ҳоказо каби шаклларидан фойдаланиш мумкинлиг кўрсатади. Ушбу шакллар ривожлантирувчи, дастурли, муаммоли, интенс алгоритмланган, кибернетик, компьютерли, медиа таълим ва бошка метод ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Таълим муассасасидан ташкарида **очик, масофали, билвосита** ва **гсг** шакллардаги таълим ташкил этилади.

**Очиқ** ва **масофали таълим** (сиртки варианта сифатида) олий маълумотга бўлишни хоҳловчиларнинг истакларини рўёбга чиқаришда мухим аҳамият к этди.

Айни вактда Америка, Англия ва Канада мамлакатларининг а университетларида «уйдан чикмасдан» таҳсил олиш ва таъли якунлаганлиги тўғрисидаги дипломга эга бўлиш мумкин. Анъанавий си~ таълимдан фаркли равишда бу таълим компьютер хизмати (модем, таъли видеодастур, тест ва бошқалар)дан фойдаланиш оркали амалга оширилади.

Бугунги кунда жаҳоннинг 30 мамлакатида жойлашган 700 дан о университет ва коллежларда масофавий таълимни ташкил этишда тажриба тўпланган.

Индивидуаллаштирилган таълим табақалаштирилган, очиқ, дас масофавий, автоматлаштирилган ҳамда модулли таълим шаклларида қўйилиши мумкин.

Масофавий таълим иккинчи мутахассислик ёки учинчи олий та олишни хоҳловчилар учун кулай имкониятларни яратади.

Россияда масофавий таълим маркази 1992 йил майда РФ олий м қўмитаси ва Нью-Йорк штата университета ҳамкорлигида ташкил этилди.

Очик таълим йўналишларидан бири мукобил таълим гоясидир. **У** тизим образини АҚШ ва Англияда К.С.Махмурян тайёрлаган.

Тизим мукобил равишда мактаб ва уй таълимини олиш ўртаси фаркдарни ёритади.

Мукобил таълимда куйидаги ҳолатлар илгари сурилади:

1. Эркин мактаблар (уларда 30 нафар таҳсил олувчи, 2 нафар ўқи иштирок этади, асосий эътибор табақалаштирилган таълимнинг та этилишига қаратилади, ўқув фанларининг қайси даврда ва қандай ўқитили тахеил олувчиларнинг ўзлари белгилайдилар).

2. «Очиқ мактаб» (таълим методикасига шаклсиз ёндашув, материалларининг хилма хиллиги, қизиқишига қараб дареларни танлаш).

3. «Деворсиз мактаб» (таълим театр, музей, суд зали, кўР^г^ лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш устахоналарида ташкил эт' билимларни назорат килиш эса таълим муассасасида амалга оширилади).

4. «Мактаб ичида мактаб» (асосий укув юкламасининг маълум К хисобидан ташкил этилган кичик ёки йўлдош мактаблар).



5. Таълим марказлари (касбий (ёки мехнат) таълими, шунингдек, табиий фанлар (кимё, физика) мутахассислари бўйича ташкил этилган таълим муассасаси).

6. «Магнит мактаб» (таълим саноат корхоналари ва олий техника таълим муассасалари хамкорлигида белгиланган мутахассисликлар бўйича ташкил этилади).

7. «Очик университет» (Англияда 1969 йилда катта ёшдагилар учун бакалавр даражасини бериш мақсадида ташкил этилган, уларда ёши 21 дан катта бўлган шахслар таълим оладилар).

8. «Эркин университет» (АҚШ ва Англияда XX асрнинг 60-йилларида ташкил этилган бўлиб, унда истаган шахс бепул таълим дастури бўйича билим олади. Дастурга мувофик таълим олувчи имтиҳонларга келмаслиги мумкин, бирок педагогик ишлаб чикариш малакаларини эгаллаши шарт. Таълим даври - малака ошириш институтларида бўлгани каби 6-8 ҳафта.

Юқорида баён этилган фикрларга кўра педагогик технология ривожланишининг ифода этувчи концептуал педагоготехнологик гояларини қуйидагича гурухлаш мумкин:

**Педагогик технология ривожланишининг концептуал педагоготехнологик схемаси**

| Т/р | Таълим воситалари | Таълим усуллари | Таълимга ёндашувлар | Таълим турлариъ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | ,_Мумхрикдашгирилмаган | Гурухди | Тизимсиз | Огзаки |
| *2.* | Мувофиклаштирилган, ____^ослаштирилмаган | Жуфт-гурухди | Технологик | Аудио-Визуалли |
| | Машиншташ тирилган, мослаштирилган | Индивидуал-гурухли | Тизимли | Дастурли |
| *х~* | Интерфаол | Индивидуал, автоматлапггирилган | Кўпқиррали | Мульти-медиал |
| | Интеллектуал | Индивидуал, **автоматла111Тирилган,** оммавий | Гипер-матнли | Гипер-медиали |

## 2.5. Ўқитиш технологияси - таълим самарадорлигини ошириш омили

^Узбекистан Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар ^иёрлаш Миллий дастури" олий таълим олдига жахон талабларига мое олий лим тизимини ўкув-методик муажмалар билан таъминлаш ва ўқитиш раенини янги усуллар билан ташкил килиш вазифасини қўйди. Миллий турда белгиланган вазифаларни ҳал этишда таълим самарадорлигини **Иш** ***R'*** таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган механизмларини **Чикиш,** дунё таълим технология ва тажрибаларини ўрганиш, уларни ўкув жорий этиш муҳим хисобланади. Бунда асосий эътиборлардан бири **^ьлим** жараёнинига замонавий ўқитиш технологияларини жорий килиш лозим **бўлади**

Ўқитиш технологиялар «анъанавий ўқитиш», жумладан синф-тизимига хос бўлган жиддий камчиликларни бартараф этишга имкон Анъанавий ўқитиш таҳсил олувчининг хотирасига, билимларни, маълумо қанчалик эсда сақлаб келишига таянса, ўқитиш технологиялар олувчиларнинг мустақиллигига, тафаккурининг ривожланишига, і олувчининг ўз-ўзини ривожланишига таянади.

Ўқитиш технологиялар педагогик амалиётни маълум даражада **юк** ривожланган ишлаб чикаришга, унинг иш принципларига «якинлаштир чунки, ўқитувчининг фаолияти «аниқ» мазмун багишласа, технол" тафаккурини шакллантиради, уни ижодга, изланишга чорлайди. олувчилар таълим-тарбия жараёнининг фаол иштирокчиларига айланади ўзлари мустакил билим оладилар, коллектив равишда таълимий вазифа ҳал этадилар ўз-ўзини баҳолайдилар, таълим технологияларини туз иштирок этадилар.

Ниҳоят, педагогик технологиялар юзлаб, ҳатто минглаб ўқитувчиларн «халқ педагоглари» бўлмиш ота-оналар, устозлар, катталарнинг кимма; педагогик тажрибасини саклаб келиш, «қоғозга тушириш», барчанинг «мул айлантиришга» ёрдам беради. Педагогларнинг фаолият доирас кенгайтиради. Турли-туман педагогик технологиялар ҳар хил тажрибага ҳар турли шароитларда меҳнат қилаётган муаллимлар томон" фойдаланилиши мумкин.

Ўқитиш ва ўрганиш технологияси - бу ўқитувчи ва таҳсил олувчилар иш методи бўлиб, улар ёрдамида билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилишига эрипшлади. Ҳар бир ўқитиш методига ўргатиш ва ург~ йўлларининг мажмуи сифатида қаралади.

Ўқитиш ва ўрганиш технологияси таълим технологияси" муаммоларини умумий ҳолда ҳал қилган бўлиб, у ўзининг қуйидаги жиҳати билан тавсифланади:

1) ўқитиш (ўқитувчининг фаолияти);

2) ўрганиш (таҳсил олувчиларнинг онгли билиш фаолияти).

Таълим жараёни ўқитиш ва ўрганишдан иборат бўлиб, ўқитиш (т олувчиларнинг билиш фаолиятларини бошқариш ва текширишга дойр ахб турлари, усул ва воситалари), ўрганиш (ўкув материалини тахсил олувч; томонидан ўзлаштириш турлари, усул, воситалари) ўзининг методлари ор амалга оширилади. Ўқитиш ва ўрганиш методлари ўзаро узвий ало бўлиб, ўқитиш жараёнини амалга оширишга хизмат қилади.

Янги технологиялардан фойдаланиш сўзсиз ўкитувчилар технол тафаккурини ривожлантиришни, уни таълим-тарбияга технологик ёндаи амалга ошириш, алгоритмлаш, стандартлаштириш, тахсил олувчиларни технологиялардан фойдаланиш шароитида ўқитишга ва ўрганишга тайёрл" талаб килади. Ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги янги технологияларни кувонч, янги ижодий куч билан кутиб олаётганликлари билан бир **КЗ"** аксарият профессор-ўқитувчиларимиз технологик тайёргарл ўтмаганликларини, бу муаммога жиддий ахамият қаратишни таъкидлаш **Л**

Ҳозирчалик биз синф-дарс тизимидан воз кечганимизча йўк, ўрнини босадиган «альтернатива» хам йўк десак муболаға бўлмас. Демак,



технология асосидаги машғулотлар хам анъанавий ўқитиш доирасида, хотирага таяниб иш кўради. аммо таҳсил олувчи тафаккурини ривожлантиришга эътиборни каратади.

Шуни таъкидлаш жоизки, таълим жараёнига ҳар қандай ўқитиш технологияларнии қўллаш таълим самарадорлигини оширишга хизмат килади.

Дарснинг тузилиши ва уни ташкил қилиш методикаси.

Бизга педагогика курсидан маълумки, даре таълим муассасаларида олиб бориладиган ўкув-тарбиявий жараённинг асосидир. Шунинг учун хам даре жараёнида ўтиладиган мавзу мазмунини умумтаълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ва амалий характердаги томонлари очиб берилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини кабул килинганидан кейин мактабларимизда ўтиладиган ҳар бир даре Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чикилган, давлат таълим стандартлари асосида олиб борилишлиги айтиб ўтилган. Ҳар бир даре ўкув тарбиявий жараёндир. Шунинг учун ҳам хар бир дареда ўкув-тарбиявий жараённинг максади, мазмуни, шакли, методлари ва унинг воситалари орасидаги ўзаро алоқалар мазмунан очиб берилади.

Агар биз методика нуктаи-назардан дарснинг тузилишига назар ташлайдиган бўлсак, унда куйидаги дидактик мақсадлар амалга оширилади. Дарснинг бошида тахсил олувчилар билими текширилади. Бу текшириш савол-жавоб асосида ёки дидактик тарқатма материаллар асосида ўтказилади. Бунда қайси таҳсил олувчининг аввалги ўтилган мавзу мазмунини кандай ўзлаштиргани ва кандай кийинчиликка учрагани хамда ана шу мавзу материали юзасидан тахсил олувчиларнинг олган билими ва кўникмалари текширилади. Таҳсил олувчиларнинг берган жавоблари ўкитувчи томонидан изохлаб баҳоланади. Шундан кейин дарснинг асосий мақсади янги мавзу тахсил олувчиларга тушунтирилади ва уни мустаҳкамлаш учун таҳсил олувчилар билан биргаликда мисол ёки масалалар ечилади. Бундан ташкари ана шу мавзу мазмунини қандай даражада таҳсил олувчилар ўзлаштирганликларини билиш учун ўқитувчи томонидан тахсил олувчиларга назарий ва амалий характердаги саволлар ҳам бериб борилади. Бундан кейин уйга вазифа бериш ва уни бажариш юзасидан зарур кўрсатмалар берилади.

Юқоридаги айтиб ўтилган босқичлардан кўринадики, дарсига ^та^иергарлик кўриш ўкитувчидан ўрганиладиган мавзунинг мақсади ва унинг мазмуни нималардан иборат эканлигини аникдашдан иборатдир. Ҳар бир УҚитувчи эртага ўтадиган дарсида қандай ўкув-методик жараённи амалга °Юираман деган саволга жавоб излашдан бошлаши керак. Дарс вақтини ^та^Қсимлашда янги материални тахсил олувчиларга тушунтиришга ва уни ^м^Устаҳкамлаш юзасидан мисол ва масалалар ечишга кўпрок вактни ажратиш ^РУр. Кўп ҳолларда таълим муассасалари ўқитувчилари кўпроқ вақтни уй ^ифасини текширишга сарф қилиб, янги мавзу мазмунини баён килиш ва уни аҳкамлаш ^ва^ктини қисқартиришга олиб келадилар. Бу усулдан қочиш Рак, чунки дарснинг асосий мақсади янги мавзу мазмунини тахсил УВчиларга тушунтириш ва уни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Укитиш тамойиллари ва методикаси.

Укитиш конунлари таълим ва тарбия максадларига мувофиқ равишда чдаданиш лозимлигини характерлайди.

Ўқитиш тамойиллари ўқитиш мазмуни, усуллари, ташкил этилиши воситаларини аниқлайди; амалиётда дидактик тамойиллар тизими ўқи қоидалари билан биргаликда қўлланилади. Ўқитишнинг турларига бог равишда баъзи ўқитиш тамойиллари кучайтирилади, баъзилари камая Натижада махсус ўқитиш тамойиллари пайдо бўлади.

1 .Ўкитиш жараёнининг тарбиявийлик тамойили.

2.Ўқитишнинг илмийлик ва тушунарлилик тамойили.

3.Ўқитувчи раҳбарлигида таҳсил олувчиларнинг онглилик ва ф ёндошувларини ташкил этиш тамойили.

4.Аниклик ва мавҳумликнинг бирлиги (ўкитишнинг кўрсатмам тамойили.

5. Назарияни амалиёт ва ўкитишнинг узвийлиги билан боглаш тамойв

6. Билимларни пухта ўзлаштириш ва билишнинг хар томок ривожланиши тамойили.

7. Ўқитишнинг замонавийлик хусусияти ва тахеил олувчиларнинг ш' хусусиятларини хисобга олиш тамойили.

Ўқитиш ва ўрганиш методикаси - бу ўкитувчи ва таҳсил олувчилар" иш методи бўлиб, улар ёрдамида билим, кўникма ва малакалар" ўзлаштирилишига эришилади. Ҳар бир ўқитиш методи ўргатиш ва ўрг йўллари мажмуи сифатида қаралади.

Таълимий методларини куйидагича классификациялаш мумкин:

1. Илмий изланиш методлари (кузатиш, тажриба, анализ ва с умумлаштириш, абстракциялаш, классификациялаш).

2. Хулоса чикариш методлари (индукция, дедукция, аналогия).

3. Ўкитиш методлари (эвристик, дастурланган таълим, муаммоли та маъруза ва сухбат методлари, шунингдек, модулли таълим).

Ўқитишдаги илмий изланиш методлари.

Илмий изланиш методлари кузатиш ва тажриба, таққослаш ва ана умумлаштириш, абстракциялаш ва аниқлаштириш, классификацияла ҳоказолардан иборатдир. Ўкитиш, ўрганиш методикаси таълим амал мазкур тушунчалар илмий билиш методлари ва таҳсил олувчил" фаолиятларини ташкил этиш компонента сифатида каралади.

Кузатиш - теварак атрофдаги, борликдаги объектларни табиий і хосса ва муносабатларини ўрганиш методидир.

**Тажриба** - объект ва ҳодисаларни ўрганиш методи бўлиб, уларнинг і ҳолати ва ривожланишига таъсир кўрсатамиз, уларни кисмларга бўламиз бошқа объект ва ҳодисалар билан бирлаштирамиз.

Кузатиш асосан куйидаги йўллар билан олиб борилади.

Ўқитувчи таҳсил олувчиларда мавжуд бўлган билимлар дара аникдаш учун назорат материалларини тайёрлаб, уларга тавсия Кузатиш жараёни мураккаб бўлиши билан бирга таҳсил олувчи ) мақбул жараён, чунки бу жараён орқали тажриба ортади. Маълумки, орттириш орқали ўқитиш ва ўрганишда билиш жараёнининг кучайии чикади. Бунда, асосан, ўкитувчида у ёки бу мавзуни таҳсил олув ўргатишнинг энг кулай методларини топа билиш имконияти пайдо бўл

Тажриба тушунчаси турли кўринишда намоён бўлиши мумкин, *я*

а) ўхшаш математик қонуниятлар орасидаги мавжуд ўзгаришларни таққослаб, тажрибадан тегишли хулосаларни чиқариш мумкин;

б) сонли тўпламларда бажариладиган амаллар ўзаро бир қийматли мосликнинг бажарилиши натижасига кўра тажриба ҳосил килиш мумкин.

Юкорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики кузатиш ва тажриба биргаликда кўшилиб тахсил олувчиларни килинаётган меҳнатга онгли тарзда ёндошишга ундайди, Шу билан бирга, ўз тажрибаси учун ишлаш ҳолати ва уни ҳимоя қилиш сифатларни тажриба қилишга ҳам ижодий таъсир кўрсатади. Шундай килиб, кузатиш деб объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва уларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи методга айтилади. Объектдаги нарсаларнинг хоссалари ва улар орасидаги микдорий муносабатларни сунъий равишда бўлак кисмларга ажратиш ёки уларни бирлаштириш методи тажриба дейилади. Кузатиш ва тажриба оркали математик ўқитиш ҳамда ўрганиш методларини танлаш мумкин.

**Таккослаш** - объектлар ва муносабатларнинг ўхшашлиги ҳамда фарки, шунингдек, унинг таркибий компонентларини ЭМТ максадларида аниклаш методидир.

Маълумки, ҳар бир инсон табиатан атроф-мухит билан ҳамкорликда яшайди. Инсон онгли бўлгани учун атроф-муҳитдаги ўзгаришларни хар кун кузатади ва кечагисини бугунгиси билан киёслашга харакат килади. Таққослаш жараёни куйидаги шартларга буйсунган ҳолда олиб борилади:

- таккосланаётган объектлар бир жинсли бўлиши лозим;

- таққослаш ўрганилаётган объектдаги нарсаларнинг асосий хоссаларига нисбатан бўлиши керак;

- таккосланаётган объектлар буйсунадиган қонуниятлар имкони борича Қаисидир даражада бир-бирига боғлиқ бўлиши назарда тутилади.

Таққослаш бу фикрлаш жараёнининг шундай бир кўринишики, у кузатаётган объектларнинг бир хиллиги ёки бир хил эмаслигини аникдашга имконият яратади.

Демак, таккосланаётган объектларнинг ички тузилмаси ва унда Кулланилаётган қонуниятлар сони бевосита бир турдан иккинчи турга олиб Утишни такозо этган бўлса, иккинчидан, у сонлар тўпламида бажарилиши Мумкин бўлган амалларнинг таркибий кўринишида маълум ўзгартиришлар 2?ч Ши керак эканини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, таккослаётган №лин ТЛа,)Да, ® ажа Р илиши лозим тизимларда ўрганилиши кераклиги талаб

бил ^М У ман> фанни ўрганишда таққослаш методи тахеил олувчиларнинг ""члар тизимини чукуррок, фаолрок бўлишига имконият яратади.

**KOHVU** BAJIoR,FFL - маълум янги объект ва муносабатлар орасидаги ўхшашликни ятлар, янги богланишлар тизимини ўрганиш мақсадида аниқлашдир.

қ а р а ^ л р0 Р S қоида ёки конуният a,**B**,c,d шартлар учун ўринли бўлсин деб Теклц,11*' **У** Ҳолда кандайдир Т қоида а,в,с лар учун ўринли эканлигидан, Sra > рМасдд н Т коидани d учун хам ўринли деб хулоса чиқарамиз. Яъни, Тни "^ди хулоса чиқаришга аналогик хулоса чикариш дейилади. Аналогия *ар^ ДаР с жараёнида теоремаларни исботлашда, мисол-масалалар ечиш Қуйидаги механизм бўйича ишлайди: яъни, ёш ўкитувчилар биринчи

дарсларни бошлашда қайсидир ўқитувчининг даре бериш методига ўхша даре ўтишга ҳаракат қилади. Бунда шу ўкитувчининг барча харакатла мимикалари, товуш тони, хатти- ҳаракатларини том маънода ўхшатиб о борса ҳам методикаси ва уни реал тахлил қилиш алгортми ўхшаган бўли мумкин. Бунда, ўқитувчи ўзидан ниманидир кўшиб, уни тўлдириб боради. эса даре бериш жараёнидаги анология хисобланади.

**Ўқигишда умумлаштириш, абстракциялаш ва аникланггириш методл** Умумлаштириш - объектлар тўпламига тегишли ва бу объектл бирлаштирадиган бирор хоссани фикран ажратиш методи.

Абстрактлаштириш - ўрганилаётган ходиса ёки муносабатларнинг ба муҳим бўлмаган хоссаларини фикран истисно этиш ва бу орқали м~ хоссаларини очиш методи.

Аникла'чтириш - бу аклий фаолият бўлиб, унда ўрганилас объектнинг у ёки бу жиҳати унинг қолган жиҳатларига боғланмаган ҳолда томонлама караладиган метод.

Умумлаштириш ҳам ўқитишдаги илмий изланиш методларидан хисобланади. Умумлаштириш шундай мантиқий методки, унинг восит алоҳида фикрлашдан умумий фикрлашга ўтилади. Ҳар доим хам хус~ хулосаларга таяниб туриб умумий натижа олиш, яъни, умумийликка *у* муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан: сон тушунчасини ривожлаиг умумлаштириш кўринишида шаклланади.

Тахсил олувчилар аввал натурал сонлар билан таништирилади. Шу кейин О сони киритилиб амаллар бутун сон тўплашдан бошланади, сў рационал, иррационал ва ҳақиқий сонлар киритилиб, сон **тугч'** умумлаштирилади.

Абстракциялаш ўрганилаётган объектдаги нарсаларнинг белгилари, сифат ёки нусхаларини фикран ажратиб олиб, ана шу сифатларни мустақил фикр объектига айлантиришдан иборат таг] амалидир.

Абстракция тахсил олувчилар билим савиясини биринчидан ик даражасига ўтиш жараёнида аникдашга ва ифодалашга ёрдам б' методдир. Инсон тафаккурининг абстракцияси асосан тўрт босқичда кеча

1. Инсон тажрибасида мавжуд бўлган объект ёки қоггуниятларни [1] умумлаштириш асосида умумий даражада кўрсатувчи абстракция.

2. Маълум конуният ёки объектлар орасида содда узвий ўзгар ҳосил килиш оркали янги математик қонуниятлар ёки объектларга олиб " абстракция.

3. Назарда тутилаётган конуният ва объектлар устида те масъулиятли алмаштиришларни бажариш орқали таълим олиш ва фикр янги поғонага кўтара оладиган абстракция.

4. Абстракция хамда у оркали мушоҳада қилишни таъминла абстракция.

**Анализ ва синтез.** Куйида келтирилган 5-иловадаги символларга **ш** ММТЭ-материални мантикий ташкил этиш бўлиб, унинг воситасида м тизимга, назарияга-МНга айланади. НҚ назариянинг амалиётда кўлл"" демакдир.



Классификация - мантиқий амал бўлиб, у ўрганилаётган нарсалар тўпламини маълум ўхшашликлар ва фарклар бўйича қисм тўпламларига - гурух ёки синфларга бўлишдан иборат.

АНАЛИЗ - изланаётгандан кетма-кет берилганга ўтиш.

СИНТЕЗ - берилгандан кетма-кет изланаётганга ўтиш.

АНАЛИЗ бу оркага "Саволга жавоб бериш учун, ... лозим".

СИНТЕЗ бу олдинга "... ни ва ...ни билган ҳолда ...ни билиш мумкин".

Шундай қилиб, АНАЛИЗ фикрлаш жараёнининг номаълумдан маълумга бориш шакли ёки номаълумлардан маълумларга томон изланиш методидир. Бунда тахсил олувчи берилган объектда қатнашаётган номаълумни аниқлагандан сўнг, объектни майда объектларга бўлиб ўрганади. Ушбу тушунчага психологлар шундай таъриф беради: бутунлардан бўлакларга томон излаш методига анализ дейилади.

Ҳар бир майда объектларнинг бири иккинчиси билан кандай конуниятлар асосида богланганлиги ўрганилиб, бу богланганлик бевосита маълум микдорлар билан яъни, рост, бир кийматли, аниқланган конуният билан боғланиши аниқланади.

Синтез - фикрлаш жараёнининг рост, бир кийматли, аникданган крнуниятларнинг ноъмалумга бориш шаклидир.

Анализ ва синтез биргаликда берилаётган объектни ҳал килиш алгоритмини аникдаш ёки режасини тузиш имкониятини яратиб боради. Машҳур психолог Л. Рубенштейннинг фикрига **Караганда,** анализ ва синтез соф, алоҳида ҳолатда учрамайди. Анализ жараёнида кандайдир даражада синтез **Хам амалга** оширилади. Шунинг учун хам у синтез оркали анализ қилиш, анализ оркали синтез қилиш фикрлари билан тўлдирилади. Ҳақиқатдан биз **анализ** қилиш жараёнида номаълумнинг кисман маълум бўлган микдорига Утищ жараёнида тўпланган фикрларни таққослаймиз, уни маълум даражада Умумлашга харакат қиламиз, сўнгра иккинчи маълум билан боглаймиз. Бундан **Куриниб** турибдики, биз анализ қилиш жараёнида кисман синтез ҳам қиламиз. У эса анализни синтез оркали амалга оширишни такозо қилади ва аксинча, **худди** шундай воқеалик синтез килишда хам содир бўлади. Шунинг учун хам **анализ,** синтез бир-бири билан боглик равишда, бир-биридан ажралмаган Х.олатда ишлайди. Бу юқоридаги фикрлардан ташкари математикада бир-Ридан келиб чиқувчи анализ ҳам учрайди. Бунда берилган А жумла бўлиши УУН В **нинг** рост бўлиши зарур ва етарли.

**Хулоса чикариш методлари (индукция, дедукция ва аналогия). Индукция фикрлат гли,**
**Фикрла** "флащ (фикрлашга олиб келиш) бўлиб, унинг воситасида айрим ёки хусусий
у,,- Р дан ; ' », Умумий фикрлар хосил килинади. Ёки айрим, хусусий
% м ъл У М0Т) ла Р га таяниб, умумий хулоса чикаришга индукция дейилади.
м*ьлумдан номаълумга караб харакатланишнинг мантиқий усулидир.

ф Дедукция - фикрлаш (келтириб чикариш) бўлиб, унинг воситасида умумий Р дан айрим, хусусий фикрлар келтириб чиқарилади. Умумий \/ Тла Рта таяниб айрим, хусусий хулоса чикариш дедукция дейилади.

Мисол.

Kjff. ^ ^ га Р янги хукм (хулоса) р ва g лар ўзаро туб сонлар бўлса, у ҳолда энг УКумий бўлувчи ЭКУБ (p,g)Kl.

Хусусий хулоса ЭКУБ (7,13)к1

Янги хусусий хулоса 7 билан 13 ўзаро туб сонлар.

б) Янги хукм (хулоса): ҳамма жисмдаги мунтазам кўп бурчаклар ўхша

Биринчи хулоса-берилган мунтазам кўпбурчаклар ўхшаш. Одатда хул ясаш учун хар бир хукмда умумий термин бўлиши зарур. Масалан 1-мисо умумий термин ЭКУБ, 2-сида мунтазам исмдош кўпбурчаклардир.

Геометрия дедуктив фанлар саналади. Уларда тезислар тизими берил бу тезислар тизими кишилик жамиятининг ривожланиши жараёнида ун ростлиги бир неча марта текширилганлиги учун улар алоҳида исботлаг талаб қилмайди. Шу боис ихтиёрий геометрик жумлаларни мазкур тезис тизими асосида исботлашда тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкин.

Уқитиш жараёнида индукция ва дедукция таҳсил олувчилар би фоалиятини к^чайтириш ва ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Дарсларда муаммоли таълим. Умумтаълим мактаблари жамиятн ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётдаги мухим ўзгаришларга хамиша муносабатини билдириб келди. Жамият тараккиётининг хар бир даври таълим назарияси ривожининг маълум бир мазмуни мое келади. Бошқача айтганда, жамият тараккиётининг ҳар бир босқичига мое равишда ўқ дастурларининг мазмуни, тарбия принциплари, ўқув-тарбия жараёнини т" килишнинг форма ва методлари хамда таълим муддатлари мое кел Педагогика курсидан маълумки, таълим методини аникдашт жараёни таҳсил олувчи билан ўқитувчининг ўзаро муносабатлари принцип келиб чикади, бунда ўқитувчи тахсил олувчиларга билимларни баён кили ана шу билимларга эришишдаги тахеил олувчиларнинг шахеий фаолиятлар уюштириши хамда тушунтириладиган мавзу материалини ўкитувчининг қандай баён килиш нуқтаи-назаридан ёндашилади.

Огзаки-кўрсатмалик таълим жараёнида таҳсил олувчилар ўкитувчи тушунтириши оркали билимларни онгли равишда ўзлаштирадилар X уларни амалда қўллаш малакалари ҳосил бўлади.

Аста-секин таълим муассасаларининг мазмуни тубдан ўзгартир яъни таълимни таълим муассасанинг максад ва вазифаларига мое келад янги, анча такомиллашган изоҳли-иллюстратив методи вужудга келтир~~ Изоҳли-иллюстратив таълимда ўрганилаётган объект моҳияти изоҳла ҳаётий фактлар билан боғланади ҳамда ўкитувчининг ана шу ўрганила" объектга нисбатан кўрсатадиган мисол ва хилма-хил кўргазмали КУР° оркали тасдикловчи хулосаси билан якунланади.

Изохди-иллюстратив таълимда ўқитувчи фактларни ўзи баён беради, ўзи уларни тахдил килади ва янги тушунчаларнинг моҳият тушунтиради, яъни теорема, қоида ва қонунларни ўзи таърифлайди.

Изохди-иллюстратив таълим методи умумтаълимий мактабларим кўлланиш даражасига нисбатан анъанага айланди ва ҳозирда кўлланилмокда. Ҳозирги замон илмий-техника революцияси даврида и: иллюстратив таълим методи тахеил олувчиларнинг фикрлаш қобил етарли даражада ривожлантира олмайди, уларни ўрганилаётган материалини пухта билишларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантира **OJ** хамда фанга бўлган қизикишларини юкори даражада шакллантира ол



Шунинг учун хам 1960 йилнинг бошларидан бошлаб, таълим муассасаларда таълим жараёнини жадаллаштириш ғояси кенг таркалиб, таълимнинг янги методи - муаммоли таълим методи вужудга кела бошлади.

Таълим методларининг турини аниклаш укув жараёнини ташкил килиш принципларини ўзигагина эмас, балки аклий фаолият характерига хам боғликдир, бу эса ўз навбатида фикрлашнинг репродуктив ва продуктив турларини ўзаро кўшиб олиб бориш билан белгиланади. Изоҳли-иллюстратив таълим жараёнида барча билимлар, кўникмалар ва малакалар ўзлаштиришнинг репродуктив методи асосида амалга оширилади, яъни таҳсил олувчилар фаннинг тайёр натижаларини, тайёр фаолият усулларини ўзлаштирадилар, бу эса уларда хотира ва репродуктив фикрлаш малакаларини шакллантиради. Фақатгина продуктив ижодий фикрлаш малакалари ўрганилган назарий мавзу материалига боғлиқ бўлган масала ёки мисолларни ечиш давомида эгалланади, холос. Бирок репродуктив фикрлаш натижасида тўпланган маълум ҳажмдаги билим ва малакалар таҳсил олувчиларнинг мустакил билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун етарли бўлмайди. Шунинг учун хам таълимни жадаллаштириш гоясини турли йўналишлари турли олимлар (М.А.Банков, М.А.Данилов, М.Махмутов, Ю.К.Бабанский ва бошқалар) томонидан эксперимент қилиниб кўрилди ва назарий жиҳатидан исботланди.

Утказилган эксперимент ва кузатишлар натижасида таълим жараёнида таҳсил олувчиларнинг билиш фаолиятларини жадаллаштириш ҳамда уларнинг интеллектуал имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш умумий конуниятлари ишлаб чикилди. Бу қонуниятлар куйидагилардан иборат:

ЬУрганилаёттан мавзу материаллари юзасидан муаммоли саволлар системаейни тузиш.

2.Тузилган муаммоли саволлар системаси аоосида суҳбат методи оркали тушунтириладиган мавзу материалини ўргатиш ва унинг туб моҳиятини очиб бериш.

3. Муаммоли саволлар асосида изланиш характеридаги ўкув вазифаларини қўйиш.

Юқоридаги боскичлар асосида ўқув материали тушунтирилганда таҳсил °лУвчилар ўзлари дарров тушуниб етмайдиган факт ва тушунчаларга дуч Келадилар, натижада ўрганилаётган мавзу материали билан таҳсил олувчилар °расида муаммоли вазият хосил бўлади.

Ҳозирги замон ўқитиш методикасида ўкитишга муаммоли ёндошиш, Иуаммоли ўқитиш методи, дарсда муаммоли вазиятлар яратиш, дарсда "Уаммоли максадларнинг қўйилиши, муаммоли масалалар, муаммоли ^оллардан фойдаланиш алохида ўрин тутмокда.

Муаммоли ўкитиш деганда, умумий шаклда муаммоли вазиятларни ?щкил этиш, муаммоли вазиятларни яратиш (бунга тахеил олувчиларнинг ари се.чин-аста ўрганиб борадилар), муаммоларни ҳал этишда таҳсил Увчиларга зарурий ёрдам бериш, топилган ечимларни текшириш ва ниҳоят, й«цнган билимларни махсус тизимга солиш хамда мустахкамлашга Ти"Рилган фаолият каби ишлар мажмуаси тушунилади.

Муаммоли ўқитишнинг ҳаракатлантирувчи кучи бу билиш билмаганлар орасидаги зиддиятни ҳал этиш, янги материални ўзлаштири бўлган заруриятдир.

Муаммо бу кишилик жамиятининг ривожланиши жараёнида тўпла~ тажриба ёрдамида ҳал килиш мумкин бўлмаган масалалар хисоблан Муаммоли ўкитиш жараёнида у ёки бу таҳсил олувчи олдига кўйилади~ муаммо нисбий характерга эга бўлади, яъни, муайян муаммо бир тахсил олув учун муаммо, иккинчи тахсил олувчи учун эса муаммо бўлмаслиги мумкин.

Муаммоли метод ўзининг тузилмасига кўра анча мураккаб бўгг таркибига куйидагиларни олади:

1)диологли; 3) назорат қилиш; 5) кўрсатмалилик; 7) монологли.
2) эвристик; 4) дастурлаштириш; 6) алгоритмлилик;

Муаммсли дарс изланувчанлик, кисман изланувчанлик ва ам методларни ўз ичига олади.

Уқитиш ва ўрганиш методлари эса изланувчанлик, қисман изланувча ва амалий методларидан фойдаланади. Муаммоли методнинг харак томонларидан бири шундаки, таҳсил олувчилар ўтилган мавзул умумлаштириш жараёнида муаммоли вазият юзага келади. Муаммоли в" тўрт босқичга бўлинади:

1.Тахсил олувчилар билими билан муаммо орасидаги мухит гарчанд кучга эга бўлса хам тахсил олувчиларнинг уни ҳал қилиш йўлини тезда билмаслиги натижасида юзага келди.

2. Таҳсил олувчилар билимини маълум даражада фаоллаштириш ор муаммони хал қилиш.

3.Тахсил олувчилар билимини фаоллаштириш блоки содда били билан тўлдирилиши орқали қўйиладиган муаммони хал қилиш.

4. Таҳсил олувчилар билимини маълум тайёргарлик асосида тўлдг яъни, адабиётлардан фойдаланиш оркали муаммонинг хал қилиниши.

Муаммоли вазиятни хал қилиш учун таҳсил олувчи-таҳсил олувч томонидан турли йўналишлар, гипотеза(версия)лар юзага келади. Уки жараёнга рахбарлик килиш учун содир бўлган гипотезаларнинг орас муаммони қисмларга ажратишга ёрдам беради ва тахсил олувчила фикрини кўрсатилган муаммони ҳал этишга йўналтиради. Бунда олувчилар маълум йўналишни олгандан сўнг муаммони хал килишга қиладилар. Мазкур дарс жараёнида қўйилган муаммони хал килиш дар" аникланади ва асосланади. Сунгра тахсил олувчиларга мавзу юзасидан масалалар ечиб кўрсатилиб, мавзу мустаҳкамланади.

**Эвристик таълим методи.** Муаммоли метод ўзида эвристик методик акс эттиради. Бу метод муаммоли ўқитиш жараёнида мухим ахамиятг» бўлган методдир. Эвристик метод - «эврика» сўзидан олинған бўлиб, **"тог** деган маънони билдиради. Муаммоли ўкитиш жараёнида бу методнинг ) тамойили куйидагича: таҳсил олувчи-таҳсил олувчилар мустакил, ўз мавжуд бўлган билимлар тизимига суянган ҳолда изланиш оркали натижага эришишга ҳаракат қиладилар.

Эвристик методнинг муҳимлиги шундаки, якуний босқичида аник, \ қўйилган масалани ҳал килади. Ушбу метод таҳсил олувчиларда кўник



малакани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Эвристик метод билан дарс ўтиш ўзига хос бўлиб ўқитувчи фақат йўналтирувчи муаммоли саволлар бериш оркали таҳсил олувчи-таҳсил олувчиларни мустакил ишлашга мажбур қилади.

Атокли педагог-математик С.И.Шохор-Троцкий ўзининг "Геометрия на задачах" номли китобида бундай ёзади: "Геометрик машғулотлар таҳсил олувчиларга қизиқарли бўлиши учун, бу машгулотлардаги хар бир масала ёки топшириқ сўзма-сўз қуруқ ёдлаш учун эмас, балки уларнинг ақлий фаолиятларини ишга соладиган характерда бўлиши керак.

Американлик олим Д.Пойа ўзининг "Как решать задачу" номли китобида эвристик таълим методики бундай тушунтиради: "Эвристиканинг максади - янгиликларга олиб борувчи метод ва қоидаларни излаш демакдир". У эвристик метод мохиятини куйидагидек изчилликда тузилган режа оркали амалга оширишни тавсия килади:

1. Масаланинг қўйилишини тушуниш.
2. Масалани ечиш режасини тузиш.
3. Тузилган режасини амалга ошириш.
4. Оркага назар ташлаш (ҳосил килинган ечимни текшириш).

Бу режани амалга ошириш жараёнида тахсил олувчилар куйидаги саволларга жавоб топадилар:

1. Масалада нима номаълум?
2. Масалада нималар маълум?
3. Масаланинг шарти нималардан иборат?
4. Илгари шунга ўхшаш масала ечилганми?
5. ,Агар шунга ўхшаш масала ечилган бўлса, ундан фойдаланиб қўйилаётган масалани еча оламизми?

Албатта, юкоридаги режа-схема таҳсил олувчиларнинг ижодий фикрлаш фаолиятларини шакллантиради, аммо бу режа - схема тахсил олувчиларнинг ижодий Кобилиятларини шакллантирувчи бирдан-бир йўл бўла олмайди.

Математик-методист В.В.Репьев эвристик метод оркали ўкитишни бундай таърифлайди: "Бу методнинг моҳияти шундан иборатки, ўкитувчи томонидан синф тахсил олувчилари учун ўтиладиган мавзу материалининг мазмуни муаммо килиб кўйилади, сўнгра максадга томон йўналтирувчи саволлар системасини тахсил олувчиларга бериш оркали қўйилган муаммони *ал қилинади.

Дастурлаиггирилган таълим. Дастурлаштирилган таълим бир марталик фикрий амаллар кўринишдаги алгоритмлаштирилган дастур асосида тузалиб, п янги материал қатъий кетма-кетликдаги "қадамлар","кадрлар", нроциялар", шунингдек, биттаси ёки бир нечтаси тўгри бўлган 4-5та °олардан иборат сериялар орқали берилади.

окм ^астУРлаштиРилган таълим тахсил олувчиларнинг билим фаолиятларини °на бошқариш ва уни индивидуаллаштириш имконини беради.

том ^астУРлаштиРилган таълим жараёнида тахсил олувчилар ўқитувчи Рав ^311 махсУс тайёрланган дидактик воситалар ёрдами билан мустакил дд Да янги билимларни ўзлаштирадилар. Ўқув материалини Таъли ащти^иш макта^ математика курсида чизикди ва тармоқли бўлиб, улар *араёнида машинали ва машинасиз амалга оширилади.

Дастурлаштирилган таълим методи таҳсил олувчиларнинг қисман эс тушириш ва қисман янги билимларни ўзлаштириш фаолиятларини амал оширувчи системадан иборатдир. Машинасиз дастурлаштирил топшириқларни қўллаш қуйидагича амалга оширилади. Ўқитувчи томонид бериладиган ҳар бир топшириқ бўлак-бўлак бўлган кадр элементларид иборат бўлиб, ҳар битта кадр элемент ўрганиладиган мавзу материалининг б қисмини ҳосил қилиб, у саволлар ва жавоблар ёки янги билимлар баёни ҳам машқдар тарзида ифодаланади. Мавзу материалига дойр кадрлар тузишда кенг тарқалган йўл жавоблар танлаб олинадиган усулдир:

а) берилган саволга тайёр жавоб олинадиган қоида ва хулоса тарзид ахборотлардан иборат кадрлар;

б) жавобларнинг тўғрилигини назорат қилиш учун зарур бўлган кадрла;

**Блокли -л** модулли **ўқитиш** методлари. Маълумки, блокли ўқитиш **мет** ўзининг тузилмаси ва мазмуни жиҳатидан фузианостик ёндошиш усулига я Шундай бўлсада, у анча умумлашган методдир.

Блокли ўқитиш методидан ўқитиш жараёнида бевосита мавзуни б қилиш, ўқув предметларини ўқув режасига жойлаштириш ва ў материалларини қайтариш жараёнларида фойдаланиш мумкин. Бло ўқитишда таҳсил олувчи - таҳсил олувчилар мавзуларни ҳар томонлама тў мукаммал, ажратилган соат хажмида ўрганиш имкониятига эга бўладилар.

Мавзулар учун керак бўладиган ўқув материалини хар доим таҳ олувчи - тахеил олувчилар кўз ўнгида сақлайди ва ўрганиш технологиям сезиб, кўриб турадилар. Шунинг учун маълум муддатлардан кейин атроф тўлик тугалланган деб хисобланиши мумкин. Бундай ўқитиш жараёни б л о и ўкитиш дейилади.

Модулли ўқитиш методи-хар бир мавзу ёки боб бўйича ўрганилиши ке бўладиган (том маънода) тушунчалар кетма-кетлигини аниқловчи саво алгоритмидир. Ҳар бир мавзу учун тахеил олувчига ўрганиладиган билим тизимини аникловчи саволлар кетма-кетлиги берилади. Саволлар **Kei** кетлигига тахеил олувчи - таҳсил олувчилар турли китоблардан жаво'" излаб, мустақил мушоҳада юритадилар ва ўзларича хукм чиқарад Ҳукмнинг дареларда алохида такрорланиши, янгиланиши натижасида тах олувчилар мустакил тафаккур юритиш лаёқатига эга бўлади"



# ШБОБ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ЛОЙИХАЛАШ

## 3.1. Педагогик жараённи лойихалашнинг мохияти

Лойихалаш педагогик жараённи ташкил этиш ва унинг муваффакиятли кечишини таъминловчи мухим шартларидан биридир. Педагогик жараённи лойиҳалашда:

педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш;

натижаларни олдиндан кўра билиш;

режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойихасини яратиш каби вазифалар бажарилади.

Бу босқичда ўкитувчининг мустакил, шу билан бирга таҳсил олувчи билан хамкорликда ўқув жараёнининг мазмуни, воситаларини белгилаш асосида лойиҳалаштирилган фаолияти етакчи ўрин тутади. Демак,

Педагогик жараённи лойихалаш — лойиха —• мазмун —• фаолият учлиги, асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий мохиятини яхлит ифодалашга хизмат килувчи лойиҳани яратишдир.

Лойиҳалар предмет **ва** унинг йўналишига кўра **бир**-биридан фаркланади. Лойиҳаларда педагог томонидан кетма**-кет** амалга оширилувчи ва ташхиснинг қўйилиши билан якунланувчи тахлилий фаолият; олдиндан кўра билиш ва лойихалаш каби ижодий фаолиятлар намоён бўлади. Ташхис, олдиндан кўра билиш ва лойихалаш **ҳар** кандай педагогик вазифани **хал** этишнинг ажралмас учлиги ҳисобланади. Лойиҳанинг мақсади олдиндан коғозда таквим-режа, қисқача .ёзма баён сифатида **акс** эттирилади. Стратегик, тактик ва оператив вазифаларнинг самарали **ҳал** этилиши лойихалаш технологиясининг сифатига боғлик.

Педагогик жараённи лойиҳалашда педагогнинг фаолияти, педагогик воситаларни қўллаш мазмуни ва имкониятигина хисобга олинмаслиги керак. У асосан алоҳида таҳсил олувчи ва тахеил олувчилар гурухи томонидан ташкил этилувчи фаолият мазмунини ёритиши зарур.

Лойихалаш таълимнинг ижтимоий, педагогик максадларга таянган ҳолда, педагогик жараённи **акс** эттирувчи умумий стратегия хисобланади. юиихалашда ўқув режаси, дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошка Укув **Кўлланмалар** мухим манба бўлиб хизмат килади.

Педагогик вазиятни тўлаконли англаш хамда вазифаларнинг аник ва тугри лгиланиши педагогик жараённи самарали **ҳал** этишнинг мухим шартидир.

Педагогик максад педагогик жараённи ташкил этишга тайёрланиш скичида педагогик вазифа сифатида қабул қилинади. Педагогик фаолиятнинг Уваффақияти турли вазифалар моҳиятининг **бир** йўла **ёки** бирин-кетин ^нтланишига боғлик. Педагогик фаолият **учун** умумий бўлган вазифаларни лгилаб олиш муҳимдир. Сўнгра педагогик жараённинг маълум боскичи **ХИятини** аниқ ифодалайдиган боскичли вазифалар (алохида олинган босқич **фалари**)ни, ниҳоят **хусусий** (вазиятли) педагогик вазифаларни аник лгилаб олиш мақсадга мувофик.

едагогик жараённи лойиҳалаштиришда вазифаларнинг белгиланиши:

**-Кадам** - умумий педагогик вазифалар (педагогик жараён хусусиятларини

яхлит холда инобатга олиш асосида белгиланувчи).

2-кадам - боскичли педагогик вазифалар (маълум боскич хусусиятлари инобатга олган холда белгиланувчи).

3-кадам - вазиятли педагогик вазифалар (муайян вазиятларни иноба олган ҳолда белгиланувчи).

Агар педагогик вазият етарли даражада тўғри англанмаса, у хо педагогик вазифаларни хал этиш йўллари ҳам тўғри белгиланмайди. Эндиг касбий фаолиятни бошлаган ўқитувчи тажрибасизлигидан педагогик вазия~ тўғри англаш, вазифаларни тўғри белгилаш малакасига эга бўлмайди. сабабли улар ўзларича йўл тутадилар ва педагогик вазифани дархол **ЭТМОҚЧИ** бўладилар, натижада жиддий хатога йўл қўйилади.

Аммо, айрим холатларда тажрибали педагоглар хам педагогик вази тўғри англапга эътиборсиз қарайдилар. Натижада педагогик фаолия номутаносиблик вужудга келади: педагог ўз фаолиятининг педаго мақсадларнинг ҳал этилишини таъминлай олиш-олмаслигини ўйлаб ўтирм таҳсил олувчиларни фаоллаштиради, кўргазмали куроллардан фойдалан" билимларни назорат қилади. Педагогик фаолиятнинг яна бир номутаносиб томони шундаки, кўпчилик педагоглар педагогик вазифаларни икки даражали, функционал, ўткинчи вазифаларга алмаштирадилар ва ф уларгагина ўз диққатларини қаратадилар (дарсни ташкил этиш, тадбир ўтказиш ва ҳоказо - Н.В.Кузьмина).

Педагогик вазифани англаш мавжуд маълумотларни таҳлил килиш ташхис қўйиш учун асос бўлиб хизмат килади.

Маълумотларнинг тахлили вазият ўрнини аниклашдан ташқари, б педагогик жараёнда тарбиячи, тарбияланувчи ва улар ўртасидаги муно~ хамда таълим мазмуни, самарали восита ва педагогик шарт-шароитлар асосий таркибий қисмларни аниқлашга йуналтирилган бўлиши лозим.

Маълумотларнинг таҳлили педагогик жараён моҳияти, жамоа ва ало тахсил олувчилар ҳаракатлари ҳолатини аниқ вазиятларда режали ўрга. каби илмий далилларга эга бўлишга ёрдам беради. Ушбу далиллар ам~ фаолият асосини ташкил этади. Мавжуд далиллар педагог фа" жараёнининг кечиши ва кутилган натижанинг кафолатланишини ташхисл" имкон беради. Бизнинг назаримизда мазкур ўринда «ташхис» тушунчасС моҳиятини ёритиб ўтиш мақсадга мувофикдир.

Ташхис (грекча diagnostikos - тез англаб олиш) дастлаб тибб кўлланилган тушунча хисобланиб, касаллик моҳияти ва бемор ҳолати, " хар томонлама изчил ўрганилишини англатувчи врач хулосаси сиф эътироф этиб келинган.

Сўнгги йилларда «ташхис» тушунчаси амалий педагогикада хам кўлланилмокда.

Педагогик ташхис - педагогик жараённи унинг умумий ҳолати, шуни:, таркибий кисмларини ҳар томонлама, яхлит текшириш оркали баҳолашди

Педагогик ташхис одатда педагогик жараённинг психологик, суб^„ хусусиятларини инобатга олиш (психодиагностик текширув) асосида куК, Психодиагностик текширув тахсил олувчи шахси хамда унинг фаолг яхлит ёки маълум жиҳатларини алоҳида камраб олишга асося



Психодиагностик текширув давомийлигига кўра тезкор ёки давомли бўлиши мумкин.

Педагогик ташхис:

1. Тезкор ташхис - таҳсил олувчи ёки тахсил олувчилар жамоасининг руҳий ҳолатини, шунингдек, уларнинг огзаки ва ёзма жавобларини тахдил килишдан иборат.

**2.** Давомли ташхис - ўқув жараёнининг умумий ҳолати, таҳсил олувчилар хулкидаги камчиликлар, тахсил олувчилар жамоаси ёки алоҳида таҳсил олувчининг индивидуал хусусиятлари ва ўкув фаолиятининг мазмунини ўрганишдир.

Малакали педагогик ташхиснинг зарурияти ўқитувчидан таҳсил олувчи шахсини ўрганиш методлари ва махсус методикаларни, жамоа, шунингдек, яхлит педагогик жараён хусусиятларини чуқур ўрганишни талаб этади.

Ташхис қўйиш таълим (ёки тарбия) максад ва вазифаларини ҳал этишнинг умумий талаби хисобланади. У мақсадларнинг аникдиги, бир хиллиги, уларни бажариш усуллари, ўлчаш ва баҳо бериш билан чамбарчас боғлиқ.

Педагогик ташхис асосини таҳсил олувчи шахсини ҳар томонлама билиш, жамоа сифатида синфнинг хусусиятларини ўрганиш, аниқ педагогик вазиятларда маълумотларни тахлил этиш каби холатлар ташкил этадики, улар таълим жараёнини лойихалашнинг кейинги мухим боскичига ўтиш, яъни, педагогик жараённи олдиндан кўра билиш имконини яратади. Бу ҳолат педагогик мақсаднинг шаклланишига олиб келади ва максад асосида пухта ўйланган педагогик вазифаларни белгилаш имконини беради. Шахснинг ривожланиш даражаси таълим мақсадлари билан уйғун бўлгандагина педагогик максадга эришмасликнинг олдини олишга эришилади. Яъни, педагогик максад педагогик тизимнинг мухим омили сифатида муаммоларни мукаррар хал этади.

Педагогик ташхис олдиндан кўра билиш объект хақидаги маълумотларни °ДДИндан ўрганиш жараёни саналади. Бунда объект сифатида синф, таҳсил олувчи, билим, муносабат ва ҳоказолар танланади.

Олдиндан кўра билиш методлари турли-туман бўлиб, ўқитувчи уларни "Укаммал ўзлаштира олиши керак. Олдиндан кўра билиш методлари сирасига "оделлаштириш, фараз килиш, синтезлаш, далиллаш, фикрий тажриба ва бошқалар киради.

**Олдиндан кура билиш турлари, йўналишига кўра:**

**!• Изланувчан олдиндан кўра билиш -** ***объектнинг келгуси ҳолатц унинг voti«ии ва унга нисбатан ташки омипларнинг таъсирини аникпашга***

**2- Меъёрий олдиндан кура билиш -** ***Муаitіі объектнинг ўзгаришини ҳисобга олган белгиланган макрадга эришишнинг самарали гфшарини излаб тогшишни назарда***

Педагогик вазифаларнинг тури ва уларнинг вакт бўйича таксимотига кўра ^атегик, тактик, тезкор бўлади.

Ушбу методлар бир-бирлари билан чамбарчас богликдир. Олдиндан кўра Иш педагогнинг у томонидан педагогик вазифаларни фикран бажаришда аниладиган самарали усулларини фараз килишида намоён бўлади.

Олдиндан кўра билиш қобилияти ўкитувчига хос бўлган мухим касбий

фазилат ҳисобланади. Гарчи эришиш йўллари мураккаб бўлсада, педаго фаолият мақсади ҳали амалга ошмаган фаолиятнинг моделлаштирил натижаси ва педагогик жараён миқдор ва сифат ўзгаришларининг лойиҳ сифатида акс этади.

Педагогик олдиндан кўра билиш мақсадга интилувчанлик билан бог ҳолда педагогик вазифаларни аникдаштиришнинг ва уларни педаго вазифалар тизимига йўналтиришнинг сўнгги натижаси ҳисобланади. Бу педагогик ташхисда ифода этилувчи маълумотлар, яъни, шахс ва жамоан кўшимча имкониятлари ва тайёргарлиги ҳисобга олиниши керак. Ил" жиҳатдан асосланган олдиндан кўра билиш натижа сифатида педаго вазифани, педагог ва таҳсил олувчи фаолиятининг мазмунини, мотивация киска муддатда хал этилиши зарур бўлган жиҳатларни синтез қшг Педагогик ва~лфа педагог томонидан, аввало, ўзи учун шакллантиршг сўнгра эътибор тақсил олувчиларнинг имкониятларига таянган ҳолда педаг" вазифанинг ҳал этилишига каратилади.

Малакали педагогнинг **вазиятни олдиндан кўра билиши** ва мақ интилиши таълим жараёнини педагогик лойиҳалашнинг асосини ташкил **эт**

Педагогик лойиҳалашда педагогик вазифанинг яхлит ҳолда мазму ташкилий-методик, моддий-техник хамда ижтимоий-психологик (хи коммуникатив ва х.к.) жихатдан хал этилишини таъминлаш талаб этилади.

**Педагогик жараённи лойихалаш боскичида педагог туч келадиган б <u>муаммо</u> - бу педагогик <u>фаолият мазмунини лойихалаш</u> саналади.**

Ўқув дастури ёки тахеил олувчи шахеи таълим мазмунини лойихалаш асоси бўлиб, бу вазиятда ўқитувчи педагогик фаолият, максад ва шароитл мувофик ҳолда таҳсил олувчиларга нимани такдим этиш хусусида муст" карор қабул килади. Қарор кабул қилиш жараёнида куйидагиларни хис олиш мақсадга мувофикдир:

таҳсил олувчилар тавсия этилаётган маълумотдан нимани ва к" ҳажмда ўзлаштиришлари зарурлиги; *

таҳсил олувчиларнинг дастлабки тайёргарлик даражаси, уларнинг у маълумотларини қабул килиш имкониятлари;

ўқитувчининг шахеий, шунингдек, таълим муассасасининг моддий-**те"** базаси.

Бу ўринда **ўкув маълумотларини лойихалаш технологияси** мухим тутади. Унда:

1) таҳсил олувчиларга такдим этиладиган материаллар;

2) тахеил олувчиларга мустақил бажариш учун бериладиган вазифалар;

3) таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилган маълумот (билим) **ту"** (Н.В.Кузьмина) ўз аксини топади. *4*

Технологик муносабатда ўкув материали ва унинг тузилиши **муам** муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммони хал этишда «дидактик матери" «ўкув материали» тушунчалари моҳиятини фаркдай олиш зарур. Г.А. **1гуқтаи** назарига кўра, дидактик материал шундай объектлар тизимидан ( **дидактик материал объектлар тизими)** иборатки, уларнинг хар бири изкт билим ва тажрибадан келиб чиқиб, моддий ёки моддийлашган модел кўлланилади.



Ўкув материали материаллар тизимидан (яъни, ўкув **материали материаллар тизими)** иборат бўлиб, у дидактик материалнинг моддий ёхуд моддийлашган моделларида акс этади хамда укув фаолиятида ишлатиш учун мўлжалланади.

Модомики, ўқув фаолияти ўкув вазифаларини ҳал этиш жараёни сифатида каралар экан, табиийки, ўқув вазифаси укув материалининг маълум кисмларига мувофик тузиб чиқилади. Шу билан бирга ўкув материалини педагогик жиҳатдан мақсадга эришишга йўналтирилган тизим сифатида эътироф этиш мумкин. Демак, ўқитувчи фаолиятида ўкув вазифалари тизими ўкув материалини лойиҳалаш ва дидактик материални шакллантириш сифатида акс этади.

Тажрибалар тахлилининг кўрсатишича, педагогик жараённи лойихалаш мураккаб жараёндир. Мураккаблик педагогик жараённи лойихалашда асосан икки омил: чеклов ва кўрсатмаларни ҳисобга олиш лозимлигида кўринади. Таълим мазмуни илмийлик ва амалий аҳамият талабларини тўлдириши, ўкув жараёнига ажратилган вактга мувофиқ ташкил этилиши, шунингдек, таълим мазмуни ва унинг тахеил олувчилар томонидан қабул қилиниш даражасининг ўзаро мослиги инобатга олинади. Шу боис вазиятнинг мураккаблиги, ўкув фани асосларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш йўллари аввалдан аниклаб олиниши шарт.

Одатда ижобий якуний натижаларга эришишга интилган педагог ўкув дастурида белгиланган мазмун бўйича иш кўради. Шу асосида ўзининг шахеий фаолият дастурини яратади.

Уқитувчининг шахеий фаолият дастурида таҳсил олувчилар томонидан чукур ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар, ўкув курсининг асосий таянч тушунчалари, ўкув ахборотларни ўзлаштириш психологияси хисобга олиниши лозим.

Демак, педагог лойихалаш технологиясини қўллашда тахеил олувчиларнинг эхтиёжлари, таълим жараёнининг маълум босқичида дарега тайёрлаш имконияти, тахеил олувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш кобилиятларини ўстиришни асосий масалалар сифатида тан олсагина муваффақият қозонади.

Укитувчи фаолиятида келажакка мўлжалланган ва тезкор лойихалаш •Урли дареларда турлича мослаштирилади. Педагог лойихалашга киришда хох У Даре, хох у тарбиявий тадбир бўлсин, ҳар бир педагогик вазифанинг яхлит педагогик жараён тизимидаги ўрнини билиши лозим.

Малакали, тизимли моделлаштириш лаёқатига эга педагоглар давомли ᵗᵉВДологияларни ярата оладилар. Улар муайян шароитга мое (локал) ^деллаштиришни амалга ошира олиш лаёкатига эга педагоглардан кескин т РКланадилар. Бинобарин, иккинчи гурух педагоглари фаолиятида яхлит фаи педагогик жараён) эмас, балки даре (ёки тарбиявий тадбир) технологияси ^*чи ўрин тутади.

"Ни П!дагог Фаолияти тахеил олувчиларнинг талабларини кондириш, ё*и алоҲИДа 8 Мақсадлар га каратилса, у ҳолда педагог яхлит педагогик жараённи ДУч Дарс ва тарбиявий тадбирларни лойихалашда ҳам қийинчиликка келмаиди.

### *32.* Таълим жараёнини лойихалаш тамойиллари

Узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш максадида ам оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири таълим жараёни технологиялаштиришдан иборатлиги таъкидлаб ўтилди. Ушбу жараённ: самарадорлигини таьминлашда куйидаги шартларнинг бажарилиши мух ахамиятга эга:

1) ўкитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг таъ амалиётида фаол қўлланилиши;

2) ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида кўлланилаё замонавий технологиялардан хабардор бўлиш.

**Таълим жараёнини теамологиялашгариш педагогик фаолиятнинг кўринишларидрн бнрп.**

У куйидаги босқичларда амалга оширилади:

лойиқани яратиш (1);

таҳсил олувчилар фаолиятини ташхислаш (2);

педагогик жараённи ташкил этиш (3);

педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш **(4);**

таҳсил олувчилар фаолиятини назорат қилиш (5)ни ўз ичига олади.

Педагогик вазифанинг ҳал этилишига ўқитувчи ва тахсил ол фаолиятларининг мазмуни, воситаларини лойихалаш оркали эриг Замонавий шароитда таълим жараёнини технологиялаштириш лойиҳалашга нисбатан янгича ёндашув, яъни, таълим жараёнини технол структурасига мувофиқ ёритиш заруратини тақозо этади.

Уқитувчи касбий фаолиятини ташкил этишда таълим жараён лойихалаш алоҳида ахамиятга эга. Ҳар бир ўқув курсини ўрганиш ало" мавзу ва бўлимларни лойихалаш асосида амалга оширилади.

Технологик ёндашув нуктаи назаридан, **<u>Таълим жараёнини лонихаг</u> - ўқитувчи касбий фаолиятининг кўриниши бўлиб, ўқитувчининг та" жараёнининг технологик тузилма, унинг натижасини таъминловчи мето," воситалар йиғиндиси билан тавсифланади.**

**Лойихалаш махсули таълим жараёнининг лойихаси саналади.**

Педагогик амалиёт моҳиятини таҳлил этиш натижасида таълим жараён. лойиҳалашнинг бир неча конуниятлари ажратилди, чунончи:

**Таълим жараёнини лойихалаш конуниятлари:**

- таълим жараёнини лойихалаш самарадорлиги барча таркибий кис." (технологик бошкарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик мухит) лойихада максадга мувофиқ ёритилиши асосида таъминланади;

- таълимнинг технологик воситалари тахсил олувчиларнинг индиви, хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;

- лойиҳалаш стратегиялари ўқитувчининг индивидуал услубига мув" танланади;

- лойиҳалаш сифати тескари алоқа (ўқитувчи ва таҳсил олувчи ўртаси^ кўлами, лойихалаш мазмуни, шунингдек, барча омиллар самарадорл, боғлик.

Таълим муассасаларида таълим жараёнини лойиҳалаш икки даражада: <•

а) ўқитувчи фаолияти даражасида (таълим жараёнининг ало



кисмларини лойихалаш);

б) таълим менеджери фаолияти даражасида (таълим жараёнини яхлит лойихалаш) амалга оширилади.

Таълим жараёнига технологик ёндашув куйидаги таркибий қисмларни **ўз** ичига қамраб олади:

Ушбу таркибий қисмларнинг дастлабки тўрттаси ўкитувчи фаолияти ва унинг бошқаруви, бешинчиси эса бевосита ўқитувчи ва мактаб маъмурияти бошкарувини ифодалайди.

Таълим жараёнини лойихалаш доирасида таҳсил олувчилар фаолиятини назорат қилиш мухим ўрин тутади. **Шу** боис назорат жараёнини лойиҳалаш ҳам ўқитувчидан алохида малакали ёндашувни талаб этади.

**Назорат жараёнини лойихалаш** — ўкитувчи фаолиятининг кўринишларидан бири хамда таълим жараёни технологик тузилмасининг таркибий кисми бўлиб, самарали (кутилган) натижани таъминловчи метод ва воситалар йигиндисини **ўз** ичига олади.

Таълим жараёнига технологик ёндашувнинг таркибий қисмлари

**1. Технологик жараён** - фаолият моделлари кўринишида ифодаланган таълим мазмунининг тахсил олувчилар томонидан ўзлаштириш жараёни.

**2. Технологик жараённи амалга ошириш учун зарур бўлган воситалар** - таълим бериш, тарбиялаш ва ривожлантиришни таъминловчи маънавий ва моддий воситалар.

**3. Технологик жараённи бошкариш** - ўкитувчи фаолиятини тахсил олувчи фаолиятининг аник моделларига мувофиқ амалга ошириш.

4. **Ахборот таъминоти** - таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар тўплами ва таълим жараёнининг лойиҳаси.

***5.* Технологик ижгимоий-иктисодий таъминот** - барча таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш, таълим жараёнининг сифатини назорат қилиш, таълим хизматини асослаш ҳамда кулай маънавий-психологик икдимни яратиш.

Лойиҳалаш педагогик фаолиятнинг мураккаб кўриниши бўлиб, уни амалга оширишда таълим жараёнининг муҳим конуниятлари инобатга олиниши зарур. Чунончи:

-таълим соҳасининг жамият тараққиёти учун хизмат килиши;

~ таҳсил олувчилар фаолияти тавсифининг таълим натижаларига ооғлиқлиги;

~ таҳсил олувчиларининг ёш ва индивидуал хусусиятлари билан ўзаро мувофиқкелиши;

- таълим максади, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг таълим ^uj5"11 самарадорлигини таъминлашга йўналтирилиши ва х.к.ларни инобатга

Лой ^3л^ксиз таълим тизимининг барча турларида таълим жараёнини "там а ^И'' като Р тамойилларга таянилади. Айни ўринда, дастлаб, оиил» тушунчасининг мохиятини англаб олиш зарур.

амойил (лот. principium - бошлангич, асос) - муайян назария, фан, е*аращ: ижтимоий-сиёсий тузилма ва ҳоказоларнинг асосий бошлангич

холати маъносини англатади. Бу тушунча, шунингдек, маълум фаоли нинг етакчи гоялари, асосий кридалари сифатида хам кенг кўлланилади.

Таълим жараёнини лойихалашда тамойиллар асосий ёндашув, фаол тузилмаларини аниқловчи меъёр хамда мувофиқлаштирувчи талабл вазифасини бажаради. Лойихалаш тамойиллари нафакат меъёрий, бал тавсифий вазифани ҳам бажариб, фаолият моҳиятини очиб берувч умумлашма талаблар сифатида тавсифланади.

Таълим жараёнини лойихалашда нафакат хар бир таркибий кием, б улар орасидаги алоқалар хам моделлаштирилади.

Тизимлилик тизимлаштирилувчи элементларни ажратиш ва улар орасид алоқаларни ифодалаш оркали таълим жараёнини яхлит ҳолда лойихалаш хизмат қилади.

Таълим жараёнини лойихалаш конуниятлари лойихалаш тамойилларин назарий асосларини ишлаб чикишга ва педагогик фаолият амалиётида кўлл замин тайёрлайди.

Таълим жараёнини лойихалашнинг асосий тамойиллари куйидагилард иборат:

1. Марказлаштириш тамойили технологик жараёнда таҳсил олувчил фаолияти моделини лойиҳалашнинг бош элементи сифатида ифодалана^ Таълим жараёни тузилмасида асосий тизимлаштирилувчи таълим мазмуни таҳсил олувчи фаолияти технологик жараён хисобланиб, унинг мазмун таҳсил олувчиларнинг ижтимоий тажриба асосларини ўзлаштириб оли йўналтирилган ўкув фаолияти ташкил этади. Ҳар бир ўкув фани бўйича таъ мазмуни умумий таълим мақсади ва вазифаларига мувофик белгилан Фаолиятли ёндашув нуктаи назаридан умумий ўрта таълим мазмунини таш этувчи хар бир элемент (элемент) субъект фаолиятининг турларидан бир мувофик келиши керак. Субъект фаолиятининг турлари, ўз навбатида, а~ моделлар йигиндиси сифатида умумлашган фаолият моделлари ор ифодаланиши зарур.

Тахеил олувчилар фаолияти модели тизимлаштирилувчи элемент бў таҳсил олувчининг яхлит фаолияти мазмунини аниқлашта хизмат килади.

Марказлаштириш тамойили лойихалашни куйидаги тартибда ам оширишни талаб этади: фаолият моделларини мақсадга мувофик ярат. шунингдек, уларни таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштириш усулл" воситаларини танлаш (технологик операциялар), ўкув фаолиятини бошка усуллари (ўқитувчи фаолияти)ни асослаш.

**2.** Рефлексивлик тамойили субъектнинг ўзига, шахеий фаолиятига билимига баҳо бериши, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари ва улар ўртаси. ҳамкорлик фаолиятига оид муносабатларни тавсифлайди. Лойихя жараёнида ўкитувчига доимо таълим жараёни, унинг аник ва шароитлари, таҳсил олувчиларнинг билишга бўлган эҳтиёжлари, ул тўлдириш имкониятлари, шахеий сифат ва қобилиятлари, педагогик фаоли самарали ташкил этиш имкониятларини инобатга олиш максадга мув~ Рефлексивлик тамойили яратиладиган таълим жараёнининг лойихасини т жараёни иштирокчиси - субъектнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини т килиш асосида узлуксиз тузатиб, тўлдириб боришии талаб этади.



**3. Натижавийлик тамойили** - педагогик шарт-шароитларнинг кулайлиги, оз вакт ва куч сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди. Натижавийлик- ижтимоий тажриба фаолият моделлари мазмуни, технологик операциялар, уларни ўзлаштириш, бошкариш услубларини танлаш, ўкув фаолиятининг мувофикдиги, таълим-тарбия воситалари, технологик жараёнда субъектнинг киска вакт ва куч сарфлаши воситасида белгиланган мақсадга эришишни назарда тутиши лозим.

**4.** Кўп **омиллилик тамойили.** Ҳар бир таълим жараёни бир кагор объектив ва субъектив омиллар таъсирида амалга ошади. Улар сирасига ўқитувчи ва тахеил олувчиларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёт шароитлари, таълим муассасалари атрофидаги ижтимоий ишлаб чикариш ва табиий иклим муҳити, ўкув муассасасининг ўкув-модций базаси, ўқитувчиларнинг касбий малака даражаси, таълим муассасаси ёки маълум синфдаги маънавий-психологик муҳит, таҳсил олувчиларнинг ўкув имкониятлари, синфнинг интеллектуал салохияти, жамоанинг шахслараро муносабатлари киради. Таълим жараёнини лойихалашда ўқитувчи ана шу омилларни хисобга олиши зарур.

5. **Тахеил олувчи шахеини таълим жараёнига мослаштириш тамойили.** Бола мактаб остонасига қадам қўйганидан бошлаб унинг фаолият кўлами (ўз-ўзига хизмат, меҳнат, дам олиш тарзида) кенгаяди. Бу каби фаолият кўникмаларини эгаллаши натижасида ижтимоий тажрибага эга бўлиб боради. Шунинг учун таълим жараёнининг самарали бўлиши, уни лойихалашда таълим мазмуни ва бошка фаолият моделлари хисобга олиниши, уларни тахеил олувчилар **кундалик** хаёт фаолиятида эгаллаб бориши таъминланиши зарур.

Айни вақтда умумий таълим муассасаларида шахсни ривожлантириш ва уни ижтимоий хаётга мослаштириш муайян қонуниятларга мувофик психолог ва социологларнинг иштироклари (психопедагогик ташхис хулосаси) асосида амалга оширилади.

6. **Таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамойили.** Табиий жараёнлар мохиятини билиш таълим жараёнини самарали, тахеил олувчиларнинг ёш хусусиятлари, сензитив ривожланиш даврлари, ривожланишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини хисобга олган холда ташкил этиш имконини беради. Тамойилнинг мазмуни таълимни ижтимоийлаштириш, таҳсил олувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг иидивидуал конуниятлар асосида ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Уқитувчи фаолиятини ташкил этишда эътибор биринчи навбатда фаолият Усуллари ва жараёнларининг ўзаро мувофик бўлишига қаратилади. **Бу** ҳолат Меъёрий талаб сифатида кабул қилинади.

Шахсга йўналтирилган таълим тахеил олувчига ўкув материалининг мунини, вазифа ёки топширикдарни, фаолият усуллари хамда услубларини аш имтиёзини беради. Танлаш имконияти таҳсил олувчини қарор қабул иш, мустақил изланиш ва жавобгарликни хис килишга ундайди. Шу боне ол\г! ^аолия,гин инг мукобил моделларини ишлаб чикиш ва уларни таҳсил ^ига таклиф этиш мақсадга мувофик.

ojrv ^ИтУвчин инг вазифаларидан бири ўкув мақсадига мувофиқ тахеил чининг ички интилиши, рагбати (мотиви)ни ривожлантириищир.

оиихалашда таҳсил олувчини ўкув фаолиятига йўналтирувчи усуллар,

мустакил таълим шакли, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини хурмат имкониятларини аниқлаш зарур.

Технологик жараённи бошқаришда ўқитувчининг фаолияти техноло операциялар тарзида ташкил этилади.

Технологик операция - ўкув фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, таҳ олувчи фаолияти ва ўкув материали мазмунининг ўзаро бирлиги сифа^ тахсил олувчининг таълимнинг муайян боскичидан кейинги боскич, юқор даражага ўтишини таъминлайди.

Таълим жараёнида қўлланиладиган барча воситалар ўзаро боғлиқ мо (дарслик, ўкув қўлланмалари, кўргазмали ҳамда намойишли восиг лаборатория жиҳозлари ва ҳ.к.лар) ва маънавий (тескари алоқа, ўқитувчи таҳсил олувчи намунаси, хатти-ҳаракатлари, нутқи ва бошқалар) • гуруҳларга ажратилади.

Таълим жараёнида ўқитувчи лойиҳасини амалга оширишда унинг шах сифатлари, яъни, касбий махорати, мотивация, педагогик қобилият, хара темперамент, руҳий ҳолати, ўз-ўзини англаши ва ҳоказолар намоён бўлади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи лойихачи ва бажар сифатида лойиҳани амалга оширишнинг қулай йўлини танлайди.

Ахборот таъминотини лойиҳалаш тамойиллари таълим жар" лойиҳасида ахборот таъминотини шакллантиришга хизмат қилади.

Давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурлари ҳам ахборот таъминс ташкил этувчи воситалардир.

Ижтимоий-иқтисодий таъминотни лойихалаш тамойили иқтис максадга мувофикликни таъминлашни англатади. Таълим жараё" ижтимоий-иктисодий лойихалаш таълим менеджерининг вазифасидир. " таълим муассасалари фаолиятини лойиҳалашда таълим жар иштирокчилари, жамият ҳамда давлат (ижтимоий буюртма)нинг эхтиё имкониятларини ҳисобга олиш, уларни тўлдириши зарур.

**33. Таълим жараёнини лойихалаш босқичлари**

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида таълим жараёнини сам" ташкил этиш, унинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга эр масалалари етук мутафаккирлар ҳамда илғор педагогла диққат-эътиборларини жалб этиб келган. Ёш авлод таълим-тарбиясини та. этишнинг ушбу жиҳатлари ўз даврида Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбе Амос Коменский, Дмитрий Константинович Ушинский, Абдулла Авл Ҳамза Хакимзода Ниёзий, Абдуқодир Шакурий ва бошқалар томо" ўрганилган.

Ахборотлар алмашинувининг глобаллашуви, шунингдек, илм - техника ва ишлаб чикариш соҳаларида рўй бераётган илмий янгиликл" сон ва сифат жиҳатидан кескин ўсиб бориши ўз-ўзидан тахсил олувч( улар борасида тезкор суръатда ва батафсил маълумотлар беришни' тартибига қўймокда. Ушбу талабнинг ижобий равишда кондирилиШ"' аввало, илмий-назарий хамда амалий билимларни ўзлаштиришнинг мақбул шакли бўлган таълим жараёнида амалга оширилади. Т жараёнининг максадга мувофиқ, самарали ташкил этилиши ўкув мая



(ўкув дастури, режаси, дарслик, қўлланмалар) савияси, шунингдек, педагогнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратига бевосита богликдир.

Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашда ўкув дастури мазмунининг мукаммаллиги, дарслик хамда қўлланмаларнинг замонавий талаблар асосида яратилганлиги, ўқув режаси моҳиятининг назарий ва амалий хусусиятларига кўра ягона максадга эришиш учун хизмат қилиши, машғулотларни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ўқитувчи хамда таҳсил олувчилар ўртасида ижобий, самимий муносабатларнинг қарор топиши каби масалалар инобатга олинади.

Таълим жараёнида педагогик технологияларни муваффақиятли қўллашнинг яна бир омили — бу муайян, яхлит таълимий жараённи олдиндан лойихалаш, тахсил олувчилар томонидан ўзлаштириладиган назарий ва амалий билимлар, кўникма ва малакалар даражасини ташхислаш хамда таълим мақсадининг муваффақиятли натижаланишини аввалдан башоратлай олишдан иборатдир. Айни вақтда педагогик йўналишда фаолият олиб бораётган илмий тадқиқот институтлари, халқ таълими муассасалари ва олий ўкув юртлари олдида ўкув жараёнини лойиҳалашнинг энг макбул, барча турдаги ўкув муассасаларида шакли, метод ва воситаларидан қатьи назар ташкил этиладиган таълим жараёни учун бирдек хизмат қилувчи андозани яратиш мақсадга мувофикдир.

Бу борада муайян муваффақиятлар ҳам қўлга киритилган, улар тўғрисидаги маълумотларга биз педагогик технология ва унинг мохиятини очиб берувчи, чунончи, Б.**П**.Беспалько, М.**В**.Кларин, **В**.Сластенин, М.О.Очилов, Н.Саидаҳмедов, К.Зарипов ва бошкалар томонидан яратилган адабиётлар оркали хабардор бўлишимиз мумкин. Қуйида биз юқорида номлари келтирилган педагог олимларнинг назарий карашларига таянган ҳолда таълим жараёнини лойихалаш борасидаги шахсий мулохазаларимизни баён этмоқчимиз.

Муайян ўкув машгулоти жараёнининг лойихасини ишлаб чикиш куйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг дастлабки босқичи ўкув чредметининг мундарижасидан жой олган мавзу ёки фаолият мазмунига дойр манбаларни ўрганиш, чунончи, материалларни йигиш ва уларнинг гояси **V** оҳияти) билан танишиб чикиш, уларда илгари сурилган ғояларни Умумлаштириш, туркумлаштириш хамда яхлитлашдан иборат.

'Кув предметининг мавзуси ёки фаолият мазмунига дойр манбалар ^•оҳиятини ўрганиб чикиш ўқитувчи учун тахсил олувчилар эътиборига такдим **"Лаетган** мавзу (фаолият мазмуни) хусусида уларга батафсил, мукаммал Маъл"Умотларни бера олиш, таълимнинг умумий жараёнини тасаввур этиш имконини беради.

2-боскич. Иккинчи босқич ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) идан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаш, умумий максад доирасида к бўлим (банд)лар бўйича хал этилувчи хусусий мақсадларни хам илаш, таълим максадига эришиш йўлда ижобий хал этиб борилиши лозим вазифаларни ишлаб чиқишга йўналтирилади.

Таълим мақсади ва вазифаларининг аниқ, пухта белгилаб оли ўкитувчи, шунингдек, таҳсил олувчилар фаолиятини муайян йўналишга со таълим мақсадига эришишда вактдан унумли фойдаланиш, таълим жараё юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг ол олиш, мавжуд шарт-шароитлардан окилона фойдаланишга замин ҳозирл Иккинчи боскич натижаси ўкув предмети (фаолият мазмуни)нинг мав бўйича ягона, умумий ҳамда хусусий максадлар, шунингдек, вазифаларни этиш билан тавсифланади.

3-босқич. Таълим жараёнини лойихалашнинг учинчи босқичи та мақсади ва вазифаларига таянилган ҳолда, ўқув жараёнининг мазмунини и чиқишдан иборатдир.

Таълим жараёни ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қ муайян мавзу (фаолият мазмуни) бўйича назарий ва амалий бил мажмуини ифода этиш имконини беради. Таълим мазмунида, шунин таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, кўн хамда малакаларнинг хажми ҳам ўз ифодасини топа олиши лозим. Зеро, та мазмунининг ғоявий жиҳатдан мукаммаллиги таҳсил олувчилар томо~ муайян билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш даражаси б белгиланади. Учинчи боскич самараси таҳсил олувчилар томонидан м" тушунчаларнинг ўзлаштирилиши, кўникма ва малакаларнинг шакллани таъминловчи шартларнинг ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

4-босқич. Таълим жараёнини лойихалашнинг энг муҳим босқичи сан тўртинчи босқичда машғулотнинг шакли, метод ва воситаларини танлаш ҳаракатлар амалга оширилади.

Мазкур босқичнинг муҳимлиги шундаки, айнан машгулот шакли, мет воситалари таълим жараёнининг муваффақияти таъминланишига олиб к" Улар ёрдами билангина ўкув предметининг мавзуси (фаолият маз борасидаги назарий билимлар тахеил олувчиларга узатилади, тахеил олув томонидан эса ушбу билимлар кабул килиб олинади.

Муайян машгулот учун энг макбул деб топилган шакл, мето. воситаларнинг белгиланиши таълим жараёнининг карийб 90 фо муваффақиятини кафолатлайди. Янги, замонавий педагогик технологиял" асосий моҳияти айнан мана шу босқичда очиб берилади. Тахеил олувчи. ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим ~ метод ва воситаларининг тўғри танланиши машғулотларнинг қизг" баҳс-мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага кеС туртки беради.

Мана шу ҳолатдагина таҳсил олувчилар ташаббусни ўз кў- оладилар, ўкитувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат килиш, му вазиятларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳатлар бериш хамда улар фао: баҳолаш каби вазифалар колади.

5-босқич. Навбатдаги (бешинчи) боскичда тахеил олувчилар **ТО**»Ц билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши учун етар белгиланган вакт хажми, яъни, муайян мавзу (фаолият мазмуни) \- маълум тушунча, кўникма ва малакаларнинг тахеил олувчилар то:



канча вакт оралиғида ўзлаштирилиши мумкинлиги аникланади.

6-босқич. Олтинчи боскичда машқ (топширик)лар тизими ишлаб чиқилади. Боскич натижаси сифатида ишлаб чиқилган машқ (топширик)лар тизимининг самарадорлигига алохида ахамият бериш талаби мазкур боскичнинг асосий шарти ҳисобланади.

Мазкур боскичда ишлаб чикилган машклар тизимини куйидаги гурухларга бўлиш максадга мувофиқдир:

а) машгулот жараёнида таҳсил олувчилар томонидан ечилиши (хал этилиши) лозим бўлган машклар;

б) даредан ташқари шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машклар (уй вазифалари).

Таҳсил олувчилар эътиборига ҳавола этилаётган машклар бир-бирини тўлдириши, ўзаро алокадорлик, боғлиқлик ва энг муҳими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

7-боскич. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг еттинчи босқичида таҳсил олувчиларнинг умумий фаолиятларини назорат килиш ва тест тизимини ишлаб чикиш каби вазифалар амалга оширилади.

Назарий ва амалий жихатдан тўғри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиши тахеил олувчиларнинг мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан муайян тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалий кўникма ва малакаларни шакллантира олганлик даражаларини аниқ ва холис аниклай олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чикишда тестларнинг изчил, узвий хамда бир-бири билан уйғун бўлишларига ахамият бериш мақсадга мувофикдир.

8-боскич. Таълим жараёнини лойихалашнинг сўнгти боскичи яратилган лоииҳа (андоза)нинг таълим жараёнига татбик этилиши, таълим жараёнининг якуний даражаси (самарадорлиги)ни ўрганиш билан ниҳояланади.

Мазкур боскичда таълим жараёнининг умумий ахволи, эришилган ютук хамда йўл кўйилган камчиликлар, уларнинг юзага келиш сабаблари тахлил килади, навбатдаги машгулотлар жараёнида содир бўлган камчиликларнинг °лдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади .

Билдирилган фикрлардан англанганидек, хар бир боскичда амалга °шириладётган вазифалар ўртасида муайян изчиллик мавжуд бўлиб, у таълим жаРаёнини самарали ташкил этиш имконини беради.

Таълим жараёнини лойихалашда хар бир ҳолатнинг пухта бажарилишига эРишиш амалий фаолият (ўкув жараёни)нинг муваффакиятини таъминлашга олибкелади.

## 3.4. Таълим жараёнини лойихалаш стратегияси

ДДжонсон томонидан ишлаб чикилган лойиҳалаш стратегияси У«УМлаштирилган и.«ии; укитувчи лойиҳа бўлиб; ўқитувчи ижодий (лойиҳачилик) Ф^лиятининг натижаси ҳисобланади. Унинг фикрича „ч„нпгян

, **Лойихалаш стратегияси** - лойихачи томонидан **Р**ежалаш**ч Р ч** ^лиятнинг техник вазифаларига мувофик муайян кетма-кетликда амалга [01]»ириш тизимидир

**У** Педагогик фаолиятни лойихалашда бир катор стратегиялар кулланилади. бир стратегия таълим жараёнини лойихалашда муайян хусуси

Ўкитувчи амалий фаолиятида икки ёки бошқа кўплаб стратегия турларид? фойдаланиш имкониятига эга. \

Д.Джонсон энг муҳим стратегиялар сифатида куйидагиларни кўрсатади. *ц*

**Лойихалаш стратегиялари:** чизикли, даврий, ўзгартириш, тармокланга мослаштириш ва тасодифий изланиш стратегиялари. **1**

Лойиҳалаш стратегияларини таълим жараёнида кандай қўллаш мумкин?

Лойихалашнинг **чизикди** стратегияси 1-босқич, 2-босқич ва хока босқичлардан иборат бўлиб, ҳаракатларнинг биринчидан то ўн бешинчига' кетма-кет, қайтмасдан бажарилишини англатади. Стратегия ўқитув'? томонидан фаолият муайян кетма-кетликда амалга о **шири** режалаштирилганда (жумладан, ўқув жараёнини турли шаклда ташкил **эти** вариантлари пухта ўйланмасдан кулай стандарт воситалар қўлланилс кўлланилади. Бу стратегиянинг умумий моҳияти куйидагича: *i*

- мавзу!*и* оид маълумотлар тизимини аникдаш; *i*
- тўпланган маълумотларни таҳлил килиш - таҳлил натижалари **(ўқ** материаллари);
- ўкув материали мазмунини саралаш; *i*
- мазмунни моделлаштириш - ўзлаштириш фаолияти модели;
- таълим техник воситаларини танлаш; *4*
- шахсга оид технологияларни белгилаш - таълимнинг самара воситалари; **i**
- бошқарув услубини белгилаш; **s**
- таълим воситаларидан фойдаланиш услубини аниқлаш - ўқиту? фаолиятининг мазмуни;
- таълим методларини танлаш; **1**
- методлардан фойдаланиш имкониятини аникдаш - воситалар тизими; **з**
- назарий тажриба;
- лойиҳани расмийлаштириш. **i**

Қуйида «Узбекистан Республикаси давлати ва хукуки асослари» фанид «Миллий истиқлол гояси - мамлакат тарққиётининг асоси» мавзуси **бўйя** чизикди стратегия асосида ишланган лойиҳа намунаси келтирилади. *i*

**Мавзуга оид манбалар тизимини аникдаш:** *Щ*

**1.** Миллий истикдол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: Ўзбекися 2000.; 2. Жалолов А. Мустакиллик. Маънавият. Мафкура. - Т.: Ўзбекист 1994.; 3. Маънавий, маърифий ва мафкуравий ишлар Концепцияси. -| Маънавият ва маърифат Кенгаши, 2003.; 4. Миллий истиқлол гояси: **асо?** тушунча, тамойиллар ва атамалар (Қисқа изоҳли тажрибавий лугат). - Т.: Я аср авлоди, 2002.; 5. Норбоев Т. Миллий истиқлол гояси /Гулистон ж. 2001| 3.; 6. Ўқув дарслиги (8-синф). *i*

**Тўпланган маълумотларни тахлил килиш:** 1-манба: - 9-6., 2-манба: - 91 3-манба: - 36-6., 4-манба: - 111-6., 5-манба: - 2-6., 6-манба: - 143-15**(Н** **тахлил натижалари (асосий тушунчалар):** миллий гоя, миллий **истиК>** мафкураси, умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий мерос, | имкониятларини намоён этиш эркинлиги, ватаниарварлик. **I**



Ўкув материали мазмунини белгилаш: манбалар асосида миллий истикдол гоясини шакллантириш зарурияти, унинг фалсафий-маънавий асослари, асосий тамойилларининг мохиятини очиб бериш.

Ўқув материали мазмунини моделлаштириш: тараккиёт, мерос, қадриятлар, гоя, асос, мафкура - ўзлаштириш фаолияти модели: 1-босқич: таянч тушунчалар билан танишиш; 2-босқич: тушунчаларнинг мохиятини ўрганиш; 3-босқич: ўзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш; 4-босқич: тушунчаларнинг ўзлаштирилганлик даражасини намоён этиш; 5-босқич: билимларни назорат килиш ва баҳолаш.

Ўқув-техник воситаларни танлаш: дарслик; кўшимча адабиётлар; тасвирий (схема, тасвир, модел) ва электрон кўргазмали қуроллар; компьютер.

Таълим воситаларидан фойдаланиш услубини аниклаш: мавзу матнини ўкиш; қўшимча адабиётларни тахлил килиш; кўргазмали куроллар яратиш - таълимнинг самарали методлари: маъруза; муаммоли вазиятни яратиш; «Юмалокланган кор ўйини»; «Аклий ҳужум», «Кластер»; тасвирий реферат яратиш.

Бошқарув услубини белгилаш: демократик; ўзаро хамкорлик; ижодий ёндашув.

Шахсга оид технологияларни белгилаш: «Аҳамиятли қадриятлар» (Рокич) методи; «Менга сўз беринг» методи - ўкитувчи фаолиятининг мазмуни: 1) бир соатлик машгулот (даре) лойиҳасини ишлаб чиқиш; 2) ташкилий масалаларни ҳал этиш; 3) максадни баён этиш; 4) кичик гурухларни шакллантириш; 5) гурухларга топшириклар бериш; 6) гурухдар фаолиятини назорат килиш; 7) зарур ўринларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслахат бериш; 8) ўкувчилар фаолиятини бахолаш; 9) машгулот (дарс)га якун ясаш; 10) уйга вазифани бериш.

Таълим методларини танлаш: маъруза; муаммоли таълим; интерфаол методлар.

Методлардан фойдаланиш имкониятини аникдаш: Ўқувчиларнинг ижодий фаолият юритиш, мустақил фикрлаш, жамоада бўлишга интилишлари - воситалар тизими: дарслик, қўшимча манбалар, тасвирий (схема, тасвир, модел) ва электрон («Миллий истиклол гояси асослари» номли электрон модел) кургазмали куроллар.

Назарий тажриба: таълим жараёнига илгор педагогик технологияларни татбиқ этиш; интерфаол методлардан самарали фойдаланиш гоялари, назарий **1ланмаларни** тайёрлаш.

Лойиҳани расмийлаштириш: лойиханинг ўкув ишлари бўйича проректор ^ҚУВ-методик Кенгаш) томонидан расман тасдикданиши.

Даврий стратегия. Таълим жараёнини лойихалашда даврий стратегия хам "^лланилади. Мазкур стратегия ўқитувчи томонидан таълим ологияларининг вариантлари, таҳсил олувчиларнинг ўкув имкониятлари ва Ка элементлар инобатга олинганда, шунингдек, лойихалаш доирасида до ўтилсагина кўлланилади. Лойиҳалашнинг аввалги босқичига эга қайтиш мавжуд жараённинг қайтувчанлик хусусиятига р тади. Бу стратегия фаолиятнинг аввалги боскичига даврий "Wa қайтиш орқали амалга оширилади.

**Тармокданган стратегия.** У бир қатор жихатларига кўра бош стратегиялардан фарқ килади. Жумладан:

- турли синфларнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиш асосида ўза~ параллел боскичлар таклиф этилади;

- тахеил олувчиларнинг индивидуал, шунингдек, жамоавий хусусиятлар" мувофик (масалан, параллел синфлар турли касбга йўналтирилган бўл таълим жараёни улар ўртасидаги фаркни инобатга олган холда лойихаланади;

- самарали таълим воситаларини танлаш мақсадида танлаш ва рақобат босқичлар тавсия этилади. Лойихалашнинг тармокланган стратегияси таъ жараёнини лойихалашнинг ўзига хос жиҳатларини чизикди ва дав стратегияларга нисбатан кенгрок ёритади, бирок бу ерда қайтувч элементи етишмайди.

**Мослаштириш стратегияси.** Мазкур стратегия етарли даражада тажриб эга бўлмасдан туриб, таълим жараёнининг йирик бўлаги (бўлим, курс" лойиҳалаштиришда барча вариантлар, қисмларни бирдек қамраб олиш имк" бўлмаган вазиятларда қўлланилади. Ушбу вазиятда лойиҳачи дастлаб маъ мавзулар (ўкув метариалларининг бир қисми)ни, кейин эса иккинчи ва ҳо: қисмларни муайян кетма-кетликда лойиҳалаштиради. Босқичларни бу тарти" ажратиш шуниси билан кулайки, лойиҳанинг тугалланган кисмини амали" татбик этиш мумкин бўлади.

Мослаштириш стратегиясини қўллашда ўқитувчи лойихалашнинг ҳар босқичини дастлабки боскичлар билан боғлаган ҳолда амалга оширади. ҳолат лойихалашнинг ўзига хос жиҳатини акс эттиради, шунинг. саралашнинг узлуксиз давом этишини таъминлайди.

Ушбу стратегияга кўра ҳар бир босқичда фаолиятнинг тасди борилиши талаб қилинади: авввало, биринчи боскичда фаолият **маз** аникланади, кейин бу фаолият амалга оширилади, биринчи б натижаларига асосан иккинчи босқич режалаштирилади, иккинчи б амалга оширилади ва х.к. Ушбу стратегияҷ қўллаш учун ҳаракатл: блоклари кетма-кет кўринишида лойихаланади. Жараённи тўғрилаш **ал~** боскич сифатида ажратилмайди, у мослаштириш стратегиясининг мохияти ҳисобланади.

**Узгартириш стратегияси** ўкитувчи томонидан таълим **жа** лойихасининг инвариант қисмини саралаш учун қўлланилади. Бу ў аввалги ҳолда қўлланилган технологияни ўзгартириш, лойиҳага ахами бўлмаган ўзгаришлар киритиш, масалан, ўкув вазифалари йиг" алмаштириш максадида қўлланилади. Демак, ўкитувчи таълим **жара** лойихалашда хар сафар дастлабки ва якуний лойихалардан **фарклй** лойиҳани яратади. Жараённинг субъектив тавсифи доимий равишда **у** боради. Мазкур вазиятда нафақат тахсил олувчи фаолиятини пед технологиялаштириш, шунингдек, ўқитувчи фаолиятининг **инваря"** вариатив қисмларни ёритувчи лойиҳаларни яратиш мумкин.

Узгартириш стратегиясини қўллаш имконияти ўқитувчи таълим лойихаларини ўз фаолиятида қўллаган ва шахсан ўзи ишлаб чиққан бўл келади. Таълим мазмунини ўрганишда гурух тахеил олувчиларин имкониятлари ва шахеий хусусиятларини инобатга олган холда



узгартириш мумкин. Ўкитувчи бошқарув фаолиятининг таркибий тузилмаси, таълим жараёни учун зарур моддий воситалар хам шунга кура табиий равишда ўзгаради.

Тасодифий изланиш стратегияси бошка стратегиялардан фарклй равишда фаолият жараёнининг умумий лойихасини яхлит кўринишда ифода этмайди. Ҳар кандай узгартириш таълим жараёни лойихасини зарур ўринларда мазмунан бойитишни талаб этади.

Тасодифий изланиш стратегияси фаолият жараёнида янги лойихани шакллантиришга имкон беради.

Тасодифий изланиш стратегиясини қўллаш тажрибаси амалий педагогик фаолият (айниқса, педагогика олий ўкув юртлари)да учрайди. Стратегия шартига кўра таълим жараёни илмийлик тамойилига мувофик лойихаланади. Мазкур стратегияни ўзига хос услублар (масалан, кўргазмали воситалар, ўкитиш дастурининг муайян кисми, методик адабиётлар ёки бошка ўкитувчилар тажрибаси)дан фойдаланиш истаги юзага келганда кўллаш мумкин. Шунингдек, тасодифий изланиш ўкитувчи ижодий фаолиятининг таркибий қисми хам бўлиши мумкин. Шу билан бирга бу стратегия, албатта, лойихалаштирилган таълим жараёнининг бошка қисмларини тўлдириши зарур

Бизнинг фикримизча, технологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойихалашда куйидаги вазифалар бажарилади:

1- Берилган маълумотларни тахлил этиш, таълим максади ва мазмуни (унинг алохида қисми), таҳсил олувчиларнинг ўкув имкониятлари, таълим шароити, шунингдек, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни белгилаш.

**2.** 'Аникланган максад ва вазифаларга мувофик укув материалларини саралаш.

3. Укув материали мазмунини тахеил олувчилар ўзлаштириши учун кулай бўлган моделлар кўринишида ифодалаш.

**4.** Лойихалаштирилган моделларни таҳсил олувчиларнинг хаётий та*рибалари, атроф-мухитга хиссий-кадриятли муносабатлари ва фикрлаш Даражасига мувофик яратиш.

*• Гносеологик, аксиологик ва креатив технологиялар (таълимнинг технологик воситалари)ни фаол равишда қўлламаслик.

б. Таълимнинг технологик воситаларини таълим жараёни шароитларидан келибчивдб ажратиш.

• Таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти жараёнида уларнинг хаpакчPиш Даражасини маълум босқичдан юқорирок боскичга кўтарувчи я Т.*етма"кетлигини таъминлайдиган бир неча вариантларни ишлаб чиқиш.

ЬМи• *\Улланиладиган вариантларнинг дидактик максад билан мувофикдигини нлаш.

"едаго ^ЭХсил К технолог олУвчилар фаолияти структурасининг ҳар бир вариантини •Флай ия мезонлар асосида таккослаш, бахолаш ва улардан ^«нитанлаб олиш.

уларни ^°тм Baiul0H ва шахсни ривожлантириш вазиятларини ишлаб чикиш, асосиля Тах,СИл ол Увчиларнинг ўқув-билиш фаолияти таркибий тузилмаси тузиш.

11. Таҳсил олувчилар ўқув-билиш фаолияти таркибий тузилмаси мувофиқ ўкитувчининг бошқариш фаолияти таркибий тузилмасини аниклаш.

12. Ўқитувчи ва тахсил олувчининг хамкорликдаги фаолиятини амал ошириш учун зарур бўлган кўргазмали куроллар, тарқатма материалла намойиш, лаборатория тажрибалари, аудио хамда видеоматериаллар ҳоказоларни яратиш.

13. Таълим жараёнида воситаларни қўллашда объектив шароитл ижтимоий, ишлаб чикариш ва таълим муассасасини ўраб турган табиий икли ўқув-модций база, шунингдек, мактаб хамда муайян синфни маънавий-психологик иклимини хисобга олиш.

**14.** Таълим жараёнининг таркибий тузилмасини белгилашда ўкитув шахси, унинг касбий тайёргарлиги ва педагогик ишлаб чикариш мазму! таяниб иш купит.

15. Таълим жараёнининг хар бир боскичи учун белгиланган в тақсимоти ва педагогик муҳит (жиҳозларнинг жойлашуви, тах/ олувчиларнинг синф хонасида жойлашиш имкониятлари, ишлаб чикариш ҳ.к.)ни хисобга олиш.

16. Таълим жараёнининг лойиҳасини меъёрий ҳужжатларда ёзма тасвирий тарзда расмийлаштириш.

Демак, таълим жараёнини лойихалашда ўкитувчининг ушбу макс йуналтирилган ҳаракатлари йиғиндиси ва беш вариантдан иборат лойихал! стратегиялари ўзига хос ахамиятга эга. Ҳар бир ўқитувчи таълим жараёнь лойиҳалашда эътироф этилган стратегиялардан ўзи учун мақбулини танла, мумкин. Стратегиялардан бирининг танланиши ўкитувчининг ка тайёргарлиги, шахсий қизиқишлари, шунингдек, мавжуд ҳаётий вазиятл боғлиқ.



# IV БОК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК УСУЛЛАР

## 4.1. Интерфаол методлар ва уларнинг тавсифи

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган мухим талаблардан бири ортиқча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, қиска вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вакт орасида муайян назарий билимларни тахсил олувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни хосил қилиш, шунингдек, тахсил олувчилар фаолиятини назорат килиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик **маҳорат хамда** таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Педагогик технология ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятга эга, яъни, хар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Кандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил зтилишидан қатъи назар педагогик технологиялар:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини оширишни;
- ўқитувчи ва тахсил олувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтиришни;
- тахсил олувчилар томонидан ўкув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;
- тахсил олувчиларда мустакил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришни;
- таҳсил олувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чикара олишлари учун зарур шартшароитларни яратишни;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик гояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Педагогик технологиялардан мажбуран фойдаланиш мумкин эмас. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан **Кулланилаётган** илгор технологиялардан фойдаланиш билан бирга, уларни ижодий ривожлантириш максадга мувофикдир.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда тахсил олувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи хамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни Қуллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини [та]шкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмокда.

Интерфаол **метод** технологиясининг моҳияти таҳсил олувчиларнинг **"Жодкор**-лигига таяниш ва дарсда эркин баҳс-мунозара шароитини ^ғдиришдан иборатдир. Бу методга кўра дарслар бир неча боскичга бўлинади:

1- Чақирик босқичи. Бу босқичда тахсил олувчиларни фаоллаштириш, **зуининг** мазмун-мохиятига кириб **бориш,** уни англаб етиш жараёнига **Срлаш** мақсади кўзда тутилади.

2- Фикрий хужум. Бу усул дарснинг бошланишида ёки исталган жойида

кўлланилиши мумкин. Бу боскичда муаммо тахеил олувчиларга акдий хуасуі йўли билан берилади ва уларнинг фикрлари оркали олинади.

3. Англаш боскичи. Мавзуга оид хулосавий фикрлар эшитилади в ўқитувчи томонидан янги фикрлар билан тўлдирилади.

4. Фикрлаш боскичи. Мавзу юзасидан ўзлаштирилган билим в тушунчаларни киска жумлаларда ёзма равишда баён килиш топширилади. Б топшириқни бажариш учун синф гурухларга бўлинади. Ҳар бир гуру топшириқ бўйича **ўз** фикрини ёзади ва хар бир гурух вакили бажарилга топшириқни бошқаларга маълум килади.

Гурухлар билан ишлаш фақат фикрлаш босқичида эмас, балки биринч босқичдан бошлаб иўлга қўйилиши мумкин. Таҳсил олувчиларни гурухларг. бўлиб ишлаш учун куйидаги талабларга амал килиш зарур:

1. Гурухларга ажратиш ўқитувчи томонидан амалга оширилади.
2. Ҳар бир гуруҳга раҳбар тайинланади.
3. Ҳар бир гурухдаги тахеил олувчилар билим даражасининг та бўлишига эришиш керак. :
4. Гурух дойра шаклида ўтириши лозим. л
5. Иш жараёнида хар бир гурухнинг фаолиятига, гояларига эътибоЯ берилади. |

Булардан ташқари гурухларга аник йўл-йўриқ кўрсатиш, топшириқдариИ бажариш учун етарли вакт ажратиш, кучли гурухдарни рагбатлантириб бория ишнинг натижасини баҳолаш кабиларга ҳам ахамият бериш му.\ни хисобланади. Даре жараёнида гурух аъзоларини алмаштириб бориш *хщ* мумкин. Я

Куйида таълим жараёнида фойдаланилаётган интерфаол методлардан бЯ нечтасининг мохияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритамиз. Я

### 4.2. «**Фикрий** хужум» (**«Мозговая атака»**) **методи** щ

Мазкур метод таҳсил олувчиларнинг машгулотлар жараснидШ фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рагбатлантириИ хамда бир хил фикрлаш инерциясидан озод этиш, муайян мавзу юзасидан рчН баранг ғояларни тўплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал эттЯ жараёнининг дастлабки боскичида пайдо бўлган фикрларни енгишга ўргаяИ учун хизмат килади. V

«Фикрий хужум» методи А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган бўлН унинг асосий тамойили ва шарти машгулот (бахс)нинг хар бир иштирок^И! томонидан ўртага гашланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъкикЛИЖ хар кандай луқма ва ҳазилмутойибаларни рағбатлантиришдан нборатяИ Бундан кўзланган максад тахеил олувчиларнинг машгулот (баҳс) жараёниДИ эркин иштирокини таъминлашдир. Таълим жараёнида ушбу методдан самаЛВ ва муваффакиятли фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тафаШИ кўламининг кенглигига боғлик бўлади. Щ

«Фикрий хужум» методидан фойдаланиш чоғида таҳсил олувчиларЯИ сони 15 нафардан ошмаслиги максадга мувофикдир. Ушбу методга асослЯИ машгулот бир соатга кадар ташкил этилиши мумкин. Щ\



### 4 3 . **«Ялпи фикрий хужум» методи**

Ушбу метод Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чикилган бўлиб, уни бир неча ўн (20, 60) нафар таҳсил олувчилардан иборат синфларда қўллаш мумкин.

Метод таҳсил олувчилар томонидан янги ғояларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат қилади. Ҳар бири 5 ёки 6 нафар таҳсил олувчиларни ўз ичига олган гурухларга 15 дақиқа ичида ижобий ҳал этилиши лозим бўлган турли хил топшириқ ёки ижодий вазифалар берилади. Топшириқ ва ижодий вазифалар белгиланган вакт ичида ижобий ҳал этилгач, бу ҳақида гуруҳ аъзоларидан бири ахборот беради.

Гурух томонидан берилган ахборот (топшириқ ёки ижодий вазифанинг ечими) ўқитувчи ва бошқа гурухлар аъзолари томонидан муҳокама қилинади ва унга баҳо берилади. Машгулот якунида ўқитувчи берилган топшириқ ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасида энг яхши ва ўзига хос деб топилган жавобларни эълон қилади. Машгулот жараёнида гурух аъзоларининг фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кўра бахолаб борилади.

### 4.4. **«Фикрларнинг шиддагли хужуми» методи**

Сўз юритилаётган метод Е.А.Александров томонидан асосланган ҳамда Г.Я.Буш томонидан қайта ишланган.

Методининг мохияти куйидагичадир:

- жамоа орасида муайян топшириқларни бажараётган хар бир тахеил олувчининг шахеий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

- таҳсил олувчиларда маълум жамоа (гуруҳ) томонидан билдирилган фикрга карши гояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришдан иборатдир.

Юқорида моҳияти баён этилган «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методини ижтимоий, гуманитар ва табиий йўналишлардаги фанлар юзасидан ташкил этиладиган машгулотлар жараёнида бирдек муваффақиятли қўллаш мумкин.

Ушбу методдан фойдаланишга асосланган машгулот бир неча боскичда ташкил этилади. Улар қуйидагилардир:

**1-боскич** - руҳий жиҳатдан бир бирига яқин бўлган таҳсил олувчиларни Узида бириктирган хамда сон жиҳатидан тенг бўлган кичик гурухларни шакллантириш;

2-боскич-гурухларга хал этиш учун топширилган вазифа ёки топширикдар моҳиятқдан келиб чиқадиган мақсадларни аниклаш;

**-Мюскич** - гуруҳлар томонидан муайян ғояларнинг ишлаб чиқилиши """^икдарнинг ҳал этилиши);

4-**боскич**-топшириқларнинг ечимларини муҳокама этиш, уларни тўгри ҳал ганлигига кўра туркумларга ажратиш;

У ^**WKHM** - топшириқларнинг ечимларини кайта туркумлаштириш, яъни, рнинг тўғрилиги, ечимни топиш учун сарфланган вақт, ечимларнинг аниқ ва ан баён этилиши каби мезонлар асосида бахолаш;

бил ^900*"4 ~ Дастлабки боскичларда топшириқларнинг ечимлари юзасидан ^ ДИрилган муайян танқидий мулохазаларни муҳокама этиш ҳамда улар Расида ягона хулосага келиш.

Методни қўллаш жараёнида куйидаги ҳолатлар юзага келади:

- таҳсил олувчилар томонидан муайян назарий билимларнинг пухта узла тирилишига эришиш;
- вактни иктисод қилиш;
- ҳар бир таҳсил олувчини фаолликка ундаш;
- уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантириш.

## *45.* «6х6х6» методи

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар тахсил олувчи муайян фаолиятга ж"лб этиш оркали маълум топширик ёки масалани ҳал эти шунингдек, гурухларнинг хар бир аъзоси имкониятларини аникдаш, уларн ' қарашларини билиб олиш мумкин. «6х6х6» методи асосида ташкил этилаёп машғулотда хар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гурух ўкитув томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни мухокама қилади. Белгиланг-" вакт нихоясига етгач ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклла гурухларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гурухдан биттадан вакил бўлади. шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гурухи ТОМОI муаммо (масала) ечими сифатида такдим этилган хулосани баён этиб берад ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

«6х6х6» методининг афзаллик жихатлари куйидагилардир:

- гурухларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;
- улар томонидан шахсий карашларнинг ифода этилишини таъминлайди;
- гурухнинг бошка аъзоларининг фикрларини тинглай ол кўникмаларини хосил қилади;
- илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек," фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.

Энг мухими, машгулот иштирокчиларининг хар бири кисқа вакт дақиқа) мобайнида хам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маъру сифатида фаолият олиб боради.

Ушбу методни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар тахсил олувчидан иборат бўлган неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гурухдар ўртасида «6х6, методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келади. Чунки бу~ машгулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун хам бирмунча кўп талаб этилади. Сўз юритилаётган метод қўлланилаётган машгулотл гурухлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо)ни мухокама ки имконияти мавжуд.

«6х6х6» методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўкитувчидан фао педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳдарни мақсадга мувофиқ шаклл"' олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. Гурухларнинг шакллантирилмаслиги топширик ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмасл«, сабаб бўлиши мумкин. «6х6х6» методи ёрдамида машғулотлар куй-, тартибда ташкил этилади:

1. Ўкитувчи машгулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 стул қўйиб чиқади.

2. Тахсил олувчилар ўкитувчи томонидан 6 та гурухга бўлинг Тахсил олувчиларни гурухларга бўлишда ўкитувчи куйидагича йўл мумкин: 6 та столнинг хар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлкин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машгулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варакчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир таҳсил олувчи ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Таҳсил олувчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машгулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топширикдарни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўкитувчи гурухларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл йўриқлар кўрсатади хамда гурухдар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри хал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, гурухлардан мунозараларни якунлашларини сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вакт нихоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган хар бир гурухда аввалги 6 та гуруҳнинг хар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор каратилади. Тахсил олувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вакт ичида гурух аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гурухдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гурухлар томонидан кабул килинган хулосалар (топширик ечимлари)ни мухокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.

## 46. «Акдий хужум» методи

Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб, у машгулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш хамда ўз тасаввурлари ва гояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма хамда малакаларни Хосил қилишга рағбатлантиради. Бу метод ёрдамида ташкил этилган машгулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. «Ақлий хужум» методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш ва уларга мукобил бўлган гояларни танлаш учун шароит яратади.

Методдан самарали фойдаланиш мақсадида куйидаги коидаларга амал Килищ лозим: Таҳсил олувчиларнинг ўзларини эркин хис этишларига шароит "Ратиб бериш; ғояларни ёзиб бориш учун ёзув тахтаси ёки варақларни тайёрлаб Куиищ; муаммо (ёки мавзу)ни аниқлаш; машгулот жараёнида амал қилиниши лозим бўлган шартларни белгилаш; билдирилаётган гояларнинг уларнинг муаллифлари томонидан асосланишига эришиш ва уларни ёзиб олиш; қогоз °арақлари гоя (ёки фикр)лар билан тўлгандан сўнг уларни ёзув тахтасига осиб КУиищ; билдирилган фикрларни янги гоялар билан бойитиш асосида уларни кувватлаш; бошқалар томонидан билдирилган фикр (гоя)лар устидан кулиш, °яли шарҳларнинг билдирилишига йўл кўймаслик; янги гояларни билдириш °м этаётган экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини эълон қилишга илмаслик; таҳсил олувчилар томонидан билдирилаётган хар қандай гоя ланмайди; таҳсил олувчиларнинг мустакил фикр юритишлари, шахсий Рларини илгари суришлари учун кулай мухит яратилади; гояларнинг

турлича ва кўп микдорда бўлишига аҳамият каратилади; бошқалар томон билдирилаётган фикрларни ёдда сақлаш, уларга таянган ҳолда янги фикрла билдириш, билдирилган фикрлар асосида муайян хулосаларга келиш к ҳаракатларнинг тахсил олувчилар томонидан содир этилишига эришилади

Даре жараёнида «Аклий хужум» методидан фойдаланишда куй қоидаларга амал килиш талаб этилади:

1. Таҳсил олувчиларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга унд уларнинг мантиқий фикрларни билдиришларига эришиш.

2. Ҳар бир тахсил олувчи томонидан билдирилаётган фикр рагбатлантирилиб берилади. Билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулл танлаб олинади. Фикрларнинг рагбатлантирилиши навбатдаги фикрларнинг тугилишига олиб келади.

3. Ҳар бир тахсил олувчи ўзининг шахсий фикрларига асосланиши уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикрларни умумлаштир туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрлар" шаклланишига замин хозирлайди.

4. Машгулот жараёнида тахсил олувчилар фаолиятини стандарт тал" асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни бахол" йўл кўйилмайди. Уларнинг фикрлари бахоланиб борилса, тадсил олувч диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, окибатда фикрлар илгари сурилмайди. Методни қўллашдан кўзланган асосий м тахсил олувчиларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканли ёдда тутган холда уларнинг фаолиятини баҳолаб боришдан воз кечиш мак" мувофикдир.

### 4.7. «Кластер» методи

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг му шакли бўлиб, у тахсил олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусу эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун ша яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил гоялар ўртасидаги алоқ тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб эт «Кластер» методи аник объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли санал Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан бог равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг тахсил олувчи томонидан чуқур хамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолияти бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стал ва Стал ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Кластер» методи ўйланган стратегия бўлиб, ундан таҳсил олувчилар билан якка тартибда гурух асосида ташкил этиладиган машгулотлар жараёнида фойдал мумкин. Метод гурух асосида ташкил этилаётган машгулотларда т олувчилар томонидан билдирилаётган гояларнинг мажмуи тарзида vr' бўлади. Бу эса илгари сурилган гояларни умумлаштириш ва улар ўртасИ алоқаларни топиш имкониятини яратади.

«Кластер» методидан фойдаланишда куйидаги шартларга риоя к»- талаб этилади: Ниманики ўйланган бўлсангиз, шуни когозга *- Фикрингизнинг сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай, уларни шунчаки ёзиб бо,- Белгиланган вақт нихоясига етмагунича, ёзишдан тўхтаманг; Агар м



муддат бирор бир гояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда коғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги гоя туғилгунига қадар давом эттиринг; Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг; Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги гояларни илгари суриш хамда мазкур гоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилинг. ғоялар йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг

### 4.8. «Қарорлар шажараси» («Қарорлар қабул килиш технологияси») методи

«Қарорлар шажараси» методи муайян фан асослари борасидаги бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта тахлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг макбул ҳамда тўғрисини топишга йуналтирилган техник ёндашувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар мохиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукаммал тушунишга хизмат килади.

Гуруҳ ёки синф таҳсил олувчилари иштирокида кўлланиладиган «Қарорлар шажараси» бир неча ўн нафар таҳсил олувчиларнинг билимлари даражасини аникдаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона карор кабул қилиш (хулосага келиш)да тахсил олувчилар томонидан билдирилаётган хар бир вариант, уларнинг макбул хамда номақбул жихапирини муфассал тахлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида тахсил олувчилар куйидаги чизма асосида тузилган жадвални тулдирадилар (ёки ушбу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланадилар). муаммо: 1-гоя, 2-гоя, 3- ғоя, к а р о р шаклида амалга оширилади.

«Қарорлар шажараси» методи куйидаги шартлар асосида кўлланилади:

1. Укитувчи машгулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гурухдар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Укитувчи таҳсил олувчиларни 4 ёки 6 нафар кишилардан иборат ^РУХларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул Карорнинг қабул қилиниши учун муайян вакт белгиланади.

3- Қарорни кабул килиш жараёнида гурухларнинг хар бир аъзоси т°Монидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик хамда номақбуллик Даражалари батафсил муҳокама килинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва н°афзаллик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида Муаммони ижобий хал этишга хизмат килувчи усул хусусида гурух аъзолари Р тўхтамга келиб оладилар.

4. Мунозара учун ажратилган вакт ниҳоясига етгач, хар бир гурух аъзолари Трухи карори борасида ахборот берадилар. Зарур ҳолларда ўқитувчи ВДарлигида барча таҳсил олувчилар билдирилган хулоса (карор)ларни бир- "Ри билан қиёслайдилар.

Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар тугилгудек

Зўлса, уларга жавоблар кайтарилиб борилади, ноаниқликларга аниқлив киритилади. Агарда барча гурухлар томонидан муаммо юзасидан бир хил? карорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди. 4

### 4.9. «Тажриба воситасида ўкитиш цикли» (Д.Колб ғояси)

Мазкур метод куйидаги тўрт омил асосига курилади: рефлектив кузатиш^ фаол тажриба олиб боришга тайёрланиш; абстракт хулосалаш (концептуаллаш);; аниқ тажриба ўтказиш.

Юқорида қайд этилган омилларнинг ҳар бири муайян шиор (гоя) асосланади. Чунончи.

тахеил олувчилар учун машқ (топширик)лар мазмунини танқидий ўргани ва улар устида фикр юритиш имконини берувчи шароитни ярат (рефлекч кузатиш);

таҳсил олувчиларга зарур назарий билимларни бер;

муаммо юзасидан билдирилган фикрларни умумлаштириш ва хулосала учун шароит ярат (абстракт хулосалаш (концептуаллаш));

таҳсил олувчиларга мукаммал шаклланган, айни вактда яна бир текшириб чиқилиши лозим бўлган машқ (топширик)ларни ишлаб чш имконини бер (фаол тажриба олиб боришга тайёрланиш);

якуний хулосани шахеий тажрибадан ўтказ ва фаолиятда ундан фойдал" (аник тажриба ўтказиш).

### 4.10. «Қорн куги» методи

Таълим жараёнида мазкур методни кўллашдан максад - таҳсил олувчюг томонидан мавзуни пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга улар" фаолликка ундаш, уларда ҳамкорликда ишлаш, маълум вазиятларни бошкари ҳамда мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришдан ибор--

Методдан фойдаланишда куйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

- тахеил олувчилар жуфтликка бириктириладилар;
- жуфтликларга мавзу моҳиятиии ёритувчи асосий тушунчалар (т сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар ва ҳ.к.)ни карточкаларга қайд ' вазифаси юкланади;
- ўқитувчи таҳсил олувчилар билан ҳамкорликда гурухлар томони топшириқнинг бажарилишини текширадилар;
- топшириқни тўғри бажарган гуруҳнинг бир аъзоси ўкитувчи рол бажаради ва топшириқнинг ечимини ёзув тахтасига ёзади;
- синф тахеил олувчилари ёзув тахтасида кайд этилган ф» шарҳлайдилар (таянч сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар қандай маън англатишини айтадилар);
- тўгри жавоб берган таҳсил олувчи ўқитувчи ролини баж" жуфтликларга мавзу мохиятини ёритувчи схема, жадвал ёки тасвир ярат" топширади ва ўкитувчи ёрдамида топшириқнинг бажарилишини текширади.



### 4.11. «Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси,...) ортикча» методи

Тахеил олувчиларнинг мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида ушбу метод алохида аҳамиятга эга. Уни қўллашда куйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- ўрганилаётган мавзу мохиятини очиб беришга хизмат қилувчи тушунчалар тизимини шакллантириш;
- ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллукли бўлган тўртта (бешта, олтита, ...) ва тааллукли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш;
- таҳсил олувчиларга мавзуга тааллукли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чикариш вазифасини топшириш;
- таҳсил олувчиларни ўз харакатлари мохиятини шарҳлашга ундаш (мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида таҳсил олувчилардан тизимда сақланиб қолган тушунчаларга хам изоҳ бериб ўтишлари ҳамда улар ўртасидаги мантиқий боғликликни асослашларини талаб этиш лозим).

Мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантиқий богликликни ушбу метод кўрсата олиши, асослай олиш тахеил олувчиларда мустакил фикрлаш, шахеий ёндашувларини асослай олиш, шунингдек, тенгдошларининг фикрлари билан шахеий мулохазаларини ўзаро таққослаш кўникмаларини ҳам шакллантиради.

### 4.12. «3/3» («4/4», «5/5»,...) методи

Мазкур метод ҳам кжорида қайд этилган методларнинг муқобили ҳисобланиб, таҳсил олувчилардан ўрганилаётган мавзу (ёки бўлим, боб) юзасидан таҳлилий мулоҳаза юритиш, шунингдек, энг мухим таянч тушунчаларни ифодалай олишни талаб этади. Унга кўра ўқитувчи мавзу (бўлим, боб) юзасидан учта (тўртта, бешта ва ҳоказо) тўғри ва унга тенг нисбатда (учта, тўртта, бешта) бўлган ва ноўрин қўлланилган тушунчалар (сўзлар, белгилар, тасвирлар ва бошкалар)дан иборат тизимни шакллантиради. Таҳсил олувчилар ушбу тизимдан мавзу (бўлим, боб)га тааллукли бўлмаган тушунчаларни ажратадилар ва ҳаракатларининг моҳиятини изоҳлайдилар.

Методни қўллашда куйидаги харакатлар амалга оширилади:

- ўқитувчи ўзаро тенг нисбатда мавзу (бўлим, боб)га оид ва оид бўлмаган асосий тушунчалар тизими яратади;
- тахеил олувчилар мавзу (бўлим, боб)га оид ва оид бўлмаган асосий тушунчаларни аниқлайдилар ва дахлдор бўлмаган асосий тушунчаларни тизимдан чиқарадилар;
- таҳсил олувчилар ўз ҳаракатларининг мохиятини изоҳлайдилар.

Методдан индивидуал, гурухди ва оммавий шаклда тахеил олувчилар томонидан мавзунинг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда уларнинг илимларини аниқлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### 4.13. «Расмларни тўғри жойлаштир» методи

Кичик гурухдарда ишлашда ушбу методдан фойдаланиш ҳам ижобий Натижаларни кафолатлайди. Методни қўллашда куйидаги харакатлар амалга оширилади:

- укитувчи томонидан ўрганилаётган мавзунинг мохиятини мантиқий тма кетликда ёритишга

- хизмат қилувчи тушунчаларни ифода этган махсус карточкалар мажмуи шёрланади (хар бир карточканинг орка томонига мавзу мохиятини ёритувчи 1дро» тушунчанинг биттадан ҳарфи жойлаштирилади ва махсус қоплама план беркитилади);

- хар бир гурухга махсус карточкаларнинг алохида мажмуси топширилади а карточкаларни улардаги тушунчаларга асосан мантиқий кетма кетликда отйлаштириш вазифаси юкланади;

- гурухдар томочидан топширик бажарилиб бўлингач, карточкаларнинг >рқа томони ўгирилади ва махсус қоплама очилиб, топшириқнинг кай даражада гўғри бажарилганлиги аникланади.

Агар топширик гурухдар томонидан тўғри бажарилган бўлса, якуний жараёнда карточкалар орқа томонга ўгирилганда мавзунинг мохиятини ёритувчи «ядро» тушунча ҳосил бўлади.

Методдан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, бу жараёнда тахсил олувчиларда мавзуни муайян қисмларга бўлиб ўрганиш ва кисмлар ўртасидагн мантиқий боғлиқлик ҳамда алокадорликни анализ ва синтез асосида аниқлаш кўникмалари ҳосил қилинади.

## 4.14. «Кизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш» методи

Тахсил олувчилар билан оммавий ва гурух шаклида ишлашда ушб методни кўллаш нихоятда кулай. Методдан машғулотлар сўнгида мавз мустаҳкамлашга оид тезкор савол-жавобни ташкил этишда фойдал мумкин. Метод куйидаги ҳаракатларни ташкил этиш асосида кўлланилади:

- ўқитувчи томонидан синфда тахсил олувчиларининг сонига кўра хар б таҳсил олувчи учун кизил ва яшил рангли карточкалар хамда мавзуга о саволнома тайёрланади;

- саволномадан «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериш мумкин бу саволларнинг ўрин олишига ахамият қаратилади;

- хар бир тахсил олувчига қизил ва яшил карточкалар тарқатилади;

- таҳсил олувчиларга қизил рангли карточкаларнинг «тасдик», рангли карточкаларнинг «инкор» маъносини англатиши уқтириб ўтилади;

- тахсил олувчилар укитувчи томонидан берилган саволларга «тасдик» «инкор» маъноларини англатувчи карточкаларни кўрсатиш асосида ж' қайтарадилар.

Умумий ўрта таълим мактабларининг VIII синфида «Иқтисодий 6i асослари» фани бўйича ташкил этилган машгулот жараёнида «Кизил ва я рангли карточкалар билан ишлаш» методини қўллашда таҳсил олувчил куйидаги саволларни бериш мумкин:

Инсон эхтиёжларини қондириш учун унга турли хил неъм (ресурслар) зарур бўладими?

Ҳаво, сув, қуёш нури ва иссиқлиги, шунингдек, фойдали қазилм инсон кучи билан хосил килиш мумкинми?

Инсон мехнати, у томонидан ташкил этилаётган иктисодий фаолия махсули махсулот деб аталадими?



Маҳсулотлар фақатгина моддий неъматлардангина иборатми?

Хизмат кўрсатишнинг муайян кўриниши маҳсулот бўла оладими?

Моддий неъмат яратмайдиган, бироқ натижаси инсонлар эхтиёжини қондиришга қаратилган иқтисодий фаолият хизматлар деб аталадими?

Махсулот ишлаб чиқариш учун иктисодий ресурслар (хомашё, инсоннинг жисмоний ва ақлий кучи, турли механизм, машина ва асбобускуналар, ишлаб чикариш корхоналари)нинг бўлиши шартми?

Иктисодий ресурслар микдорининг «чекланган деб ҳисобланиши» тўғрими?

Жамиятда иқтисодий чекланганлик муаммоси мавжудми?

Иктисодий чекланганлик муаммосининг иқтисодиётнинг асосий (бош, етакчи) муаммоси деб ҳисобланиши тўғрими?

## 4.15. «Видеотопишмок» методи

Сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалар (компьютер, телевизор, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алохида эътибор қаратилмокда. Ўқитувчилар олдида таълим жараёнида турли ахборот воситаларидан ўринли ва максадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси турибди. Видеотопишмок методидан фойдаланишда куйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- таҳсил олувчилар эътиборига ўрганилаётган мавзу мохиятини тасвирий ёритишка ёрдам берувчи изохдарсиз бир нечта видеолавҳа намойиш этилади;
- таҳсил олувчилар хар бир лавҳада кандай жараён акс эттирилганлигини изохлайдилар;
- жараёнларнинг мохиятини дафтарларига кайд этадилар;
- ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтарадилар.

## 4.16. «Юмалоқланган қор ўйини» методи

Ушбу метод хам мавзуни муайян кисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради ҳамда тахсил олувчиларда гурух ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида КУйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

-тасвирли карточкалар тайёрланади:

- Уларнинг орка томонига мавзуни ўзлаштиришга оид ўн беш вариантдан чбораттопшириқлар ёзилади;

- синф таҳсил олувчилари икки ёки уч гурухга бўлинадилар (гурухларни Хооил қилишда тасвирли карточкалардан фойдаланилади);

~Ҳар бир гурух аъзолари бир нечта жуфтликларга бириктириладилар;
~ Ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топширикни бажаради;
- жараён якунида умумий хулосалар чиқарилади.

«Юмалоқланган қор ўйини» методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича (1/?ЩтиРИлган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида дала«иш нихоятда кулай.

### 4.17. «Заковатли зукко» методи

Мавжуд билимларни пухта ўзлаштиришда тахеил олувчиларнинг фикрлаш, раккур юритиш лаёқатларига эгаликлари мухим ахамиятга эга. «Заковатли ско» методи тахеил олувчиларда тезкор фикрлаш кўникмаларини исллантириш, шунингдек, уларнинг тафаккур тезликларини аниклашга ёрдам ради. Метод ўз хоҳишларига кўра шахеий имкониятларини синаб кўриш тагида бўлган тахеил олувчилар учун кулай имкониятни яратади. Улар итувчи томонидан берилган саволларга қисқа муддатларда тўғри ва аниқ шоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра ір бир саволга қайтарилган тўғри жавоб учун баллар белгиланади. Якуний **1лларнинг** ўртача арифметик қийматини топиш асосида тахеил олувчиларнинг **1факкур** тезлиги аникланади.

Балларнинг белгиланиши таҳсил олувчиларнинг шахеий имкониятлари ўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлайди.

Метод таҳсил олувчилар билан якка тартибда, гуруҳли ва оммавий шлашда бирдек қўлланилиши мумкин.

### 4.18. «Қарама-каршн муносабат» методи

Метод ўз мохиятига кўра ўзлаштирилган билимларни тахлил ва **синтез** очлиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида **7руҳларга** ажратиш имконини беради. Методни кўллашда куйидаги харакатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аникланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушунчалар шахеий ёндашув асосида мухим ва у қадар мухим бўлмаган; тушунчалар тарзида гурухланади;
- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига мухим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
- кичик гурухлар асосида шахеий ёндашувлар мухокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

Таҳсил олувчилар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш уч уларнинг эътиборларига куйидаги жадвалларни такдим этиш мак мувофикдир:

Якка тартибда ишлаш жараёнида фойдаланиш учун:

| Мавзунинг ахамияти | | | |
|---|---|---|---|
| № | Мухим тушунчалар | № | Мухим бўлмаган тушунчалар |
| 1.<br>2.<br>3.<br>4. | | 1.<br>2.<br>3.<br>4. | L |



Жамоа асосида ишлаш жараёни учун:

| Мавзунинг ахамияти | | |
|---|---|---|
| № | Жамиятнинг ижтимоий (иктисодий, маданий) хаётидаги роли (ўрни) | Шахс хаёгидаги РОЛи(ЎОНИ) |
| 1.<br>2.<br>3. | | |

### 4.19. «Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим» методи

Ушбу метод таҳсил олувчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида таҳсил олувчилар билан гурухли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гурух шаклида ишлашда машгулот якунида ҳар бир гурух томонидан бажарилган фаолият тахлил этилади. Гурухларнинг фаолиятлари куйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

ҳар бир гурух умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машгулот якунида гурухларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;

гурухлар умумий схеманинг алохида бандлари бўйича ўкитувчи томонидан берилган топширикдарни бажаради.

Укув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган куйидаги схема асосида ташкил этилади:

| Биламан | Билишни хохлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| | | |

Методдан фойдаланиш уч боскич асосида амалга оширилади, яъни:

Тахеил олувчиларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аникланади.

Таҳсил олувчиларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

Таҳсил олувчилар мавзуга оид маълумотлар билан батафеил таништириладилар.

Боскичлар бўйича амалга оширилган харакатларнинг тўлиқ тафеилоти куйидагича:

- синф таҳсил олувчилари гурухларга бириктириладилар;
- тахеил олувчиларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражаси Урганилади;
- тахеил олувчилар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиханинг 1-бандига ёзиб борилади;
- тахеил олувчиларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бўйитишга бўлган эхтиёжлари урганилади;
- тахеил олувчиларнинг эхтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2 -бандига ёзиб кўйилади;

– ўқитувчи янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таҳсил лувчиларни хабардор қилади;

– таҳсил олувчилар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;

– баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;

– машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.

### 4.20. «Вен диаграммаси» стратегияси (методи)

Ушбу стратегия таҳсил олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникм...арини ҳосил қилишга йўналтирилади. Стратегия кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади.

Стратегия тахсил олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу стратегиядан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Стратегияни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

– синф таҳсил олувчилари тўрт гуруҳга бўлинади;

– ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;

– ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;

– топшириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;

– лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар.

«Вен диаграммаси» стратегиясини қўллаш жараёнида гуруҳлар томонидан ташкил этилувчи фаолият моҳияти қуйидагичадир (фаолият моҳияти умумий ўрта таълим мактабларининг VII синфида ўқитиладиган «География» фани бўйича «Ўзбекистон табиатининг умумий тавсифи» бўлими юзасидан билимларни ўрганиш асосида очиб берилади):

| Гурухлар | Диаграмманинг тартиб рақами | Топшириқлар мазмуни |
|---|---|---|
| 1 гурух | 1диаграмма | Ўзбекистон худудидаги текисликлар |
| | 2диаграмма | Ўзбекистон худудидаги тоғлар |
| | 3диаграмма | Ўзбекистон худудидаги тоғ оралиқ ботиқлар |
| 2гурух | 1диаграмма | Ўзбекистон худудидаги нефт ва газ конлари |
| | 2диаграмма | Ўзбекистон худудидаги кўмир конлари |
| | 3диаграмма | Ўзбекистон худудидаги мис ва олтин конлари |
| 3гурух | 1диаграмма | Ўзбекистон худудидаги дарёлар |
| | 2диаграмма | Ўзбекистон худудидаги кўллар |
| | 3диаграмма | Ўзбекистон худудидаги сув омборлари |
| 4гурух | 1диаграмма | Ўзбекистон худудидаги чўллар |
| | 2диаграмма | Чўл ўсимликлари |
| | 3диаграмма | Чўл хайвонлари |



### 4.21, «Зиг-заг» стратегияси (методи)

Метод таҳсил олувчилар билан гуруҳ асосида ишлаш, мавзуни тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қилади. Методнинг афзаллиги қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

- таҳсил олувчиларда жамоа (ёки гурух) бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади;

- мавзуни ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежалади.

«Зиг-заг» стратегиясини қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- синф таҳсил олувчилари бир неча (5-7 та) гуруҳга бўлинади;

- янги мавзу мохиятини ёритувчи матн хам тегишли равишда 5-7 та кисмга ажратилади;

- ҳар бир гурухга мавзунинг муайян кисми (1матн, 2матн, ... ва ҳоказолар) берилади ва уни ўрганиш вазифаси топширилади;

- белгиланган вақт мобайнида гуруҳдар матн устида ишлайдилар;

- вақтни тежаш мақсадида гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади ва улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни гуруҳдошларига сўзлаб берадилар;

- лидерларнинг фикри гурух аъзолари томонидан тўлдирилиши мумкин;

- барча гуруҳдар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганларидан сўнг матнлар гуруҳлараро алмаштирилади;

- бу босқичда хам юқоридаги фаолият такрорланади;

- шу тахлитда мавзу мохиятини ёритувчи яхлит матн тахсил олувчилар томонидан ўзлаштирилади.

### 4.22. «Инсерт» стратегияси

Стратегия ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича таҳсил олувчиларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аникдаш ва уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Стратегияни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- кичик гуруҳлар шакллантирилиб, улар номланади;

~ Ҳар бир гуруҳдан ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади;

~ гуруҳлар навбат-манавбат мулоҳазаларни баён этадилар;

~ баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади;

сўнгра укитувчи янги мавзу моҳиятини ёритувчи матнни гуруҳларга ^РҚатади;

~ гуруқлар махн билан танишиб чиқиб, матн ва ўзлари билдирган (ухщ ла,)нинг ^ир-бирига каи даражада мувофиқ келганлигини аниклайдилар ашлик ва фарқлар махсус белгилар ёрдамида кайд этилади);

сошГ ^** аъзолари шахсий қарашларини ифода этадилар ва махсус белгилар ""Умумлаштирилади;

Пфуҳ аъзолари орасидан лидерлар белгиланади;

лидерлар синф жамоасини гурух натижалари билан таништирадилар;

гуруҳларнинг ёндашувлари умумлаштирилиб, якуний хулоса чиқарилади.

ратегияни қўллашда тахсил олувчилар қўйидаги схемалар бўйича

…лиятни ташкил этадилар:

Гурухлар томонидан билдирилган фикрлар билан матн киёсий қосланганда:

| Махсус белгилар | Махсус белгиларнинг маъноси |
|---|---|
| Z | Матнда гурухлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса |
| S | Матнда гурухлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса |
| ? | Матн билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса) |

1. Лидерларнинг ҳисоботидан сўнг гурухларнинг натижаларини ўрганиш чоғида:

| Махсус белгиларнинг тартиб рақамлари | Гурухларнинг номлари | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Коперник | Галилей | Гиппократ | Ибн Сино |
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

Стратегия тахсил олувчиларда мантиқий фикрлаш, шахсий хатолар устида ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

## 4.23. Ролли ҳамда ишбоп ўйинлар

Ҳозирги вақтда таълимни ташкил этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлардан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда. Ўйин чоғида махсулдор [illegible] балки жараёнли фаолият ташкил этилганлиги боис таҳсил олувчилар тасвир[illegible] вазиятларни яратиш асосида ўзларининг атроф муҳитга бўл[illegible] муносабатларини табиий намоён эта оладилар. Ўйинли фаол фаолият [illegible] уларнинг ижодий имкониятларини ошириб, тафаккурини ривожлантир[illegible] ёрдам беради. Таҳсил олувчиларнинг назарий билимларни амалий кўникма[illegible] малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтириш, ула[illegible] ижтимоий муносабатлар жараёнига кенг жалб этишда ролли ҳамда ишб[illegible] ўйинлар ўзига хос ўрин тутади.

Ўйин технологиялари таълим самарадорлигини таъминлаш, таҳ[illegible] олувчиларда фаолликни юзага келтириш, билим, кўникма, малака[illegible] шакллантириш, вақтни қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёр[illegible] беради.

Ўйин жараёнида намоён бўлувчи психологик хусусиятлар ҳар та[illegible] олувчига шахсий имкониятларини намойиш эта олиш имконини бер[illegible] уларнинг ижтимоий ҳаётда эгаллаган ўрнини барқарорлаштиради, уларда ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилади.

Ўйин технологиялари назарий билимларни мустаҳкамлаб, ам[illegible] кўникмаларнинг малакаларга айланишини таъминлаб қолмай, та[illegible] олувчиларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялайди.

Педагог ва психолог олимлар - Д.Н.Узнадзе, Л.С.Выгот[illegible] А.Н.Леонтьев, С.А.Шмаков, Г.К.Селевко, П.Я.Гальперин, И.Ол[illegible]



А.А.Вербицкий ва бошқалар ўйинга асосланувчи фаолиятнинг моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари борасида тадқиқот ишларини олиб борганлар. Айни вақтда биз бу борада зарур назарий ва амалий маълумотларга эгамиз.

Уйинларни ташкил этиш мақсадлари қуйидагилардир:
- таълимий (дидактик) мақсад;
- тарбиявий мақсад;
- фаолиятни ривожлантиришга йўналтирувчи мақсад;
- ижтимоий мақсад.

С.Каллаганшинг таъкидлашича, ролли ҳамда иш билан ўйинларнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун бир қатор шартларга амал қилиш зарур. Улар қуйидагилардир:

- жамоа аъзолари ўртасида самимий муҳитни қарор топтириш;
- ўйин жараёнида қатъий талабларни қўйилишини инкор этиш;
- ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг эркин, бемалол, ўзига ишонган ҳолда, хотиржам ҳаракат қилишларига эришиш;
- синфда қулай шароитнинг мавжуд бўлиши (шовқин даражасини назорат қилиш, таҳсил олувчиларни чалғитувчи ҳаракатларни содир этмаслик);
- синфда тартиб ва тинчликни сақлаш мақсадида таҳсил олувчиларнинг ўйин фаоллигига таъсир қилмаслик.

Г.К.Селевконинг фикрича, ўйин психопедагогик жараён саналиб, у қуйидаги тузилмага эга бўлади.

Дидактик ўйинларнинг умумий тавсифи. Ўйин: ўйнаш учун олинган роллар З'ки ўйин тури; танланган ролларни ижро этиш воситаси бўлган ўйинли ҳаракатлар; муайян предмет (жисм) ларни ўйиннинг шартли моддий воситаси сифатида танлаш; ўйин иштирокчилари ўртасидаги реал муносабатлар мазмуни; шартли равишда яратилган сюжет (ўйин сюжети).

## 4.24. «Мактаб ўртоқлик суди»

Суднинг асосий вазифаси—мактаб Устави ҳамда ички тартиб қоидалари, Умумжамият ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрлари талабларини бузган, уларга амал КИлищдан бош тортган, педагогик назоратдан четда қолган тахеил олувчилар ˣатти қаракатларини таҳлил этиш, уларнинг сабабларини ўрганиш, хулосалар бундай хатти ҳаракатларнинг бархам топишига кўмак берувчи чора-ᵀᵃДбирларни ишлаб чиқаришдан иборат.

«Мактаб ўртоқлик суди» фаолиятини узлуксиз олиб бориш мақсадида авий-ахборот воситалари, хусусан, вақтли матбуот нашрлари саҳифаларида V лаетган, вояга етмаган ёшлар ва уларнинг фаолиятлари масаласига луқли бўлган материалларни ўрганиб, уларнинг мазмунини ролли V. ннн ҲОСИЛ этиш оркали тахеил олувчиларга намойиш килиш усулидан ^Фойдаланиш мумкин.

Унинг учун машғулот мавзуи ва мазмунидан четга чиқмаган холда суд ^Илга и оЦенаРииси ишла б чиқилади ва ижро этилади. Ҳаётий воқелик тасвир emj,an У'''бу жараённинг бориши, якунлари хусусидаги хабар «Қонун ва -^_^^номли махсус деворий газетаси сахифаларида ёритиб бориш ўйин

ШаР«нвые дети. - **Москва:** Прогресс, **1991. - 357** с

ларасини тўлаконли тасаввур этиш имконини беради.

Суд жараёнининг ташкил этилишида таҳсил олувчилардан иборат суд иси, судья ва халк маслаҳатчилари, адвокат ҳамда давлат қораловчиси рокурор)нинг роли ва уларнинг муваффакиятли бажарилиши муҳим ;амиятга эгадир.

Ролларни бажариш вақтида ўйин иштирокчиларининг юридик нутқ ҳамда аданият қоидаларига амал қилишлари ўқитувчи томонидан назорат қилиб орилади, бу ҳолат таҳсил олувчиларда юридик сўз ва ибораларни тўғри ўллаш, фикрни тингловчиларга аник етказиб бериш, нотиқлик маҳоратини шакллантириш имкс..ини берди. Суд ишида ота-оналар, махалла фаоллари, фахрий ёки турдош синфлар, шунингдек, бошқа боскич синфларининг таҳсил олувчилари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

### 4.25. «Адолат ўлкасига саёҳат»

Ролли ўйинлардан яна бири – «Адолат ўлкасига саёҳат» деб номланган. Ўйиннинг максади – таҳсил олувчилар ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, уларда ҳуқуқий идрок ва зеҳнни шакллантириш. Мазкур ўйин беллашув тарзида ҳам уюштирилиши мумкин. Унда икки ёки тўртта гуруҳ иштирок эти бир қатор шартларни бажарадилар.

«Адолат ўлкаси»да қуйидаги кўчалар мавжуддир: Билағонлар, Конституция, Изкувар, Жумбоқ, Тафаккур, Маҳорат.

Ўйинни ташкил этиш жараёнида гуруҳлар мазкур кўчаларда бўл вақтларида улар номи билан боғлиқ шартларни бажаришлари лозим.

### 4.26. Билағонлар кўчаси

Бу ерда ҳар гуруҳ портретларда тасвирланган ёки ўзлари танлаб о варақаларда номлари ёзилган давлат, сиёсат ва ҳуқук арбобларининг ҳа фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари керак бўлади. Ўйинда

Аристотел, Платон, Абу Наср Форобий, Бурҳониддин Марғилоний, А Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Давоний, Заҳириддин Муҳаммад Бо Аҳмад Дониш, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Шароф Рашидов, Ж Обидова, Хадича Сулаймонова кабилар тўғрисидаги маълумотларни б талаб этилади.

Шунингдек, мазкур «кўчада» «Инсон ҳуқуқлари умум декларацияси», «Бола ҳуқуқлари конвенцияси», БМТ, Гаага суди, Ўзбе Республикасида фаолият юритувчи «Инсон ҳуқуқларини мухофаза ки омбудсман» тўғрисида маълумотларнинг берилиши каби шартдан фойдаланиш мумкин.

### 4.27. Конституция кўчаси

У ерда ҳар бир гуруҳнинг Ўзбекистон Республикаси Консти мазмунини қай даражада билишлари ҳамда шарҳлай олишлари аник Гуруҳ аъзоларининг бу борадаги билимларини аниқлаш Республика бўйича тузилган саволларга уларнинг берган жавобларини беш балли бўйича баҳолаш асосида кечади.



### 4.28. Изқуварлар кўчаси

Бу ерда гуруҳларга 8 ёки 10 та юридик сўздан иборат ҳикоя тузиш вазифаси топширилади.

Гуруҳлар ўзларига берилган қуйидаги сўзликлар: суд, ўғрилик, жазо муддати, қораловчи, ҳукм, суриштириш, карор, йил ва ҳоказолар ёрдамида шартни бажаришлари мумкин.

Сўзликлар беллашув ҳайъати томонидан тақдим этилади. Ёки бошқа мазмундаги шартларни бажаришлари мумкин. Масалан, А.Конан Дойлнинг "Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари" номли асаридан олинган, жиноий хаттиҳаракатлар сирини очиш борасидаги сюжет берилиши мумкин.

### 4.29. Жумбоқ кўчаси

Бу ерда гуруҳлар эътиборига ҳуқуқий мазмундаги ребус ёки кроссворд (бошқотирмалар)ларни ечиш вазифаси ёки қуйидаги кўринишдаги жадвал мазмунини ёритиш топширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйида берилган бўлим ва бобларининг қандай номланишини айтинг:

| | | |
|---|---|---|
| 1-бўлим I боб | 5-бўлим XXI боб | |
| 2 бўлим VII боб | 6-бўлим | 3-бўлим XIV боб |
| | | 4-бўлим XVI боб |

б) Қуйида берилган ифодалар қайси юридик ҳужжатларнинг мазмунини ёритмоқда:

| Топшириқлар | | |
|---|---|---|
| Ушбу Қонун фуқароларга таълимтарбия бериш; касб-ҳунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда фуқароларнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган | Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўз фаолиятларида "Таълим тўғрисида"ги Қонунга; шу қонунга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низомга амал қилади | Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратади |

Ушбу кўчада берилувчи шартларнинг таркиби ҳуқуқий лингвистикадан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан: берилган қўшимчалар орасида шундай бир мустақил сўзларни ёзиш талаб этилади, натижада юридик атама ёки икки, уч сўздан иборат тизим ҳосил бўлсин:

| | |
|---|---|
| МУ…ЛИК<br>ҚО…ЛИК<br>ТАЛ…ЧИ<br>БОС…ЧИ | -эркак кишининг исми ёрдамида ҳосил қилинувчи қасд тури (мукобиллик)<br>-алоқа алмашув воситаси ёрдамида ҳосил қилинувчи жиноят таркиби (қотиллик)<br>- лаҳза, муддат ёрдамида ҳосил қилинувчи жиноят содир этган шахс (талончи)<br>- пичоқ солинувчи махсус ниқоб ёрдамида ҳосил қилинадиган жиноятчи номи (босқинчи) |
| ТАД…КОР<br>КО…ТИВ | -санoқ сони ёрдамида ҳосил қилинувчи жисмоний шахс, маълум соҳа эгаси (тадбиркор)<br>-санъат тури ёрдамида ҳосил қилинувчи мулкчилик шакли (кооператив) |

### 4.30. Тафаккур кўчаси

Бу ерда хар бир гурух "Узбекистан давлат ва ҳуқуқи асослари" курси ирасидаги исталган мавзу юзасидан кўрсатмали қурол, жадвал ёки шарҳ йёрлаши керак бўлади.

### 4.31. Маҳорат кўчаси

Бу ерда ҳар бир гурух хукуқий мавзудаги шеър, кўшик ижро этиб еришлари керак (мазкур шартда ахлоқий мавзудаги, хусусан, адолат, ҳакиқат, диллик, ватанпарвапчик, инсонпарварлик, диёнат, виждон каби туйгулар акидаги бадиий асар намуналаридан ҳам фойдаланиш мумкин).

Ролли ўйинлар асосида ташкил этилган беллашувлар тахсил олувчиларда назарий хукуқий билимларни пухта эгаллаш, хуқуқий фаолиятни ташкил этиш эхтиёжининг юзага келишига туртки беради.

Демак, ўйин технологияларининг шакллари турличадир. Бирок, уларнии| барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилади. Яъни, ула|* тахсил олувчиларнинг назарий билимларини чукурлаштириш, кенгайтириш! эгалланган назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали **фойдалаи*** олиш кўникмаларини хосил қилиш, уларни ижтимоийиктисодии муносабатларни уюштиришга тайёрлаш, ижтимоий фаолликни шакллантирищ етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кени дунёкараш эгаси бўлган комил шахени камол топтиришга хизмат килади. J

### 4.32. «Заковатли зукко» методи щ

Дарсликларида берилган айрим мавзуларни мунозара шаклида утказяИ хам яхши самара беради. Мунозара дареларини ташкил этишнинг **ўзига *шШ*** технолгияси мавжуд. Ўқиувчи мунозара шаклида ўтказилиши мумкин бўДЯВ мавзуни танлайди ва уни тахсил олувчилар эътиборига ҳавола килади. **Тах**^И олувчилар ганлаган мвзуни "штурм" қиладилар ва муаммога тегитиИ маълумотларни атрофлича ўрганадилар. Укитувчи тахсил олувчиларга **"апН** штурм" топшириғини беради ва унинг коидаларини тушунтиради. **ТажИИ** олувчилар муаммо ечишга оид фикларни бир қанча вариантларда **иДИ** қиладилар, лекин ҳеч қайси фикр танқид остига олинмайди. Имкон ***шШ*** тахсил олувчиларнинг кўпрок фикр билдиришларига шароит яратилади. МЯ юзасидан тўғри ва тугал мунозарани ташкил этиш тахсил **олувчмяИИ** маҳоратига боғлиқ. Ўкитувчи мнозара муҳитини яратиш ва тахсил олувчиЯЯИ мунозарага жалб килиш учун ишни бир неча босқичга бўлиши **ва хар.Я** боскич учун тегишли машқлар ва йўналтирувчи саволларни белгилаб зарур. Буларсиз бахс-мунозара ўтказиб бўлмайди.

Дарснинг маълум кисмида укитувчи тегишли фикрларни ажратиб ол **тИ** мунозарани якунлайди. **Д**

Укитувчи дареда фаол қатнашган тахсил олувчиларни рағбатлантЗИИИ зарур топшириқни бериб, машгулотни якунлайди. **SHJ**



### 4.33. Таълимнинг ноанаъвий усуллари

**1.** Конференция дарси қўлланилиши.

Тахсил олувчиларга мавзу ёки режалар олдиндан берилади. Таҳсил олувчилар бу мавзу ёки режаларга мустакил пухта тайёргарлик кўрадилар. Ҳар бир синфдаги таҳсил олувчиларнинг энг итктидорли, аълочи, уз устида мустакил ишлайдиган болалардан 3-4 тасига мавзу ва режага тайёргарлик кўришни чукур ўрганиши, унинг максад ва вазифаларини, методологик асослари, илмий-назарий, амалий-услубий билимлар услубини принцип, қоида-қонуниятларини, мавзу режадаги муаммолар, уларнинг ечими тахлилини атрофлича ўрганиб келади ва мана шу 3-4 та таҳсил олувчи мавзуни атрофлича ёритиб беради. Барча тахсил олувчилар эса унинг камчиликларини, ютуқларини тахлил килиб тўлдирадилар, мунозара қиладилар. Бошкарувчи эса хар бир савол, мавзунинг қандай ва кайси йўл, йўналиш билан бойитилиб боришини, мавудан четга чикиб кетмасиликни назорат қилиб боради. Мавзу ва саволларнинг мазмуни, ечими, муаммоларни илмий-назарий, амалий-услубий жиҳатдан хал этилади, умумлаштирилади, хулоса килинади. Таклиф, тавсиялар берилади.

Афзаллиги.Ўз фикрини мустакил ифодалашга имкон яратилади. Айнан бир мавзу, савол чукур, атрофлича ечилади, унинг максад вазифалар, методологик асослари, муаммоларини таҳсил олувчилар мустакил, мунозара тарзда билиб оладилар. Дареда тахсил олувчилар фаол иштирок этадилар, ноанаъанавий даре шаклида амалга оширилади. Таҳсил олувчилар билмаган нарса, янгиликларини конференция дарсида билиб оладилар.

**2. Семинар дарси.**

Қўлланилиши. Бирор бир мавзуни ўқитувчи режалари билан бирга тузиб таҳсил олувчиларга олиндан беради. Улар бу режа асосида тузилган мавзу устида мутакил ўқийдилар, кутубхонада адабиётлар банкини тўплайдилар, Дарсга тайёргарлик кўрадилар. Дареда ўқитувчи шу мавзу юзасидан тахсил олувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини билиб оладилар. Семинар дарсида тахсил олувчиларнинг барчаси иштирок этадилар. Ўқитувчи ҳар бир таҳсил олувчидан мавзунинг максад ва вазифалари, усул ва шалларини, мазмун моҳиятини ^ЎРайди. Мавзу арофлича ўрганилади. Семинар дарсида ўқитувчи, бошқарувчи, ^Уналтирувчи ролини ўтаса, таҳсил олувчилар эса дареда фаол иштирок ^адилар.

Афзаллиги. ўкувилар ўз устиларида мустакил, ижодий ишлайдилар, эркин Р юритадилар. Мавзунинг мазмунини ёритиш учун адабиётларни мустакил ^пиб^Дз ^Р^ганадила Р- Кутубхонада изланадилар, мавзу бўйича янгиликларни Укиш имкониятига эга бўладилар. Семинар дарсида таҳсил олувчилар Мапи ^згиғояла Р^ни ишлашга ўрганадилар. Семинар дарсида таҳсил олувчилар уj^в^Т^агН го яларни гапириб бериш оркали уларнинг огзаки ва ёзма нутқлари (боғлиқ) холда ривжланади.

- «ник восталардан фойдаланиб даре ўтиш.

1*ьлим ЛЛаНШШиШ, Х^озиРги кунда мультимедиа, компакт дисклар орқали ^УМл ^жаРа^нида техник воситалардан фойдаланиб даре ўтилмокда. Рвжал^311. мУльтимедиа-маълУм бир соатга мўлжалланган, овозли, дастурли,

- ДТС га мое келадиган даре шаклидир. Ундан фойдаланиш учун

зуга оид бўлган маълум бир соатга мўлжаллантан ҳолда мутахассислар юнидан мультимедиа яратилди. Матндаги мавзуни экрандаги гьтимедианинг ўзи мазмунли, сифатли килиб яратиб беради.

Афзаллиги. Ўкитувчи даре жараёнида ортикча куч, билим, мехнат зфламайди. Таҳсил олувчилар фаоллиги ошади, мустакил, ижодий глайдилар, эркин фикр юритадилар. Дарсда замонавий усул билан ишлашга **1ганадилар.** Компютер ва ахборот технологиялари бўйича саводхонликка эга •'ладилар, дарсни техник воситалар ёрдамида ташкил этишни ўрганадилар. здеил олувчиларнинг дунёкарашлари ўсади, фаоллиги янада, ошади, лзикишлари ошади.

**4.** Бадиий ўкиш кўлланилиши:

Ўкитувчи даре жараёнида тарихий ўтмиш каҳрамонлари ижро этган асар, юман, бадиий адабиётлардан фойдаланиб даре ўтади. Масалан: педагогика ранини таҳсил олувчиларга ўкитишда бадиий ўқиш усулидан фойдаланишда 'Ўтган кунлар" романидаги Отабек ва Кумуш роли, Отабек ва унинг отаси ўрталаридаги муносабатлардан парчалар келтириб ўтган холда даре ўтиш билан амалга оширилади. Отабек сафардан (марғилондан) уйга кайтиб келган унинг ота-онаси "-Ўғлим! Сенсиз онанг билан маслахатлашиб бир жиддий ишга кўл уриб кўйдик",-дейди. Шунда Отабек: "Акдли инсонлар ўз ўғиллари устида^ қилган ишлари номақбул бўлмас", - деб жавоб беради. Мана шу парчани таҳси" олувчи-таҳсил олувчиларга мунозара, тахлил килиш учун хам бериш мумюс Отабек ва унинг отаси ўртасидаги одоб-оҳлок, шарқона маданиятнинг юкс даражадаги кўринишини тахеил олувчилар тушунтириб берадилар. Бу бил дарснинг таълимий-тарбиявий аҳамиятига ҳам, ноанъанавий усулнинг "бади ўкиш" усулидан оқилона фойдаланилади.

Афзаллиги. Бадиий ўқиш усули оркали тахеил олувчиларнинг тар!- миллий қадриятларга бўлган қизикишлари ортади. Даре ноанъанавий таи этилади, таҳсил олувчилар ижодий, эркин ўз фикрларини билдиришга ха_ қиладилар, бу билан уларнинг мустакил фикри, дунё караши усади, даре, қизиқишлари, фаолликлари ошиб боради. Тахеил олувчиларнинг турли ми қахрамонлар, роман хакидаги тасаввурлариошади, уларнинг одоб-' меъёрлари. Хулқидаги мавжуд бўлган нуқсонлари ижобий томонга ўзгараг!

**5**.Ўйлабтоп.

Кўланилиши. Ўқитувчи бу усулдан фойдаланишда таҳсил олувчи ўйлантирувчи топшириқ ва саволлар билан мурожаат қилади. *i* топшириқ ва саволлар мавзуга оид бўлиши зарур. Масалан: одобнома , ўқитувчи таҳсил олувчиларга шундай топишмоқли саволлар билан мур қилиши мумкин. "Бир одам хар куни 3 та нон олар экан. Биттасини ота-он яна бирини фарзандларига берар, қолган бириниэса ўзи ер экан. Нима; шундай килади?".

Албатта юқори синф таҳсил олувчилари бу топишмокли саволни топиб оладилар, лекин кичик ёшдаги тахеил олувчилар учун бу топи: саволни ечишда эврика усулидан фойдаланиш мумкин. Улар учун *С* ўйлантирувчи бўлиб, ақлий имкониятларни ишга солади. Уларни мажбур килади. Шунингдек, математика дарсида ўқитувчи тахеил олув^ шундай усуллардан бирини ноанаънавий тарзда қўлашши мумкин.

ўкитувчи таҳсил олувчиларга қуйидаги топшириқни беради:

"Ўнгача бўлган хоҳлаган бир сонни ўйланг ва уни бизга айтманг! Ўйлаган сонни иккига кўпайтиринг, жавобини хам айтманг! Унга иккини кўшинг, шундан сўнг чиққан сонни иккига бўлинг! Ҳосил бўлган сонни дастлаб ўйлаган сонингиздан айиринг! Барчангизда бир рақами қолади".

Дарҳакиқат, бу ўйлантирувчи, кизиқарли, ноанъанавий усуллардан биридир.

Афзаллиги. Бу усул орқали тахеил олувчиларнинг ақлий тафаккури ривожланади, дунёкараши ўсади. Мустақил ўйлашга интиладилар. Уларнинг оғзаки ва ёзма нутклари дунёқараш ва тафаккурлари оркали шаклланади. Дарс қизикарли ноанъанавий тарзда ўтади. Таҳсил олувчиларнинг дарсдаги фаоллиги ошади. Ўз фикр-мулоҳазаларини эркин юритишга шароит яратилади. Ҳар бир таҳсил олувчиларнинг ўз позицияси, йўли шаклланади.

**6.** Ўйинчокдар ёрдамида дарс ўтиш.

Кўлланилиши. Ўкитувчи даре жараёнида мавзуни ўйинчоклар ёрдамида ўтади. Мавзудан кеклиб чиқиб ўйинчоқлар ясайди. Олдиндан тайёргарлик кўрилади. Масалан: Одобнома дарсида яхшилик ва ёмонлик мавзусини ёритишда эртак қахрамонларидан келиб чиқиб ўйинчокдар, турли қўғирчоклар ясащ мумкин. Шу қўғирчок ва ўйинчоқлар ёрдамида дарс ўтилади, Ёки кичик ёшдаги таҳсил олувчиларга ўқиш дарсида "Зумрад ва Қиммат" эртагини тахеил олувчиларга тушунтиришда ўйинчоқлар, қўғирчоқлар ёрдамида образларга мое холда ясаб дарсни ўтиш мумкин.

Бу ноанаънавий дарс бўлади.

Афзаллиги. Тахеил олувчилар мавзуларни нафақат эшитадилар, улар ушбу мавзулардаги қаҳрамонларни ўз кўзлари билан кўғирчоқ, ўйинчоқлар ёрдамида куриб узоқ мудцат хотираларида саклаб қоладилар. Дарс кўргазмали тарзда амалга оширилади. Таҳсил олувчиларнинг хулкидаги одоб-ахлок, таълим тарбиявий томонига ижобий таъсир қилади. Дарс ноанаънавий бўли қизикарли фаол ташкил этилиши орқали таҳсил олувчиларнинг тафаккури, дунёкараши, ижобий образи ривожланади. Ўйинчоқлардаги образларда акс эттилган Қаҳрамонларни ўзлари ижро этадилар. Бу билан уларнинг театр санъати, ªРтистлик маҳоратлари ошиб боради.

7. Касбга боглаб дарс ўтиш.

Қўлланилиши. Ўкитувчи мавзуни ўтишда таҳсил олувчиларнинг касбий "аҳоратларини ошириш максадида касбга боглаб дарс ўтади. Бу усулни W ашДан максад таҳсил олувчиларни бирор-бир касбга қизиқтиришдир. ан: бошлангач синфлардаги одобнома, ўқиш дарелари орқали тахеил *У* чиларни касбга қизиқтириш максадида касбга боглаб дарс ўтиш усулидан ва ^ аланилади. Бунда мавзуни ёритишда касб-хунарга оид хаётий мисоллар **Косик**КараёʻШДа тахсил олувчиларга тушунтирилади. Тикувчилик, пазандалик, Устал чилик, де хкончилик, зардўзлик, наккошлик, устачилик, шафёрлик, спорт **Хаба** Хакида маълумотлар, хаётда эришилган ютуқлардан болаларни Р Қилинади. Касб-ҳунарга оид савол-жавоблар, бахс-мунозара, сухбат, ***араё***^На,5НИ эгаллага н шахслар билан учрашувлар ўтказилади. Буни дарс *bspyfi* да килса ҳам бўлади. Касб-хунар хақида тахсил олувчилага маълумот туриб, уларни яъни хунарли кишиларни дарега таклиф килиш оркали

алум бир вакт ичида улар ўзларининг фаолиятини келажак учун, жамият *т* фойдаси ҳақида савол-жавоб қилинади. Бу билан даре ноанаънавий пкил этилади.

**Афзаллиги.** Тахсил олувчилар даре жараёнида нафакат билим оладилар лки касб-хунарга оид бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. **1ҳсил** олувчиларнинг касбий кизиқишлари ортади. Келажакда маълум бир юбни эгаллай олиш имкониятига эга бўладилар. Даре хаётий, ноанаънавий гади. Таҳсил олувчилар мустакил, эркин, ижодий фикрлашга эга бўладилар. Шунингдек, даре жараёнида касб-хунарга қизиқишлар ортади.

8. **Бахс-мунозара** д: **реи.**

**Кулланилиши.** Даре жараёнида укитувчи мавзуни тушунтиришда юанаънавий тарзда тахсил олувчиларга савол-топшириқларни, бахс-йунозарадан фойдаланилган ҳолда амалга оширади. Даре ноанаънавий **шакдда** бўлади. Таҳсил олувчилар ўз фикр мулохазаларини очиқ билдирган ҳолда мунозарага бахсга киришадилар. Гуруҳларга бўлиб мавзуни бахс-мунозара шаклида ўтилса, даре янада жонли, кизиқарли бўлади. *i*

**Афзаллиги:** Таҳсил олувчилар дареда фаол иштирок этадилар. Уз **шахсий** фикрларини баён эта оладилар. Мустакил фикрлаш, эркин фикр юритиший ўрганадилар, дунёқарашлари шаклланади, оғзаки нутқлари ривожланади.

**9. Ёзма ишлар олиш.**

**Қўлланилиши.** Таҳсил олувчиларнинг мустақил билимларини ани мақсадида асосан ёзма ишлар олиш усулидан фойдаланилади. Даре жараё ноанаънавий усуллардан бири бўлган бу усулни қўллашда **таҳ** олувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари хисобга олинади. Уларга мур бўлмаган саволлар, топшириклар билан фойдаланилган холда ёзма иш **у** қўлланади.

**Афзаллиги.** Бу усул оркали тахсил олувчилар мустакил ишлаш, эркин; юритиш, ёзиш, фикрлани баён этиш имкониятига эга бўладилар. **Та** олувчиларнинг оғзаки нуткларидан кўра, кўпроқ ёзма нутқи **шалла** Уларнинг тафаккури, дунёкараши ривожланади. Илмий салоҳияти **ёзма** оркали ривожланади, карор топади.

**10. Илмий-оммабоп адабиётлардан фойдаланиб даре ўтиш усули.**

**Кулланилиши.** Ўқитувчи дареда янги мавзуни тушунтиришда **ноанаьн** усуллрдан бири бўлган илмий-оммабоп адабиётлардан фойдаланиб **даре;** Тахсил олувчиларга мавзуни ёритиб беришда замонавий илм-фан ютукд" оммабоп адабиётлардан фойдаланган холда мавзуни асослаб Гурухларга бўлиб, тахсил олувчиларни мустақил илмий-оммабоп адаб устида ишлага ўргатади. Таҳсил олувчилар илмий-оммабоп **адаби-** мустақил дареда ўрганадилар, тахлил киладилар. Тушунмагав ўқитувчилардан сўраб, билиб оладилар. Ўкитувчилар бу уелларни билан дарсни ноанаънавий ташкил этадилар.

**Афзаллиги.** Даре ноанаънавий усулда бошкарилади. Таҳсил **ол** илмий-оммабоп адабиётлар устида ишлашга ўрганадилар. Илмий-- адабиётлардан хабардор бўладилар. Мустакил, ижодий ишлашга **ўрга** Дареда бадиий адабиётларни ўрганиш ва тахлил килиш оркали олувчиларнинг дунё қараши ўсади, тафаккури ривожланади. Даре

илмий-оммабоп =„ *к* •

зерпкмайдилап хам „ а, да р с Қизиқарли тэт„, УРганадилар, эркин

* * * * * ^ Г у ~ Г й д а л а р " б — р дач
Ривожланади. у зРДа илми«-наза р ий, услубий-амТ, ^ устВДа ИШлац^а
амалий билим, тажрибалар

# V БОБ. ТАЪЛИМДА УКИТУВЧИ ВА ТАҲСИЛ ОЛУВЧИ ФАОЛИЯТИ

## 5.1. Педагогик технология доирасида ўкитувчи ва тахеил олувчининг ўрнн

Педагогика курсидан маълумки, дарс - ўкитиш ва ўрганишни ташкил гишнинг асосий шакли ҳисобланади. Дарсга тайёрланиш ва уни юқори слубий савияда ўтказиш ҳамда тўғри баҳолаш учун дидактикада дарсга ерилган таърифга эътибор қаратайлик. Дарс - мантикий тугалланган, яхлит тсув-тарбиявий жараённинг аник вакт билан чекланган қисми [12]. Шунингдек, гқув тарбиявий жараённинг асосий элементлари: максади, мазмуни, воситаси $а методларини ўз ичига олади. Дарснинг сифати ҳар бир дарс компонентларининг тўғри аникланганлиги уларнинг рационал уйғунлашувига боғлиқ. Дарс бу ташкилий шакл бўлиб, унда ўқитувчи аник белгиланган вакт давомида махсус ажратилган тахеил олувчилар доимий гуруҳи(синфи)нинг жамоавий, якка тартибдаги хусусиятларини хисобга олган холда рахбарлиш қилиш ва барча тахеил олувчиларнинг ўрганаётган материал асосларини эгаллашлари, хамда билиш кобилиятларини тарбиялаш ва **ривожлантири1г~** кулай шароитлар яратиб берадиган ахборот технологияларидан фойдалан

фаолияти жараёнидир.

Ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва амалий мақсадлари асосан дар амалга оширилади.

**Ўкитувчининг дарсга тайерланиши. Укитишни ташкил этишнинг бм шакллари.** Дарсни методик жихатдан: **ХАР** бир дарсда аниқ таълимий тарбиявий масала хал қилинади; аник бир ўкув материалини тахеил **олув4** таҳсил олувчиларга егказиш учун муносиб ўкув методи танлаб олинади; ***таЩ*** олувчи-таҳсил олувчилар жамоаси аник бир фаолиятга жалб этилади. ^ а " * | белгилар асосида дарсга зарур талаблар кўйилади. Дарсга қўйила""* талаблар дарснинг мавжуд белгиларига караб гурухларга бўлинади.

Дарсда ўқитишнинг асосий максади ягона бўлсада, унда бир **неча;** масалалари хал килинади. Тахеил олувчи-тахеил олувчиларнинг **кўникм** малакаси(ўтган ёки жорий дарс)ни шакллантиришда янги билим **(кў"~** шаклида конун ёки алгоритмлар тайинланади ва асосланади) берилади, ***f*** материал мустаҳкамланади (такрорлаш турли масала ечиш йўллари **бя** Навбатдаги дарсга тайёргарлик кўрган ўқитувчи унинг максади ва **мазму** олдиндан билиши лозим. Шуни эсда сақлаш жоизки, дарснинг максади ? мазмунини аниклайди.

Дарсда нима қилиш керак? деган саволга жавоб бериш лозим. М* "Келтирилган квадрат тенглама" мавзусига тайёргарлик кўрганда **ўЮ** аввал «Чала квадрат тенглама» ва "Уч хаддан икки хадли тўла **кв** ажратиш" каби мавзуларнинг ўтилганлигини хисобга олиши лозим. дарснинг максади "Келтирилган квадрат тенглама"ларни ечиш алгорит» тахеил олувчи-тахеил олувчиларни таништириш, бунинг учун "Чала тенглама"ни ечиш, «Уч ҳаддан икки ҳадли тўла квадратни **ая** кўникмаларини текшириши лозим.

Ўкув жараёнини ташкил қилишнинг бошка шакллари.



**Таълимнинг Давлат стандарти(ТДС), Таянч укув режаси, дастур, ўкув қўлланма ва** дарсликлар1шнг **тахдили.** Стандарт-колип, ўзгармас андоза деган маънони англатади. Умумий ўрта таълим таълимнинг Давлат стандарта таҳсил олувчи-таҳсил олувчилар умумтаълим тайёргарлиги ва савиясига куйиладиган мажбурий, минимал талаблар даражасини белгилаб беради.

ТДС таълим мазмунини, шакл, восита ва усуллари хамда унинг сифатини бахолаш тартибини белгилайди. ТДС ўз моҳиятига кўра ўкув дастурлари, дарслик, қўлланма, низом ва бошка меъёрий хужжатларни яратиш учун асос бўлади.

ТДС талабларини бажариш Узбекистан Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишдан қатъий назар барча таълим муассалари учун мажбурийдир.

Ўкув фанларига ажратилган соатлар (ўқув юкламасининг юкори) хажми ТДСида аниқ кўрсатилади.

Ҳар бир курени ўзлаштиришда муассаса таҳсил олувчи-таҳсил олувчиларининг эгаллашлари зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларга Давлат томонидан қўйилган талаблар баён килинган.

ТДС таълимининг мазмунини белгилаб берувчи дастур учун бош мезон хисобланади. Таълим стандартининг меъёр кўрсаткичлари динамик характерда бўлиб, таълим жараёнининг гакомиллашуви, фан ва техника ютукларининг натижалари билан тўлдирилиб борилади.

ТДС асосий компонентлари куйидагилардир:

1. Низом.
2. Таянч ўкув режа.
3. Фанинг ўкув дастури.
4. Дарслик ва ўкув қўлланмалар.
5. Методика, ЎТ.
6. Мустакил ва ёзма ишлар.
7. Тестлар тўплами.
8. Таълимий мусобақалар тизими.
9. Янги ахборот технологиялари.
10 Рейтинг тизими технологияси (Стандартнинг таркибий кисми) ва б.

## 52. Укитувчи ва тахеил олувчи ўртасидаги муносабатларининг мезони

>екис.тпи т>—— .... .J „• rmjv-<iuai.iapiiiliIiii'мезони

Узбекистан Республикаси мустакилликка эришгач, таълим тизимини „ и л этиш давлат сиёсатида марказий ўринлардан бирини эгаллади. Бу эса екистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги конуни хамда «Кадрлар Рлаш миллий дастури»нинг яратилишига асос бўлди. Натижада таълим Раёнида таълим мазмунининг янги лойиҳасига - илгор педагогик Давлат°ГИЯЛарГа ^тиш за РУР ияти вужудга келди.

ва жамият тараккиётини таъминлашда ёш авлоднинг билимдонлиги ва Пред. 0 р л и г и мухим ўрин тутади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг *айд 11X11 И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон буюк келажак сари" асарида таракхи"^ Ўтганидек, "Факат билимли, маърифатли жамиятгина демократик Иетнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва, аксинча, билими

ьлумки, Абу Наср ал Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, ал сҳаммад ибн Хоразмий ва бошқаларнинг ғоялари дунё ижтимоий-педагогик раёнига кўп жихатдан таъсир этиб, маълум даражада уйгониш даврининг осий шарт-шароитларини яратиб берган.

Шарк мутафаккирлари хулосаларининг ўзига хослиги шундан иборатки, іар илгари сураётган педагогик ғоялар бевосита ўрганилаётган фан **1нтиқидан** ажратилмаган. Таълим-тарбия мақсади, принциплари, мазмуни ва ;лубларига хос гоялар махсус адабиётларда берилмай, балки бевосита билим, кгидор ва кўникмаларни шакллантириш масалаларига багишланган цабиётларда ёритилг;,и. Қомусий олимлар асарлари лотин тилида ўрта аср Европа университетларида ўқув қўлланмалар сифатида фойдаланилиб келган. 1ъни, бу асарлар табиий ва ижтимоий илмлар билан бир каторда мумпедагогик ва хусусий услубий илмларни ривожлантириш учун асос >ўлган. Абу Али ибн Синонинг педагогик ғояларга тўла "Зийракли - Тирик **|Тлон"** асари испан адиби Ибн Туфайланинг "Якзон ўгли Ҳайя" номли ловестининг ёзилишига асос бўлган. Бу асарлар лотин тилида нашр килинган бўлиб, улар Ж.Ж.Руссога таниш эди. У ўзининг "Эмиль ёки тарбия ҳақида" асарини ёзишда юқорида номлари келтирилган асарлардан фойдаланган. Испаниялик педагог олим Гундисалва (XII аср) "Фалсафанинг бўлиниши" номли асарида Абу Наср Форобийнинг "Фанлар саноги" асарини лотинча ижодий таржимасини килади. Гундисалва бўйича илмий билиш борлиқнв^ тажриба асосларида ўрганишдан кейин гипотетик тахминлар, индуктив ёки: дсдуктив хулосалар чиқарилиб, амалда синалади. Яъни, амалиётга **яна** кайтилади. Демокчимизки, В.И.Ленин томонидан баён этилган "жонл***ў** мушоҳададан абстракт тафаккурга"... гояси бир неча аср олдин Абу Наф. Фаробий томонидан кайд этилган.

Оксфорд университетининг профессори Роджер Бекон (XII аср) Абу Най Форобий ва Абу Али ибн Синоларнинг хулосаларини чукурлаштириб, ўзиния "катта", "ўртача" ёхуд "кичик" комусий асарларини ёзади. XVI аерда ян ижод килган чех педагоги Я.Коменский дидактикани ривожлантирии хусусан, таълим жараёнига ўқув режа, укув йили, синф-дарс тизимини тат этиш, таълим даврини муайян муддатларга бўлишга йўналтирилган фаол» билан муносиб хисса қўшди. Албатта, мутахассисларни оммавий тайёрл* шароитида таълимни ташкил этишнинг синф-дарс тизимидан бошқа **Ш1** таклиф этилгани йўк. Лекин ўрта шаркда, IX аерда ҳали Оврўпонинг ***И*** жойларида, жумладан, Россияда хуснихат ишлатилмаган бир вактда **Ку** урганчда Маъмун академияси фаолият олиб бориб, унда табиий, тибб астрономия ва коинот илмлари бўйича йирик ижтимоий кашфиётлар ам« оширилди.

XIX аерда Россия Туркистонни ўз мустамлакасига **айлантиргаНИД** хусусан, октябрь инкилобидан кейин ўлка мактабларида ўзига хослик **йўкрй** Маҳаллий мактаблар "Кодиминская школа"га айланди, рус-тузем **мактабЛ** кўкларга кўтарилиб, унинг намояндалари ўзбек халқининг миллий **ифтихс** айлантирилди.

Шарк мутафаккирларидан Жалолиддин Давоний "Ахлоқ бу ирода махсули" деган эди. Ушбу иборани Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн J



асарларида хам учратиш мумкин. Бу иборанинг тагида жуда катта маъно ётади. Андишанинг оти ҳақиқатдан хам қўрқокликми ёки андишалилик, босиқлик, тўзимлилик, бу иродавийлик, кучлилик белгисими? Баҳсда сукунат сакдаш қўрқоқликми ёки маданиятлиликми? Бу ва шунга ўхшаш хислатлар тушунчаси умуминсоний кадриятлар билан миллий ўзига хослик ўртасидаги мувозанатни белгилайдиган мезонлардан хисобланади.

Ҳадислар бутун мусулмон мамлакатлари каби бизда ҳам яқин ўтмишимизгача тарбиянинг асоси қилиб олинган. Пайғамбаримиз Мухаммад Алайҳиссаломнинг хулқи, одоби, турмуш тарзи, кундалик ҳаётининг тафеилотидан иборат хадисларни бизнинг шароитимизга тўғридан-тўғри кўчириш мумкинми, уни тарбиянинг тўлиқ асоси деб қараш нечоғлик тўғри бўларкин?

Комил инсон шахеига хос бўлган ижобий хислатларнинг ўзи нечта? Узбек миллатида ижобий хислатларни шакллантириш ва ривожлантириш технологияси қандай тузилади?

Таълим ва тарбия мафкурасини белгилайдиган шахеий хислатлар моҳиятига назар солинса, унда қуйидагилар яққол кўзга ташланади.

Шахенинг умумий хислатлари: ёкимлилик, кўркамлилик, жозибадорлик, фусункорлик, басавлатлилик, салобатлилик, ривожланганлилик, хурматга сазоворлик, шоироналик, <u>руҳданганлик,</u> улуғворлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик ва бошкалар.

Шахенинг ахлокий хислатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, куюнчаклик, одамийлик, болажонлик, имонлилик, фидокорлик, хушмуомалалилик, боадаблик, илтифотлилик, очиқ юзлилик, кечиримлилик, меҳмондўстлик, хушахлоқлилик, ҳамжиҳатлик ва бошқалар.

Ишбилармонлик хислатлари: ишчанлик, тиришкоклик, серҳафсалалилик, серҳаракатлилик, масъулиятлилик, ҳалоллик, инсофлилик, уддабуронлилик, сифатлилик, эпчиллик, орасталик, тартиблик, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик ва бошкалар.

Зукколик, идроклилик хислатлари: зеҳнлилик, бамаънилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, асослилик, фаросатлилик, сезгирлик, заковат, топқирлик, лўндалик, далиллик, омилкорлик, саводхонлик, Кизикувчанлик, ишкибозлик ва бошкалар.

^ Собитлик хислатлари: фаоллик, қатьиятлилик, тезкорлик, куидипиштиллик, жўшқинлик, зардалилик, саботлилик, бир сўзда туришлик, баркарорлик, ботирлик, довюраклилик, интизомлилик, эрксеварлик, Жиддийлик, нафеини тийишлик, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, ўзига талабчанлик, камсукумлик, одамохунлик, ўзини ирода эта билиш кабилар.

Эҳтирослилик хислатлари: некбинлилик, кўтаринкилик, тантанаворлик, кулиб турувчанлик, хазинлик, ишонувчанлик, хаёлчанлик, келажакка ишонч, ЭЗгУлик, кек сақламаслик, мушфиқлик, олижаноблик, оташинлик, нозик ^биатлилик, уятчанлик, хижолатлилик, иффатлилик ва бошқалар.

Ҳаммаси бўлиб ижобий хислатлар сони 50дан ортиқ. Тарбия 'курасининг мақсади шахсда мана шу хислатларни шакллантиришдан Рат. Бунинг учун ўқув-тарбия жараёни, ҳадислар, оила, маҳалла, анъанавий УМлар-тўй, аза, маърака, улфат ва бошқа кам ва кўп сонли одамлар иштирок

диган йиғинлар, сайллар, меҳмондорчилик, оммавий ахборот воситалари, ;оналар, романлар ва бошқалар восита бўлиши мумкин.

Юкорида кўрсатилган шахсий хислатларни шакллантириш ўкув-тарбия шарининг асосий вазифаси хисобланади. Ана шу маънода тарбиянинг умий максади шахсда умуминсоний хислатларни шакллантиришга ратилади.

Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларнинг бой гросини ўрганар эканмиз, таълим тарбия масаласида миллатга хос ёки мое юҳида фикрни топа олмаймиз. Шунинг учун хам бутун дунё халкдари парнинг меросидан б..рдек фойдаланишади.

Дунё таълим тизимида янги ахборотли технологияларнинг кескин |**Ивожланиши** натижасида мутахассис учун керахли билим ва кўникмалар алиби хажмининг ортиши боис ўкув юртлари таълим тизимларининг вакт «гаралиги орасидаги номутонасиблик мавжуд муомманинг асосидир.

Малакали мутахассисларни доимий равишда қўллаб-кувватлаш мақсадида ва уларни доимий ўзгариб турувчи нестандарт шароитларда амалий фаолиятга тайёрлигини таъминлаш эхтиёжи туғилмокда, натижада кўшимча, ноанъанавий, -• параллел мустакил таълим тизимларини яратишга эҳтиёж ошади.

Бу муаммолар орасида энг муҳимлари муайян мутахассисликдав **1** иккинчисига ўтиш, мутахассислик бўйича малака ошириш муаммолар(| хисобланади. *Щ*

Ўзбекистон Республикаси бозор иктисодиётига ўтишда ўзига хос йўл танлаб олгани боис меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш иктисодиёти, маиш хизмат, социал жабҳаларда янги жиддий таркибий ўзгаришлар юз бераяпти. ўзгаришлар янги ва ўзига мое мутахассис кадрларни тайёрлашни тақозо эта; Кўп ҳолларда бу жараён янги мутахассисликка ўтиш билан боғлиқ бўлади.

Муайян мутахассисликдан иккинчисига ўтиш жараёнининг оғир ёки і кўчиши таянч ўкув режасининг қанчалик мустаҳкам эгалланганлигига боғл Ҳозирда узлуксиз таълим усурлари кадрлар тайёрлашнинг миллий модея асосан жиддий ўзгаришларга учради. Шу боис узлуксиз таълим фалсаф( қонунияти, узлуксиз таълим усурларининг бир бирига монандлиги муаммолар кайтадан кўриб чикиляпти.

Ҳозиргизамон цивилизациясининг ривожланиши, цивилизация ма қатламининг ўсиши, шахснинг социал ўрни, шахе талаб ва эхтиёжлари ўсиши, жамиятнинг инсонпарварлашуви ва демократлашуви сабаб маротаба (институт диплом, техникум диплом) олинган таълим бўлмай колди. Ҳозирги шароитда таълимни бутун умр янгиланиб, боришини таъминлаш эхтиёжи тугиляпти.

Узлуксиз таълим - шахе ва жамиятнинг ривожланувчан, тобора хажмдаги таълимий эхтиёжларини вакт бўйича, йўналиши бўйича хар * инсон учун ўзи хохлаган йўналишда таълим олиш, малакасини оВ имкониятларини яратишдан иборат.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга ошк шахе учун ниҳоятда кенг имкониятлар яратилишини тақозо этади. У[3] таълим субъектлари (тахсил олувчи, **тахсил** олувчи, малакасини оп мутахассис) бир ўкув юртидан иккинчисига, таълим тизимининг!



табакасидан юқори табақасига, юқорисидан пастга, агарда хоҳиш билдирилса интеллектуал имконият даражасида ўкув фаолиятидан ишлаб чиқариш фаолиятига, ёки илмий текшириш фаолиятига ёхуд таълим жараёнини узок вакт (20-30 йил) тарк этиб, яна ўкув жараёнига кайтиш имконини беради. Бунинг учун кўшимча таълим шоҳобчалари ниҳоятда хилма-хил бўлиши таъминланади.

Узлуксиз таълимнинг инсонпарварлашуви таълим олувчиларни субъект сифатида қарашни тақозо этади. Яъни, ўқитувчи ва тахсил олувчи муносабатлари тамомила янги, инсон шахеига хурмат, умуминсоний қадриятларни улуглаш, санъат, маънавият, ахлоқий меъёрларни ўрганиш объекта эмас, балки ўкув - тарбия жараёнининг компонентлари сифатида карал ади.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделида кўзда тутилган узлуксиз таълимнинг асосий параллел, базали ва қўшимча, расмий, норасмий давлат ҳамда нодавлат тузилмалари йўналишларини тартибга солиш, шахени доимий равишда ривожлаштиришнинг ўзак кўрсаткичларидан хисобланади.

Узлуксиз таълим унинг иштирокчиларидан билиш, иктидор, кўникмаларни мустақил равишда шакллантиришни такозо этади. Ҳозирги шароитда тарбиянинг туб маъноси ҳақиқатдан ҳам бутунлай янгича талқин қилинмоғи даркор. Тарбия жараёнида жамиятининг ўсиб келаётган ёш авлоди ўзидан олдинги авлод томонидан тўпланган билим, одоб, урф-одат, маданият ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштиради, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш ва ҳаётий тажрибага эга бўлиш учун ўз савияси ва дунёқарашини шакллантиради. Тарбия жараёнида ҳали кекса авлод олдида бўлмаган янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган хислат ва сифатлар хам шакллантирилади. Бунинг учун эса янгича билим бериш, ўзгариб борувчи меҳнат ва ҳаёт шароитларига мувофиқ, танқидий ижодий фаолият билан шуғуллана олиш кўникмалари таркиб топган бўлиши лозим. Тарбия жараёнида мавжуд жамият имкониятларини топиш уларни ривожлантириш максадида кекса авлод томонидан орттирилган тарихий тажриба тўлдирилган, янада Мукаммаллаштирилган ҳолда ёш авлодга сингдирилади.

Ҳозирги даврда узлуксиз таълимни амалга ошириш умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими мазмунининг ниҳоятда хилма-хил бўлиши хамда босқичларнинг тадрижийлигини таъминлашни талаб этади. Давлат таълим стандартларини тузиш, таълим мазмунини танлашда курсларнинг инвариант ва ^ариантив кисмлари нисбатини белгилашда интефациянинг шакллари (анъанавий ва УКИтишнинг ноанъанавий актив методлари), интеграциялаш даражалари(дидакшк [си]нтез даражаси, предметлараро богликликни таъминлаш даражаси)дан, инте- ^ЙЗ®Ш_ЛУ£лари (умумиллий, хусусий, илмий, муаммовий), интефациялаш ^ЙШЩлаои (янги таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, таълимни фан "Шлаб чиқариш билан интеграциялаш, дунё таълим бозорида менеджмент ва '/[!стинги]и ривожлантириш), интеграциялаш анъаналари (таълимнинг ^ Уворлиги хамда миллий йўналганликни таъминлаш, таълимни нпарварлаштириш ва демократлаштириш, таълим жараёнида инсон ни ривожлантиришни кўзда тутиш)дан унумли фойдаланиш даркор.

[3]луксиз таълимнинг ҳаётийлигини таъминлашда унинг вертикал ташкил

^вчиси (ўқув режаси, дастури, поғоналари), горизонтал ташкил этувчилари /шимча таълим, расмий, норасмий, нодавлат тузилмалар), таълим зилмаларини интеграциялаш элемеитлари орасидаги турли муаммолар ечими адинлаштирилади.

Ўкув-тарбия жараёнида таҳсил олувчиларда тафаккурни такомиллаштириш гализ ва синтез, абстракциялаш, умумлаштириш, аниқлаштириш шаклларида амоён бўлади. Бу жараёнда фикр вужудга келади, тушунчалар шаклини олади, ўнг муҳокама гипотеза, қонуниятлар шаклида юзага чикади. Фикрлаш >аолияти нутқ шаклида хам намоён бўлади. Тафаккур нутқда ўз аксини топиб, сулокот жараёнида с, ттирилган тажриба бошқа шахсларга хам узатилади. Гафаккурнинг акдий операция ёхуд элементларини қуйидагича тасаввур этиш думкин. Тафаккур тасаввур қилишдан бошланади, кейин тушунча ҳосил эўлади, тушунча идрок қилинади, хосил килинган ахборот мухокама орқали умумлаштирилади, умумлаштиришнинг юқори даражаси мантиқий ёхуд ижодий фикрлаш, хулосага келиш билан якунланади.

Таҳсил олувчи-ёшларда зукколик, ақллилик хислатлари шакллантирилаёт-ганида унинг мезонларига эътибор қаратиш даркор. Ҳозирги дунё таълим бозорида ақлли бўлиш учун фақат билим, иктидор ва кўникмаларнинг ҳажми | етарли эмас. Аклли шахс деганда маълум малакага эга бўлган, аналитик ва синтетик фикрлай оладиган, вокеликни индуктив ва дедуктив тарзда ташкил эта оладиган, алгоритмик фикрлаш қобилиятига эга бўлган тадбиркор, интизомли*щ* шахс тушунилади. Ушбу хислатларнинг бирортаси етарли бўлмаса шахсниЯ мукаммал деб бўлмайди.

Тахеил олувчи шахеи хам буюртмачи, хам истеъмолчи, ўз-ўзинийШ бошқарувчи хамда ўз-ўзини тўғри йўлга солувчи сифатида ривожланган тизи1и| хисобланади. Шахс психологик фаолиятини бошқаришда ички танлйЩ мезонлари тез-тез ўзгарувчан хусусиятга эга. Ёш бўгинларнинг дастлабки ичйиВ хислатларини бирон хулоса қилишда шошилмаслик, умуминсоний, мишияЖ ватанпарварлик кадриятларига амал қилишни таъминлаш алохида ахамият ка*^в-этади. Ёшларни миллий истиқлол ғояларига, мафкурага зид оқимларга КУ^иил'^К" кетишларининг олдини олиш борасидаги бирдан-бир йўл уларни милл»Шё мафкура гоялари билан қуроллантиришдан иборат.

Таълим ва тарбияда инновацион жараёнларни амалга ошириш таълимняЯр янги шакл ва механизмларини кашф этилишини такозо этади. Бундай шаклДИ| механизмлардан инновацион банклар, инновацион дастурларни амалга ***ошнрЩШ*** марказлари, илмий-амалий марказларни ташкил этиш, борасида фойдаланЯ» кўзда тутилади.

Ҳозирги даврда тахеил олувчи-ўқитувчи муносабатлари ва таҳсил олувчЛШЖ шахеий хислатларини шакллантириш муаммоларини тадқик этиш муаммЯд-илмий мавзуларда қайд этилмаган. Халқ таълими вазирлигида тахеил олув**'яЩд,** шахеий муносабатларига бағишланган бўлимнинг хам йўқдиги каби бир**ДИЬ*** объектив муаммолар мавжуд. Яна бир муаммо, бир томондан ўрта умумтааШИГ давлат стандартларини ишлаб чиқилиб тасдикданди ва таълим-тарбия жарачя аста-секин жорий этилаяпти. Бирмунча мураккаблаштирилган, юкори *са^шшт* жахон талабларига мое фан стандартларини амалга оширишга барча ***укупУ^ШШ§*** тайёрми? Мана шу муаммоларни хал этиш халк таълими ходимлари °ЧИ



турган муҳим вазифа хисобланади.

### 53. Билимларнинг кўникма ва малакаларга айланиш технологияси

Даврнинг долзарб муаммоларидан бири-таҳсил олувчиларнинг касбий махоратини ошириш, уларда муҳим касбий билим, кўникма ва малакаларни хосил килишдан иборат.

Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида Республика Президента И.А.Каримов олий таълим тизими олдида турган муҳим вазифалар хусусида тўхталиб, шундай деган эди: «Укув билим юртларимизни битириб, таълим-тарбия олиб чиқаётган ёшларимизнинг олган мутахассислиги ва тайёргарлиги кўп жихатдан замон талабларига, бозор иқтисодиёти эҳтиёжларига жавоб бермаслиги кўзга ташланмокда.

...олий ўкув юртини битираётганлар қандай талабларга жавоб беришини аниқлаб олишимиз керак». Бу шубхасиз, тахеил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига сифат жиҳатидан юқори бўлган бир қатор талабларни қўйишни тақозо қилади. Шундай экан, таҳсил олувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида ўрганиши керак бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг сифати устида ишлаши мухим аҳамиятга эга.

Билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш таълим жараёни негизини характерлаб, унинг асоси, мухим шарти сифатида юзага чиқади. Шунга кўра педагогика назарияси ва амалиётида ушбу тушунчалар фундаментал аҳамиятга эга. Билим, кўникма ва малакаларнинг мазмуни ҳамда уларнинг шаклланиш жиҳатлари психология, дидактика, хусусий методика ва амалий машгулотларга оид адабиётларда назарий жихатдан асослаб берилган. Бу тушунчаларга аник таъриф* берилганига қарамай, мазкур тушунчалар янада чукур ўрганиш ва назарий жихатдан ҳар томонлама асосланишга муҳтож.

Педагогикага дойр адабиётларда «билим» тушунчаси одатда инсонлар томонидан мавжуд вокеа-ҳодисалар, табиат ва жамият конунларини билиш маҳсули сифатида баҳоланади.

Бундай таъриф, асосан, билимнинг фалсафий қиррасини очишга хизмат Килади. Дидактика назариясида эса «билим» тушунчасига нисбатан икки томонлама ёндошилади.

а) таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштириш лозим бўлган билимлар;

б) тахеил олувчилар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида "Улланиладиган, шахеий хислатларни ифода этишга хизмат килувчи билимлар.

Юқорида келтирган биринчи таъриф таълим мазмунини ифодалайди. Бу лимлар адекват хусусиятга эга бўлиб, ўзида жамият ҳаёти ва амалиётида тасдиқланган моддий борликни акс эттиради.

Билимлар қотиб қолган ўзгармас ҳодиса эмас. Жамият ҳаётининг тарихий Р Ккиёти давомида билимлар хам узлуксиз аникланиб, ривожланиб, ^^Урлашиб ва баъзан жиддий ўзгаришларга учраб, такомиллашиб боради. от^агогика назариясида билимларга хос бўлган ушбу омилни ҳисобга ндагина таълим мазмунининг илмийлиги таъминланади. Укув предмети Расида такдим этиладиган билимларни икки гурухга ажратиш мумкин: 1) ФИқ тарздаги фан асосларини ифодаловчи илмий билимлар; 2) долзарблик ^Рғунлик жихатига кўра ўзгарувчан бўлган ахборотлар кўринишидаги

;андай амалга ошириш лозимлиги, иш жараёнида таҳсил олувчи дуч келадиган ;ийинчиликларни кўрсатиб беради.

Тўртинчи босқич - харакатни амалий ўзгартириш, малакани лакллантириш билан белгиланади. Малаканинг шаклланиши харакатни эажариш усулини такомиллаштиришга қаратилган машкдар жараёнида амалга ошади. Бунда таҳсил олувчи англанган ҳолда қоидалардан фойдалана бошлайди. Бу ўринда ҳаракатларни тахлил қилиш, хатоларни ўрганиш ва уларни олдини олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бешинчи босқич - мустакил ва тизимли бажариладиган машклардан иборат бўлади. Бу машкларда мураккабликнинг ошиб бориши билан биргаликда уларнинг хилма-хиллигига эътибор берилади, шунга мувофиқ I фаолият кизикарли ва кўпчилик ҳолларда ижодий тавсифга эга бўлади.

Малакалар шаклланишида машқларни вақт бўйича тақсимлаш мухим щ ахамиятга эга бўлади. Узок вакт давомида узлуксиз бажариладиган машкдар 1 натижаси толикиш туфайли кутилган самарани бера олмайди. Бундан келиб Щ чикадики, машқларни бошка турдаги фаолият ёки дам олиш билан алмаштириб Щ олиб бориш лозим.

Машклар самарадорлигига улар орасидаги танаффуслар хам сезиларли таъсир кўрсатади. Жуда чўзилиб кетадиган танаффуслар машқлар натижасини ёмонлаштиради ва уларга сарфланадиган вакт хажмини кўпайтиради. Психологик тадкикотларнинг хулосасига, кура машкларни таксимлашда таълим бошида тез-тез такрорлаш ва аста-секин улар оралиғини ошириб бориш кулай хисобланади.

Малакаларнинг шаклланиб бориш даражасини ҳаракатлар тезлиги Щ аниқлигига кўра билиш мумкин. Бундан ташқари, харакат натижалари I тургунлиги хам аҳамиятли омил хисобланади. Юқори даражада шаклланганЛ малакалар ҳаракатлардаги алоҳида муваффақиятлар билан эмас, балки давомяц юкори натижаларга эришиб бориш билан белгиланади. Агар ҳаракатларняЖ бажаршининг яхши натижалари уни янги, янада мураккаб ҳаракатлар тизимипД киритилишидан сакдаса, бу тўлоқонли шаклланган малакадан далолат берадЖв ва унинг шаклланганлигининг яна бир мухим мезони хисобланади.

Машкдар давомида малакалар мослашувчанликка эга бўла боради, яъв харакатни бажариш холатларига кўра мое услубларни танлаш кобилияти хра бўлади. Укув устахоналарида тахсил олувчилар керак ли малакала ривожлантириш ва ўрганувчи машкларни бажаришга деярли вақти бўлмайди«|

Муайян меҳнат тури шунингдек, хар бир касбга ўзига хос кўникма| малакалар мое келади. Аник мехнат турларининг сони жуда кўп бўлганлЯ сабабли олийгохлар таҳсил олувчиларини барча турдаги касбий кўникма^ малакалар билан қуроллантиришга қодир эмас. Бунинг учун зарурият хам Щ Малакалар кўчиш хусусиятига эга. Ушбу хусусият бир фаолият тур ўзлаштиришни бир мунча осонлаштиради Шу сабабли, тахсил олувчиларни. умумий ва типик фаолият турига оид кўникма ва малакалар Щ куроллантириш лозим. Фаолият турларининг психологик таркиби, мазм амалга ошириш усуллари малакаларнинг кўчиш шарти хисобланади. Щ учун металлни арра ёрдамида қиркиш ва эговлашда унга босим бериш Щ этилади. Бунда тахсил олувчининг шароити асбоб ускуналарнии тутии



ҳаракатларни назорат қилиш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Зубило ёрдамида металлни киркиш, парчалаш, тўғрилаш, эгиш, ҳамда тоблашда зарбий харакат асосий хисобланади. Асбобни тутиш, гавда холати, харакатларни умумий назорати бир хил бўлади- Шунингдек, бошқа кўплаб харакатларни бажаришда хам муайян ўхшашликлар мавжуд. Тараккий этаётган ишлаб чиқаришнинг илмий-техник асослари ишчиларнинг турли соҳалардаги меҳнатини мазмун жихатидан янада яқинлаштирнб боради.

Малакаларнинг кўчишида уларни ўзлаштиришнинг моҳиятини англанганлиги муҳим ахамият касб этади. Маълум бир малакани ўзлаштиришда таҳсил олувчи нафақат мое харакатларни, балки уни муваффақиятга олиб келувчи усул ва йўлларни ҳам ўзлаштиради. Кейинги фаолиятида унинг илгариги тажрибаларидан фойдаланиши, йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик ва бунинг натижасида янги малакаларни ўзлаштириши осонлашади.

Укув-тарбиявий жараённи таълим назарияси фаолияти нуктаи назаридан қараб чиқиб, халк таълими соҳасидаги барча таълим-тарбия ишларини педагогик технология йўналишига ўтказиш, мактаб амалиётидаги ихтиёрийликдан унинг хар бир элементини жиддий асослашни амалга ошириш лозим деб хисоблаймиз.

Хулоса ўрнида педагогик технологияни амалга оширишнинг умумлашган схемасини келтирамиз (тажриба ишларини амалга оширишда ундан услубий асос сифатида фойдаланилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз):

- умуммехнат ва касбий малакаларни ривожлантиришда ўқитиш воситаларини қўллашга оид таълим мазмунини ишлаб чикиш:
- тахсил олувчиларнинг истиқболини тахлил қилиш, меҳнат таълими жараёнида хал қилиниши лозим бўлган мақсад ва вазифаларни белгилаш;
- олий ўқув юртлари ўқув дастурларида таҳсил олувчилар томонидан ўкув воситаларидан фойдаланиш технологиясини ўзлаштиришлари учун вақтнинг Ўрнини белгилаш;
- таҳсил олувчиларда кўникма ва малакаларни ривожлантиришга каратилган машқлар тизимини ишлаб чиқиш;
- тахсил олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг сифатини назорат Килиш билан боғлиқ объектив назоратни ташкил этиш ва тестлар тизимини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилган педагогик технологияни амалда синаш ва уни ўқув *араёнига татбик этиш.

### 5.4. Олий таълим тизимида қўлланилаётган тест-рейтинг тизими: узвийлик, имконият ва технологиялар

_ -Яқин даврларга қадар таҳсил олувчилар ўзлаштиришнинг умумий ^саткичи бўлган имтихон баҳосига кўра барча таълим олувчилар имконияти Уфисида фикр юритиларди. Бу тарздаги ёндошув кўплаб нохуш ҳолатлар, ^ла^Дан, фоизбозликнинг авж олишига олиб келганлиги окибатида таълим РУвчи ва олувчилар борасида ҳакконий фикр юритиш имкони йўк эди.

Олий ўқув юрти бугунги кунда «тайёрловчи» (педагог) ҳамда «техник Рат бўлими» (имтихончи) битта шахени ифодаловчи ягона муассаса

чалади. Маҳсулотни сертификациялаш таҳсил олувчининг билим хамда ганганлик даражасини саноатдаги каби «тайёрловчи»га боғлик бўлмаган латда, умий «давлат стандарти»га мослигига кура белгиланиши лозим.

Шундай қилиб, тахсил олувчининг билим, кўникма ва малакаларининг [фати мутахассислик бўйича Давлат таълим стандартларига мувофиқ сьлимнинг барча босқичларида узлуксиз назорат қилиб борилиши лозим.

Бунинг учун тест ва тест ўтказиш каби махсус воситалар мажмуалари шланмаларини яратиш талаб этилади.

Тахлил этилаётган муаммо мохиятини ойдинлаштириш учун куйидаги олатларни аниклаб ояиы талаб этилади:

1 .Тавсия этилаётган воситанинг имкониятлари.

2-Унинг воситасида ўлчов ишларини амалга оширишдаги аницлик 1аражаси.

3.Восита иш сифатини таъминлашнинг усуллари .

Ушбу муаммоларни батафсил караб чиқамиз.

1 Тест ва тестни ташкил этиш кандай хусусиятларга эга? Бизнинг фикримизга кўра, бунга куйидагиларни мисол келтириш мумкин:

1. Билимлар ҳамда ўрганганлик даражасини тезкор назорат килиш. я

2. Таҳсил олувчи билимларини бахолашда юкори даражадаги ҳакконийлик.

Бу жараёндаги муваффакиятга қуйидагилар хисобига эришилади:

- билим даражасига кўйиладиган талабларнинг умумийлиги; *-
- укитувчи вазифаларини компьютер хизмати билан алмаштириш; .Щ

3. Ўқитувчининг шахсий хислатларига боғлиқ бўлмаган назорат жараёнини компьютерлаштиришнинг имкониятини аникдаш. Бу эса ўз навбатида назорав учун сарфланадиган вақтни кискартиради. \

4. Жавобни баҳолашда таҳсил олувчида ўз имкониятларига ишонч ва ЎЭ*,; ўзини ҳурмат қилиш хислатларини тарбиялаш. щ

5. Билимларни назорат килишни четлаб ўтиш ёки унинг натижаларинщ асоссиз кўтариб юбориш имкониятини чеклаш.

6. Берилган жавобларнинг нотўғри бахоланган дея эътироз билдиргаЩ таҳсил олувчининг арз килиш имкониятининг мавжудлиги .

7. Олий ўкув юртлари таълимида тест ўтказиш асосан 1-Й курсларда юкррЩ| самара беради. Назорат қилишнинг бошқа усуллари лаборатория ишл*ЦЖ ҳимояси, конспектларни текшириш, семинар машғулотларидаги чикишЛИ хамда коллоквиумлардаги жавобларни бахолаш ва ҳоказолардан иборат.

Тест ва тест ўтказишнинг амалга ошириб борилиши таҳсил олувчиларнЧИ олийгохлар таълим тизимига кўникиб бориши, Олий мактаб талабларчИ мувофиқ тизимли ишлашга ўрганиш, ўз харакатларини доимий бахолаб борИД ҳамда шу асосда олга интилиши каби хислатларни тарбиялайди. I

8. Тест ўтказиш оркали маълум даврда таълимда эришилган тайёргарЧИ даражаси тасдикланади ва «ортга» кетишининг олди олинади. -Щщ

9. Тестлар мазмуни ўрганилаётган фан мазмунига мувофиқлиги баҳолашга нисбатан тасодифий омиллар таъсирини пасайтиради. ^

10. Бир вақтнинг ўзида тест таълим воситаси хам хисобланади, "УЩ сўралувчи бир вақгнинг ўзида ўз жавобини тахлил қилади ва хатоя^И



11. Тест бу назорат хизмати, таълим олучилар билимларини бахолашнинг энг самарали усулидир.

Таълим воситаларининг ижобий ёки салбий жиҳатлари айнан эришилган даражани бахолаш ва аниқлашдан келиб чикувчи таълим мезонига бевосита богликдир.

П Тестлар ёрдамида ўрганилганлик даражасини бахолаш аниклиги кандай?

1. Кўпчилик ҳолатларда тест саволларига бериладиган жавоблар аниқ ва тушунарли қилиб тузилганлнги сабабли тахсил олувчи билимларининг меъёрий дастур ҳамда Давлат стандартларига мувофиқлигини етарли даражада баҳолаш имконини беради.

2. Назоратнинг ўрганилган фаннинг тасодифий танлаб олинган қисмлардан эмас, балки бутун мазмунини камраб олинган холда амалга оширилиши унинг сифатини кафолатлайди.

3. Билимлар эгаллаш даражасининг куйи чегараси тестлар мазмуни ва сифатига кўра аниқ белгилаб берилган. Шу сабабли анънавий 5 балли бахолаш тизимидан кўра юқорироқ самарадорликка эришилади. «Мавхум уч», яъни «ўрта» баҳо маълум билимлар даражасини математик шаклда ифодаласа-да, лекин у аксарият ҳолларда нисбий қўйилган баҳо ҳисобланганлиги учун аниқ шаклланганлик даражасини ифодаламайди.

4. Урганилганликни ўлчов аниқлигида фойдаланилган «восита аниклиги»га яъни тестга боғлиқ бўлади. Тестлар сифатини ошириш оркали билимларни ўзлаштирганлик даражасини ҳам ошириш имкониятини яратилади ва бунда салбий таъсирлар микдори қискариб боради.

5. Тестларни такомиллаштириш йўли билан билимлар сифатини доимий ошириб бориш имконияти юзага келади, чунки ўлчов воситаларининг аниклиги ортиб бориши маҳсулот сифатининг ортишини таъминлайди. Шу билан биргаликда ўкитувчининг махорат даражасини ҳам аниқлайди.

Қўйилган учинчи муаммо - восита сифатини таъминлаш хусусида сўз юритишдан аввал тестларнинг кандай салбий жиҳатлари мавжуд деган саволга жавоб беришга харакат киламиз.

1. Тестлар жавоб беришдаги «таваккалчилик»ни бартараф қила олмайди, бу **Ҳолатни,** айникса «Ҳа» ва «Йўқ» шаклидаги жавобли тестларда кузатиш мумкин.

2. Одатда билими саёзроқ бўлган таҳсил олувчилар тест йўли билан Назоратдан ўтишни маъкул кўрадилар, чунки анъанавий равишда бу ўринда уни асослаш талаб этилмайди.

3. Мавжуд фикрларга кўра, билимларни назорат килишда тестларнинг УРгатувчилик ўрни ахамиятсиз бўлиб, бу холат тескари алоқанинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

_ 4- Тест ўтказиш натижасида биринчи навбатда ниманингдир чаштирилиш даражаси баҳоланади, бирок у бутун таълим жараёнини бахолай аиди. Бу фикр бевосита тестлар сифат даражасидан келиб чиқади.

_ 5. Жорий назорат алохида билимларни баҳолаганлиги туфайли имтиҳон Q ^"**Да** умумлаштирилган билимларни назорат қилишни таъминлай 0 *Иди> **Деб** хисобланади. Психологик жихатдан тахлил этилганда, тахсил Чи **хар бир** бахоланган билими тўғрисидаги ахборотни хотирасида

қлашга ҳаракат қилмайди, яъни у билимларни «хотирадан чикаради», ΓΠИХОН бўлса билимлар хотирада «саклаб қолинади».

6. Тест ўтказиш - билимларнинг «Жонсиз» бахоловчиси хисобланади, шки у таҳсил олувчиларнинг алоҳида шахс хислатларини намойиш килиш иконини бермайди.

Ўқитувчилар томонидан санаб ўтиладиган салбий жиҳатлар: Биринчидан, «дан воз кечишга олиб келадиган абсолют ҳолат эмас; Иккинчидан, уларни елгилаб берилганлигининг ўзи ижобий ҳолат сифатида кабул қилинишига либ келади; Учинчидан, уларни тан олиш кандайдир янгилик эмас, балки 'ивожланиш жараёниди амалга ошадиган табиий ҳолат хисобланади.

Таълим ва назоратнинг тест-рейтинг тизими факат маълум нисбатдагина >илимларни аниклаш учун тест синовлари ўтказишни кўзда тутади. Амалий дашгулотлар жараёнида шакллантириладиган билим даражаси тахеил олувчи зейтингида акс эттирилади.

Тест ўтказиш назоратнинг бошка турларини бекор килмайди, унинг сифат даражаси ҳам шуни такозо этади? Бугунги кунда тест назоратида берилган **4та** жавоб вариантлари орасида тўғри бўлган биргина жавобни — «Ҳа» «Йўқ>> жавобларидан бирини танлаш талаб этилади.

Укитувчи коллоквиум, маслаҳат, назорат ишлари, курс лойихалари, хисоблаш ва график топшириқдари, амалиёт юзасидан ҳисоботларни текшириш, малака хамда давлат битирув имтихонлари, диплом ишлари ва лойиҳаларни ҳимоя килиш каби назорат шаклларидан хам самарали, фойдаланиши мумкин. *:Щ*

Назорат усулларини бир-бирини тўлдирувчи мажмуа сифатида қўллаШ мухим ахамият касб этади, чунки айнан мана шу ўринда фикрлаш, интуиция»-' фазовий тасаввур, фантазия ва каебни эгаллаш ижоди такомиллашиб бормокда.,»

Тест ўтказишнинг салбий жиҳатларини камайтириш максадидяа рейтинглаш хам кўзда тутилади, у таълим жараёнини яхшилаш имконин#; беради. *Щ*

Рейтинг таҳсил олувчининг шахеий индекси бўлиб, мазкур индекс рейтияЙ балларида ифодаланувчи кунлик меҳнат даражасини англатади.

Рейтинг назорати кандай самара беради?

1. Рейтинг натижага йўналтирилганлиги боис хам таълим давршяяЖ бошиданоқ сифатли меҳнатга чорлайди, чунки рейтинг хар бир фан **ЮЗАСИДЯВ!** амалга оширилади ва улар натижасининг умумлаштириб борилиши мехН*!| жараёнини тўғри ташкил килиш, нафакат тахеил олувчига, балки Ў1317^84^? ҳам тегишли хулосалар чиқариб, қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

2. Вақтни тўғри тақсимлаш ва барча омилларни хисобга олиб иш **КЎРИЯЯШ** ўргатади. 1

3. Рейтинг бахоси умумий қийматига кўра анъанавий баходан анча К8^ **Ж** бирок у натижани мавхумлаштирмайди, уни яхлитламайди, умумий **ТАРКВЯРЖ** тескари бурмайди. Фарклар, афзалликлар ва орқада қолишларни **ТАЪКЯДШ!** кўрсатади. Бу эса рухий жиҳатдан инсонга ижобий таъсир килади. уни **ХАРЯИЯЬ** килишга упдайди, тахеил олувчиларда ўзаро мусобака рухини ҳосил қиладя« **Ж**

4. Рухий кучланиш, хавогир даражасини камайтиради, бир маромда ***еяЩК*** хил кучланишда ишлаш имконини беради.



5. Тахеил олувчи билимини тасодифий баҳолаш ўқитувчининг унга нисбатан субъектив ёндошувдан ҳимоялайди. Таҳсил олувчида ҳимояланганлик ва ўз-ўзига ишонч руҳини тарбиялайди.

6. Энг кўп микдордаги «3» баҳони аниқлаштириш имконини беради.

7. Шубҳасиз, рейтинг стипендия белгилаш, амалиётга тақсимлаш ва истикболда ишлаб чиқаришга тақсимлашда асос вазифасини ўтайди. Бу кўрсаткич бозор иктисоди шароити талабларига мое келади.

Шундай килиб, таълимнинг рейтинг-тест тизими ислоҳотларнинг навбатдаги компонента бўлмай, Узбекистон Республикаси Олий мактабининг замонавий тараққиёт талабларига мувофиқ келувчи муҳим воситасидир. Тест ўтказишни рейтинг билан биргаликда амалга оширишнинг санаб ўтилган барча ижобий ҳолатлари маълум технологик ва ташкилий даражага эришилгандагина амалга ошиши мумкин.

Табиий савол тугилади:

Тестлар ва тест ўтказиш жараёнининг мавжуд камчиликлари унинг доимий йўлдоши бўлиб коладими? Ёки уларни бартараф этиш мумкинми? Бу жараёндаги барча салбий ҳолатларнинг таъсирини камайтириш мумкинми?

Ш **ҚАБУЛ** килинган услуб бўйича рейтинг тизимини татбиқ қилиш тажрибасининг таҳлили ушбу восита сифатини таъминлаш тўғрисидаги саволга жавоб бериш имкониятини яратади. Бу борада куйидаги қўшимча тадбирлар тавсия этилади:

- алохида кафедралар бир номли фанлардан тестларни хар бир мутахассислик учун алохида тузадилар. Бу ҳолат ишлаб чикувчилар кучларини тарқоқлаштиради, тестларни тайёрлаш муддатини узайтиради. Тест саволла_рининг мутахассисликлардан қатъий назар фан бўйича умумлаштириб тузилиши тўғри, услубий жиҳатдан максадга мувофик хисобланади. Энг тўлиқ классик дареликни асос сифатида кабул килиб олиш лозим. Мутахассислик кусусиятларини қўшимча тест саволларида ифодалаш мумкин;

- дастлабки тузилган саволлар предмет ишчи дастурига мое равишда тест иволлари сони ва мураккаблиги билан мувофикдаштирилиб борилади;

~ бир укитувчи томонидан ишлаб чиқилган савол,.албатта, иккинчи бир Укитувчи томонидан тақриз қилиниши, унга муносабат беришга харакат ВДлинишилозим;

- тест саволларини предмет ёки бўлим номи, саволнинг тартиб раками, саволнинг бўлим мураккаблиги даражасини кўрсатган холда кодлаш максадга 5*Увофикдир. Кодлаш тестларни тузиш жараёнини автомалаштириш, уни АМда амалга ошириш, тўлдириш, алмаштириш ва такомиллаштириш ""конини беради;

~ тестлар банкини доимий равишда тўлдириб ва такомиллаштириб бориш ^Қсадидэ муҳокама, тақриз, умумлаштириш борасидаги илгор тажрибаларни Ро алмашишлар, илмий тадкиқот, изланиш ва семинарларни ташкил қилиш, ^ференция ва мақолалар тўнламларини нашр эттиришни амалга ошириш

~ тестнинг юқори даражадаги сифатини таъминлаш механизмини ишлаб ^ ш лозим. Барча ўқитувчилар бошқа, янада мураккаброқ тест турларига аР" лозим. Чунончи, мувофиқлик тестлари, ўзаро боғлиқ саволли

;стлар, бир ва бир неча кадамли - масалали тест кабилар. Шундай килиб, авжуд камчиликлар тузувчиларга боғлиқ бўлган сифат кўрсаткичларидан елиб чиқади. Тест тузувчи педагог сифатида тестлар ва тест ўтказишни акомиллаштириш устида тинимсиз иш олиб бориши лозим.

Тестларнинг сифатини кандай бахолаш мумкин?

Муаммони ҳал қилишнинг куйидаги йуллари тавсия этилади:

1. Таҳсил олувчига ўз билимларини намойиш қилиш шаклларини танлаш цукуқи берилмоғи у бутун бўлимни камраб олувчи очиқ саволга ёзма жавоб эриш ёки тест саволига жавоб беришни ўзи танламоги лозим. Агар таҳсил олувчилар тест саьолини танласалар, улар сонини ошириш **ва** мураккаблаштириш керак бўлади. Ёзма равишда жавоб берувчилар билан тест саволига жавоб берувчилар сони тенг бўлса, билимларни аниклаш **ва** интеллектуал меҳнат сарфларини аниклашдаги сифат даражасини тахминан тенг тақсимлаш мумкин.

2. Тест сифатини аниклашнинг иккинчи йўли бир тахсил олувчининг ўзига фаннинг битта бўлими бўйича тузилган ҳам тест, ҳам ёзма равишда бериладиган саволга жавоб беришни таклиф қилишдир. Жавобларни таққослаб тестлар сифатига бахо бериш мумкин. Фикримизча, бу холда натижа тезроқ олинади ва ишончли бўлади. **,f**

Мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида гестларнм бахолаш юзасидан тажрибалар олиб бориш зарур. Бундан ташкари олинадиган натижалар тест ўтказишга ишончсизлик муносабатларга хакконий микдорий жавоб бериш имконини тугдиради. **>4й**

Биз куйида у ёки бу материалларни ўзлаштиришда билим, кўникма ***Щ*<** малакаларга мувофик тестлар таснифини таклиф қиламиз. Узлаштирилгав материал асосида биз уни гурт турга ажратамиз. ***Щ***

Биринчи даражали тестлар - тахсил олувчилар кўникмаларини текширнб берилган маълумотларни қайта намойиш килганда тайёр савол ва жавобларл|(<| сирасига тўғри фойдаланиладиганлиги аникданади. Биринчи даражая* тестларга таниб олиш («тўғри-нотўғри» туридаги жавобни талаб килу*» машқлар), фарклаш (таклиф этилаётган жавоблар қаторидан тўғрисини **танлаш)** ва таснифли тестларни киритиш мумкин. ***'^Ш***

Иккинчи даражали тестлар - тахсил олувчиларда маълумотлар^ кўрсатмаларсиз аниклаш кўникмаларини шакллантиришга мўлжаплаЯЖ! Шунга мувофик В.П.Беспалько иккинчи даражали тестларни таклиф кяля|**д** алмаштириш; конструктив; типовой.

Бу тестлар одатда мехнат ва технологик жараёнларни ўрга қаратилган. Алохида операцияларни бажариш бўйича кўрсатмалар ***од*** рақамланиб, бажарилиш тартиби бузиб келтирилади. Асосий талаб кўйи максадга эришиш учун лозим бўлган кетма-кетликни аниклашдан бўлади.

Келтирилган намунадан кўриниб турибдики, фаолиятнинг ўзлаштир алгоритмини ўзгартирмасдан ечиш мумкин бўлган тестлар *Щ* хисобланади. Агар ўзлаштирилган услубни олдиндан ўзгартириб топшири вазиятга мослаш керак бўлса, эвристик фаолият билан иш кўрилади еај топширик типовой бўлмайди, яъни учинчи даражали тест хисобланади. *Щ*



мисол килиб йўл харакат қоидаларини моделлаштирувчи тестларни олиш мумкин.

Тўртинчи даражали тестлар—таҳсил олувчининг ижодий кўникмаларини, уни берилган фан тармоги учун янги бўлган маълумотни топа билишдаги тадкикотчилик имкониятларини аникдашга йўналтирилгандир.

Бу турдаги тестлар учун тайёр эталон мавжуд бўлмайди, тахсил олувчилар топган ечим сифатини тегишли экспертлар гуруҳигина баҳолаши мумкин.

Ўқув материалини турли даражада ўзлаштиришни назорат қилишда қўлланиладиган тестлар мажмуи тахдили уларнинг биринчи учтасига нисбатан куйидаги талабларни қўяди:

- тест таркибига маълум билимлар асосидаги, шунингдек, муаммоли характердаги топшириқлар киритилиши керак:

-тестлар мазмунини ишлаб чикишда бир хилликка йўл қўймаслик лозим;

- далилларни таснифлашга йуналтирилган иборалардан кўра, таҳсил олувчилар ўкув материалини пухта таҳлил қилиш, уни тизимлаш, ўрганилаётган объектдаги умумийлик ва алохидалик шунингдек, жараёнлар мохиятини аниқлашни талаб қиладиган сабаб оқибат боғлиқлигини ифодаловчи топширикларга эътиборни каратиш лозим;

- мураккаб топшириқларни бир нечта оддий топширикларга ажратиш мумкин;

- топшириқнинг мураккаблиги уни бажариш учун таҳсил олувчи амалга ошириши лозим бўлган операциялар сони билан белгиланади;

- жавобларни эркин шакллантиришни талаб килувчи топширикли тестларни имкони борича камроқ қўллаган маъқул;

- эркин танланадиган топширикларни микро ЭХМлар билан ишлашни билган холда қўллаш максадга мувофиқ;

- «тўғри-нотўғри» жавобли тестларни ишлаб чикишда тўғри ва нотўгри фикрлаш тизимидан иборат бир турдаги бир нечта топширикларни киритиш;

- жавоблари танланадиган топшириқлардаги жавоблар сони тўрттадан ошмаслиги;

- тест саволларига жавоблар шакли ва ҳажмига кўра ўзаро кескин фарк килмаслиги;

- нотўғри жавобларни типик хатолар асосида келтириши;

- тўғри жавобни топиш имкониятини камайтириш мақсадида «билмайман» Иаклидаги жавобнинг хам келтириши мумкинлиги;

- агар жавоблар ичида 2-3та тўғри жавоблар берилса, тўрттадан ортик *авобли тестларни тузишга рухсат этилиши;

~ таснифлашга оид топширикли тестлар мазмунининг объектни ўрганишга °ИД маълумотлар асосида курилиши;

~ Қайта гурухлашга оид тестларда умумеҳнат ва технологик жараёнларни ""шга оид маълумотларнинг берилиши;

~ бир неча топширикли тестларда, уларнинг рақамлар, жавобларнинг эса, ^Флар билан белгиланиши.

# VI ШБЩДАГОГИКАДА ИННОВАЦИЯ.!АР

## 7.1. Педашшкада инновацион жараёнлар

Ҳозиргизамон фан ва техникасининг ривожланиши борган сари сифат £ жиҳатидан янги масалаларни хал этиш; ижтимоий амалиётга туб янгиликларни татбик килишнинг, уларни амалга ошириш жараёнларини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган. Чунки, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда янгиликлардан фойдаланиш жамиятнинг яшовчанлигини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Шу сабабли XXI аср бсгтларида барча ривожланган мамлакатларнинг илмий сиёсати фаннинг ўз потенциалини мустаҳкамлашгагина каратилмасдан, балки унинг ютукларини самарали амалга оширишни таъмин этадиган жараёнларга хам каратилди. Жумладан, инновацияларни яратиш ва таркатишнинг ягона, пухта ишлаб чикилган механизми ҳозирги вақтда жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мажбурий куроли бўлиб колмокда. Жамият хаётида рўй бераётган хозирги ўзгаришлар таълим тизими олдига ***яипа:*** муаммоларни қўймокда. Масалан, нимани ўқитиш ва қандай ўкитиш муаммоси.

Ўқитиш асрлар давомида маълум билимлар мажмуини эгаллашдан иборат бўлиб келган эди. Ҳозирги пайтда билимларнинг бир авлод хаёти давомида" эскириб колаётганлигини нима килиш керак? Бунда билимлар хажми, хатто айрим ихтисосликлар доирасида ҳам шунчалик улканки, мавжуд ўкитк»; методикалари асосида уни ўзлаштириш амалда мумкин бўлмаётган ҳолда **ч4f|l|**: килмоқ керак? Буларнинг ҳаммаси таълим олдида янги ахборотни мустакн?- кабул килиш, бахолаш ва тегишли карорларни кабул қилишга қодир булгар ижодкор шахсни тарбиялаш вазифасини кўйди. Бу эса умуминсоний вазифая*#| нуктаи назаридангина эмас, балки фан ва ишлаб чиқаришни инсоният ***УЩШ*** хавфли окибатларга олиб келмайдиган даражада ривожланишини таъмин л*Ж| учун ҳам мухимдир. Сир эмаски, XX аерда рўй берган кўпч фалокатларнинг сабаби техниканинг ўзидагина эмас, балки к" омилкорликнинг етишмаслигида ҳамдир. Бундай муаммоларни хал эт таълим хам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Кадрларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ош заҳираларини излаш педагогика амалиётининг кўрсатишича, илгор пед" тажрибани ўрганиш ва ёйиш доирасида хам, янги педагогик техноло концептуал-назарий асосларини яратиш соҳасида ҳам амалга оширилади.

Илгор педагогик технологиялар - педагогик тажриба ва хозирг психо-педагогик назария хам умумтаълим, хам касбий таълимнинг тизимини озикдантирадиган икки манбадир. Айни шулар оркали яхлит тизимини қайта куриш талабларига жавоб берадиган сифат ўзгаришл беради.

Назариянинг амалиётдан орқада қолаётганлиги сабабли инно ўкитишнинг тўғри йўлга қўйилишида жуда кўп тўсиқларга дуч келив^ Педагогик тизимнинг хозирги ва эртанги кун талабларига тўла жавоб бе^ янги сифатга ўтишини тезлаштириш учун инновацион таълимни, ундав^ чикадиган билищнинг илмий воситаларини ишлаб чиқиш, илгор пе тажрибани тахлил этиш ва ёйишни жадаллаштириш зарур.

Ҳозирги вақтда ўкитиш ва тарбиялашнинг янги технологиялари!"*?



жихатдан тез ўтиш учун объектив асос юзага келди, чунки иктисодий ва ижтимоий хаётдаги инновацион жараёнлар ўз-ўзидан таълимда ҳам туб ўзгартиришларни такозо этмокда. Хеч бир ўқитувчи эртами-кечми бу жараёндан четда қолиши мумкин эмас. Ўқитувчининг анъанавий иш усуллари фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ёки ўқитишни компьютерлаштириш сифатларини ўзлаштириш зарурияти буларни илмий-методик асослаш эхтиёжининг тугилишида объектив омил бўлиб колмокда.

Бизга яхши маълумки, Педагогикада бошқа соҳалардан олинган кўплаб атамалардан фойдаланилади, бу ПЕДАГОГИКАнинг бошқа фанлар билан чуқур алокада эканлиги хақида гувоҳлик беради. Бунда айниқса, техника ва иқтисодиётдан кўп микдорда кириб келади. Чунончи, бугун ўқитишнинг тежамкорлиги ва оқилоналиги, ўқитувчи, техника ва технология, таълим иктисодиёти, ўқитишни компьютерлаштириш кабилар ҳақида тез-тез гапирилмокда.

Адабиётларда «Янги тартиб-қоида», «янгилик», «инновация» тушунчаларининг маъновий мазмунини аникдаш борасида турлича талкинлар мавжуд. Гап шундаки, Ҳозирги замон тилида бу сўзлар етарлича ўхшаш ва улар янги тартиб, усул ёки ихтиро сифатида талқин этилади. "Янги тартиб-коида" моддий маънода аслида ижобий илгор янгиликни, **бу** тушунчани қабул қиладиган ва ундан фойдаланадиган ташкилий тизим учун янги бўлган ғоя, фаолият ёки моддий объектни англатади. Шу билан бир каторда "янги тартиб-коида" атамаси касбий маънода янги ва фойдали натижани юзага келтириш, ишлаб чикиш, мослаштириш ва фойдаланиш жараёни сифатида кабул килинади.

Ташкил этиш "янги тартиб-қоида" атамаси дейилганда унинг параметрларини мазкур ташкилот ишининг ривожланиши ва самарадорлигини оширищга ёрдам берадиган муайян мақсадга йўналтирилган ижобий Узгартиришлар тушунилади. Янги тартиб-қоидаларни амалга ошириш жараёнида рўй берадиган илмий-техник, технологик, ташкилий ўзгаришлар купинча янги киритиладиган тартиб-қоида ёки инновацион жараён сифатида ан"иқланади. Янги тартиб-коидани яратиш, ёйиш ва фойдаланиш даври инновацион цикл деб аталади. "Янги тартиб-коида" тушунчасининг турли ТалҚинларини қараб чиқиб, баъзи умумлаштирувчи хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, исталган янги тартиб-қоида амалий характердаги якуний натижа, яъни маълум ижтимоий эҳтиёжни қаноатлантиришга қаратилган аник "Уналишга эга.

Иккинчидан, тартиб-коидага (расм-русум) доимо башорат қилиш ва "окаридиш объекти бўлиши лозим бўлган мураккаб жараён сифатида "аралади!

Учинчидан, янги тартиб-коидани амалга ошириш ижтимоий меҳнатнинг **Т** соҳаларида тадқиқот ва ишлаб чиқиш жараёнларини жадаллаштириш Ьил анбоглик.

й) ^Тўртинчидан, хар бир янги тартиб-қоида маълум техник, иктисодий ва **Моий** самарага эришишни таъминлаши лозим.

***щ*** Ундай **қилиб,** «янги тартиб-қоида» ва «инновацион жараён» атамалари Ухшаш, бир хил маънога эга. Инновациялар таълимнинг бошланганидан

буён, янгилик киритиш, мавжуд таълимни ўзгартириш, такомиллаштириш яхшилаш сифатида у билан ёнма-ён келмокда. Таълимдаги инновация сў даврлар махсули эмас, бирок уни педагогик категория сифатида жуда ёш д ҳисоблаш мумкин. Бу унинг таърифланишидаги хилма-хилликларга асосий сабаб булмокда.

Кўпинча "инновация" атамаси ўрнига унга якин турдаги атамалар ишлатилади (биз хам ана шундай йўл тутамиз). Масалан, и модернизацияси, такомиллаштириш, замонавийлаштириш кабининг. Улар[4]; тахдил этилаётган тушунчанинг маъносини хар доим хам тўла беравермаса-да, асосий ларса - янгиликни, ўзгаришларни ифодалайди.

Инновациянинг турли таърифларига тўхталиб ўтайлик. "иннова (янгилик) луғатларда ва энциклопедияларда турлича талкин этилади. Мае "инновация" (лотинча inovatis) - янгилик, янги тартиб-қоида, ўзгариш де маънони англатади. Инновация бирор янги нарса, тартиб-қоидан) киритилишини англатиб, у лотин тилидан келиб чиққан: in- novis—янги янгиланиш, янгилик, ўзгаришни англатади. "Янгилик" атамаси янгил янгиланиш сифатида англанади. Янгилик бу техник, технологик ихтиро ютуклардан амалий фойдаланишдир. У (инновация) педагогик катего сифатида таълимга янгилик киритишни ифодалайди. Янгилик кўпинча метод, усул, восита, янги концепция, дастур кабиларнинг киритиш К кўлллашга хосдир. «Янгилик» атама сифатида таълимни модернизациялаш замонавийлаштириш тушунчаси мохиятини ёритади. Аксарият таърифл! янгилик ўзгаришни англатади, деган фикр устун туради. Пекин бунда *i* янги ўзгаришларни, бошқалар эса микдорий ўзгаришларни, учинчи одамлар сифат-—бирор янги нарса, моделларни киритиш жараёнини и тутадилар.

Инновацион муаммолар билан боғлиқ бир катор тадкикотларда ўзгар янгилик бўлиши, бирок ҳар доим хам бутунлай янги гоя ёки Ш1 бўлмаслиги мумкинлиги фараз килинади. Баъзи бир ўзгаришлар, гарчи качондир, қаердадир рўй берган бўлса-да, бироқ айни шу даврда ва шу му алохида аҳамият касб этиб, таълим жараёнини рагбатлантирса, у ҳолда я сифатида гапириш мумкин.

Шундай килиб, биз ўз ишларимизда касбий-хунар педаго: "инновация" ("янгилик") тушунчаси оркали ўкув-тарбия жараёнини ва такомиллаштиришга йуналтирилган дидактик, методик хамда т; техник ўзгаришларни ифода этдик. Янги тартиб-қоидаларнинг узлу» Таълим ижтимоий тизимнинг бир қисми бўлгани сабабли, у ўз ривожла жамиятдаги йўналишларга эргашиб рўй бераётган ўзгаришларни олиши лозим. Ана шу доирада инновациялар таълим олдида вазифаларни муваффакиятли амалга оширишнинг асосий шартларидяй, хисобланади. Шу сабабли, янгиликларнинг бошка сохаларда мувафф* амалга оширилишини таълим сохасидаги янги тартиб-коидаларсиз қилиш мумкин эмас.

Таълим тарбия ишидан инсонлар - жамият ҳам манфаатдор бўлияик Буларнинг хаммаси. меҳнатнинг барча соҳаларидаги инновацион Ф ижтимоий ривожланиши билан биргаликда унинг истикболини бел



ташкил этиш характерида бўлишини талаб қилади. Дарвоқе, таълим тарбиядаги янгиликлар худди ўша максадни кўзда тутади ва шундай ахамиятга эга: улар худди жамиятдаги каби унинг ривожи ва тараққиётига кўмаклашиши керак. Жамиятдаги янгиликлар оммавий ва узлуксиз характерда эканлигини хисобга оладиган бўлсак, улар таълим-тарбияда хам ана шундай характерда бўлиши лозимлиги аён бўлади. Буларнинг барчаси таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва шаклини ташкил этилиши, шунингдек, янги тартиб-қоидалар киритилиши зарурияятини яратади. Улар ўқитишнинг бевосита мақсадларига эришишнигина эмас, балки жамиятнинг узок муддатли вазифаларини хал этишга хам қаратилган бўлади. Шундай қилиб, таълимдаги янги тартиб-қоидалар келажакка қўйилган узок муддатли инвестициядан иборатдир.

Таълим янгиликларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки уларни яратади ҳам (улар сингиб кетиши лозим). Улар орқали эса педагог-новаторларни тарбиялашни амалга оширади. Новаторлик иши (шу жумладан, таълимда ҳам) ҳамма вақт янги тартиб-қоидаларнинг таркибий кисми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Гарчи, вақти келиб ўқитувчилар ўрнини ўқитадиган машиналар эгаллайди деган фикрлар мавжуд бўлса ҳам ўкитувчи (ўқитувчи шахси) таълимда билимлар ва новаторлик жараёнларипинг бевосита элтувчиси сифатида марказий ўринни эгаллаб қолаверади.

Бироқ бундай янги тартиб-қоида ҳам бир танқидга лойик эмас, чунки укитувчи доимо зарур бўлиб, у таълим жараёнидаги барча янгиликлар модернизациясининг амалий жараёнлари мажмуининг марказий бўғини бўлиб колаверади. Айтилган фикр аввало, ўқитувчи меҳнатида техник ютуклар, биринчи навбатда, компьютер технологиялари ютукларидан фойдаланиш зарурлиги хақидаги ғояни илгари суради. Шунингдек, ҳисоблаш машиналари базасида ўкитишнинг махсус дидактик воситаларини яратишга тааллукди ишларни амалга ошириш, ўтказиш зарурати, ўқув ишида педагогик дастурлаш воситалари, ўқитиш вазифаларини ҳал этишга йуналтирилган компьютер Дастурлари каби янги тартиб-қоидалардан янада кенгроқ фойдаланилишни тақозо этади.

Ҳақикатан ҳам, ҳозирги вақтда ўқитишнинг аудиовизуал, ҳисоблаш ва техник воситаларга асосланган педагогик технологиялари ишлаб чиқилмокда. ироқ бу нарса ўз навбатида куйидаги муаммони ҳал этишни ўртага қўяди: таълимий технологиялар бўйича мавжуд касбий билимлардан ташкари таълим ^Ҳасида меҳнат қиладиган мутахассисларнинг махсус техник, педагогик, Психологик ва иктисодий тайёргарлиги талаб этилади.

Маълумки, янгиликлар турли мамлакатларда ўзига хос равишда юзага ^ке^лади ва татбик этилади.

Улар касбий соҳалар, шу жумладан, таълим соҳасида ўз ифодасини Р ича топади. Масалан, табиий фанлар ўзининг жадал инновацион g Нла ри билан ажралиб туради. Ихтиролар кўпинча физика, химия, °гия фанлари соҳасида амалга оширилади. Гуманитар фанлар учун бундай ifc^ Инно вацион фаолият унчалик характерли эмас. Гарчи таълим тизими Кса, олий таълим ва касбий таълим ижтимоий меҳнатни кўп талаб ^ДИган соҳалар. Хусусан, саноат ривожига кўп нарса берса ҳам бундай инновацион фаолият бу соха учун унчалик даражада характерли эмас.

ггегория сифатида тавсифланди. Шу нуктаи назардан Караганда педагогик жодиёт масалалари ўкув-тарбия иши инновацион жараёнларнинг компоненти ифатида қаралди.

Таълимни ташкиллаштнришда инновацион ёндошувлар. Бугунги кунда аркиб топган таълимнинг энг муҳим элементлари қадимдан шаклланиб келган :а хозирда ҳам ўзининг ахамиятини йўкотмаган. Таълим мақсади, мазмуни, цакллари, услуб ва воситалари педагогикада таълим жараёнларини тахдил ^илиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар хисобланади. Айнан ўша штегориялар маълум бир предмет, мутахассислик ёки ихтисослик бўйича ўкув гарбиявий жараённи та., кил килувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади. Қайд этилган педагогик категорияларни максадга мувофик равишда йўналтирувчи педагогик ва ўкув фаолиятининг конуният ва мезонлари тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради.

Узок йиллар мобайнида кўрсатилган педагогик категориялар ҳажми жамият талаби даражасида мақсадларини рўёбга чиқариш учун етарли бўлиб келган. Тан олиш керакки, педагоглар оммаси ўз замонасидаги педагогик вазиятни барча даврларда қониқарсиз аҳволда деб бахолаб келганлар. Бу ўринда педагогик тушунчаларнинг таъриф ва тавсифларининг ноаниклиги, таълим жараёнларини тавсифловчи баъзи категорияларнинг етишмаслиги, таълим максади, мазмун, шакл, услуб ва ўкитиш воситалари ўртасидаги ўзаро узвийликнинг мавжуд эмаслиги ҳамма вакт танкид остига олиб келинган «методика» тушунчаси юкори даражадаги субъективликка эга эканлиги билан тавсифланади. Айтиб ўтилган фикрлар бизнингча, иккита муаммони очиб беради, биринчидан, касбий педагогик маълумотга эга ўкитувчиларнинг касбий лаёкатлилик даражаси, иккинчидан, махсус педагогик тайёргарликка эга бўлмаслик касбий маҳорати, саводхонлик даражасининг пастлиги.

Педагогик жараён моҳияти ўқитувчи ва таълим олувчининг муайян фаолиятида ўз аксини топади. Бунда педагог таълим олувчига қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ёрдам беради. Педагог таълим олувчига эълон қилган, кўрсатган, эслатган, тушунча берган, йўналтирган, ҳаққонийлаштирилган, маслахат берган, кенгашган, бартараф эттав, ҳамдардлик қилган, илҳомлантирган, қизикиш ва хурматни изҳор килгаиу талабчанликни қўллаб-кувватлаган ҳоллардагина ёрдам беради.

Замонавий ўкитиш технологиялари мажмуавий интегратив тизимлар бўлиб, таълим максади билан белгиланган касбий кўникма, малака Ш**⁶ хислатларини ўрганувчилар томонидан эгалланиши, билимлар* ўзлаштиришга йуналтирилган операция ва харакатларнинг тартиблаштирилг*? тўпламини ўз ичига қамраб олади. Бу ўринда таълим мақсадларинияг белгиланиши (кимга ва нима учун?), мазмунни танлаш ва ишлаб чикнЯЦ жорий этищ (нима?), таълим жараёнларини ташкил килиш (кандай?), таь^£ метод ва воситаларини белгилаш (нималар ёрдамида?), шунингдРг ўкитувчилар малака даражаси (ким?), эришилган натижаларни бахолаш меГ*Ш (кандай йу.ч билан'.') ва бошкаларга асосланиш лозим. Келтири*^» мезонларнинг мажмуавий кулланилиши ўкув жараёнининг мохияти ва технологиясини белгилаб беради.

Ўкитиш технологиясини лойихалашни педагогик вазифанинг ку^"ли тЯИ



уни хал этилиши асосида кўриб чиқамиз.

Педагогик вазифанинг белгиланиши куйидагилар билан изоҳланади:

- таълим мақсадларини таҳлил қилиш, шу асосида ўкув предмети мазмунини аниклаш;
- ўкув предмети мазмуни тузилмасини ишлаб чикиш ва уни ўкув элементлари тизими кўринишида ифодалаш;
- ўкув элементларини ўзлаштирилиш даражаларини белгилаш;
- таълим олувчиларнинг дастлабки билим даражасини аникдаш, бу кўрсаткич ўкув предметининг мазмуни асосланадиган ўкув материалини ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади;
- ўкув-моддий базаси хамда таълимнинг ташкилий шаклларига кўйиладиган чегараларни белгилаш.

Педагогик вазифаларнинг ҳал этилишини таъминловчи ўқитиш технологиясини лойиҳалашга каратилган укитувчи фаолияти таълимнинг метод, шакл ва воситаларини шакллантириш билан белгиланади. Бошқача килиб айтганда, педагог фаолияти учта асосий ташкил этувчи турлар билан тавсифланади: бошқариш тури, ахборот алмашинув жараёнининг тури, ахборотни узатиш воситалари типлари ва билиш фаолиятини бошқариш. Укитиш жараёнига фаолият нуктаи назаридан ёндошиш концепциясига асосланиб, уни ташкиллаштиришни куйидаги мантиқий кетма-кетлик асосига куриш мумкин. Дастлаб ўкув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг кўйилиши шартлари тахлил этилади. Сўнгра, ўқитишнинг мое равишдаги методлари ҳамда таълим олувчилар билиш фаолиятини бошқариш схемаси белгилаб олинади. Шу асосда ўкитиш воситаларининг рўйхати тузилади. Ушбу усул билан хосил килинган таълим методлари ва воситалари тизими ташкилий шакллар билан уйгунлаштирилади, яъни технология ишлаб чиқилади.

Умумлашган педагогик технологиялар маълум психо-педагогик асосларда Курилгаи «синтетик назария» сифатида қаралади.

**Татбикий** педагогик технологиялар олдиндан режалаштирилган натижага эришишга йуналтирилган касбий тайёргарлик жараёнини лойихалаш муаммосини методик даражада хал этишга қаратилади.

Бугунги кунда татбикий асосини шахсий фаолиятли ёндошув танқидий-ижодий фикрлаш, муаммоларнинг ҳал эта олиш, карор кабул килиш ва жамоада Ҳамкорлик қилишга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқишга эҳтиёж юзага келмокда.

Шундай қилиб, илгаридан лойихалаштирилган таълим-тарбия *^а^Раёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизими, мақсади, методик Усул ва ўқитувчи хамда тахсил олувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш ^ита имкониятлари, шунингдек, якуний натижаларга эришиш "Иструментарийсини мужассамлаштиради.

### 6.2. Таълимда инновацион технологиялар

Укитиш технологияси — бу тизимли категория бўлиб, илмий таълимотнинг Тактик қўлланишига, ўқитувчининг инновацион эмперик ёндошувлари

сосида таълим тизимини ташкил этиш **ва** тахлил қилишни илмий асослашга, ахсил олувчилар шахеини ривожлантиришда юқори натижаларга эришишга **1ўналтирилган** жараёндир.

Таълимнинг бу кўриниши куйидаги асосий кисмлардан ташкил топган:

- таълимнинг максади; таълимнинг мазмуни; ўқитишнинг мотивацияси ва воситалари; ўқитиш жараёнини ташкил этиш; тахеил олувчи; ўқитувчи; фаолият натижаси.

Таълим технологияси ўзаро узвий богланган икки жараённи ўз ичига олади:

- ўқитиладиган шахенинг фаолиятини ташкил этиш; фаолият **устидан** назоратни ташкил этиш.

Таълим технологиясини ўрганишда замонавий электрон воситаларга тўхталмай бўлмайди. Уларни таълим инновациясининг стратегик элементлари деб аташ мумкин. Одатий таълимда ўқитишнинг фанлараро модели хос бўлнб, унда фанлар керагидан ортик маълумотларга эга. Инновацион ўқитиш стратегияси таълим-тарбия жараёнини шундай ташкил этишни кўзда тутадики, унда аввалгидай укитувчи шахеи етакчи элемент хисобланади, фақат унинг тахеил олувчига ва ўзига бўлган муносабати ўзгаради. Шу билан бир каторда тахеил олувчининг ёндошуви ҳам ўзгаради.

Инновацион стратегия билан боглик устивор вазифалардан бири таълим жараёнини ташкил этадиган ўқитувчиларни ўқитишдан иборат. Уқитувчиларни ўқитиш учта асосий максадга йўналтирилади:

- янгича бошқарувни ўзлаштириш; таҳлилий мафкура юритишнинг **янгича** усулини ўзлаштириш, бундан кўпрок фойда олиш кутилади; дастур, лойиҳаларни хамкорликда бажаришга қаратилган янгича ижтимоий **усулларни** ташкил этиш.

Агар бугун янги технология пайдо бўлса, уни бахолаш мезони ҳам бўлиши шарт. Уларга кўрсаткичларни блоклар бўйича технологияларни таққослаш натижалари киради:

- ўкув-услубий; ташкилий-технологик; техник воситалар.

Бундан ташкари технологияларни услубий ва дастурий жорий этиш бўйича баҳолашга салохияти етадиган эксперт - мутахассисларни жалб этиш максадга мувофик бўлади.

Технологияларни тузиш давомида хар хил бахолаш мезонидая фойдаланилиши ("аъло", "яхши", "коникарли" ва х.к)ни хисобга олган холд* таккослаш натижасини яхшидан ёмонга нисбатан қатъий шкалада баҳолапв* тўғри келмайди. Технологияни танлаш шахенинг малакаси, тажрибаси ва аирв* блокларнинг муҳимлигига қараб ташкил этилади.

Замонавий иннавацион технологияларни ўкув жараёнига тадбик э**ЮЯД*** кўп факторлар салбий таъсир этади, уларга:

- таълим муассасаларининг компъютерлар ва электрон воситалар бЯЯЖ таъминланганлик даражасининг етарли эмаслиги; таълим **муассасалаРИВ**^В интернет ва **бошка** ахбороп тармокларига уланмаганлиги; илмий**-усл**)*Як манбаларнинг етарли эмаслиги (электрон кўлланмалар, лаборатория ва коич ишлар, тестларнинг етарли эмаслиги); ўқитувчиларнинг замонавий комп* техникаси бўйича малакасининг етишмаслиги; ўқитувчиларнинг



етишмаслиги сабабли, таҳсил олувчи-таҳсил олувчиларнинг ҳам компъютердан етарли фойдалана олмасликлари, электрон китоблар билан ишлашни билмасликлари; таълим муассасалари раҳбариятининг таълимни бу соҳасига жиддий эътибор бермасликлари ва ҳ.к.

Таълимда йўл қўйилаётган бундай камчиликларни бартараф этиш омиллари куйидагича:

- янги инновацион технологияларни ўрганиш учун ўқитувчиларни қайта тайёрлашни ташкил этиш; мультимедиа ўқув қўлланмалари ишлаб чиққан ўкитувчиларни рагбатлантиришни; интернет тармоги оркали on-lain конференциялар, семинарлар ва бошка ўқитиш тадбирларини ташкил этиш; таълим муассасаларида мультимедиа синфлари, лабораториялар ва кутубхоналар сонини кўпайтириш; nternet ва бошқа электрон ўкув воситалари бўйича ўқитиш академик соатлари микдорини кўпайтириш; таҳсил олувчи-тахеил олувчилар билан замонавий ахборот технологялари ҳақида кўпрок илмий таништирув ишларини олиб бориш.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши нафакат таълим сифатини оширади, балки билимнинг оммалашувига эришилади.

Таълим жараёнига янги инновацион технологияларни жорий этилишида масофавий таълимни локал тармоқлар ва глобал жаҳон тизими оркали жорий этиш самарали бўлади. Афсуски, бундай мисоллар бугунги кун талабига жавоб бермайди, аммо таълимнинг айнан шу тури оркали марказдан узокда жойлашган худудларда яшайдиган аҳоли орасида, иш билан доим банд бўладиган ишчилар, ногиронлар ичида билим олишга интилаётганлари ўз билимларини жойларида олишлари мумкин бўлади. Шундай килиб, масофавий тармок оркали ўқиётган таҳсил олувчилар синовларни, олий таълим муассасаларига кириш учун кириш тест синовларни топширишлари учун йўл очилади, бундан ташқари ўқитувчилардан консультациялар олиш, адабиётлар билан танишиш имкониятларига эга бўладилар.

Шахсга мўлжалланган таълим моделидаги инновацион технологиялар шахсни такомиллаштиришга қаратилган таълим жараёни дидактикага асосланиб, у ўқитиш вазияти билан узвий боглик холда уч технологик турга бўлинади:

Таълим маъносининг элементларини кўпқиррали шахсга қаратилган масалалар шаклида кўриш (муаммоли ёндошув технологияси);

Дидактика-коммунофаол муҳитда; субъект-мазмунли мулоқати, рефлексии Ривожлантириш, шахенинг ўзини сафарбар қилишни диолог шаклида мазмунли УШаштиришига қаратилади (диологли ўқитиш технологияси).

Ички зиддиятларда шахеий функцияларни сафарбар килувчи ижтимоий-Ролли ва мавкели-вақтли шароитларни имитациясини ташкил этиш (имитацияли ўйинлар технологияси).

Шахсга қаратилган базовий технологик йиғиндили ўқитиш "Уаммо+диалог+ўйин" оркали ташкиллаштирилади.

Щундай қилиб шахсга қаратилган таълим ўқитувчининг малакавий ЭДаниятини ва шахенинг ижодий ривожпанишини таъминлайди.

Таълим - инсон шахеига педагогик шароит яратиш оркали шахеий "фатларни талабгирлигига, тахеил олувчиларнинг субъектив холатларини

таркиб топишига каратилгандир.

Таҳсил олувчилардаги субъектив ҳолатларни уйғунлашувида узлукси*? таълим конуниятлари асосида ўз билимини ошириш устида ишлаши, малакавй!| кўникмаларни такомиллаштириши, ўзини ривожлантиришнД индивидуаллашиши, ижтимоийлашуви ва камол топиши каби шахснинг шахсий| йўналишларини ўзида мужассамлайди. .щ

Бу йўналишдаги асосий вазифа инсонпарварлик мезонларига биноан; таълим соҳасини ривожлантириш шу билан бир вактнинг ўзида уни; ноёблигини, ўзига хослигини, шахсий талаблар асосидаги шахсийлигини ва таълим мезонлари тахлил олувчиларни кўпроқ жалб қилишга қаратилган бўлишини таъминлаши керак бўлинади ва унга: ?;

- таълим муҳити таъсирини бойитиш мезонини унинг ноёблигини, ўзига хослигини ва индивидуаллигини шахсий талаблар ва кобилиятидан келиб чикиб ташкил этиш тамоиллари;

- таълимни "ички шахсий" мазмунини устивор мезонларини, таълимнинг индивидуал траекториялари, республика даражасида ташкил этиш **ва** регламентлаш усулларнинг тамоиллари;

- таълимнинг устивор йўналишларидаги махсулот компонентларя мезонларини талабга ривожланиши ва ижодий-кайта ташкил этувчи фаолият тамоиллари;

- ўзини фаоллаштириш ва рефлексиялаш, фаолиятни баҳолаш ва ўзини-**ўзн** бахолаш тамоиллари.

Бу ўринда инновацион таълим технологяларига характеристика шахс-йўналтирилган тамоил бўйича олиб борилади.

Шундай килиб, инновацион технологиялар факат таълимни оммага етазиш, унинг сифатини ошириш, билим олиш, тезлаштирибгина колмай, балки моддий жихатдан унга эришиш учун шароит хам яратади. Энг асосийси, кадрларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини такомиллаштириш учун замин яратади.

### 63. Таълимни бошкаришда ахборот технологиялари

Ўкув юртини бошқариш. Жамият ҳаётининг турли сохаларида туб ўзгаришларни амалга оширишнинг энг муҳим, долзарб муаммоларидан бири мукаммал бошкарув тизимини шакллантириш муаммосидир. Таълим **хам** жамиятнинг таркибий қисми сифатида Ҳозиргизамон шароитида ўқув юрти ишида бошқариш назарияси муаммоларини янада ривожлантиришига эхтиёж сезади.

Таълим муассаеаларини бошкариш. Жамият ҳаётининг турли сохаларида туб ўзгаришларни амалга оширишнинг энг мухим, долзарб муаммоларидан бири мукаммал бошқарув тизимини шакллантириш муаммосидир. Жамиятнинг таркибий кисми бўлган таълимни бугунги давр шароитларида самарали бошкариш масалаларида уни янада ривожлантиришга эхтиёж сезмокда.

Рахбар, менежерлар жамоасини шакллантириш мураккаб жараёндир-Ҳаётнинг ўзи бозор иктисодиёти ва тадбиркорлик амалиётининг ҳал этилишига кўмаклашади. Кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш, бошқарувнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва ёйиш, бошкарув фани ютуқларини амалиётга татбйК этиш бўйяча аник максадга йўнатирилган фаолият муваффакиятини таъминлаш мухим ахамият касб этади.

Рахбарларни, бошкарувчиларни шакллантириш масаласи мураккаб жараён хисобланади. Кадрларни тайёрлаш ва уларни кайта тайёрлаш, бошкарув соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, бошкарув фани ютуқларини амалиётга татбиқ этиш бўйича аниқ максадга йўнатирилган фаолият муваффақиятини таъминлаш мухим ахамият касб этади.

Бозор иктисодиёти тизимига ўтишнинг мақбул йўлларидан бири бир неча юз йилдан буён ана шу шароитда ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганишдир. Бундай тажрибанинг жуда қимматли жиҳатларидан бири кенг камровли (ҳажмли) "менежмент" тушунчаси билан қамраб олинадиган фаолият ва билим соҳасидаги тажрибани ўрганишдир. "Менежмент" дейилганда бошқариш вазифасини касбий фаолият сифатида амалга оширувчи мутахассислар тушунилади.

Бошқарувни ҳали жуда ёш, фанлараро ранг-баранг ютукларига таянадиган илмий ва амалий билимни касби сифатида англаш Ҳозиргизамон цивилизациясида мустаҳкам ўрин тутмокда. XX аср бошида яратилган Ф.Тейлорнинг "Илмий бошқарув", М.Вебернинг "Идеал бюракратия", А.Файолянинг "Маъмурият фани" каби асарларида самарали бошқарув моҳияти ўзининг ифодасини топган. Бу билим соҳаси дастлаб бошқарувда катъий рационализм (амалийлик) йўлидан борди. Бирок менежментда рационализм (барча афзалликларига карамасдан) ягона йўл бўлмайди, балки кўпчилик ҳолларда янги иқтисодий-ижтимоий шароитларда ўқув юртларининг иш самарадорлигини оширишда энг тўғри йўли ҳам эмас экан.

Бошкарув билимлари тизимида бошкариш рационализми чекланганликдан таъсирлганиш сифатида бошқа йўналиш феъл-атворий йўналиш мустаҳкам қарор топдики, бу ташкилотларда бошқаришнинг реал моҳиятини тушунишни чукурлаштириш учун психология, социология, маданий антропология ютуқларини кенг жалб килишга асосланди. Ушбу йўналиш асосида "одамлар орасидаги муносабатларни такомиллаштириш", "инсон омилини ишга солиш", муҳандис-педагог, иқтисодчи-педагог ва бошқа ходимларнинг бошқаришдаги ихтироларини ривожлантириш, пешкадамлик самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар амалга оширила бошланди.

Бугунги кунда бошкарув тафаккури учун хам назарий, хам амалий жиҳатдан хос бўлган нарса нима? Махсус манбалар мазмунини тахлил этишда иккита янги оким кўзга ташланмокда.

Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон иктисодиётида Рақобат ва ўзаро боғлиқликнинг ўсиши, трансмиллий корпорацияларнинг Ривожланиши, халкаро ахборот тизимларининг яратилиши, интеграция хусусиятли бошка тузилмалар муносабати билан юзага келган янги вокеаликларни жамоавий тафаккур килиш. Бошқариш бўйича кўп ҳажмли адабиётларнинг чоп этилиши, менежмент бўйича миллионлаб одамларга тушунарли бўлган дастурларнинг тарқатилиши, турли мамлакатларнинг бошқариш тажрибасини ўрганиш орқали уларни умумлаштириш, халқаро злоқалар воситаси сифатида кўплаб инсонларнинг мулкига айланмокда.

Сўнгги йиллар тажрибаси бошқаришнинг оғир юкини ўз зиммасига °лаётган ёки шу йўлга қадам кўяётган кишиларнинг тушуниш хамда ва

мутахассис бўлишдан кўра кўпроқ бош бўлиши, ҳеч нарсани назар қочирмасдан, барча жараёнларни яхлит кузатиб боришга қодир бўлиши лот бу эса кенг дунёқараш ва тафаккурни эга талаб этади.

4

Ҳозиргизамон менежменти - бошкариш қарорларининг минглаШ вариантлари ва нозик фарқларидир. Бир ташкилотдаги жорий **ёндошув1аа,** гарчи ўзининг юктулари билан яхши кўрсатган бўлсада, бошқа ташкилот **учуй** ҳатто, зарарли бўлиб чикиши мумкин. Менежмент йўлларининг **куя** вариантлилиги, хўжалик комбинацияларининг мослашувчан ва гайри оддийлиги, аник, у ёки бу вазиятлар йўлларнинг такрорланмаслиги бошқариш ишининг асосини ташкил этади. Шу сабабли менежерлар ишида стандарт усулларга эмас (гарчи уларни хам билиш лозим бўлса-да), балки аниқ вазиятня тез, тўгри баҳолаш, тўғри йўлни топиш кобилиятига зўр берилади.

Менежмент ҳар жиҳатдан ярокди рецептларни бермайди. Менежмент у ёки бу бошқариш масалаларини ечиш усул ва йўлларини билгани ҳолда, аниқ корхона учун, у хоҳ давлат хоҳ кооператив, хоҳ қўшма, хох акциядорлж корхонаси бўлсин, қандай қилиб муваффақиятга эришишга ўргатади. **t**

Менежментлик санъатини эгаллаш хўжалик фаолияти натижаларини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, у кўпчилик холларда қўшимча молия киритишга Караганда самарали бўлади. Раҳбарларга қўйиладигая талабларни куйидаги коидаларда ифодалаш мумкин: Ҳозиргизамон раҳбари, энг аввало, новатор бўлиши, яъни ўқитиш технологияси, ўқув-тарбия жараёни ташкил этилиши, жамоада карор топган муносабатларга янгиликларнинг киритилишига ёрдам бериши лозим. Новатор рахбар стратегдир, у янгиланиш йўналишларини кўради туғилиб келаётган зиддиятнинг олдини олади, тузилишига кўра ўзгаришларнинг муддатларини белгилайди. Ҳар бир раҳбар ўқув юртининг ривожланиш истикболи бўйича ўз концепциясига эга бўлиши лозим.

Новатор рахбарнинг бошкалардан ажралиб турадиган хислати бу фан билан доимий алоқада бўлиб туришидир. Чунки янгиликларнинг бош ички турткиси - янги билим, ихтиро ва кашфиётлардир.

Раҳбар шахсиятини баҳолашда асосий мезон сифатида пухта касбий билимга эга бўлишлик муҳим ўрин тутади. Масалан, Буюк Британия мамлакатида менежерларнинг пухта билимга эгалиги(компетентлиги)га куйидаги талаблар кўйилади:

- бошкариш жараёнлари табиатини тушуниш, ташкилий тузилишлар-нинг асосий турларини билиш, менежерларнинг хизмат вазифалари ва иш усулларини бошқариш самарадорлигини ошириш усулларини эгаллаганлик;
- одамларни бошқариш санъатини эгаллаш, кадрларни танлаш ва тайёрлаш, қўл остидаги ходимлар орасидаги муносабатларни тартибга солиш;
- фирма ва унинг мижозлари орасидаги муносабатни олиб бориш ўқуви, ресурсларни бошқариш, фирма фаолиятини режалаштириш ва истиқболини белгилаш кобилиятига эга бўлиш;
- ўз шахсий фаолиятини баҳолаш тўғри хулосалар чикара билиш, малакасини ошириш хамда билим ва малакаларини ишда, амалиётда намойиш этиш кобилиятига эгалик.

Раҳбар киши бошкарув фаолияти жараёнида куйидагиларни эсда тутмогй



зарур: агар вертикал мартабанинг кўтарилуви (вертикал мавке) хизмат вазифасида ўсиш бир кунда йўқолиш эхтимоли мавжуд бўлса хам, горизонтал мартабанинг кўтарилувчи-менежер нисбий маҳоратининг ўсиши доимо ўзингиз билан бирга бўлади. Хизмат мансаби кетидан кувманг. Агар маҳорат бўлса, мансаб ўз-ўзидан келади. Барча эхтиёж сезганларга барчага ёрдам, маслахат беринг, одамларни ва ташкилотни бошқаринг, худудни унинг исталган нуқтасидан, исталган ижтимоий позициядан бошқаринг. Агар бошкариш объекта сизга расман бўйсунмаган бўлса, бу уни бошқариш учун тўсик эмас, балки бир шароитдир. Бундай шароитларда бошкара олмаяпсизми - ўқинг.

Сиз бошқаришнинг уддасидан чиқа олмаётган ҳамма нарса сизнинг бошкарув борасидаги укувингиз ва малакаларингизнинг етарли эмаслигини кўрсатади. Сизнинг нолишингиз, илтимос қилишингиз мумкин эмас. Сиз дунёдаги ҳамма нарсани бошкарасиз. Нолиш ёки сўраш, агар бу бошқарув йўли, сўраш ёки илтимос ўйини бўлсагина, мумкин.

Кимки нолиётган ёки сўраётган бўлса, у тушунтириши, саволларга жавоб бериши, ахборотни бериб қўйиши, эркни йукотиши лозим. У бошқармайди, балки уни бошқаришади. Сўрашни эмас, таклиф қилишни ўрганинг, ҳамма нарсани ўзингиз ҳосил қилишни ўрганинг.

Муваффақият ёки муваффакиятсизликни уларни бошидан кечирган одамгина билади.

Муваффакият ва муваффақиятсизлик ижтимоий борлик билан тескари алоқани амалга ошириб, менежерни мақсадга томон элтади. Муваффакиятсизликда олдинга силжиш қийин бўлади.

Ҳар_ кандай фаолиятнинг маъноси ундан ташкарида ётади. Сизнинг хаётингизнинг маъноси Сизнинг ҳаётингиздан ташқарида ётади. Ўз ҳаётингиз доирасида мақсад қўйишингиз - демак, ўз ҳаётингизни маъносизлантиришдир. Ишларингиз ва муомалангизда маъно бор, бироқ турмушнинг ўзи тасодифий эгри-бугри бўшликдир.

Менежер иқтисодиёт, молия ва иш фаолиятини ташкил этиш бўйича чукур билимларга эга бўлиши билан бир қаторда одамлар орасидаги муносабатлар соҳасида хам билимлар билан тўла қуролланган бўлиши лозим. Чунки касбий тайёргарлик, одам меҳнатининг самарадорлиги, унинг ишга муносабати, психологик кулайлик ҳамда кайфият бозор иктисодиётининг харакатлантирувчи бош омилидир.

Шундай қилиб, менежер амалда ҳамма нарсани билиши ва кила олиши лозим. Японияда олий ўқув юртини тугатганидан сўнг, мукаммал менежерни тайёрлаш иш жойида 8-10 йилдан кам вақтни олмайди. Раҳбар менежер камида нималарни бажара олиши керак?

1 .Ташкил этиш ва режалаштириш.

2. Тўғри нестандарт бошкариш қарорларини қабул қилиш.

**3.** Жамоага Ҳозиргизамон талаблари даражасида раҳбарлик килиш.

4. Одамлар билан мулокотда, алоқада бўлиш.

5.Ходимларнинг ижодий фаолиятини такомиллаштириш ва ихтирочиликни рағбатлантириш, қўл остидаги ходимнинг ҳар бир ютуғини кайд килиш ва баҳолаш.

6. Ихтилофли вазиятлардан чиқиш йўлини топиш.

7. Ўзининг хуш кўриш-кўрмаслигидан катъий назар охиригича холис эўлиш.

8. Ходимларни танлаш ва ўкитиш.

9. Бўйсиндира билиш ва хизмат давомида кичикларнинг даражама-даража бўйича катталарига бўйсуниш қоидаларига риоя килдириш.

10. Иш музокараларини юритиш.

Менежер ишининг муваффақияти асосида ижодий ёндошув ва топкирлик ётади. Ижодий жараён давомида бир янги нарсадан, илгари бўлмаган **нарса** юзага келади. Янги ечимлар бунгача маълум бўлмаган табиат ходисаларига асосланиши, кишилик жамиятидаги кучларнинг янги муносабатлари ва янги яратилган материалларининг хоссаларидан фойдаланиши мумкин. Бирок техника, хўжалик, молия хамда иктисодиётнинг бошқа сохаларида ҳам ўзлаштирилиши мумкин. Ушбу соҳаларда янги материаллар хоссаларидан фойдаланиш уларга нисбатан ижодий ёндошув натижаси бўлади.

Топқирлик хар кандай акдий фаолият, шу жумладан, бошкаришда хам зарурдир. Менежернинг топкирлиги натижасида бошқариш қарорлари шунча кўп пайдо бўлади, натижада улар орасидан кулай вариантнинг аникданиш эхтимоли ортади ва максадга макбул йўл билан эришилади.

Ўкув юртлари иш тажрибасининг кўрсатишича, ижодий фаолиятдаги энг жиддий тўсик карор топган намуналарга эргашиш мойиллигидир. Бу хусусият инсонда"психологик инерция" деб юритилади. Психологик инерцияни бартараф этишнинг одций, кулай воситаси борки, менежер уни билиши **ва** ёдда тутиш лозим! Усулларнинг битта эмас, балки кўплигини доимо назарда **тутиш,** ўз-ўзига эслатиб туриш лозим. Шу сабабли, раҳбар менежернинг вазифаси қўйилган максадга эришишнинг барча йўлларини кўриб чикиш ва **иложи** борича кўп вариантларни танлашдан иборат. Улар орасидан энг макбулини танлаб олишга шу тарзда мувофиқ бўлинади.

Бошкаришда ахборот технологиялари. Ахборот соҳаси ходимлари бошкарувчилар хисобланадилар, ахборот улар меҳнатининг хам мавзуси, хам махсулотидир.

Ҳар кандай раҳбар маълум даражада ахборотга эхтиёж сезади, яъни, муайян маълумотларни макбул шаклда, зарур муддатда олиш эҳтиёжига **эта** бўлади. Қабул қиладиган қарорларининг сифати, унинг тўлалиги, ҳакконийлнги ва ўз вактида олинганлигига боғликдир. Ҳар бир ходим ўзининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини аниқлаши ва **уни** қанаотлантириш имкониятига **эта** бўлиши лозим.

Бироқ мутахассисдан фаркли ўларок, раҳбар ўзининг ахборот таъминоШ хақидагина эмас, балки бутун бошқариш тизими хакида ҳам кайгуриши **лозим****[5]

Агар рахбар ахбороти факат унга тобе одамларнинг билимларидан **хосЯЯ** бўладиган бўлса, **у** холда унинг раҳбарлик даражаси пасаяди. Ўкув **Юргй***[1] бошкариш тизимида тўгри карорларни кабул килиш ишлаб чикиш жараён* объетив равишда ЭҲМ асосида бошқариш маълумотлар базасиниш ривожланишини таъминлайди.

Менежер ишида компьютер техникаси ва технологиясига асосланган ахборот тартиби беихтиёр равишда муаммолар ва зиддиятларнинг мохияти очиб беради, уларни хал этишни талаб килади. Агар мавжуд технологи



тузилма ва бошқариш усулларига муҳим тузатишлар киритилмаса, у холда компьютер тизимининг яратилиши ўкув юрти ишининг самарадорлигига сезиларги таъсир кўрсатади, деган хулосага келиш мумкин эмас.

Ҳар кандай инновация каби бошқаришнинг компьютерли технологияси ташкилий, иктисодий, техник ва бошқа характердаги бир қатор кийинчиликларга дуч келади ва натижада юқори психологик тўсик юзага келади. Янги тартиб-қоидалар манфаатларига таъсир киладиган кўплаб ходимлар унинг максад, вазифа ва истикболларини тушунмасликлари мумкин. Бунинг устига бошқаришга янги ёндошув йиллар давомида қарор топган иш технологиясини инкор зтиши мумкин. Фойдаланувчи компьютерлаштириш технологиясини ЭҲМнинг мураккаб тизимига мое равишда етакчи ва тобе бўлган элементларининг ўзаро мослашувига каратилган ҳаракатларнинг самарадорлиги бўйича баҳолаши лозим.

Бошқарув масалалари ечимларини автоматлаштиришни аниқроқ белгилаш муҳим. Буни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш лозим, биринчи гурух—эскирган характерда шакллаштириладиган масалалардан иборат. Улар жами масалалар сонининг ўндан бир қисмини ташкил этарди. Иккинчи гурух—бўш шакллаштириладиган масалалар бўлиб, уларни алохида холда на машина, на одам сифатли еча олади. Масалаларнинг энг катта тахминан учдан бир қисми улар хиссасига тўғри келар экан. Учинчи гурухга эса, шакллаштириб бўлмайдиган масалалар мансуб бўлиб, уларни хал этиш субъектнинг зиммасида бўлади. Бу бошқарувда шакллаштириб бўлмайдиган кўламдор ижтимоий-психологик масаладир.

Ўкув юртини компьютердан фойдаланиб бошкаришда ва баҳолашда куйидаги асосий шаклларни кўрсатиш мумкин:

Таълим муассасасини ахборот технологиялари орқали бошкаришда ва баҳолашда куйидаги асосий шаклларни кўрсатиш мумкин:

1) локал масалаларни ечишда;

2) масалалар мажмуини ечишда;

3) маълумотларни ишлаб чикадиган ахборот тизимларини ташкил этишда;

4) автоматлаштирилган бошкариш тизимларини яратишда;

5) автоматлаштирилган иш ўринларини яратишда.

Менежернинг автоматлаштирилган иш ўрнини (МАИУ) яратишнинг баъзи жихатлари хусусида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Шахсий компьютерлар асосида МАИУ нинг яратилиши бошкариш карорларини таъминот тизимларига киритишга ўтиш имконини беради. Моҳиятига кўра, бу диалог режимида ишлайдиган одам машина мажмуидир. Амалиётнинг кўрсатишича, МАИУ куйидаги масалаларни хал этиш имконини беради:

- ахборотни бир тизимга келтирган холда систематаштириб тизимлаб ҫақлаш;

- ахборотни тез излаш; ахборотни мунтазам янгилаш, тузатиш;

- йуналишларни аниқлаш ва истиқболни белгилаш учун маълумотларни Листик ишлаб чиқиш;

~ бошка ЭҲМлардаги маълумотлар базасига кириш ва х.к.

% масалаларни ҳал этиш учун амалий (дастур) пакетлар зарур. Булар

умласига маълумотлар базасини бошкариш, жавоблар тузиш ва уларни ютблаш, график ва диаграммалар ясаш, матнни ишлаб чикиш, амалий гатистика кабилар киради.

МАИЎни кенг татбиқ этиш махсус тайёргарликни талаб этади. Назарий китиш компьютсрнинг қўлланилиш сохаси ечиладиган масалалар характери, арурий таъминот кабилар юзасидан тушунарли тарзда тасаввур хосил килиш [озим.

Шу билан бир вактда компьютер клавиатурасини ўзлаштириш, ЭХМ билан шшаш малакаларини эгаллаш лозим. Менежер клавиатурада калам **ёки 1вторучкадан** фойдаланьшга Караганда тезроқ ишлашга эришиш учун **ҳаракат** ҳилиши зарур. Мана шунда компьютер иш ўрнининг оддий безаги, ишхонада замонавий инвентарнинг элемента бўлиб колмайди.

Бошқариш соҳасида компьютерлаштиришга эришиш улкан ютукдарни қўлга киритиш имконини беради. Ахборот таълимотини мувофиклаштириш хисобига кабул килинадиган карорлар сифати яхшилади, уларни. оптималлаштириш билан эса ўкув юрта фаолиятини юритишда самарадорликка эришилади.

Таълимдаги укув юртлари рахбарлари ишига инновацион жараёнларнинт татбик этилиши унинг муваффақиятли фаолияти ва ривожланиши гаровидир* Аммо одамларга рахбарлик қилиш ҳам ижоддир. Раҳбар ўз касбининг устачяғ бўлсагина баркарор ҳолатларда хам тўғри йўл танлай олади.

Таълимий тизими вазифаларини амалга оширишда ахборот? технологияларидан фойдаланиш йўналишлари. "Янги ахборот технологиялар»! тушунчаси, юқорида қайд этилганидек, ишлаб чикишгина эмас, балки **таълиа**| ва ўкитиш соҳасида хам қўлланмокда. Шу билан бирга таълимнинг янт|| ахборот технологиялари кенг ва мураккаб бўлгани ҳолда психологик-педагоги§; нуктаи назардан кам изоҳланган тушунчадир. Ўқитиш технологиялари **доим*** ахборотли бўлган ва улар кўп хиллик ахборотни саклаш, узатиЩе фойдаланувчиларга (ўқитилаётганларга) етказиб бериш вазифасини бажарга% Компьютер ва коммуникация воситаларининг пайдо бўлиши билан ў^**дитив*** технологиялари тубдан ўзгарди. -;

Ўкитишнинг янги ахборот технологияси(ЎЯАТ)ни ўкитишни ахборЖ технологияларнинг Ҳозиргизамон техник воситаларидан фойдаланиб **таяяа*** этишни сифат жихатидан янги жараёни деб таърифлаш мумкин.

ЎЯАТни амалга оширилиши куйидагиларнинг мавжуд бўлишини этади:

- ўқитишнинг техник воситалари бўлган компьютер ва комму* воситалари;

- ўкув жараёнини ташкил этиш учун мое, тизимли бўлган хамда характерга эга дастур таъминоти;

- ўкув-тарбия жараёни учун янги УТВни татбик этишга оид ᴹ ишланмалар.

ЎЯАТ учун хос бўлган жиҳат ўкув ахборотини тўплаш, узатиш, чикиш ва уни фойдаланувчига етказиш жараёнига янгича ёндо иборатдир. Ўкув ахбороти компьютер ва коммуникация воситалари ё ахборот узатишга асосланган технологик ишлаб чикариш объектига аил

Кейинги вактда "Ўқитишнинг компьютер технологиялари" (ЎКТ) тушунчаси қўлланилмокда, мазкур тушунча компьютерлар базасида амалга оширилган ўқитиш технологиялари мохиятини англатишга хизмат қилади. Бироқ УЯАТ тушунчаси ЎКТ тушунчасидан кенгрокдир, чунки компьютерлар ЯАТ техник воситаларининг таркибий қисми.

Ўкитишга ЯАТнинг жорий этилиши икки асосий йўналишда боради:

**1)** бўлажак ишчиларни ишлаб чикариш жараёнида ЯАТдан фойдаланишга тайёрлашни таъминлаш учун ўқитиш мазмунини узгартириш;

2) ўкув-тарбия жараёнини ташкил этилишининг шакл, метод ва усулларини узгартириш, ўкитиш жараёнининг янги типини яратиш.

ЯАТнинг жорий этилиши билан тақозо этиладиган ўкитиш мазмунини узгартириш информатика билан боғлиқ фанларни ўрганишда амалга оширилади. Ушбу ҳолатда янги йўналиш кузатилиб, унда ЭҲМнинг тузилишини пухта ва чукур ўрганишдан воз кечилади ва асосий таълим олувчиларнинг эътибори компьюгерларда амалий ишлаш, малакаларини шакллантиришга қаратилади. Ўкитишдаги инновациялар туфайли юзага келган яна бир хусусият фанга йўналтирилган муҳитларни яраташдан иборат бўлиб, улар ўкув фанлари мазмунини сезиларли даражада ўзгартиришга имкон беради хамда бутун укув жараёнини анъанавий ташкил этилиши усулларининг мухим ўзгариши ва интеграл ўкув курелариниг лойиҳаланишига олиб келади.

Шунингдек, ўкув маълумотлари базаларининг яратилиш муаммоларига сезиларли ўрин ажратилади. Маълумки, инсон хотираси имкониятлари чекланган, ахборот манбаларига кириш эса ниҳоятда қийин. Шу сабабли, одам ва компьютер хотараларини маълумотлар базаси шаклида синтез килишнинг бир қатар афзалликлари бор.

УЯАТ доирасида ўқитишнинг янги шакл, метод ва воситалари ҳакида гапирилганда янги технологиялар техник воситаларининг муҳимлигини қайд этиши лозим. Масалан, ўкитишда видеокомпьютер тизимларининг кулланилиши икки аудиовизуал ва компьютер технологияларининг афзаллигини намойиш этиш имконини беради.

У ахборотни визуал, матнли ва график шаклларининг бирга кўшиш воситасини таклиф этади. Шунингдек, таҳсил олувчи-таҳсил олувчиларга УҚитишнинг якуний боскичида видео тизимдан фойдаланиш, ишлаб чикиш жараёнининг видеоёзувини синчиклаб кўриш ва мухокама этиш асосида ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, мехнатни жадаллаштириш, вақт *ᵃ ᴹатериалларни иқтисод килиш йўлларини топишга имкон беради. идеокомпьютер тизимларининг таълимда кенг кулланилиши икки сабабга кура талабни кондиролмайди, биринчидан, техник ва дастур таъминотининг Хосининг баландлиги иккинчидан ўқитиш жараёнини ташкил этиш учун "измат килувчи дастур таъминотининг йўклиги.

Компьютер тизимларининг дастур таъминоти такомиллашиб ва Ривожланиб бормокда.

Интеллектуал автоматлаштирилган ўқитувчи тизимлари(ИАЎС)нинг ^**РЧи** этилиши таҳсил олувчи-таҳсил олувчининг тайёргарлигига боғлиқ ҳолда - ᵀᶦʷ ^жараёнида мосланувчан бошқаришни амалга ошириш имконини ᵃДи. Укитишнинг барча боскичлари, чунончи, билимларни бериш, уларнинг

шаштирилиш даражасини текшириш, ўқитишни асослаш каби муаммоларини оделлаштириш каби амаллар ана шу имконият асосида амалга оширилади. [атижада таҳсил олувчи-тахсил олувчининг динамик модели шаклланади, шбу модел укитувчи билан ишлаш давомида ўзгариши мумкин. Бу эса ўқитшп тратегияси мазмунини қўйилган максадларга боглик равишда ўзгартириш хтиёжини хосил қилади.

Ўқув жараёнида ЯАТ техник воситаларидан фойдаланишда эксперт-датувчи тизими (ЭЎТ) алоҳида аҳамият касб этади. ЭТС дейилганда эксперт датувчилар, услубиётчилар ва мутахассислар жамоасини муайян **фан** зоҳаларида самарали алмаштирадиган автоматлаштирилган ахборот тизимлари гушунилади.

Масалан, таълим мақсадларида типерматнли тизимлардан фойдаланишда компьютер зиммасига тушунчалар ва уларнинг боғланишлари кўринишида ифодаланадиган янги материални баён этиш вазифаси юкланади. Тугун(узел)ларни кўриб чикиш бу савол, тушунча, майл ва кўрсатмаларни кўриб чиқишдир. Бундай тизимлар билан ишлашда тахсил олувчи -тахсил олувчилар учун фақат ўкув материали (гиперматн) тузилмасигина эмас, балки унинг бу тузилмани ўзлаштиришга йуналтирилган шахсий фаолияти **хам** тахлил объекти бўлади.

Ҳозирги вактда жаҳонда ЯАТни таълимга жорий этишда техник воситаларни интегрециялаш асосий йўналиш бўлиб қолмокда. Шу муносабат билан ҳатто "мультимедиа" тушунчаси пайдо бўлдики, у ўқитиш жараёнида техник воситалар мажмуидан фойдаланишни билдиради. Мультимедианя кўллашда аввало, тахсил олувчи-тахсил олувчиларни керакли ахборотни танлаб олишга ўргатиш талаб этилади. Ўқитувчининг вазифаси ахборотни беришгива эмас, балки уни топишда ёрдам беришдан хам иборат бўлади. Укитувчи билимлар оламига йўл кўрсатувчи сифатида фаолият олиб боради. Укитиш воситалари мажмуидан фойдаланиш ахборот каналлари (кўриш, эшитию кабилар) оркали таҳсил олувчи - тахсил олувчига таъсир кўрсатиш жараёнини ифодалайди ва у ўкитиш самарасини кучайтиради, Ўкитишда ЯАТдай фойдаланилганда тахсил олувчи-таҳсил олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклларини тиклаш муаммоси янгича хал этилиши лозим. Агар анъанавий ўқитиш шароитларида билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг ЧИ* таркалган шакллари индивидуал ва фронтал шакллар бўладиган бўлса, ЯАТя* қўлланиш шароитида уларнинг ҳар иккаласидан бир вактда фойдалаяяЯ мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнининг янги ўқитиш технологиялари намоён бўладиган ушбу босқичларига хам эътибор бериш зарур:

а) янги мазмунни ўзлаштириш босқичи;

б)янги мазмунни ўзлаштириш даражасини баҳолаш боскИ* Юқоридагилардан ушбу масалаларнинг долзарблиги келиб чиқади:

- ўқув жараёнида сунъий интеллект ва экспертлик **тизимларирт** фойдаланиш;
- техник ва дастур таъминотининг биргаликда таъминланиши;
- ўқув жараёнини тегишли дастур воситалари билан таъминланиши;
- ўқитувчи кадрларнинг тегишли тайёргарлигининг таъминланиши.

# Vп БОБ. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА БАХОЛАШ УСУЛЛАРИ

## 7.1. Педагогик технологияларда педагогик квалиметрия методлари

Ҳозирги даврда, амалиёт ходимлари олдида оператив ҳарактердаги **шундай** вазифалар пайдо бўлмокдаки, уларнинг хал этилиши, ишлаб чикилиши **лозим** бўлган дастлабки маълумотлар чекланган ёки бошлангич ахборот **жуда катта** ҳажмли бўлган ҳолда хам иложи борича максимал аникдикка эришишни **талаб** этмокда. Бирок педагогик тизимга ахборот технологиялари(АТ)нинг жорий этилиши даражаси **бугунги** кун талабларига жавоб бермаяпти. Бунинг **устига** ахборот алмашинувининг умумижтимоий глобал муаммоси педагогика таълими амалиётида ўз аксини ҳали яхши топмадики, бу таълимнинг **бошка** сохалари, жумладан умумтаълим, касб-хунар таълими, олий таълим хамда **халқ** хўжалигининг турдош соҳалари билан ҳам интеграциялашуви кийинлашмокда.

Ижтимоий тараққиёт ва иктисодиётдаги мавжуд муаммолар **мехнат** заҳираларини хар қачонгидан хам сифатли этишни тақозо этмокда. **Бироқ** таълимни кайта қуришда ижобий самараларга мехнат, вакт, восита кабиларни оптимал сарф этилган холда **эришиш** лозим. Шу сабабли ҳозирги **замон** педагогикасининг муаммоларини хал этишда маълум ижобий натижаларга эришиш ва амалий эхтиёжларни каноатлантириш мақсадида педагогик ахборотни тавсифлаш ва тахлил этиш назарияси, воситалари ва методларини янада ривожлантириш зарур. Шу нарса маълумки, педагогик жараёнларнинг кечишида укитувчи ва таҳсил олувчи-таҳсил олувчиларнинг турли хил **шахеий** хамда индивидуал хусусиятларигина эмас, балки атроф-муҳитга **татбик** этилаётган педагогик воситаларнинг кўплаб ошкора ва яширин омиллари **хам** таъсир кўрсатади.

Бу борада куйидаги долзарб вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофикдир:

- педагогик технологияларни яхлит холда ёки айрим компонентларини бахолаш мезонларини аниклаш;

- ўкитиш сифати ва самарадорлиги кўрсаткичларининг бирор давр **учун** эталон даражасини аниклаш;

- ПТни белгиланган мезонлар бўйича баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш кабилар.

**Педагогик тизим квалиметрик методларнинг объект сифатида-** Узимиз танланган йўлдан оғишмаслик мақсаднда педагогикада бахолашнивт ахборот таъминоти ва технологиясига хос бўлган факат методик жихатларигагина тўхталиб ўтамиз. Жумладан, ПТни баҳолаш ҳақида **суз** юритаётганда, бир томондан, охирги натижани, иккинчи томондан, **бевосита** жараённинг ўзини назарда тутиш лозим.

Исталган ПТни ахборот ва ташкилий жиҳатдан бирор ўзаро боглангаН, тузилмаланган тавсиф ва белгилар тўплами сифатида кабул қшш **мумкин,** бунинг натижасида эса исталган замонавий педагогик технологияларнинг тавсифи бирор педагогик тизимнинг тавсифидан иборат бўлади. Шу **вакгя** қадар педагогик тизимнинг тузилмаси ва вазифалари ҳакидаги аник **биР** кийматли тасаввур гарчи таърифланмаган бўлса-да, бирок илмий адабиётларяя ўрганиш педагогик тизимни тўла аниқланган тугал тизим сифатида **синтез** қилиш уни педагогика фани мавзуси ва педагогик амалиёт объекта маъносида тушиниш имконини беради. В.И. Беспалько томонидан бу борада тўхталаган таърифини "Педагогик тизим дейилганда берилган сифатларга эга бўлган, шахсни шакллантириш мақсадида йўналтирилган ва олдиндан мўлжалланган педагогик таъсирни яратиш учун зарурий, ўзаро богланган воситалар, методлар ва жараёнларнинг бирор мажмуи тушунилади"[13]. Бунда, исталган педагогик тизимнинг тузилмаси ўз ичига куйидаги компонентлар тўпламини олади:

- таҳсил олувчилар;
- ўкитиш ва тарбия воситалари;
- ўқитиш ва тарбия жараёнлари;
- ўқитувчилар (ўкитишнинг янги ахборат технологиялари ва бошқа ахборот элтувчилар);
- педагогик технологияларнинг ташкилий шакллари.

Педагогик тизим бирор дидактик масаланинг мое ПТ билан бирикмасидан иборат.

Бир карашда, ривожланган методологик аппаратга эга бўлган педагогика фани учун тайин ўкув материалини ПТнинг ташкилий шакллари билан мувофиқлаштиришда хеч бир кийинчилик туғилмаслиги кўзга ташланади.

Бирок, амалиётда иш бироз бошқачароқ бўлади. Аслида эса бу тизим амал қилишнинг ҳар бир босқичида бахолаш ва танлаш операцияларини унинг хар бир компонентига педагогик таъсирнинг асосий объекта бўлмиш таҳсил олувчи педагогик муҳитга тушган ондан бошлаб, токи ПТнинг якуний натижаларини бахолаш билан тугатгунга қадар кўп карра такрорлаш талаб этилади. Шу билан бирга масала куйидаги бир катор омиллар туфайли мураккаблашади:

- педагогик тизим ижтимоий тизим бўлиб, у ўз элементларининг турли-туманлиги ва ўзаро алоқаларининг мураккаблиги билан тавсифланади;

- педагогик тизим очиқ тизим бўлиб, ижтимоий-иктисодий муҳитнинг кучли таъсири остида бўлади;

- ПТнинг вазифаси ва якуний натижаси ташқи мухитга нисбатан аникланади, унинг ўзи эса, ўта ўзгарувчан. Баҳо мезонлари ҳар доим ҳам пухта аникланавермайди;

- бахолашда лингвистик ахборотдан кенг фойдаланилади. Педагогик материалдан ташқари, тахеил олувчилар ва педагоглар фаолияти хам баҳоланади, бу эса мезонларни хам, бахолаш процедураларини хам расмийлаштиришни мураккаблаштиради;

- танловнининг барча босқичларини инсон амалга оширади, бу эса баҳолаш объективлигининг йўқотилиш хавфини оширади.

Шу сабабли, педагогик тизимни ҳозирги замон педагогикаси иўналишларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш ПТ сифатини баҳолаш муаммосини хал этиш билан бевосита богликдир. ПТ сифатига қўйиладиган талабларнинг ўсиши эса мое равишда педагогик асбоб-курол ва воситаларни доимо янгилаш зарурлигига °либ келади. Айнан шу педагогик квалиметрия [25] методларининг Кулланилиши бу йўналишдаги истикболли йўллардан биридир.

Бунда педагогик квалиметрия доирасида кўтарилган муаммога мое **Математик** аппаратнинг кулланилиши чегарасини кенгайтирищ имкониятининг

авжудлиги ҳал килувчи ахамиятга эга.

Турли омилларни ҳисобга олиш ва уларнинг ишлаб чикаришдаги мконияти борлигини аниклаш мазкур муаммо муваффакиятини таъминлайди. улар:

- катта сон кўрсаткичлари ва уларнинг ўзаро богликдигининг доимо згарувчан табиати;

- фикрларнинг ижтимоий муҳит иштироки туфайли субъективлиги ва тхоларни объективлаштириш зарурлиги;

- факат аниқ маълумотлар билангина эмас, балки тажриба асосида, «ггуитив усулларда олинган такрибий ахборот билан ҳам иш кўриш зарурати сабиларда кўзга ташланади.

Педагогик квалиметрияда янги математик аппаратдан фойдаланишнинг аолзарблиги яна шундаки, анъанавий ёндошувда педагог-тадқиқотчилар учун мураккаб туюлган тамойил, характердаги қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

- педагогик ходисаларга хос бўлган мураккаблик уни мое математик тавсифлашда бизнинг имкониятларимиз чегарасидан чикиши мумкин;

- интуиция, тажриба ва билимларни қатъий математик концепциялар билан математик моделлар орқали бирлаштириш, педагогик маълумотларни анъанавий тавсифлаш, ифодалаш ва ишлаб чиқиш усулларидан фойдалашини қийинлаштиради;

- борган сари мураккаблашаётган жараёнлар ва бу жарёнларнинг ривожланиши ҳақида математик моделлар ёрдамида олинган маълумотларга қўйиладиган талаблар орасидаги ўзаро битам ҳалигача амалга оширилмаган.

Шундай килиб, ПТларнинг сифати ва самарадорлигини баҳолаш муаммоси кун тартибига қўйилади ва унинг доирасида ушбу масалалар юзага келади:

1) ПТ турли компонентларининг бахолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва танлаб олиш;

2) бахоланадиган параметрларни моделлалаштириш;

3) педагогик ахборотни тўплаш, ишлаб чиқиш процедурасини расмийлаштириш;

4) қабул қилинадиган карорларнинг объективлигини ошириш.

Бирок бошлангич педагогик ахборотнинг тўла ва ноаниқлиги мавжуд ёндошувларнинг такомиллаштирилишини тақозо этади. Аслида эса мазкур масалалар педагогик квалиметрияни кўллаганда у ёки бу даражада коникарл* ечимга эга бўлиши мумкин.

Квалиметрия (лотинчада "квали" - сифат, грекчада "метро" ўлчаш) исталган объект(нарса, ходиса ва жараён)лар сифатларининг мажмуви* микдорий бахоларини ишлаб чикиш методологияси ва муаммоларни* урганади[55].

Педагогик квалиметрия бу квалиметрия методларни психо-педагогик **в»** дидактик объектларни бахолаш татбикидан иборат бўлиб, у педагоги**» математика, умумий квалиметрия, социология, кибернетика каби фанлар доирасида юзага келади.

Педагогик квалиметрияда куйидагиларидан фойдаланилади: педагоги*[8] _ педагогик тадкикотлар метадологияси; математика - эҳтимоллик назари**^



математик статистика, кўп ўлчовли статистик таҳлил, факторли ва корреляцион анализ, нометрик кўп ўлчовли шкалалаш, тизимлар умумий назарияси; социология математик татбикнинг методологик муаммолари, ижтимоий жараёнларни ўлчаш муаммолари, тестлаш хамда шкалалашнинг ишончлилиги ва асосланганлиги, кўпўлчовли статистиканинг татбики билан боғлиқ масалалар; кибернетика - ахборот назарияси, моделлаштириш.

Шунга асосан, у бошка фанлар билан узвий алоқадорликда бўлиб, у ёки бу метод (масалан, педагогика хос) ва коидаларни педагогик квалиметрияда фойдаланиладиган бошка метод ёки коидаларга нисбатан абсолютлаштириш мантикдан эмас. Тенг ҳукуклилик тамойилининг бузилиши педагогик квалиметрия моҳиятининг маъносизланишига ва натижаларининг хатолигига олиб келади (методларнинг сермашақатлигини назарга оладиган бўлсак, лоақал моддий харажатлар сарфи ва вақтнинг йўқотилишини орттиради).

Педагогик квалиметриянинг асосий назарий базаси анкеталаштириш, тестлаш, шунингдек, одамнинг тажриба, билим ва интуицияга асосланадиган эвристик имкониятларидан фойдаланиладиган экспертлик баҳолари методларидан иборатдир.

Илмий нашрларни тахлил этиш педагогик квалиметрияда ушбу икки жиҳатни ажратиш имконини беради:

1) педагогика ва дидактикада ўлчовларнинг умумий масалалари ва муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ жиҳат;

2) педагогик тадкиқотларда аниқ масалаларни ечишга интилиш билан тавсифланадиган жиҳат (тахсил олувчи-таҳсил олувчилар билимларининг ўлчов параметрларини ишлаб чикиш, педагогик экспертиза, ўкув материали мураккаблигини бахолаш кабилар.)

Амалиётда педагогик объект ва жараёнлар сифатини бахолаш бўйича ўнлаб турли методикалар ишлаб чикилган ва татбик этилган бўлса-да, бирок Улар, одатда, эмперик асосда, квалиметрия усулларидан фойдаланилмасдан амалга оширилаётган эди[55].

Педагогик экспертизани (педагогик квалиметриянинг кисми) ташкил этиш [в]а ўтказиш масалалари бўйича тадкикотлар аслида йўқ даражада. Шу боис куйидаги вазифаларни ҳал этиш талаб этилади:

- эксперимент тилини яратиш;
- ўқув материали тузилмасини яратиш ва режалаштириш;
- профессиограммаларни (касбграмма) тузиш;
- таҳсил олувчи-тахсил олувчи шахсини баҳолаш;
- ўкитиш технологияси билан боғлиқ масалалар.

Педагогик экспертиза педагогик объект (ҳодиса ва жараёнл)лар ҳақидаги жамоавий фикрни эксперт фикр (ёки бахо) сифатида хосил килиш учун зарурий бўлган процедуралар мажмуи (тўплами)дан иборат.

Қуйидаги экспертиза усуллари энг кўп қўлланилади:

- индивидуал (шахсий) экспертиза баҳоси;
- морфологик экспериментал усул;
- баҳолаш (рейтинг);
~ ўз-ўзини бахолаш усули;
~ педагогик консилиум усули;

- гурухли экспертиза бахолари усули.

Бу усуллардан сўнггисини энг истиқболли (ҳолис) усул деб ҳисоблаш мумкин, чунки бу ерда экспертлар орасидаги бевосита мулоқот хамда бир вактда индивидуал экспертизанинг чекланганлиги каби камчилик ҳам истисно этилади.

Тажрибанинг кўрсатишича, айни шу гурухди экспертиза куйидаги педагогик жараёнларни бахолашда максадга мувофик экан:

- ўқитиш технологияси;
- ўқитиш сифати;
- даре ўтиш сифати;
- укитувчи ва таҳсил олувчи;
- тахсил олувчининг шахсий сифатлари;
- ўкув китоби мазмуни;
- дидактик адабиётлар;
- дидактик тадкикотлар;
- ўқитилаётганлар профессиограммалари.

Бу санаб ўтилган бандлардан кўриниб турганидек, биринчи тўрттаси кўп жихатдан ўкув муассасасининг бошкаруви ва ўкув жараёнига хосдир, шу сабабли натижаларни олишга кетадиган вақтни максимал қисқартириш талаб этилади, чунки бу натижалардан оператив назорат ва бошкарувни ташкил этишда (турли даражаларда) фойдаланилади.

Бирок турли илмий ишлар билан танишиш шуни кўрсатдики, кўпчилик муаллифлар ўз ишларида ушбу усулдан фойдаланишда "қоғоздаги" вариашта мурожаат этганлар, юкорида тилга олинган кибернетик усуллардан экспертизада кам фойдаланилади (ёки мутлақо фойдаланилмайди). Бу эса уларни ўкув муассасаларини бошкариш, ПТни қўллаш, шунингдек, унинг сифатини баҳолашда хам тўсиқ бўладиган омилга айланади.

Аслида эса ушбу масалаларни хал этишда куйидаги экспериментал усулларни кўллаш мумкин бўлади:

- материални ҳамда вактни тақсимлаш(режалаштириш)да;
- иш дастурларини такомиллаштириш;
- дидактик материал ва ҳ.к. ларни танлаш;
- билим ва тахсил олувчи-таҳсил олувчиларни бахолаш мезонларини танлаш;
- ўкитиш сифатини баҳолаш.

Шу билан бир вактда барча босқичларда ПТ натижаларини бахолашнинг объективлиги ва оперативлигини орттириш муаммосининг кенг камровли ҳал этилишида квалиметрия методик аппаратидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқишнинг кулайлигига эришмасдан иложи йўк. Шу муносабат билан экспертиза усуллари социологик ва кибернетик усуллари оралиғидаги бўғин бўлиб, улар:

- процедуралар бўйича алгоритмлаштириш;
- ЭҲМга богланиш.

У холда педагогик объект ва ҳодисалар ўзига хос хусусиятларга эгалигини хисобга олиш лозим, шунга асосан, педагогикада қабул килинган методологик қоидаларни хисобга олиб, батафсил илмий педагогик тахлил этиш зарурдир.



Педагогик квалиметрия усулларидан фойдаланишнинг истиқболлилиги хозирги вактда хеч бир шубҳа туғдирмайди [56], чунки бу назария психо-педагогик жараёнларни тўла, чукур ўрганиш ва таҳлил этишда кенг имкониятлар очиб беради. Бундан ташқари, педагогик квалиметрия доирасида кенг математик усуллари [56] - эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, таснифлаш ва таксономия усуллари, корреляцион, регрессион омил ва дисперсион таҳлил, экспертиза баҳолари кабилардан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд. Бирок, юқорида кайд этилганидек, математик усулларни татбик этиш муаммосининг муваффақиятли хал этилиши уларнинг татбиқ чегараларини аниқ белгилаб олиш билан боғлиқдир. Шу мақсадда эҳтимоллик назариясига мурожаат этамиз. Шуни қайд этиш лозимки, назарий-эҳтимоллар методларининг татбиқ этилиш соҳаси статистик тургунлик ёки частоталар турғунлиги хоссасига эга бўлган ҳодисалар доирасида чекланган. Бир вактнинг ўзида илмий адабиётларда тайин ҳодисани ўрганишга эҳтимоллар назариясини татбик этилиш масаласини ҳал этишда статистик тургунликни текширишни кандай амалга ошириш ҳақида етарлича умумий жавоб ҳозирга қадар топилгани йўқ. Шу сабабли кўпгина амалий татқиқот, шу жумладан, педагогик тадкиқотларда ҳам экспремент натижалари бирор тасодифий микдор, функциянинг киймaтлари деб қаралади. У жиддий хатоликларни олиб келиши мумкинлиги хакида айтиб ўтишнинг зарурати йўқ. Шундай килиб, эҳтимоллар моделининг тадқиқот муаммоси кўп даражада субъективлик билан хал этилади ва ҳали амалий тавсиялар даражасига етказилмаган.

Педагогик тадқиқотларнинг ахборотларга эхтиёжи туғилиб, у ёки бу психо - педагогик масалани ҳал этишда эксперт ёки экспертлар гурухи жалб этилганда эҳтимоллар моделидан фойдаланишнинг етарли эмаслигига яна бир дал ил келтирамиз:

Эҳтимоллар назариясининг методларидан бири субъектив эҳтимоллик деб аталадиган эхтимоллар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг қийматлари қуйидагича аниқланадиган пул гаровига пропорционал сонлар сифатида талқин этилади: пул, агар субъектнинг фикрича рост бўлган фикр, аслида ёлғон бўлиб чикса, у тўлашга рози бўладиган маблагдир. Бу усулда киритилган ишончлилик Даражаси куйидаги мулоҳазалардан келиб чиқадиган бир қатор қийинчиликлар билан боғлик:

- моделда пул эквивалентининг мавжудлиги;
- бу субъектив эҳтимолликларнинг ўз кийматларини белгилашда маълум психологик чеклашларни пайдо килади;
- бу субъектив моделда эхтимолликлар назарияси аксиомаларининг бажарилишининг талаб этилиши;
- эксперт ўрганилаётган объект ҳақида аниқ сон ёки кийматлар интервали кўринишида ўзи эга бўлган ахборот даражасини баҳолашида ўз бошидан кечирадиган мураккаблик.

Ахборотнинг тиникмаслигини хисобга олишнинг интервал таҳлили моделини муҳокама этиш фойдалидир.

Педагогик ахборотнинг аниқ ва тиниқмаслиги. Бу ёндошув асосида тиниқмас сонни интервал шаклида ифодалаш гояси ётади, яъни, ҳар бир Номаълум микдор уни ўз ичига олдиган бирор интервал билан алмаштирилади.

Кейинги тадкиқотлар шуни кўрсатадики, ЭҲМда хатоликларнинг яхлитланишини автоматик назорат этиш воситаси сифатида юзага келган интервал таҳлил методлари Ҳозиргизамон амалий математикасининг янги аналитик методлари сифатида хизмат килади. Баъзи педагогик масалаларни ҳал этишда бу методлардан фойдаланишга оид мисоллар [56] келтирилган.

Бирок бу моделнинг юқори амалий аҳамиятига қарамасдан, у ноаник, тиниқмас, баъзан эса зиддиятли педагогик ахборот учун кулланилиши нуктаи назаридан жуда хам меъёрий(норматив)дир.

Эндиликда педагогик муаммоларга мое математик аппаратни излаш жараёни кенгайиб бормокда ва бундай аппарат сифатида Л.А.Заденинг тиникмас тўпламлар назарияси [25] ўз татбиқини топиши мумкин: бу иш одатдаги математик методлар билан тадқиқ этиш учун жуда мураккаб, етарлича, тўла таърифланмаган масалаларни қўйиш ва ҳал этиш методологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган. Бунда у классик методларга қарама-қарши қўйилмасдан, балки классик методларни татбик этиш мумкин бўлмаган бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Л.А.Заденинг янги ёндошуви асосида тиникмас тўплам тушунчаси ётади ва ундан педагогик тилнинг субъектив фикр, тушунча ва хусусан, экспертиза баҳоларини моделлаштириш воситаси сифатида фойдаланиш таклиф этилади. Шунингдек, тиниқмаслик назарияси ва техникасини таъминлаб хамда етарлича кенг доирадаги масалаларни ҳал этишга ёндошув имконини беради.

Тиникмас тўпламлар назариясини педагогик жараёнларни ўрганишнинг мазкур босқичида асосий эътиборни педагогик ахборотнинг тиникмаслиги, ноаниқлиги (дудмаллиги) тушунчаларининг фарқига каратиш зарурдир. Бундай атама ва мазмунга оид ажратишни ахборот бирлиги тушунчасини киритиш йўли билан ўтказиш кулай [25].

Ахборот бирлиги ушбу тўртта компонентли кортеждан иборат: объектив; аломат; қиймат; ишонч. Бу ерда аломатга объективнинг киймати мое келади. Ишонч эса ахборот бирлигининг ишончлилик кўрсаткичидир.

Масалан:

1) (ўзлаштириш; ОТМ; 80 %; эҳтимол);

2) (ўзлаштириш; ОТМ; 100 %; эҳтимоллиги 0.5 га тенг);

3) (ўзлаштириш; ОТМ; [75 %,95 %] бўлиши мумкин).

Ахборот бирликларини жадвал шаклида ифодалаш кўргазмали ва кулайдир (1-жадвал):

1-жадвал

| Объект | Аломат | Киймаг | Ишонч |
|---|---|---|---|
| Ўзлаштириш | ОТМ | 80%данки-чик | Эхтимол |
| Ўзлаштириш | ОТМ | 100% | Эхтимоллига0.5гатенг |
| Ўзлаштириш | ОГМ | [75%95%] | Бўлиши мумкин |

Уларга мое фикрлар ушбу кўринишда бўлади:

- "эхтимол, ОТМда ўзлаштириш 80 %дан ортикмас";
- "ОТМда ўзлаштириш 0.5 эхтимоллик билан 100 %";
- "ОТМда ўзлаштириш фоизи [75,95] интервалда ётади".



Бизнинг холда мое равишда иккита категорияга: аниқмаслик ва ноаниклик (дудмаллик) ка муносабатда бўлган "қиймат" ва "ишонч" компоненталари кизикиш уйғотади: Учинчи компонент "қиймат" билан боғлиқ бўлган аникмаслик ахборотнинг мазмунига хосдир, тўртинчи компонент "ишонч" билан боғлиқ бўлган ноаникдик эса ўз навбатида борлиққа мослик маъносида тушуниладиган рост ахборотга хосдир [30].

Шуни энг бошиданок қайд этамизки, агар ахборот бирлигининг учинчи компонента "қиймат" кесма, интервал ва бошқа тўплам (2-мисол) эмас, балки сон бўлса, у ҳолда ахборот бирлиги аниқ (1,3-мисоллар), акс ҳолда эса аниқмас бўлади.

У ёки бу фикрнинг ноаникдигини акс эттириш учун одатда турли квалификатор: эҳтимоллик, ҳақиқатга ўхшаш бўлиши мумкин ва бошкалардан фойдаланилади. Юқорида келтирилган 1-2-3-мисоллар ноаниқ фикрларга мисол бўлади.

Турли квалификаторлардан ноаниқликларни тавсифлашда ҳам фойдаланилиш мумкин. Бироқ психо-педагогик жараён ва ҳодисалардан ахборот дудмал ёйилганлик характерига эга, шу сабабли мазкур холда ахборот бирлигининг учинчи компонента ("киймат")ни "тиникмас" (ёйилган, дудмал, ноаник) квалификатори билан тавсифлаш максадга мувофикдир. Унинг маъноси ўрганилаётган педагогик объектнинг қийматлар тўплами аник чегараларга эга эмаслигидан иборатдир.

Буни куйидаги мисоллар орқали кўрсатамиз.

4) таҳсил олувчининг психограммасини ишлаб чиқишда мотор қобилиятининг ўлчанадиган параметрлари орасида "таъмирлаш (жавоб қайтариш) тезлиги" (т.т) бор. Бизга унинг такрибий киймати маълум бўлсин. Бу далилни ахборот бирлиги шаклида ёзиш мумкин: тенглик;(т.т,а); такрибий Бунга мое фикр "таъмирлаш, тезлиги, такрибан {а га тенг" тиникмас бирликдир, чунки унинг учинчи компонента "такрибий" тиникмас атамаси билан берилган;

5) энди олдинги мисолни бироз ўзгартирамиз ва ахборот бирлигининг учинчи компонента, яъни, "тақрибий" ноаник атамасини "аникдик ва 0 га тенг" атамаси билан алмаштирамиз. У ҳолда ахборот бирлиги ушбу кўринишни олади: тенглик; (т.т,а), аниклик; 1}

Натижада яна аниқмас, бироқ олдинги мисолда фарқли ўлароқ тиник фикр а аникликда "таъмирлаш, тезлиги а"ни ҳосил қиламиз.

Амалда бу ўлчаш натижасида таъмирлаш тезлигининг а га тенг бўлиб чиққанлиги, бироқ ўлчаш а аниқликда бажарилганликни билдиради. Бу икки фикр ноаниқ эмаслигини таъкидлаш муҳимдир, чунки бу ахборот бирликларнинг тўртинчи компонентлари "ишонч" бирга тенг (тўла ишончлилик);

6) Ушбу фикр бир вактда тиниқмас ва ноаниқ фикрга мисол бўлади: эхтимол, ОТМда ўзлаштириш юқори бўлади". Буни ахборот бирлигида ёзсак, У куйидагича бўлади: {ўзлаштириш; ОТМ; юқори; эҳтимол}.

Мазкур мисол психо-педагогик жараёнларни ўрганишда педагогик ахборотнинг статистик ноаниқлиги ва тиниқмаслигини комбинациялаш имкони борлигини тасдиклайди. Шундай килиб, мазкур нуктаи назардан биз табиати

**хборот** бирлигининг учинчи ва тўртинчи компонентлари билан аниқланадиган малда мухим ахборот ҳолатларини фарклашимиз мумкин (2- жадвал), яъни, **1едагогик** ахборот тиникмас, ноаниқ, бир вақтда тиникмас ва ноаниқ ва ҳ.к. Зўлиши мумкин.

2-жадвал

| | Ноаниклик | Тула ишончлилик |
|---|---|---|
| 3-компанент | | |
| Аниқ | 2- мисол | |
| Аникмас | 1,3-мисол | 5-мисол |
| Тиникмас | 6-мисол | 4-мисол |

Пировардида педагогик ахборот мазмунининг тиникмаслиги ва унинг ноаниклигининг ўзаро боғлиқлигини қисқача тахлил этамиз. Айтайлик, 3-мисол аникмас фикрдаги мое "киймат" компоненти [50,100] интервалдан иборат бўлсин. Бирок бу компонентни аниклаштириш амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда ноаниқлик хакидаги саволнинг юзага келиш имкониятини кутиш табиийдир. Шу билан бир вақтда 2-мисолдаги аниқ фикрда бўлгани каби вазият юзага келиши мумкин: "(ОТМда ўзлаштириш 0.5 эҳтимоллик билан 100 %), бунда унинг ноаниклик табиати аник ахборот олишга имкон бера олмайди.

## *12.* Квалиметрик методлар билан хаки кий билимлар микдоринн аниклаш

Таълим мураккаб тизим сифатида Таълим жараёни ижтимоий тизимини тадқиқ этувчи педагогика фани вакилларига тааллукди замонавий ижтимоий тизимлар, масалан, улкан ташкилотлар, соҳалар ва бошқаларни бошкариш жуда мураккабдир. Ахборот айланиши фавкулодда тармоқланган ва тизимлар ичидаги муаммоларни ҳал килиш мураккаблашган. Маълумки, худди шу каби мураккаб тизимлар қаторига таълим тизими хам киради. Бу тизим шуниси билан характерлики, унда кабул қилинадиган бошқарув карорлари, одатда, шахсий фикрлар, интуицияга асосланади ва шунинг учун хам салбий натижаларга-таълим даражасининг пасайишига, ўкитиш жараёнининг турғунликда қолишига олиб келиши мумкин.

Квалиметрик методдарнинг роли. Педагогика фанида квалиметрик методлардан фойдаланишнинг куйидаги бир қанча шаклларини кўрсатиш мумкин: Булар:

а) тажрибани статистик жиҳатдан режалаштириш, кузатиш натижаларини статистик жихатдан қайта ишлаш ва уларга мувофик равишда статистик карорларга келиш [18];

б) тажриба, эксперимент жараёнида катнашувчи ўзгарувчилар **орасидаги** муносабатларни ифодаловчи тенгламани излаш; в)тиниқмас **математика** методларидан фойдаланиш [21];

г) а, б. в бандлар натижаларига асосланган ва ўрганилаётган **жараёнНИ** мукаммаллаштиришга ёрдам берадиган моделларни ишлаб чикиш.

'Гадки котниш репрезентативлиги. Бизнинг ишимизда статистиками^ танланма усули кенг кўлланилади. Танланма репрезентатив **бўлиши** У[4]^ Куйидаги умумий принципга риоя килиш лозим: бутун маълумотлар масс



бир жинсли гурухларга, - ўзига хос хусусиятга эга бўлган қисм массивларига бўлинади. Ҳар бир кием массивида зарурий тадкикотлар амалга оширилади. Натижалар таққосланади, бирлаштирилади ва зарурий хулосалар чиқарилади. Бўлиниш асослари турлича бўлиши керак. Таълим сохасида ижтимоий мулоҳазаларга асосланиш мумкин. Масалан, ОТМларни марказ ва худидлардаги ОТМларига бўлиш керак. Пойтахт ОТМлари алоҳида ўрганилади. Йирик маданий марказлар алохида назорат килинади. Бўлинишнинг шунга ўхшаш мезонларини худидий ОТМлари учун ҳам татбиқ этиш лозим.

Тадкикотимизда биз Мажорантлик (устунлик) принципи деб аталувчи принципни қўлладик. Таълим сифатини тадқиқ килиш йирик ижтимоий марказларда ўтказилди. Мазкур ҳолда таълим сифатининг кўрсаткичлари қолган жойларга нисбатан яхшироқ бўлиб чиқади. Аникланган камчиликлар эса бу жойларда яна ҳам бўртиб туради. Бизнинг статистик тадкикотимиз ўқув жараёнидаги камчиликларни аниқлашга қаратилган экан, тадқиқот учун Тошкент шаҳридаги таълим кўринишларининг танланиши тўлақонли репрезентативдир (яъни мажорантлик маъносида).

Математик аппарат. Тавсифий ва индуктив статистика тадқикотнинг асосий аппарата бўлиб хизмат қилади. Тавсифий статистика маълумотларни тўплаш ва шарҳлаш, индуктив статистика эса олинган натижаларни прогноз қилиш учун хизмат қилади (5-жадвал).

Маълумки, ҳозирги кунда билимларни текшириш учун тест усули кенг қўлланилмокда. Тест натижалари бахоси сифатида т-синовчига берилган п та саволдан тўғри жавоблар сони олинади. m-билим кўрсаткичи сифатида қўлланилади. m ёрдамида тахсил олувчи(абитуриент)ларнинг рейтинг шкаласи тузилади ва бошка тадқикотларни ўтказилади. Аммо жавоб берилган саволлар сони ҳали хакиқий билим сифати хакида тўла ахборот бера олмайди. Кўп холларда синалувчи жавоб бера олиши мумкин бўлган саволлар сонини, яъни хақи кий билим сифатини тавсифловчи саволлар сонини билиш муҳимдир. Бу ерда ҳақиқий билим сифатини баҳолаш имкониятини берувчи модель кўзда тутилади ва унинг кўлланишига мисол келтирилади.

Назарий-эхтимолий ёндошиш. Қўйилган масалани хал қилиш учун назарий-эҳтимолий мулоҳазалардан фойдаланамиз. Билими тест синовларида текшириладиган бутун материал Nга саволда берилган бўлсин. Синалувчига пта савол таклиф этилган ва улардан ттасига тўғри жавоб берилган бўлсин. Синалувчи энг катта эҳтимоллик билан билиши мумкин бўлган саволлар сони М ни баҳолаймиз.

Бу эхтимолий масаланинг ечими қуйидагича N элементдан иборат ва Улардан Мтаси бирор белгига эга бўлган тўпламдан олинган пта элементдан •итасининг юқоридаги белгига эга бўлиш эхтимоллиги Р(т,п)ни топамиз. Бу эхтимоллик

*m г~\ n-m*

(I)га максимум берувчи Мни топамиз. Маълумки, бунинг учун М га нисбатан йидаги системани ечиш лозим:

$$\begin{cases} C_{M-1}^{m}\cdot C_{N-M+1}^{n-m} \le C_{M}^{m}\cdot C_{N-M}^{n-m} \\ C_{M+1}^{m}\cdot C_{N-m-1}^{n-m} \le C_{M}^{m}\cdot C_{N-M}^{n-m} \end{cases} \quad (2)$$

қуйидаги натижага келамиз:

$$\frac{N\cdot m + m}{n} - 1 \le M \le \frac{Nm + m}{n} \qquad (3)$$

Бу эса тест синов натижалари бўйича Nта саволдан синалувчига маълум бўлган Мта заволлар сонининг баҳосидир.

**Ҳақиқий билимнинг ўртача сони.** қуйидаги масалани ҳал қиламиз. Тест синовда Lта иштирокчига Nта савол таклиф этилган. Ҳар бир иштирокчига Nта саволдан nта танланма савол таклиф этилган. Иштирокчи жавоб берган саволлари бўйича қуйидаги тартибда тасдиқланган.

3-жадвал

$m_i$ – Берилган саволларга тўғри жавоблар сони $m_1\ m_2 \ldots\ldots\ m_k$

$n_i$ – Иштирокчилар сони $n_1\ n_2 \ldots\ldots\ n_k$

Қўйилган масала қуйидагилардан иборат: Lта иштирокчининг ҳар бирига маълум бўлган саволларнинг ўртача сонини, яъни тест синовларда қисман, акс этадиган ҳақиқий билимларни аниқлаш.

(3) формуладан, у і иштирокчи учун ёзилган деб ҳисоблаб, фойдаланамиз. У ҳолда ўртача қиймат М юқоридан қуйидагича баҳоланади:

$$\overline{M} = \frac{\sum_{i=1}^{k} Mini}{\sum_{i=1}^{k} ni} \le \frac{N+1}{Ln}\sum_{i=1}^{k} n_i m_i\,;\ L = \sum_{i=1}^{k} n_i \qquad (4)$$

Агар иштирокчи тестда К марта иштирок этган бўлса, (4) формуладан мазкур иштирокчининг ҳақиқий билимини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Мисол тариқасида Тошкент педагогика билим юртига қабул қилинган абитуриентларнинг математика фани бўйича ҳақиқий билимларининг ўртача миқдорини баҳолайлик. Ҳар бир L=100та абитуриентга N=200та саволдан n=40 тадан тасодифий танлаб, таклиф этилган. Саволлар турли англанмаларда турличадир. Жавоб берилган саволлар сони бўйича абитуриентлар қуйидагича тақсимланган.

4–жадвал

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| $m_i$: | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| $n_i$: | 1 | 4 | 4 | 2 | 3 | 9 | 7 | 9 | 4 | 3 | 6 | 4 | 3 | 7 | 3 | 4 | 1 | 2 | 2 | 2 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| $m_i$: | 25 | 26 | 27 | 29 | 30 | 32 | 34 | 35 |
| $n_i$: | 1 | 6 | 4 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 |



$m$ – тўғри жавоблар сони;

$n$ – саволга тўғри жавоб берган абитуриентлар сони.

(4) формулага асосан:

$$\overline{M} \le \frac{201}{100\cdot 40}\sum_{i=1}^{28} n_i m_i = \frac{201}{100\cdot 40}\cdot 1676 \cong 84 \quad (5)$$

Бу ерда $\sum_{i=1}^{28} n_i m_i$ юқоридаги жадвал асосида ҳисобланади.

$$\sum_{i=1}^{28} n_i m_i = 1\cdot 5 + 4\cdot 6 + 4\cdot 7 + \ldots + 2\cdot 35 = 1676 \quad (5.1)$$

Демак, 100та абитуриентнинг ҳар бирига 200та саволдан 84таси маълум бўлган.

Тест натижалари жадвалидан ва (3) формуладан фойдаланиб бир қанча муҳим хулосаларга келиш мумкин.

$m_1$ = 5та саволга жавоб берган (энг кам жавоблар сони, жадвалда) абитуриентлар энг катта эхтимоллик билан 200та саволдан 25тасини биладилар, яъни:

$$M = \frac{200\cdot 5 + 5}{40} \cong 25 \quad (6)$$

(6)та саволга жавоб берган (энг кўп тўғри жавоблар сони, улар 2тадир, жадвалдан) абитуриентлар энг катта эхтимоллик билан 200та саволдан 175та саволни биладилар яъни:

$$M = \frac{200\cdot 35 + 35}{40} \cong 175 \quad (7)$$

(7)та саволга жавоб берган (энг кўп тўғри жавоб берган абитуриентлар сони, улар 9та, М-жавоблар сонининг модаси) абитуриентлар энг катта эхтимоллик билан 200та саволдан 60та саволни билдилар, яъни:

$$M = \frac{200\cdot 12 + 12}{40} \cong 60 \quad (8)$$

Жавоб берилган саволларнинг ўртача сони қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\overline{m} = \frac{\sum_{i=28}^{28} n_i m_i}{\sum_{i=1}^{28} n_i} = \frac{1676}{100} = 16.76 \cong 17 \quad (9)$$

Ўртача сондаги саволларга жавоб берган абитуриентлар 200та саволдан 84тасини биладилар, бу (4) ва (5) муносабатларга тўғри келади.

Хулоса. Юқоридаги таҳлилдан кўринадики, умум ўртаталим мактаб таҳсил олувчиларининг билим даражалари паст.

Шунингдек:

1. Тест синовлари Республикада ўрта махсус, касб-хунар ва умумўрта мактаб таълими кида маълум хулосалар чикариш мумкин бўлган объектив материални берди.

2. Республика ўрта махсус, касб-хунар ва ўрта таълим мактаблари тахеил олувчи-игарининг тайёргарликлари паст даражадаки, бу умиий маданий савияга салбий таъсир ади.

Таҳсил олувчиларнинг физика, геофафия, химия буйича тайёргарликлари бўш анлиги кўрсатидди. Тахеил олувчиларнинг математика бўйича хам тайёргарлик ражасипаст.

3. Тадкиқот математиканинг шундай мавзуларини ашгкдадики, Республикамизда изика, математика ўкитилиши жараёнида алохида эътибор каратилиши лозим.

## 73. Педагогик технологияларнинг самарадорлик мезонлари

Педагогик технологияларни баҳолашнинг тавсия этилаётган мезонлари изими таълимдаги микдорий кўрсаткичлар билан биргаликда сифат ўрсаткичларини хам бахолаб беради.

Мазкур тизимнинг аҳамияти унда нафакат натижалаш босқичида, балки ойиҳалаш босқичида ҳам аниқ олинган педагогик технологияларни муфассал авсифлаш имконини берувчи мезонларнинг бир неча гурухдари мавжудлиги план белгиланади.

**I. Янги технологияларни лойихалаш боскичида бахолаш мезонлари.**

Биринчи мезон - жараённи ўзаро ички боғлиқликка эга бўлган боскичлар, даврлар ва операцияларга ажратиб олиш.

Иккинчи - алгоритмик мезоннинг асосий функциялари технология аркибига кирувчи операцияларнинг бажарилишини бахолаш хамда >елгиланган натижага эришиш ишончлигини таъминлашдан иборат.

Алгоритмлилик мезони ўзида куйидаги асосий кўрсаткичларни лужассамлаштиради:

- технология таркибига кирувчи операцияларнинг бажарилишидаги шиқлик ва қатъийлик:
- функционал тўлақонлилик мезони.

Субъект харакатларида технологияда белгиланган кўрсаткичлардан огиш даражаси қанчалик юқори бўлса, бутун лойиҳаланган жараённинг бузилиши ва кўзланган натижага эриша олмаслик эхтимоли шу даражада ортиб боради. Шунингдек, операциянинг бузилиши техналогик тизимнинг бутун кетма-кетлигига ўз таъсирини кўрсатади ва олдиндан башорат килиб бўлмайдиган окибатларни келтириб чиқаради.

Д>ункционал тулаконлилик мезони ўкитиш технологиясини, ўқитиш жараёни барча функцияларини мажмуавий ҳолатда амалга ошириш имкониятлари нуқтаи назаридан бахолаш имконини беради.

Технологик кетма-кетлилик мезони - технологик жараённинг муваффакиятли амалга ошувини таъминловчи куйидаги талабларни баҳолаш имконини беради:

- технологик жараён таркибига кирувчи операциялар мажмуаси ва кетма-кетлиги ушбу жараённинг амалга ошириш учун зарур шароитларнинг аниқлаб берилиши;



- хар бир операцияни амалга ошириш тескари алоқа учун имкон яратувчи ҳаракатлар воситасида бажарилмоги лозим.

Жараёнларнинг объектив амалга ошишида ўқитувчининг бевосита иштироки учун ҳамма вакт имконият мавжуд бўлади. У ҳаракатларнинг бажарилиш тезлигига, самарадорлигига ва максадга мувофикдигига мое холда операцияларни бажаришнинг маромини ёки тартибини ўзгартириши мумкин.

Лойихалаш боскичидаги баҳолаш мезони уз ичига таълим жараёнини хам камраб олади. Унинг асосий вазифаси уг<итишнинг лойихаланган технологиясини унда мужассам-лаштирилган амаддаги ўкитиш жараёнларини амалга оширишни назорат килиш ва рост-лаш нуктаи назаридан баҳолаш хисобланади.

Ушбу мезон куйидаги энг ахамиятли кўрсаткичларни ўз ичига олади:

-ўзлаштириш кўрсаткичи бирлигини (укитувчи модулни) танлаш:

- амадда бажариладиган опфацияларни эталон (идеал модул) билан киёслаш;

—коррекция усули курсаткичини танлаш усули;

- максадга эришганлик даражаси кўрсаткичи.

**2-Янги технологияларнинг қўлланилиш боскичи ни бахолаш мезонлари.**

Уқитиш мазмуни куйидаги сифат ва микдор кўрсаткичлари билан тавсифланувчи таълим мазмунини баҳолашнинг хусусий мезони воситасида баҳоланиши мумкин.

Сифат кўрсаткичларига куйидагилар киради:

- ўқитишда таълим, тарбия вазифалари ва уларни ривожлантириш мазмунини акс эттиришнинг бир бутунлиги;
- ўқитиш мазмунида фан, техника ва ишлаб чикариш замонавий тараққиёт даражасининг акс эттирилиши;
- эмпирик ва назарий, образли ва тушунчали, конкрет ва абстракт холатларнинг гносеологик жиҳатдан тўғри нисбатда олиниши.

Ушбу кўрсаткичлар самарадорлик курсаткичини аникдаш ва унинг сифат жиҳатидан таҳлилини амалга ошириш имконини беради. Шу билан биргаликда микдор кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш лозим, у тадкиқ этилаётган жараён моҳиятини акс эттирмаса-да, педагогик фаолиятни яхшилашга ёрдам беради.

Бундай кўрсаткичларга куйидагилар киради:

- ўқув материалининг ахборот микдори. У дастурда белгиланган мазмун элементларининг ўқитувчи томонидан бериладиган ахборотга нисбатан сифатида белгиланади;
- ўкув материалининг ўзлаштирганлик даражаси у вакт бирлигида таҳсил олувчи томонидан узатилган ахборотга нисбатан сифати аникланади.

Укув материалини ўзлаштириш бирлиги шартли кабул қилинади. Бунда формулалар, қоидалар ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

Укитиш жараёнида қўлланиладиган методлар самарадорлигини баҳолашда хусусий мезондан фойдаланиш мумкин:

- услублар мақсадининг ўқув материали мазмунига мувофиқлиги;
- услубларни танлашнинг перецептив, гностик, мантиқий, назорат-баҳолаш, мотивацион ва бошка укитувчи томонидан таҳсил олувчилар шахеий хусусиятларининг, улар назарий ва амалий тайёргарлигининг, шунингдек, Шахеий имкониятларининг эътиборга олинганлик даражаси аникланади:

- қўлланиладиган услубларнинг мавжуд моддий-техник база ва ажратилган қитиш вактига мувофиклиги.

Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган дидактик воситаларнинг амарадорлиги куйидаги сифат кўрсаткичлари бўйича белгиланади:

- кўрсатмалилик хамда таълимнинг эришувчанлиги;
- дидактик вазифаларга, ўкитиш услублари ва мазмунига функционал лувофиклик;
- қўлланилишнинг мажмуавийлиги;
- кўлланилиш универсаллиги ва таълим воситаларини ишлатиш кулайлиги.

Таълим воситалари самарадорлигини микдор кўрсаткичлари воситасида эаҳолашда улар кўлланиладиган дидактик восита туридан келиб чиқиб ганланади.

Ўқув жараёнини самарали ташкил килишнинг хусусий мезонини очиб берувчи сифат кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

- таълимни ташкил қилиш шаклларининг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг кабул килинган даврларига мослиги (психология ва мантиқий аспект);
- таълим шаклларининг ўзаро алмашувчанлиги ва хилма-хиллиги, улар турларининг вариативлиги;
- тахсил олувчилар жамоа ва индивидуал фаолият шаклларининг энг макбул нисбатини таъминлаш.

Бунда микдорий кўрсаткичлар сифатида куйидагилар кабул қилинади:

- қўйилган масалани хал қилиш учун белгиланган ва сарфланган вакт;
- ўқув жараёнининг амалга оширилиш мароми;
- таҳсил олувчилар мустақил фаолиятини ташкил килишда ўкитувчининг ёрдам бериш даражаси.

**3.Таълим натижалари самарадорлигини бахолаш мезонлари.**

Тахсил олувчилар билимларининг сифат кўрсаткичларини бахолаш куйидагилар асосида амалга оширилади:

- билимларнинг чуқурлиги, у эгаллаган билимнинг унга яқин билим сохалари билан англанган аҳамиятли алокалар оркали тавсифланади;
- билимларнинг кўлланувчанлиги, тахсил олувчининг ўзлаштирган билимларини алоқадор соҳаларда кўллай олишга тайёрлиги ва бу борадаги кўникмаларни ифодалайди;
- тизимлилик, тахсил олувчилар онгидан билимлар мажмуи сифатида тавсифланади ва унинг тузилмаси илмий билимлар тузилмасига мувофик равишда қаралади;
- билимларнинг англанганлиги, улар ўртасидаги алоқаларда, билимларни олиш йўллари ва уларни исботлай олишда намоён бўлади.

Узлаштириш даражаларига боғлиқ равишда билимлар чуқурлигининг ўзгаришини ўкитиш натижалари самарадорлигини баҳолашга мисол сифатида кўрсатиб берамиз.

I даража (билиш) - тахсил олувчи объект ёки жараённинг таШКН характеристикаси билан юзаки таниш эканлигини намойиш килиб, берилган объект ёки харакатни бошқалардан фаркдаш билан чегараланади.



П даража (махсулсиз) - таҳсил олувчи қатор белгилар асосида маълум объектни фарклаш билан биргаликда унга таъриф бера олади ва ўкув материалини тушунтириб беради.

Ш даража (махсулли фаолият) - тахсил олувчи ўрганилаётган ходисалар алоқадорлигини билиш ҳамда объектни тавсифлай олиш кўникмасига эга бўлиши билан биргаликда, қўйилган масалаларни сабаб-оқибат алоқадорлигини очиб берган ҳолда еча олади, ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боглай олади.

ГУ даража (трансформация) - таҳсил олувчи ижодий масалаларни ҳал қилиш мобайнида тегишли билимларни қўллаш доирасини максадга мувофиқ танлаб, ечимни топишга хизмат қилувчи янги усул ва йуналишларни топа олади.

Ҳар бир сифат кўрсаткичига кўра, ўзлаштирилган билимлар самарадорлиги даражалари бўйича юкоридаги тартиб асосида аникланади.

Бундан ташкари, куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда хар бир даража бўйича ўзлаштирилган билимларнинг микдорий баҳосини бериш мумкин:

- ўзлаштирилган билимлар ҳажми;
- ўкув материалини ўзлаштириш тезлиги;
- узлаштириш пухталиги;
- узлаштириш аниклиги ва ҳ.к.

Ишлаб чикаришда таълимнинг интеграл мезон асосида берилган таълим шакли натижалари самарадорлигини бахолашни таъминловчи махсус кўрсаткичлари мавжуд.

Интеграл мезон иккита хусусий мезонлар асосида ташкил топади:

1) харакат йўналтирувчи асоснинг шаклланганлик даражаси мезони;
2) кўникма ва малакалар шаклланганлик даражаси мезони;

Харакатни йуналтирувчи асоснинг шаклланганлик даражасини белгиловчи мезон сифатида тахсил олувчилар томонидан тузилган ўкув-йўриқнома каргаси хизмат килиши мумкин. У бир томондан харакатни йуналтирувчи асосини узлаштириш жараёнини ташкил этувчи восита сифатида, иккинчи томондан фаолият мазмунининг меъёрий асоси, уни амалга оширишнинг эталони сифатида хизмат килади. Кайд этилганлар асосида куйидагалар биринчи мезоннинг кўрсаткичлари саналади:

-тахсил олувчи томонидан тўдоирилганлиги;
- карталарни мустакил тўлдирганлиги;
- карта [арии тўлдиришнинг тўғрилиги.

Ахборотнинг тўликлигига картлардд олиниши талаб этиладиган натижа учун ахамиятли бўлган барча предмет шароитлари ва тавсифларини киритиш йўли билан эришилади.

Карталарнинг мустақил тўддирилиш даражаси вазифани бажарищда ишлаб чикариш Устасининг тахсил олувчига берган ёрдам даражасидан келиб чикиб белгиланади.

Иккинчи мезон - куникма ва малакалар шаклланганлик даражасини бахолаш учун хизмат килади. Бунда юкорида кайд этилган омиллардан ташкари кўрсаткичларнинг инвариант тўпламини куйидаги тартибда келтириш мумкин:

а) сифат кўрсаткичлар:,

-бажариладиган харакатларнингтўғршмги;

- иш ўрнини ва мехнатни тугри ташкиллаштириш;

- ишни мустакил бажариш;
- хавфсизлик техникаси хамда хавфсизлик коидаларига риоя килиниши;
- вазифаларни бажаришда назарий билимларни кўллай олиш;
- новаторлар илгор иш услубларини кўллай олиши;
- ишлаб чикариладиган кулай кетма-кетликда амалга ошириш;

б) микдор кўрсаткичлари:

- ишни бажариш аниклиги (нормативдан оғиш киймати);
- вазифани бажаришга ажратилган вакт;
- ищда йўл кўйилган брак махсулот нисбати (вазифани бажаришда йўл кўйилган хатоларсони);
- хом ашё сарфи меьёрига амал килиш;
- технологик жараёнларни бажариш учун жихрз ва асбоб-ускуналарнинг кулай руихагини ишлаб чикиш.

Умуман олганда, келтирилган барча кўрсаткичларни хисобга олган холда таълим натижаларини тест назорати ёки компонентли тахлил методлари воситасида бахолаш мумкин,

Ушбу назорат методларнинг хусусияти ҳам назарий, хам ишлаб чикариш таълими турларига нисбатан бирдек самарали кулланилиши билан белгиланади. Фарки эса биринчи холатда бахолашнинг интеграл мезони сифатида ўкув материалининг ўзлаштирилганлик мезони, иккинчи ҳолатда эса-мос равишда махсус мезонлар асосида таъминланувчи касбий кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги мезони амал килиш билан белгиланади.



## Фойдаланилган адабиётлар


1. Узбекистан Республикасининг Конституцияси. - Т.: Узбекистан , 1992.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч,-Т.: "Маънавият", 2008.
3. Каримов И.А. "Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир". Узбекистан Республикаси Президента Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.
4. Узбекистан Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" /Баркамол авлод - Узбекистан тараққиетининг пойдевори. -Т."Узбекистан. 1997.
5. Узбекистан Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунт (1997 йил 29 августда қабул қилинган) /. Баркамол авлод -Узбекистан тараққиётининг пойдевори. -Т.::Ўзбекистон. 1997.
6. "Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар".-Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 2000.
7. Азизхўжаева Н.Н.Педагогик технология ва педагогик махорат. -Т.: ТДПУ, 2003.
8. Алихонов С. Математика ўқитиш методикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1992 .
9. Ананьев В.Б. Избранные психологические труды. - М.: Педагогика, 1980. -288 с.Аваносов В.С. Тесты в социалогическая исследовании. М.,1982.
10. Ахлиддинов Р.Ш. Таълимни бошқариш методлари.-Ж.:Халқ таълими, 6-сон, 2001.16-22-6.
11. Бабанский Ю.К. Оптимизация процесса обучения. -М.Ледагогика, 1977.
12. Беспалько В.П. О возможностях системного подхода в педагогике. -Сов. педгогика, 1990, №7, с.59-60.
13. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии.-М.: Педагогика, 1989.
14. Битикас Б.П. Многолирный анализ в педагогике и педагогической психологии. Вильнюс, 1971.
15. Гмурман В.Е. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. -Т.: Укитувчи, 1977.
16. Грабарь М.И., Краснянская К.А. Применение математической статистики в педагогических исследованиях. Непараметрические методы.-М.: Педагогика, 1977.
17. Грейсон Дж.К.мл.,0, Делл К. Американский менеджмент на пороге XXI века. -М., 1991.
18. Гласе ДЖ, Стэнли ДЖ. Статистические методы в педагогика и "сихологии. -М.:Прогресс, 1976.-495 с.
19. Голиш Л. Замонавий таълим технологиялари. -Ж.: Халк таълими, 3-^Н, 2000.- 24-31-6.
20. Давлетшин М.Г. Психология технических способностей щкольнков.-Т.: Фан, 1971.

21.Даданов З.С., Маневич Д.В., Салахутдинов Р.З. Лекции по началам а математической статистики и теории нечетких множеств, -Т.:Ўқитувчи, 1992.

22. Данилевский Ю.Г., Петухов И.А., Шибанов В.С. Информационные технологии в промышленности. - Л., 1988.

23. Данилов М.А., Загвязинский В.И. Педагогическое предвидение. -М.:3нание, 1987.

24. Жўраев Р., Саматов /., Қаршибоев Ҳ. Замонавий информацион ва педагогик технологиялар асосида табиий фанларни ўқитиш. -Ж.: Халк таълими, 1-сон, 2002 й.

25. Заде Л.А. Линчвектические переменные. - М., 1976.

26. Зиёмухаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т.: "TURON-IQBOL", 2006.

27. Икрамов Д.Ж. Математическая культура школьника: Методические аспекты проблемы развития мышления и языка школьников при обучений математике. - Т.:Ўкитувчи, 1982.

28. Исамитдинов С. "Таълим ва иновацион усуллар". Услубий тавсиянома. Т.: РТМ. 2005.

29. Ительсон Л.Б. Математические и кибернетические методы в педагогике. -М.,1964.

30. Иўлдошев Ж. Ғ., Усманов С.А. Педагогик технология асослари. Қўлланма. -Т.: Укитувчи. 2004.

31. Кан-Каликми В.А. Учителю о педагогическом общении. -М.:Просвеыение, 1987.

32. Калягин Ю.М. О концепции информатизации общества // Информатизация общественного производства. Между нар.конф.:Тез.докл. -М-, 1989. -С.34-41.

33. Кюн Ю. Описательная и индуктивная статистика (Перевод с немецкого В.С.Дуженко). - М.:Финансы и статистика, 1981.

34. Лебедев В.И. Психология и управление. - М.,1990.

35. Лернер Я.И. Качества знаний учащихся, какими они должны быть? - М.: Знание, 1978.

36. Монахов В.М. Технологическая карта - паспорт проектируемого учебного процесса. - Новокузнецк: ИПК. 1996.

37. Махмутов М.И. Современный урок. - М.: Педагогика, 1985

38. Мишин В.И. Лекции по методике преподавания математики. -М-- МГПИ.- 1978.-75 с.

39. Мусаев У. Таълим жараёнини эркинлаштириш принциплари. -Ж.:ХаЯК таълими, 2002 й., 4-сон, 4-11-6.

40. Мухадденов М. //В кн.: Математика ва уни ўқитиш методикаси Масъул мухар. М.Тожиев, М.Раемов. -Т.: 1995.

41. Нишоналиев У. Менеджерни шакллантириш педагоги* технологиялари. //К.:м. Солик органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг ил»,., асослари.-Т.:ЎзР ДСКСА, 2003.



42. Олий педагогика ўкув юртларининг ўкув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг илмий асослари // Республика илмий-методик конф. Материаллари. - Т.: ТДПУ. 2000.

43. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. -Карши. Насаф, 2000.

44. Пардаев М.Қ. Иктисодиётга оид фанларни янги педагогик технология методларини қўллаб ўқитиш /Услубий кўрсатма. -Самарканд, 2007.

45. Педагогик энцеклопедия. 1965.

46. Педагогика / Акад. С.Р.Ражабовнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Укитувчи. 1981.

47. Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуклар ва истиқболлари // Республика илмий-амалий конф. Мат. - Т.: ЗзПФИТИ. 2003.

48. Папышев А. Математическая задача-основа проблемного обучения. -Ж.: Халқ таълими, 2002 й., 6-сон, 120-122-6.

49. Педагогик технологиялар. Раҳмонова Ё.Р., Раззоқов Д.Н., Махамаджонова М.Ш. Ўкув қўлланма, Т.: ТТА, 2007.

50. Пўлатов И.П., Исамитдинов С.С., Одилов С.А. Таълимда инновация. - Т.: ФАН, 2007.

51. Психология / Кисқа изоҳли лугат. -Т.: Низомий номидаги ТДПУ. 1998.

52. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар(назария ва амалиёт). - Т.: Молия нашриёти. 2003.

53. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические Технологии. Санкт Петербург, 1996-99с.

54. Сираждинов С.Х.Итоги исследований в области теории. Вероятностей и математической статистики в Узбекистане за 50 лет, АН УзССР, сер.физ-мат. 5,1967.

55.Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика инновационная Деятельность. -М., 1998 г.

56. Тожиев М., Салахутдинов Р., Баракаев М., Абдалова С. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. Т., ЎзПФИТИ 2001,-148 б.

57. Толипов Ў.Қ, Усманбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. -Т.: «Фан», 2006.

58. Турсунов И.Й. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида Урта умумтаълим жараёни ўкув-методик мажмуалари мазмунини янгилашнинг муаммо ва истиқболлари. // "Узлуксиз таълим жараёнини ўкув-методик мажмуалар билан...,Т.:ЎПФИТИ, 2001.

59. Тўлабоев Қ. Ретинг тизимида дарс ўтиш технологияси. Методик Қўлланма/ проф. Ж. Икрамов тахрири остида, Т.:2000,62 б.

60. Хашимов К.Х. ва бошқалар. Узбек педагогикаси антологияси.- Тошкент: Ўқитувчи,1995.-481 с.

61. Шаталов В.Ф. Эксперимент продолжается. М.:11едагогика, 1989.

62. Қурбонов Ш. Кадрлар тайёрлаш ва миллий истиклол ғояси. Ж.: Халқ таълими, 1-сон, 2001. 4-13 б.

**Шартли белгилар:**

1. Педагогик технология - ПТ
2. Укув элемента - УЭ
3. Ҳаракатни йўналтириш асослари - ҲЙА
4. Ахборот технологиялари - АТ
5. Давлат Таълим стандарта - ДТС
6. Маълумотларни автоматлаштирилган ишлаб чиқиш - МАИЧ
7. Хизматлари интеграцияланган рақамли тармоқ - ХИРТ
8. Ўқитишнинг янги ахборот технологияси — ЎЯАТ
9. Укитишнинг компьютер технологиялари — УКТ
10. Интеллектуал автоматлаштирилган укитувчи тизимлари - ИАУС
11. Эксперт-ўқитувчи тизими - ЭЎТ
12. Маълумотлар базасини бошкариш тизим - МББТ
13. Сунъий интеллект - СИ
14. Қарор қабул килувчи шахе - (ҚҚҚШ)



**Таклиф ва тавсиялар**